

Ш. Наралиева, Б. Турдикулов,
Н. Корганбаева, Ш. Алиакбарова

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Умумтаълим мактабларининг
7-синфи учун дарслик

*Қозогистон Республикаси Таълим ва
фан министрлиги тасдиқлаган*

7

ш
Алматы
«Жазушы»
2017

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Узб-922
Н 34

Шартли белгилар:

	назарий маълумотлар
	савол ва топшириқлар
	топшириқлар
	видеолавҳани томоша қилинг
	матнолди топшириқлари
	якка тартибда ишлаш
	жуфтликда ишлаш
	гурухда ишлаш

Нарагиева Ш. ва бошқ.

Н 34 Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун дарсларик./ Ш.Нарагиева, Б.Турдикулов, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова.- Алматы: Жазушы, 2017. – 224 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-574-5

УДК 373.167.1

ББК 83.3 Узб-922

© Ш.Нарагиева, Б.Турдикулов,
Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова, 2017

© «Жазушы» баспасы, 2017

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.

Нашрнинг мулкий ҳуқуқлари

«Жазушы» нашриётига тегишли.

ISBN 978-601-200-574-5

Бадий сўз қудрати

Сўз дунёдаги барча нарсаларнинг асосидир. Шу сўз кучи билан бутун олам ва ундаги жамики нарсалар яратилади. Сўз бўлмаганда, олам ҳам бўлмас эди. Сўз ана шундай чексиз қудратга эга. Ҳар қандай инсоннинг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган бадий адабиёт ана шундай илоҳий қудратга эга сўз билан иш қўрадиган санъат туридир. Шунинг учун ҳам бадий адабиёт – сўз санъати деб ҳам юритилади. Бадий адабиёт санъатнинг мураккаб ва серқирра туридир. Инсондаги исмсиз туйғулар, нозик кечинмалар, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, қўл билан ушлаб, тил билан тотиб, бурун билан ҳидлаб бўлмайдиган ҳолатларни ҳам сўз ёрдамида ифода этиш мумкин.

Бадий адабиётда акс эттирилган ҳаёт серқирралигидан ташқари ўқиган кишига қаттиқ таъсир кўрсата олиш хусусиятига ҳам эга бўлади. Ўзингизга жуда қаттиқ таъсир қилган бадий асарни ўқиган ҳолатингизни бир эслаб кўринг. Асада тасвирланган образларнинг ҳам, бу қаҳрамонлар кечирган туйғуларнинг ҳам сизга тўғридан-тўғри дахли йўқлигини яхши биласиз. Асадаги воқеалар ҳозир рўй бермаётганлиги ҳам ўзингизга маълум. Бунинг устига, уларнинг сизга сира алоқаси йўқ. Лекин сиз асадан бош кўтара олмайсиз. Уларнинг туйғулари, кечинмалари ўзингизни кига айланиб кетади. Китоб қаҳрамонларига қўшилиб қувонасиз ёки куюнасиз. Баъзан ҳатто йиғлайсиз ҳам. Нега шундай? Санъат асарлари таъсирчанлигига сабаб нима экан?

Баъзилар бадий асарларнинг таъсирчанлигига сабаб сифатида уларда қизиқарли воқеаларнинг тасвирланганлигини кўрсатади. Ҳолбуки, воқеаларнинг қизиқарли тасвири асарнинг бадийлигини таъминлай олмайди. Ахир сизларнинг ҳар бирингизнинг бошингиздан қанча-қанча қизиқ воқеалар, саргузаштлар ўтмаган. Лекин уларни қоғозга туширсангиз, бадий асар пайдо бўлавермайди-ку? Эътибор қилган бўлсангиз, Сиз ўқиган кўпгина шеърларда умуман ҳеч қандай воқеа тасвирланмайди. Бадий адабиётнинг асосий белгиси унинг информавийлиги ва образлилигидадир. Адабий асарларнинг одамга бу қадар чуқур таъсир этиши боиси ҳам унинг образли эканидир.

Агар шундай бўлса, образлиликни қандай тушуниш лозим ёки бадий образ ўзи нима деган савол туғилиши мумкин. Юқорида айтилган мулоҳазаларга асосланадиган бўлсак, қисқагина қилиб: ижодкорнинг

фикр, туйғу, ҳиссиёт ва кечинмалари сингдирилган ҳәётій манзара тасвирини бадиий образ дейиш мүмкін.

Бадиий адабиёт ніхоятда қадимий санъат туридир. Инсоният пайдо бўлгандан буён бадиий асарлар яратилиб келинмоқда, деб бемалол айтиш мүмкін.

Инсоннинг ҳәётига ёзув кириб келгунга ва кенг ёйилгунга қадар бадиий асарлар оғзаки тарзда яратилган ва истеъодли кишилар туфайли оғиздан-оғизга ўтиб келган. Ёзув пайдо бўлгач ва саводли кишилар бирмунча кўпайгач эса, бадиий асарлар ёзила бошлаган ва бу билан инсониятнинг йўқолмас мулкига айланган. Қай тарзда яратилганлиги ва кишилик хотирасида қайси шаклда сақланиб қолганлигига кўра бадиий адабиётни икки турга ажратишади: оғзаки ва ёзма адабиёт. Оғзаки адабиётнинг қадимийлиги, ёзма адабиётнинг эса ундан кейинроқ пайдо бўлганлиги айтилганлардан сизга англашилиб турган бўлиши керак. Оғзаки адабиёт ёки халқ оғзаки ижоди намуналарининг дастлаб ким томонидан яратилганлиги маълум бўлмайди. Бу хилдаги асарлар аждодлардан авлодларга, оғиздан-оғизга ўтиб етиб келади.

Бизнинг она юртимиз Туркистоннинг Россия босқинчилари томонидан истило этилиши, ўзларини оламдаги энг адолатли тузум ўрнатувчилар тарзида кўрсатган большевиклар халқимизни қанчалар қирганлиги, Ватанимизни нечоғлик оёқ ости әтганлиги тўғрисида тарихчи олим шундай ёзади: «Бутун Туркистон ўлкасида 1918 йилдан 1930 йилларгача давом әтган миллий озодлик кураши жараёнида ҳалок бўлганларнинг сонини ҳеч ким билмайди. Тахминий ҳисобкитоб қилишларича, фақат Туркистон ўлкасида ҳалок бўлганлар сони 800000 дан ортиқ. ...Кўплаб оиласлар ўз уй-жойларини ташлаб, ...бошқа ўлкаларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар. Ўнлаб қишлоқлар бўшаб, қузгуналар ўлкасига айланган, далаларни ўт-ўлан босиб, экин экилмай қолган¹».

Худди шу ҳодиса кўплаб туркистонлик ватанпарвар адилар томонидан турли жанрлардаги асарларда зўр қайғу-алам билан акс эттирилган. Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеъридан олинган қўйидаги парчага қулоқ тутайлик:

Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилгон,
Устларида на пода бор, на йилқи.
Подачилар қайси дорга осилғон?
От кишнаши, қўй маъраши ўрнига
Оҳ, йиги. Бу нега?

Чўлпоннинг шеъри ҳам руслар босқини, большевиклар қирғини, шўро мустамлакачилари томонидан ўлкамизнинг вайронага, ўликхонага

¹ Юракдаги Бухоро (тўплам). – Т.: «Шарқ», 1998. 55-бет.

айлантирилгани ҳақида. Лекин бунда биронта рақам, биронта исм, насаб, ном келтирилмайды. Вайрон қилинган шаҳарлар, әгасиз қишлоқлар саналмайды. Шундай бўлса ҳам ўқувчининг қалбида босқинчига нафрат уйғонади, у миллатимиз бошига кўп балолар келтирган ёвузлардан нафратланади, ўтмишга бепарво қарамайдиган бўлади. Аслида тарихчи олим ҳам рақамларни лоқайдлик билан келтирган эмас. Унинг қалбида нафрат тугён урганлиги аён. Холис тасвир ўқувчининг онгига таъсир кўрсатса ҳам, туйғуларини жунбушга келтирадиган даражада безовта қилмайди.

Ижодкор яратган асл бадиий манзарада доимо фикр билан биргаликда туйғу, ҳиссиёт ҳам бўлади. Шундай қилиб, бадиий адабиётнинг илмий адабиётдан асосий ҳал қилувчи фарқи унинг образлилигидадир. Бадиий адабиёт образли бўлганлиги учун ҳам одамга кучли таъсир этади. Юқоридаги мисоллардан келиб чиқадиган бўлсак, ижодкорнинг фикр, туйғу, ҳиссиёт ва кечинмалари сингдирилган тасвирни бадиий тимсол ёки образ дейиш мумкин. Ушбу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, ижодкор яратган асари орқали фикр айтиш билангина кифояланмай, ўз туйғу ва ҳиссиётини ҳам акс эттиради.

Оламдаги кўплаб санъат турлари ҳаётнинг, инсоннинг муайян бир ҳолатинигина акс эттира оладилар. Адабиёт эса санъатнинг шундай турики, унда образнинг ҳозирги ҳолати қандай акс эттирилса, ўтмиши ҳам, келажаги ҳам шундай тасвирланиши мумкин.



Савол ва топшириқлар.

1. Сўз қудрати ҳақида ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилинг. “Ассоциация” стратегиясини қўлланг.
2. Нима учун бадиий адабиёт сўз санъати дейилади?
3. Бадиий адабиётнинг илмий адабиётдан фарқли жиҳатларини далиллар орқали исботлаб, фикр-мулоҳазаларингизни жуфтликда асосланг.
4. “Т-жадвали” стратегиясини қўлланг.

Адабиёт

Бадиий адабиёт	Илмий адабиёт



5. Бадиий образ (тимсол) нима? Мисоллар билан тушунтиринг.



6. Бадиий адабиётни нима мақсадда ўқийсиз?

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН



Матнолди топширик. Достондан берилган парчанинг 6-13-саҳифаларини “Жигсо” стратегияси орқали ўзлаштиринг.

РАВШАН

(Достондан парча)

Қадим ўтган замонда, эли-юрти омонда, Бухородай туманда¹, Така-Ёвмит деганда, Ёвмит элида, Чамбилинг белида Гўрўғлибек даврини суриб, душманнинг додини бериб ўтди.

Қирқ йигитни йиғдириб, силовсингтўн кийдириб, кунига кечкисин² сергўшт қилиб, сермой паловга тўйдириб, семиз қўйдан сўйдириб, кўпкарисин чоптириб, оломонга ола сарпо ёптириб, элу халқнинг кўнглини топтириб, Юнус билан Мисқол парини Кўхи қофдан, Эрам боғидан келтириб, умр ўтказар эди.

Гўрўғлибекнинг фарзанди бўлмади. Ҳасанхонни Янгандан, Авазхонни Хунхордан олиб келиб, икковини улим деб, искасан³ гулим деб, жону дилим деб, тобутимнинг чегаси, элу юртимнинг эгаси, ўлсам, меросхўрим деб, иккови билан кўнглини хуш қилиб, шуларга бино қўйиб, «болам-бўтам» деб парвариш қиласар эди. Авазхонни Оға Юнус пари «ўғлим» деб ёқасидан солиб, этагидан олиб эди, Ҳасанхонни Мисқол пари ёқасидан солиб, этагидан олиб эди. Парилар икковига бино қўйиб, болам деб суйиб, ҳар қайсиси ўз уйларида парвариш қилиб тарбият қиласар эди.

Икковини катта қилди. Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йигитлар бўлди. Гўрўғлибекнинг ҳам ўғилларидан кўнгли тўлди. Ҳасанхон Арзумдан хон Даљини олиб қочиб, қирқ кун шоҳона тўйлар бериб, ўз расмусмлари билан олди. Авазхонга Гулқиз деган бир барно сулувни олиб бериб, уйини тушириб бериб, даврини суриб юраверди.

Ҳасанхонга хон Даљидан бир ўғил пайдо бўлди. Гўрўғлибек тўйлар қилиб, отини Равшанбек қўйди.

Авазхон бир-икки йилдан сўнг қизли бўлди. Гўрўғлибек қувониб,

¹ Туман – туманда, қўйида.

² Кечкисин – кечқурун, кечга томон.

³ Искамоқ – ҳидламоқ.



суюниб, мунга ҳам тўйлар қилиб, отини Гуланор қўйди. Энагалар парвариш қилиб боқиб, бачаларни¹ тарбия қилиб катта қилди. Бачалар бирдан иккига кирди, ота-эна дегудай бўлди, ошу нон берса, егудай бўлди, у ёқ-бу ёқса бориб кегудай бўлди. Иккidan учга, тўртга кирди, икковини бир мактабга берди. Иккови ҳам ўқиб мулла бўлди.

Кунлардан бир кун Гўрўғлибек парилар билан ўтириб эди. Равшанбек айни ўн беш-ён олти ёшида, зарли қалпоқ² бошида, юзи ярқираб, эшикдан салом бериб борди. Гўрўғлибек Равшанбекни кўриб, димоғи чоғ бўлиб, париларга қараб айтди: «Ҳў парилар, менинг кўнглимга бир гап келди, сизларга айтайн, сизлар нима дейсизлар? Менинг ўзимга шу ишим жуда хуш келди, сизларга ҳам хуш келар. Мен Авазхон билан Ҳасанхонни қуда қилайин, Гуланоржонни Равшанжонга фотиҳа қилайин, ўзим совчи бўлайин, бугун борайин. Унда парилар: «Жуда яхши бўлади. Бизларга ҳам бу сўзингиз ёқди, яхши айтдингиз бу гапди», – дейишиб, қувонишиб қолди.

Гуланор кўп сулув: яхши суратли, ширин сўзли, қуралай кўзли, узун бўйли, кенг кўкракли, хуш хаёл, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. Равшанбек унинг билан мактабда бирга ўқиганда, кўзининг остига босиб қўяр эди. Гўрўғлибекнинг бу сўзи Равшанбекка ҳам ёқиб қолди. Ичиди: «Қизини берса яхши, бу қизини бермас, бобомнинг сўзини синдирап», – деб қўйди. Гўрўғлибек парилар билан маслаҳат қилиб, Авазхон ўғлининг қошига совчи бўлиб бораверди. Шунда Равшанбек қоралаб³, бобосининг орқасидан бораверди.

...Гўрўғлибек бол Авазга⁴ қараб, муртини бураб, бир сўз айтаётir:

...Отанг келди сенинг сўзинг олмоқقا,
Кўнглидаги сирни баён қилмоқقا.
Шул сабабли меҳмон келдим уйингга:
Ҳасанман ўзингни қуда қилмоқقا.

Етти ёшда олиб келдим ўзингни,
Қўлимда кўп единг ошу тузимни,
Отанг келди, болам, ўзингга совчи,
Равшанга бер Гуланордай қизингни!

Отангнинг, фарзандим, тилин олинглар⁵,
Ҳасанман ўзингни қуда қилайин,
Равшанга бер Гуланордай қизингни,

¹ Бачалар – болалар, болачалар.

² Қалпоқ – дўппи.

³ Қоралаб – мўлжаллаб, чамалаб, яшириниб.

⁴ Бол Аваз – Авазнинг «Асалдай ширин» маъносини билдирувчи лақаби.

⁵ Тилин олмоқ – гапига кирмок.

Ёвмитнинг элига тўйлар берайин!

Унда Авазхоннинг аччиғи келди. Полвоннинг қаҳри келиб, аждардай тўлғониб, кўзлари оловдай ёниб, Гўрӯғлибек отасига қараб... бир сўз айтиётир:

Йигитлар ичида менман ўдаға¹,
Бедовга ярашар олтиндан тўға,
Равшанга бермайман Гуланоржонни,
Қизим тугул, кучугимдан садаға.

Ота, жавобингни бердим, жўнагин!
Мундан кейин совчи бўлиб кемагин!
Ҳар кимни тенгига қўш-да, валламат,
Менга мундай тузсиз сўзни демагин!

Эшитиб ол, ота, айтган сўзимни,
Ўзим ўлмай, ғаним босмас изимни,
Бермайман Равшанга Гуланор қизимни!
Мен Ҳасанга teng қилмайман ўзимни!

...Равшанбек дарчанинг орқасида туриб эди. Бу сўзларни эшитиб, бир умрда совуқ шамол емаган бола² эмасми, совуқ сўз тугул, боланинг ўмганидан³ бир жазойил⁴ тешиб ўтгандан ёмон бўлди. Равшанхон товушининг борича «во» деб бақириб, йиғлаб қайтаверди.

Бола шу йиғлаганча кўчанинг юзи билан йиғлаб бораётир эди. Равшанбекнинг йиғлаган товуши Оға Юнус парининг қулоғига етди. Пари айтди: «Қандай бола әкан кўчада йиғлаган?» Шунда қараса, ўзининг кўрар кўзи, сўзлар сўзи, ўз жонига тенг кўриб юрган Равшанбек боласи йиғлаб келаётир югуриб бориб, қўлтиғига қисиб, кўзининг ёшини бетидан артиб: «Бек Равшан болам, нега йиғлайсан?» – деб сўраб турди. Шунда Равшанбек дим ўпкасини босолмайди. «Ҳа, баччағар Аваз», деб асло туролмайди.

Оға Юнус пари: «Эй болам, Авазни нега уришасан? Менга айтгин, англаб, билиб олайин», – деса, бола ҳар ўксийди, гапиролмайди.

– Э эна! Авазинг: «Қизимни бермайман, менинг тенгим эмас», – деб.
– Бизни қузгун, ўзини лочин тутди. Баччағар Аваз биздан ортиқ бўлиб кетибди. Шу Аваздан кам бўлсам, чўлларга бошимни олиб кетаман. Қўявер, эна, қўявер, энди Чамбилда турмайман, шу Чамбилни Авазга

¹ Ўдаға – «ўт оға» сўзининг бузилгани. «Етакчи», «сардор» маъносида.

² Совуқ шамол емаган – «Шашти қайтмаган», «оғир гап эшитмаган» маъносида.

³ Ўмган – кўкрак, тўш.

⁴ Жазойил – найза.





бердим», – деб бола дим ўпкасини босолмайди. Шунда Юнус пари кулиб, Равшанбекнинг сўзларига ҳайрон бўлиб:

– Э болам, Равшанжон, муддаонг Авазнинг қизи – Гуланор бўлса, асло ғам ема! «Қизи борнинг нози бор» деган, шундай-шундай дейди-да. Унга сен хафа бўлма! Мана мен борайин отангнинг орқасидан; унинг қизда нимаси бор экан? Тортиб олиб берсам ҳам Гуланорни сенга олиб бераман... Қани мен борайин, «бермайман», деган Авазни кўрайин, шу Авазми қизини бермайдиган, – деб Оға Юнус пари бормоқчи бўлаверди. Шундай қараса, Равшанбек жуда оташин. Шунда пари кўнглида: «Бу бола аччиғи билан бир ёққа кетиб қолмасин», – деб хосиятли узугини овуниб ўтирсин деб, кўлидан олиб, Равшанбекка берди.

– Э Равшанбек, шу узукка қараб ўтир, мен бориб, Авазнинг қизи – Гуланоржонни сенга фотиха қилиб, тўй тараддудини қилиб дарров келаман, – деб пари ҳам туриб кетди.

Энди Равшанбек кўзининг ёшини артиб, шундай нигинга¹ қараса, нигиннинг юзида хати бор, ер юзида жами парини бандига² олган

¹ Нигин – узук.

² Бандига олган – асирга олган.

банди¹ бор, олам мамлакатига бермайдиган хосияти бор; ҳар ерда сулув барно қиз бўлса, оти бор; баъзи-баъзи жуда нозик, узик² сулувнинг ҳам оти бор, ҳам сурати бор, шу узукнинг бир четида Қораҳон подшонинг қизи – Зулхумор деган бир қизнинг оти бор ҳам сурати бор.

Ана энди бола буни кўриб, Зулхуморга ғойибона кўнгил қўйиб, ишқивоз бўлиб, ўзига-ўзи айтди: «Кел-э, Авазнинг қизи бўлмаса, Қораҳоннинг қизи-да! Аваз қизини бермади деб, менинг йиглаб юрганим қандай», – деб ғайрати келиб, отасининг Жийронқуш деган оти бор эди, урушга минадиган, шу Жийронқушнинг олдига келди.

Жийронқуш ҳам шундай от: тўрт оёғи тенг тушган; биқини ёзиқ кенг тушган, қарчиғайнинг ҳавоси теккан.

Шу отни етаклаб олиб чиқиб, яккамихга бойлаб, отни эгарлаб... турипти:

...Бекнинг оти пўлат сувлуқ чайнади,
Қизил кийиб, гулдай бўлиб жайнади.
Илон тилли, яшин турли ханжарни
Обрў бер деб, хипча белга бойлади.
Томоша қинг хон Равшандай полвонни,
Ширвоннинг юртига талаб айлади.
Равшан минди Жийронқушнинг белига,
Ҳайбат қилиб йигит соғу сўлига,
Отаси Такали Ёвмит юртидан
Талаб қилди³, кўринг, Ширвон элига.
Томоша қинг Чамбилнинг шунқорини,
Минди йигит Жийронқушдай отини,
Йиглатиб отаси – Ҳасан мардини,
Қон йиглатиб хон Даллидай сулувни,
Равшан излар бўлди Ширвон юртини.

Равшанбек отини ҳовлидан чиқариб, ота-энасидан ғойибона рози бўлиб, кўчанинг юзи билан, одамларнинг изи билан гулдай жайнаб, суксурдай⁴ бўйлаб, парвоз айлаб, тараққос бойлаб⁵, остида Жийронқуш оти ҳар усулда ўйнаб... бораётир.

Ҳасанхон дарвозабон билан дўст эди, доим дарвозабоннинг олдида ўтирас ҳасанхон дарвозабон билан дўст эди, иккови кўп соз эди, бирор-бировининг сўзини ташламас эди. Ҳасанхон жўраси билан гаплашиб ўтирса, Равшанхон отасининг устига бориб қолди...

¹ Банди – дуоли ёзув, тилсим.

² Узик – етуқ, камчиликсиз.

³ Талаб қилди – хоҳлади, ихтиёр этди, бормоқчи бўлди.

⁴ Суксур – қўлда яшайдиган қуш.

⁵ Тараққос бойламоқ – учадиган қушдай бўлмоқ.



Унда Ҳасанхон полвон ёлғиз боласи, кўзининг оқи билан қораси – Равшанхонни таниб, ...Жийронқушнинг жиловидан ушлаб, кўзини ёшлаб, «...ҳай аттанг», – деб бармоғини тишлаб, ёлғиз фарзандига қараб бир сўз деди:

...Тўрасан, Равшанжон, Чамбил элингга,
Кескир исфиҳонни бойлаб белингга,
Қўш пўпакли¹ наиза ушлаб қўлингга,
Отанг қурбон бўлсин ширин тилингга,
Ёвга аждаҳорим, сенга йўл бўлсин?

Сен бўлмасанг, отанг ҳоли не кечар?
Сенсиз менга фалак кафантўн бичар,
Дунёнинг болини заҳар деб ичар,
Қандай куни кечар² шўр энанг ночор,
Ҳарна йўгу борим, сенга йўл бўлсин?

Менга айтгин кўнглингдаги ўйингни,
Айтгин, болам, борадиган жойингни,
Мен билайн талаб қилган элингни,
Айт сирингни қайтармайман раъйингни,
Э, ёлғиз шунқорим, сенга йўл бўлсин?

Равшанхонни отасининг савлати босиб, ҳаёси ғолиб келиб, нима дерини билмай ўйланиб туриб эди, ахири бўлмади. Отасига гапирмай ўтса, у ҳам бўлмайди, гапирай деса, уялади.

Ана энди Равшан полвон отасининг сўзларига жавоб бериб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри әзилиб, кўзининг ёши тизилиб, бошидан ўтган сир-савдосини отасига айтиб, ўзидан ўтганидан хабардор қилиб, бир сўз айтаётир:

Жоним ота, айттолмайман уялиб,
Боланг кетар энди бошини олиб,
Жон ота, аламим кўпдир сўрмагин,
Бек Равшан жўнади сафарга толиб³.

Қаладан⁴ қалампир юклар қалачи⁵,
Ҳар хил исли бўлар тоғнинг оғочи.

¹ Пўпакли – попукли.

² Куни кечар – куни ўтар.

³ Толиб – талабгор.

⁴ Қала – шаҳар.

⁵ Қалачи – шаҳарлик.

Отажон, аламим кўпdir сўрмагин,
Валламат¹ борипти Авазга совчи.

Қабул қилмай валламатнинг сўзини,
Номард Аваз бермас бўпти қизини,
Ўтиб кетди Авазхоннинг сўзлари,
Бизни қузғун, лочин қипти ўзини.

Майдон-майдон Жийронимни елмасам,
Душман бўлса, бўлак-бўлак қилмасам,
Авазнинг қизидан яхшини олмасам,
Жоним отам, Чамбилбелда турмасман.

Чамбил дейди униб-ўсган элингни,
Жавоб бер, отажон, кўтар қўлингни²!
Талаб қилдим, Ширвон элга, отажон!
Жавоб берсанг, бермасанг ҳам кетаман!

Жавоб бер, отажон, ёрга бораман,
Ёр дейман-ку, номус-орга бораман.
Ота, сендан оқ фотиҳа тилайман,
Ширвон элда Зулхуморга бораман.

Ҳасанхон бу сўзларни эшитиб, ...«Ҳай аттанг», – деб бармоғини тишлаб, кўзини ёшлаб, ўғлига не дерини билмай қолди. Ширвоннинг эли уч ойлик йўл. Икки ора сувсиз чўл, у ёғи душман эл. «Ёлғиз бола ёвдан ёмон», узоқроқ бозорга юборгиси келмайди. ...Ҳасанхон бечора ўғлининг жамолига, новдадай ўсган камолига кўзи тўймай, ...ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, ёлғиз боласидан айрилиб қололмай оҳ тортиб:

– Э Равшанжон! Ахир менинг уйимни мотамхона қилиб, мени ташлаб кетар экансан-да, – деб туриб, асли мард эмасми, «Кел таваккалда», – деб ...ўзи дилдорлик бериб ...ўғлига қараб бир неча ердан тимсол келтириб, насиҳат қилиб бир сўз айтиётир:

Пайдо бўлдинг икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдинг манзил хонадан.
Аввал айтган насиҳатим, Равшанжон,
Кечсанг ёмон бўлар ота-онадан!

Эшитиб ол, отанг шўрнинг арзини,
Элида сарғайтдинг гулдай тарзини.

¹ Валламат – «вали неъмат» сўзининг бузилгани. Бу ерда Гўрўғли кўзда тутилмоқда.

² Кўтар қўлингни – «дуо қил» маъносида.



Бир қиз учун унутмагин бизларни,
Унутма отанг ҳам онанг қарзини!

Ўзингдан пастларман ҳар йўлга кетма!
Болам, айтган насиҳатим унутма!
Олдингдан ким чиқса, бесалом ўтма!
Бир ғарибни кўрсанг, зинҳор оғритма!

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от!
Насиҳатим ёд қилиб ол, ёлғизим,
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от.

Ҳасанхон полвон мард эмасми, боласига қараб, оқ фотиҳани бетига тортиб: – Бор болам, манглайнинг худо очсин! – деб қолаверди. Равшанбек отасидан дуо олиб, отининг бошини солиб, йўлга равона бўлиб кетаверди.



Савол ва топшириқлар.

1. “Адабий давра” стратегияси бўйича қўйидаги топшириқларни бажа-
ринг:
 - a) таҳлил қилиш – достондан парча мазмуни бўйича 5та савол ту-
зиш (М: тимсоллари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳоказолар
бўйича)
 - b) аниқлаш – достоннинг қайси парчаси энг муҳим эканлигини далил-
лаш.
 - c) боғлаш – мавзуни ҳаёт билан боғлаб далиллаш.
 - d) хulosалаш – достон парчасида кўтарилган масалаларни хulosалаш.
2. Халқ оғзаки ижодига тааллуқли фильм, маълумотларни Интернет
тармоқларидан изланг.

* * *



Матнолди топшириқ. Достондан берилган қўйидаги парчанинг ик-
кинчи қисмини гуруҳларда тақсимлаб ўрганинг.

...Равшан тоғу тошлар, чўлу биёбонларни босиб ўтиб, Ширвонга келади. Бу ерда бир кампирга ўғил бўлиб юриб, кунларнинг бирида шаҳарни айланар экан, бозорнинг устидан чиқиб қолади. Зулхуморнинг қалпоқ тикиб, ҳар бозор куни йигитларга сотишни расм қилгани, бозордаги кўшкнинг устида юзини очиб ўтириши, йигитлар кўрманасига бир лаган тилла ҳадя қилиб, уни томоша қилишларини билиб олади.



...Равшанбек бозорнинг устидан келиб қолиб, «Ёрим Зулхуморжонни кўраман», – деб, димоги чоғ бўлиб, вақти хуш бўлиб, бозордаги одамларга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Узоқдан келаётибман,
Фамнинг лойига ботибман,
Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!
Мен ёримни йўқотибман.
Э ёронлар, биродарлар, халойик!
Мен ёримдан адашибман...

Элда даврон сурган борми?
Ўз давриман юрган борми?
Бизнинг ёрдан кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?
Тоблаб зулфин ўрган борми?
Ёрман сухбат қурган борми?
Еки бирга юрган борми?
Богидан гул терган борми?
Бизнинг ёрдан кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?..

Ёримни кўрсам деб келдим,
Бир дам ўлтирсам деб келдим,
Лаъли шакар лабларидан
Сўр деса, сўрсам деб келдим.

Шундай асов тойдай ёрни
Құлға келтирсам деб келдим.
Ошиқлигим шу барнога
Энди билдирсам деб келдим.
Элдан ўзган чин сулувни
Ишқиб¹ илдирсам деб келдим.
Айтганима күнмаса-чи,
Алдаб күндирсам деб келдим.
Бизнинг ёрдан күрган борми?
Ёр дарагин берган борми?

...Паст-пастгина паст күчалар,
Холин билмас бир неchalар,
Бедов мингандар бойваччалар,
Бойваччалар, бекваччалар,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?

Бозор келган бозорчилар,
Йұлни кезган гузарчилар²
Тинмай элни кезарчилар,
Жұн³ савдони бузарчилар⁴,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Мардикорлик – иш бозори,
Чүян бозор, мис бозори,
Манов пишиқ ғишт бозори,
Қассоб бозор – гүшт бозори,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Чангиб ётган ун бозори,
Құқиб⁵ ётган жун бозори,
Анов мұрсақ⁶, тұн бозори,
Пичоқ бозор, қин бозори,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Анови қовун бозори,
Баққоллик, совун бозори,
Соллох⁷ сотиб калла-поча,

¹ Ишқиб – ишқилиб.

² Гузарчилар – ўткинчилар.

³ Жұн – түғри, жүн.

⁴ Бузарчи – бузувчи.

⁵ Құқимоқ – ифлосланмоқ, тартибсизлик.

⁶ Мұрсақ – енгсиз пахталик камзул.

⁷ Соллох – қассоб.

Қассобга товун¹ бозори,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Четда турган қўй бозори,
Йилқи бозор, той бозори,
Қурт билан, саримой бозори,
Қоғоздаги чой бозори,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Бўз билан алак² бозори,
Атторда элак бозори,
Ранг, бўёв, лок бозори,
Паранжи, желак³ бозори,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Буғдой ҳам арпа бозори,
Пахтали кўрпа бозори,
Қўй тери сурпа бозори,
Серсавдо турпа⁴ бозори
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Эчки ҳам улоқ бозори,
Телпак ҳам тумоқ⁵ бозори,
Кавоб, қовурдоқ бозори,
Насия эмас, нақ бозори,
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?
Қалпоқ бозори қайсиidi(p)?

Равшанбек маст бўлиб, «Қалпоқ бозори қаерда», – деб бақириб бораётир эди. Шу ерда бир нашаванд туриб эди, кайфи учиб кетди. Равшанбекка қараб айтди: «Эй ўзбек! Мунча бақирасан, кайф деган нарсадан қолмади-ку! Сен ўзинг бурун ҳам ҳеч бозорга борибмидинг, илгари бозорни кўрибмидинг? Анов чангигб ётган ун бозори, нариги қўқиб ётган жун бозори, ҳу анав, катта дўкон – тўн бозори, нариги турган – пичоқ бозори билан қин бозори, ундан ўтдинг – қалпоқ бозорида, юртни буздинг-ку», – деётири.

Равшанхон бозорни оралаб ўтди, қалпоқ бозорига етди. Қараса, қирқ зиналик кўшкнинг устида Зулхумор ойим канизлари билан қалпоқ сотиб турибди. Зулхумор бетидан никобини олиб, кўп канизлар ўртага олиб турибди. Равшанбек Зулхуморнинг жамолини, нав дараҳт⁶ камолини кўриб, томоша қилди. Равшанбек қараса, Зулхуморнинг

¹ Товун – тегишли, қарашли, тобе.

² Алак – бўзнинг тури, олача.

³ Желак – аёлларнинг енглари бир-бирига чатилган ёпинчиғи.

⁴ Турпа – турфа, ҳар ҳил.

⁵ Тумоқ – бўйинни ҳам беркитадиган телпак. Кўпроқ тулки терисидан тикилади.

⁶ Нав дараҳт – новдадай, ёш дараҳтдай тик қоматли.



камоли, ойдай жамоли, оқ юзида холи, янги тўлган ойдай икки қоши ҳилоли. Равшанбек зеҳнини қўйиб қараса, ясанган ҳурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари қундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон-қарчиғай учадиган қушдай, муҳрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди. Зулхуморойнинг бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш – ўн кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувга ботирган, бир ёғини кумуш сувга ботирган, тонг шамолида қотирган. Жамоли чилланинг қоридай тингжираб¹, ялтираб ўтирибди.

Ана Зулхуморнинг кўзи жовдираб, зулфи шовдираб, зулфи-нинг шуъласи юзига урса, ярқ-юрқ этиб, бетининг шуъласи зулфига урса, яшин тушгандай бўлиб ўтирибди. Равшанбек қараса, мусича, сўпитўрғай, ғазалай, симча қушлар Зулхуморнинг жамоли жилвасига чидамай, баланд қуиилиб келиб, эгнига, киптига² тегиб-тегиб, учиб бораётти. Равшанбек Зулхуморни бу шаъну шавкатда кўриб, юз жону дил билан ишқивоз бўлиб, юз жону дил билан харидор бўлиб, қараб қолди...

...Равшанбек масти беихтиёр бўлиб, икки қўлини кўтариб, булғаб³, оёқни узангига тираб, баландга қараб бақириб, қизларни чақириб бир сўз айтади:

Куйган алвон-алвон сўзлар,
Айрилган бир-бирини излар.
Кўшкида ўтирган қизлар,
Баринг бирдай ботамизлар⁴,
Туринглар, Чамбил кетамиз,
Журиングлар, Чамбил кетамиз!
Ширвон элнинг барнолари,
Сулувларнинг подшолари,
Йигитларнинг дилхолари,
Юзлари меҳру моҳлари⁵,
Журиинглар, Чамбил кетамиз,
Туринглар, Чамбил кетамиз!..

Зулфин тоблаб ўрган қизлар,
Элда даврон сурган қизлар,
Каптардай бўб юрган қизлар,
Қалпоқ сотиб турган қизлар,

¹ Тингжирамоқ – ялтирамоқ, кўзни олмоқ.

² Киптига – кифтига, елкасига.

³ Булғаб – силкитмоқ, имламоқ, унданмоқ.

⁴ Ботамиз – тамизли, мазали.

⁵ Меҳру моҳ – қуёшу ой.

Журинглар, Чамбил кетамиз,
Туринглар, Чамбил кетамиз!

...Унда ҳамма қизлар ҳайрон қолиб кулаётир. «Ҳу-ху», – дейишиб қараётир. «Нега ундей қилаётир?», – деб бир-биридан сўраётир... Равшанбек шу ерда қип-қизил тентакка чиқиб қолди... Бир пилла¹ Равшанбек ҳушига келиб қараса, қоронги бўлиб қолибди, бозор тарқаб кетибди, қизлар тушиб кетибди. Равшанбекнинг ўзи қолибди. Ҳеч ким йўқ... У ёқ-бу ёққа қараб, қизларнинг қаёққа кетганини билмай, бир дарди минг бўлиб, ичи ғамга тўлиб... не пиллаларда уйга келди...

Энаси Равшанбекнинг жойини солиб бериб, ухлагали жойига ўтиб ётди. Боланинг уйқуси қаёқдан келсин, болани илон, чаён чаққандай Зулхуморнинг ишқи куйдириб бораётитти. Уҳ дейди бўлмайди, уйқу келмайди... Боланинг кўзига даланинг шуъласи баланд кўринди. Томга чиқиб қараса, катта йўл билан бояги кўшкда кўринган қизлар, қанча канизлар келаётир... Буларнинг орқасидан бояги кўшкда кўринган хоссаки² канизлар билан Зулхуморийим ўтиб бораётитти....Равшанбек томдан ўзини ташлаб кетди. Кампир: «Ҳа боласи тушмагур, қайтчи-қайт!» – деб қичқира-қичқира қолди. Равшанбек пиёда йўртиб, кўчанинг юзи билан, қизларнинг изи билан уриб югуриб, қизларни излаб кета берди...

Бир қанча йўл юриб эди, олдидан чиқди катта бир боғ, бир ёғи чорбоғ, жуда катта-калондимоғ, кўрганлар фароғ, шундай жойга бориб қолди. Қараса, кўп қизлар, анча сарвинозлар, беадад канизлар, ҳай-ҳайлашиб, ўн-бир, беш-бир, тўп-тўп бўлиб, бир хили оз, бир хили кўп бўлиб, юрибди сайилбоғ қилиб.

Равшанбек билди: кечаги қизлар шу ерга келган экан... Равшанбек астагина писиб бориб, гулнинг ичига яширинди... Боғда битта ҳам эркак йўқ. Қизлар ўйнашиб, қизғалдоқдай яшнашиб... бир хиллари бир-бирларининг бўйнига қўлини ташлашиб юрибди... Қизлар бир базмлар, тапир-тупур ўйинлар қилаётир, қизифи кейин бўлаётир...

* * *

Шу аснода бир тўп қизлар ўйнашиб-кулишиб, гул теришиб-талашиб, Равшаннинг устига келиб қолишади. Бегона йигит писиб ётганини кўрган қизлар қўрқиб кетиб, қий-чувлашиб, энтикиб, дод-вой солиб, Зулхуморнинг олдига боришади. Гап нимадалигини билгач, Зулхумор Оққиз деган канизини йигит ким, қаерлик экани, нимага келганини сўраб, кўрманасини олиб келишга жўнатади. Равшан кўрманага тилласи йўқлиги учун Юнус пари берган сехрли узукни Зулхуморга

¹ Пилла – палла, вақт.

² Хоссаки – маҳсус, алоҳида, хос.



юборади. Зулхумор узукни томоша қилар экан, унда ўзининг исми ва суратини кўради, узук сеҳрли ва бебаҳолигини билиб, бундай узук ҳар кимда ҳам бўлавермаслигини андиша қилиб, йигитни ҳузурига олиб келишларини буюради.

Қизлар Равшанни иззат-ҳурмат билан зиёфат қилиб, сўнг ясантиришиб ўрдага олиб боришади. Зулхумор йигитни ёқтириб қолади. Зиёфат адоғида Зулхумор билан Равшанга тилла тахт устида жой қилишиб, қизлар чиқиб кетишади.

Бир неча кунни Равшанбек Зулхумор билан шод-хуррам ўтказди. Равшанга кўп илтифот қилса-да, унинг эътиборини қозона олмаган Оққиз аламидан Зулхуморнинг боғида Равшан яшаётганлигини онасига айтиб беради. Онаси ҳамма гапни Қораҳонга етказади. Қораҳоннинг мирғазаблари Равшанни Зулхумор билан ухлаб ётишган жойида банди қиласидилар. Подшоҳ йигитни осишга буюради. Шунда Ширвон катталари: «Йигитни ўлдиришга шошмаслик керак, ёш йигит экан, қирқ кун муҳлат бериб, зиндонга ташласак, сўнг чиқариб сизнинг динингизга киришини сўрасак, кўнса, сизга куёв қилсак», деб маслаҳат солишади. Бу гап подшога маъқул келади. Равшан зиндонга ташланади. Зулхумор ҳам қизлари – канизлари билан бир ҳовлига қамаб ташланади, теварагига беш юз сарбоз қоровул қўйилади.

Зулхумор қизлари орқали яширинча бир-икки лаҳмчини топади. Ҳовлидан зиндон бошигача лаҳм ковлатиб, Равшандан хабар олиб туради. Қиз у билан маслаҳатлашиб, Равшаннинг ота-онасига хат ёзади ва хатни ўргатилган майна қушининг бўйнига боғлаб, майнани Чамбилга жўнатади.

Майна Чамбилга етади, аввал Ҳасанхоннинг томига тушади, нола-фифон қилиб юрган Даллини кўриб, аёлнинг Равшанга она эканлигини фаҳмлаб, қаттиқ сайрайди-да, унинг қўлига келиб қўнади.

Хатни олиб ўқиб, ҳамма воқеадан хабар топган Ҳасанхон Гўрўғлининг машҳур Фирқўк отини миниб, зудлик билан Ширвонга жўнашга қарор қиласиди. Хатдан аён бўлишича, Қораҳон берган қирқ кунлик муҳлатнинг роппа-роса йигирма куни ўтган. Йигирма кундан кейин Равшан ё бегона динга кириши, ё дорга осилиши керак.

Ана энди Гўрўғлибек шошиб-суриниб, йиғлаб-эмраниб, Ҳасан мардга оқ фотиҳа бериб юборди. Ҳасанбек ҳайт деб, Фирқўкни ўйнатиб, сувлиқни чайнатиб, душманларнинг зардасини қайнатиб, «Ширвон қайдасан?» – деб, якка-танҳо саваб кетиб бораётир, ҳув деб кетиб бораётир:

Совутини бўқтариб¹,
Қалқонини дўнгтариб²,

¹ Бўқтармоқ – эгар орқасига боғламоқ.

² Дўнгтармоқ – елкасига тўнтариб осиб олмоқ.

Йўлга тушди мард Ҳасан
Ширвон элин ахтариб¹...
От боради ариллаб,
Отган ўқдай париллаб,
От алқими – тонг шамол,
Мис карнайдай зариллаб,
Сувсиз чўлда Фиркўк от
Бораётир кариллаб.
Тонглар отиб боради,
Кунлар ботиб боради,
Сувсиз чўлда мард Ҳасан
Якка кетиб боради.
Душманларнинг қонини
Бўз тупроққа қотсам² деб,
Қорахондай подшони
Ерман яксон этсам деб,
Юрагин қон этсам деб,
Бек Равшаннинг устида
Катта тўфон этсам деб.
Қулон³ юрмас ерлардан
Қувиб ўтиб боради.
Булон⁴ ўтмас ерлардан
Буриб ўтиб боради.
Қарсоқ⁵ юрмас ерлардан
Қалқиб ўтиб боради.
Бўри юрмас ерлардан
Бўзлаб кетиб боради.
Полвон Ҳасан довушин
Созлаб кетиб боради.
Бек Равшани тинмасдан
Излаб кетиб боради...
Йўлбарс юрмас йўллардан
Йўртиб ўтиб боради.
Бек Равшаннинг аламин
Тортиб ўтиб боради...

Ҳасан мард йўлни қичаб ола берсин, Ширвонга яқин кела берсин,
шу сўз шу ерда қола берсин. Энди Равшанхоннинг энасидан... эши-
тинг. Равшан Ширвон элида ўғил тутинган кампирнинг аввал олти

¹ Алқим – шиддат, эпкин.

² Қатмоқ – қориштирмоқ.

³ Қулон – чўл кийиги.

⁴ Булонт – ёввойи от.

⁵ Қарсоқ – тулкидан кичикроқ йиртқич.



ўғли бор эди, олтowi аждахор эди, ҳар биридан Қорахон подшо қўрқар эди, олтowi олти ерда қалъа-қўргон қилиб турар эди. Олти ўғли ўлиб кетди. Кампир болаларининг ўтига куйиб-ёниб, ўртаниб, тутаниб, жизиги чиқиб қолган эди. Равшанбекни ўғлим деб, ўлсам меросхўрим деб қўйган эди. Бу ҳам подшога банди бўлиб, кампирнинг аввалги аламларидан шуниси ўтди... Ана шу кампирнинг катта ўғлининг бир нонхўр полвони бор эди, ўзи жуда зўр эди, уруш-суриш бўлса, мингга баробар эди. У полвоннинг отини Айноқ кал дер эди. Лекин ўзлари тўрт оға-ини эди, тўртови ҳам кал эди, бари ҳам боҳунар¹ эди.

Каттаси Айноқ кал зўр эди. Айноқ кал шундай эди: от, туя, арава кўтаролмас эди. Доим бир ёқقا кўчмоқчи бўлса, пиёда кетар эди... Укаларининг отларини Жайноқ кал, Эрсак кал, Терсак кал деб юритишар эди. Жайноқ жуда масхарабоз эди, ҳар тусли бўла берар эди. Агар бировни алдамоқчи бўлса, ҳар тусли бўлганда ўзининг жўралари ҳам танимас эди. Эрсак кал шундай эди: оқшомлари қўлига камонни олса, қушни кўзидан урап эди. Жуда мерган эди... Терсак кал синчи эди: йилқининг тулпорини суягидан танир эди, қиличнинг ўткирини қинидан билар эди.



Савол ва топшириқлар.

Г

“Кубизм” стратегияси орқали қуидагиларни бажаринг:

Билиш – парча ким ҳақида?

Тушуниш – парчанинг асосий ғояси?

Қўллаш – парчада берилган воқеалар тизимини тасвирлаб, баён этиш.

Таҳлил – Равшанхон ва Зулхумор диалогини таҳлил қилиш.

Умумлаштириш – Равшанхоннинг исми жисмига муносаб тимсол эканлигини далиллаш.

Баҳолаш – сизнинг-ча, Равшанхон қандай инсон?

* * *



Матнолди топшириқ. Достондан берилган парчанинг З-қисмини “Жигсо” стратегияси орқали ўзлаштиринг.

Кампир йиғлаб-эмраниб Айноқ калга борди. Айтди: «Айноқ-жон! Менинг қариган вақтимда худо менга таги бир ғамни солди, у болаларимнинг ғамидан зиёдароқ бўлди. Сен илгари, ўғлимнинг борида, давлатимнинг кўпида менинг ош-нонимни кўп единг. Энди менинг ишим сенга тушиб қолди. Шу Равшанбек боламни айириб оламан десанг, сенинг қўлингдан келади».

¹ Боҳунар – ҳунарли.

Айноқ...айтди: «Хў, эна!.. Асло ғам ема! Шу ўғилларингнинг менда ҳақи кўп. Сенинг тузингни мен кўп еганман... Катта ўғлинг мени кўп парвариш қиласр эди. Энди шунинг арвоҳи учун эртага майдонга кираман,.. Равшанни айириб оламан»...

Шундай қилиб, каллар маслаҳатни битириб, шаҳардан хабардор бўлиб, бориб-келиб юра берди.

Эрта муҳлат тамом бўлади, бек Равшанни шу ерга олиб келади. Каллар тўртови барвақт бориб, гаштагини қилиб, паловини еб, чойини ичиб, кайфини қилиб, баҳузур димогини чоғлаб, «Эртага қудагай кимга қўй сўяди», деб тўртови ўтириб эди. Шу куни кун пора-пора бўлиб ерга ўтирган вақтда жонивор Фирқўк сузилиб, буйири-буйирига¹ қапишиб, қорни-қорнига ёпишиб, тер билан қотган чанглар ёнгоқдай думалоқ бўлиб, Ширвонга кириб борди.

Шаҳарнинг ўртасида бозоржой. Дўконларни шипириб-сидирган. Бозоржойнинг ўртасида бир янги дор қурилган. Ҳасан кўнглида: «Шу дор бек Равшанга деб қурилган чиқар; бўлса-бўлмаса, эрта шу ерга келадиган бўлсам, кел, шу бугун шу ерда туриб дамимни олайин», – деб тушиб, бир дўконга отини тортиб ўтира берди. Энди гапни каллардан эшитинг.

Тўртови ўтириб эди, Ҳасан мард ҳам шуларнинг қаватига томон бориб қўнди, у ҳам ўтира берди. Шунда масхарабоз кал² айтди: «Айноқ, ишимиз яхши бўлди, ўнг келди. Равшанни энди айириб оладиган бўлдик, балки айириб олдик. Ана қара, Ҳасан мард ҳам келди. Шу ўтирган йигит Чамбилнинг белидан, Ёвмитнинг элидан келган Ҳасан марднинг ўзи шу». Шунда Айноқ айтди: «Э, учангдан ургур³, ҳар кимни ҳам одам дейберасанми! Худо ургани йўқ. Ҳасан мард шундай бўлса, Фирқўк от – овозаси оламни тутиб юрган от; бу от Ишрат девонанинг отидан ҳам ёмон, ўлибдими шундай бўлса! Мен эртага уруш бўлса, боядан бери шуни чоғлаб-кўзлаб ўтирибман; анов толни, манов қайрағочни сугуриб олиб, эртага тўдада «қадама оғоч» қиласман деб ўйлаб ўтирибман. Агар эртага баданим қизиса, шу девона отини қўйнимга солиб, куни билан югуриб юрсам ҳам, бир нонча салмоғи бўлмас, қандай қилиб бу Ҳасан мард бўлади, у Фирқўк от бўлади?!» – деб укасини уришди. Шунда Терсакка қараб айтди: «Терсак! Шу одамни сен бир синла⁴, қани қаёқнинг одами экан. Агар сенинг ҳам дидингга келмаса, ундан кейин қўямиз».

Терсак дамини ичига олиб, тишини тишига қўйиб, кипригини қоқмай тиклаб қолди. Туриб-туриб, анча вақтдан кейин дамини чиқариб, «ух» деди.

¹ Буйир – биқин.

² Масхарабоз кал – қиёфасини ўзгартира оладиган Жайноқ кўзда тутилади.

³ Учангдан ургур – «орқангдан ургур». Бу ерда «жин ургур» маъносида.

⁴ Синламоқ – чамаламоқ, танимоқ.



Эрсак айтди: «Э, Терсак, синладингми, қаернинг одами экан, шу от қаернинг оти экан?»

Шунда Терсак оға-иниларига қараб, Ҳасан марддан хабар бериб, бир сўз деб турибди:

...От чопилар баланд тоғнинг пастида,
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Шу от кепти Қорахоннинг қасдида,
Энди майдон бек Равшаннинг устида.
Кесгир исфиҳонни олиб дастига,
Қараб бўлмас чин ботирнинг бастига,
Ёби¹ дема, шу от тулпор эканди,
Шу ўтирган Ҳасан шунқор эканди.

...Ана энди тўрт мард Ҳасанхон полвоннинг олдига келди. Салом бериб, кўришиб ўтириди. Айноқ қараса, бир «девона» ўтирибди: девсифат, бир аждаходай, ҳеч нарсани қўзига иладиган эмас, балки назарига келтирмай, писанд қиласиган ҳам эмас; шундай ҳайбатли, сиёsatли. Айноқ ичида айтди: «Ҳасан экан, бечора Жайноқни бекорга уришган эканман».

...Айноқ жойидан иргиб турди, укалари ҳам тура келди, мард Ҳасан билан қучоқлашиб, қайтадан кўришиб айтди: «Яхши келибсан, жўра, жуда яхши келибсан. Бизлар ҳам, шу ерга Равшан келади деб, сенинг ўғлинг учун ўтирибмиз. Ана энди сен келдинг, ишимиз ўнг келади. Энди, жўра, эртага Равшанхонни шу ерга ҳайдаб келади, насиб қилса, талотўп бўлади, тахти вайрон бўлади», – деб Ҳасан мард билан каллар суҳбатлаша бердилар.

Айноқ укаларини юбориб, Фирқўк отга беда, ем олдириб келди. Ҳасанхон полвонга палов, гўшт, манти, барак² бериб сийлаб, зиёфат устига зиёфат қилиб, чойни дамлаб, Фирқўкни емлаб, эртаги урушнинг ғамини ғамлаб, хотирни жамлаб ўтира берди.

Қирқ кун муҳлат тамом бўлди. Қорахон подшога: «Тақсир подшойим, кечаги гуноҳкорнинг муҳлати битди, ажали етди, энди олиб бориб дорга осиб, бошини кесиб, додини бермоқ керак», – деб амалдорлари арз қилди... Равшанжонни зиндондан чиқариб, бўйнига ғул – занжир солиб, теварагини кўп душман олиб, бўтадай бўзлатиб, кўзини бойлаб, кўп зулмларни айлаб кела берди.

Равшан чиққан куни Зулхумор ойим қанча канизлари билан дод деб йиглаб, Равшаннинг ўнг тарафидан келиб, тўрасининг доғида куйиб, бетини юлиб, довушининг борича чирқираб йиглаб келаётитпи. Бир тарафда кампир энаси «дод» деб, боласининг доғига куйиб, «вой болам» деб Равшаннинг бўйнига осилиб келаётитпи.

¹ Ёби – чўбир, қирчанғи.

² Барак – чучвара.

Золимлар дорнинг остига яқинлашиб қолди. Ҳасанхон Фиркўкнинг устига миниб, ёв-ярогини чоқ қилиб, устига эски тўн кийиб, бир девона бўлиб турар эди. Даста-даста, баланд-пастда, одам босиб кела берди аста-аста, майдон сипоҳига тўлиб кетди.

Қорахон подшо салтанати билан, бир бўлак амалдор-умаролари билан келиб, бир яхши жойни олиб, тушиб ўтира берди. Баланд ҳам одам, паст ҳам одам.

Шунда жаллод, мирғазаблар Равшанни ҳайдаб кела берди. Ҳасан мард буни кўриб, кўзлари ёшга тўлиб, жазавалари қўзғалиб, полvonлик томирлари уйгониб, ўзини тузаб, тезлана берди...

Равшанхонни... жаллодларга ҳайдатиб, дорнинг остига олиб келди. Шунда Қорахон подшонинг амри билан икки ҳудайчи¹, салом оғаси² келиб, Равшанбекни дорнинг остида тўхтатиб, Қорахон подшонинг тили бўлиб, Равшанхонга қараб бир сўз айтди:

Бўйсунсанг Ширвон элнинг хонига,
Кўнсанг агар вазирлар деганига,
Сени дордан айириб олиб кетайлик,
Агар кирсанг Қорахоннинг динига...
Эшитиб ол вазирларнинг сўзини,
Ширвон элда подшо дейди ўзини,
Агар кирсанг Қорахоннинг динига,
Олиб берай сулув Хумор қизини.

Шунда Равшанхон полvon вазирларнинг бу гапини эшитиб қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, «сен айтган одаминг мен эмасман,.. ўлимдан кўрқадиган одаминг бошқадир», – деб Ширвоннинг амалдорларига қараб бир сўз айтиб турибди:

Бир нечалар ўз ҳолини ченгнамас³,
Сен айтган одаминг, золим, мен эмас,
Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!
Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...

Равшанбек айтди: «...Сизлар менинг кўзимни бойлаб, ...ҳайдаб келдинглар. Энди менинг кўзимни очсанглар... мен ҳам ёруғ дунёни бир кўрсам... Сизлардан менинг тилагим шу, бошқа сўзни демайман».

...Равшанбек кўзини очиб қараса, бир ёғида Зулхумор ёри, қанча канизлар... дод деб турибди; бир ёғида энаси – кампир... Вой болам, деб ўзини ураётир. Ширвон эли катта-кичик, яхши-ёмон, югрук-чаққон,

¹ Ҳудайчи – арзгўй ҳукмдор ўртасида турадиган мансабдор.

² Салом оғаси – саройдаги қабул тартибини назорат қилувчи амалдор.

³ Ченгнамоқ – аниқламоқ, билмоқ. Бу ерда «Ўз ҳолини билмас» маъносида.



қизу жувон – жами одамнинг бари томошага йиғилган, Равшанбекка қарашиб турибди.

Равшанбек ўнг тарафига қараса, отаси – Ҳасан мард полвон йўлбарсдай келиб турибди: остида Фиркўк оти, шердай ҳайбати, қайнаб ғайрати, кўзи ёшга тўлиб, от қўяйин деб турибди. Отасини кўриб, асло далага чиқмаган бола эмасми, йиғлаб юборди. Сўнг ҳол-аҳволини баён қилиб, отасига бир неча сўз айтди:

Уйқуда бойлади нозик қўлимни,
Софиндим, отажон, Чамбил әлимни.
Тор зинданда: «во ота», – деб йиғладим,
Кўрдингми, отажон, менинг ҳолимни?

Йўлингга интизор бўлдим, отажон,
Балога гирифтор бўлдим, отажон,
Душманга хору зор бўлдим, отажон,
Бир кўрмоққа хумор бўлдим, отажон.

Мехрибоним келган экан, минг шукур,
Тулпорини елган экан, минг шукур,
Мени ўлдирмоққа келган Қорахон –
Энди золим ўлган экан, минг шукур.

Ҳасан полвон ўзи оловдай ёниб, дуддай тутаниб турган эди. Энди марднинг ғайрати келиб, жазаваси қўзғалиб, ўғлининг бу сўзларини эшишиб, бир наъра тортиб юборди, шу ерда турганларнинг кўпи эт-петидан тушиб, ақли шошиб, эсидан адашиб, не ботирман деганлари туролмай эмаклашиб, бари бирдайчувлашиб қолди...

Шунда Ҳасанхон Фиркўкка қамчи бериб, қиличини ғилофдан суғуриб, от қўйиб турибди. Бир ёқда каллар ҳам чоқ турибди. Ҳасанхон полвон кал жўраларига қараб, отини майдонга ҳайдаб, бир сўз деб турибди:

Келинг каллар, кечинг жондан,
Умидинг бўлса майдондан,
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан,
От қўй ғанимнинг устига.
Оқ, қора бош, яшил туғлар,
Тикилди майдон ичинда,
Ўмировли¹ не полвонлар,
Йиқилди майдон ичинда.
Бўз тупроққа қирмизи қон,

¹ Ўмировли – кўкракдор.

Сепилди майдон ичинда.
Не гўзаллар қадди ёйдай
Букилди майдон ичинда.
Оқ бадандан қизил қонлар
Тўкилди майдон ичинда.
Найза тегиб кировкалар¹
Сўтилди майдон ичинда.
Қилич келар ялаб-ялаб,
Фариб кўнгил истар талаб,
Олтин коса, гулгун шароб
Ичилиди майдон ичинда.
Ажаллининг кафан тўни
Бичилди майдон ичинда.
Қирғий юрар қияда,
Лочин ётар уядা.
Тўрт кал ҳам қилади
Ҳасанхондан зиёда.
Энди кўринг Айноқни,
Масхарабоз Жайноқни,
Қўшиннинг олдин олади,
Етганини солади,
Кимга етса шу каллар,
Етганда икки бўлади...
Ҳасан ишин ишлади,
Пастки лабин тишлади.
Йифилиб келган қўшиннинг
Кўпини қириб ташлади.
Ози қолди, қўпроғи
Қўрқиб қоча бошлади.
Даладаги зўр каллар
«Туравор!» – деб ушлади.
Йиғлаб, қўрқиб эланса,
Ўхшатиб уч-тўрт муштлади.
Ҳасан вақтин хушлади,
Иши яхши тишлади².
Остидаги Фирқўкни
Мард Ҳасан кишкишлади.
Оғзин очиб Фирқўк от
Нечовини тишлади.
«Ўзи қиргани озмиди,
Оти ҳам уруш бошлади,

¹ Кировка – совут ичидан кийиладиган металл нимча.

² Тишлади – жойига тушди.



Неча одамнинг калласини
Оти узиб ташлади».
Бу сўзни айтиб турган ёв
Тура қоча бошлади...
Энди кўринг, Қорахон
Бўлиб қолди саргардон...
Подшога ваҳм тушди,
Энди юраги шишди.
Отин миниб Қорахон
Кўшиндан чиқа қочди.
Қорахон шоҳ узамай¹
Ҳасанхон кўзи тушди.
Фиркўкка қамчи қўшиди,
Қувиб кейнидан тушди,
Оғзин очиб Фиркўк от
Қорахонга етишди.
Энди Ҳасанхон полvon,
Фиркўк отин елдирди,
Зўрлигини билдирди,
Қувиб етиб ортидан,
Оқ найзага илдирди...
Эгнидан соп найзасин,
Ўпкасидан ўтказиб,
Қорахонни ўлдирди...

Ана энди Ҳасанхон полvon Ширвон одамларидан омонлик тилаганинги омон бериб, қўшиннинг у ёқ-бу ёққа қочганлари йифилиб, ҳаммаси бир ерга уйилиб, қилич, садоқларини бўйниларига солиб келиб, Ҳасанхон полвонга эланиб, ёлвориб итоат қилди. Эл-юрт омономон бўлди...

Ширвон катталари, маслаҳатдор кайвонилар – кенгаш бошилар Зулхуморни, Равшанбекни, Ҳасан полвонни, тўртта жўраси: Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак калларни иззат-икромлар билан шаҳарга олиб жўнади.

Энди Ширвон мамлакатига... шодиёна қўйдириб, Қорахон подшонинг хазина-дафиналарини бўшатиб, элни йиғдириб, очни тўйдириб, яланғочни кийдириб, балабон, фижжак, карнай, сурнай қўйдириб, қирқ кун тўй қилиб, Зулхуморойни Равшанхонга никоҳ қилиб берди.

Тўй тарқади. Ҳасанхон полvon Ширвоннинг катта-кичигини йиғиб, шу Ширвонни калларга топширди.

Айноқ жўрасини Ширвон шаҳрига подшо қилди, укаларини вазир, маҳрам қилди.

¹ Узамай – узоқлашмасдан.

Зулхуморойимни... олиб, Равшанхон полвон йўлга тушди... Ҳасанхон бошлиқ неча кун йўл юриб, қанча сувсиз чўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, ахири Чамбилга етдилар.

Отаси Гўрўғлибек, энаси Юнус, Мисқол парилар, ёри хон Далли, қирқ йигит жўраси – бари олдига чиқиб, Ҳасанхон билан, Равшанбек билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, Зулхуморойим билан, неча каниз қизлари билан танишиб, иззат-икромлар билан Чамбилга олиб бордилар.

Гўрўғлибек Ёвмит-Таканинг элига одам қўйиб, Зулхуморойимга тўй бошлаб, қирқ кун тўй қилиб, қанча ўйин қилиб, тўйни тарқатди, кўп инъом-эҳсонлар билан тўйни тамом қилиб, мурод-мақсадларига етди.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Матн устида тадқиқот иши юритинг.

2. Такаббурлик, манманлик каби иллатлар асарнинг қайси қаҳрамонига хос деб ўйлайсиз?

3. Синфни 2 гурухга бўлиб ишланг. «Фишбоун» (Балиқ скелети) стратегияси орқали асардан тасвир воситаларини аниқланг. (Боши-мавзу масаласи, устки тармоқлар – асардаги тасвир воситалари, остки тармоқлар – далиллар, қўйруғи – асар ҳақида ўқувчи фикри).

Я

4. Юнус пари берган сеҳрли узук Равшан ҳаётида қандай роль ўйнади? Агар сизда сеҳрли узук бўлганида нима қиласдингиз?

Я

5. Асар мазмунини ифодаловчи 7 та таянч сўзни иш дафтaringизга ёзиб чиқинг.

«РАВШАН» ДОСТОНИ ҲАҚИДА

Туркий халқларнинг шеърий даҳоси, ижодкорлик салоҳияти улар яратган кўламли достонларда тўлиқ намоён бўлади. Достон ўзбек халқ оғзаки ижодининг йирик ва кенг тарқалган жанридир.

«Достон» сўзи адабий атама сифатида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги йирик ҳажмли асарларни англатади. Халқ достонларини дўмбира ёрдамида ижро этувчи, куйловчи санъаткор ўзбекларда «шоир» ёки «бахши» деб аталган. Хоразмда достонлар тор жўрлигига айтилади ва бу хил айтuvчилар «халфа» деб юритиладилар.

Бахши ва халфаларнинг бадиий бисотида жуда кўп мавзуларда, турли йўналишларда яратилган достонлар бор. Уларнинг илк бор қачон ва ким томонидан айтилганлигини аниқлаш қийин. Бахшилар репертуаридаги асарларнинг катта қисмини ишқий-саргузашт достонлар ташкил этади. Бундай достонлар мазмуни асосан севги можароларидан



иборат. Улардаги севги можаролари қўрқинчли саргузаштлар, эртаклардагидек хаёлий ҳодисалар, айни пайтда ҳаётий-реал воқеалар билан аралаш тасвирланади. Бундай достонлардаги воқеалар тизмаси (сюжет) бир-бирига анча ўхшашdir. Қаҳрамон қўпинча афсонавий гўзални тушида ёхуд унинг суратини узукда, ёки ойнада кўриб қолиб, унга гойибона ошиқ бўлади. Сўнг уни излаб хатарли сафарга отланади, сермашаққат ва таҳликали саргузаштларни, ажойиб-гаройиб воқеаларни бошидан кечиради, турли душман кучлар билан тўқнашади, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади. Ниҳоят, барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, мақсадига эришади. Достонларимизнинг асосий қисми ишқий саргузаштларга бағишлиганлиги ўзбек халқи жуда қадим замонлардан бўён чин инсоний муҳаббатни қадрлаганини кўрсатади. Ота-боболаримиз ҳамиша ёр танлашда, ёрга етишиш учун курашишда, унинг номусини ҳимоя қилишда дунё халқларига ахлоқий намуна бўлиб келганлар.

Халқимиз куйлаб келган достонлар орасида «Гўрўғли» туркуми алоҳида ўрин тутади. Бу туркум достонлар туркман, қозоқ, қорақалпоқ, татар, турк, озарбайжон, тоҷик, арман, туржи халқлари орасида ҳам машҳур. Ўзбеклар орасида тарқалган «Гўрўғли» достонларининг ўзи юзтадан ошади.

«Равшан» бадиий жиҳатдан фоят пишиқ ишқий-саргузашт достондир. Халқ орасида у ўтган асрда ҳам машҳур бўлган. Аммо достон фольклорчи олим Ҳоди Зариф (1905–1972) томонидан 1928 йилда Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868–1937) оғзидан ёзиб олинган ва 1941 йилда нашр эттирилган. Эргаш шоир «Равшан»ни отаси Жуманбулбулдан, у эса устози Қичик Бўрондан ўрганган. Достоннинг сайқал топиб, бадиий гўзал асар шаклини олишида Жуманбулбул ва Эргаш бахшиларнинг алоҳида хизматлари бор.

«Равшан» оташин ва самимий муҳаббатни куйловчи, пок ва ҳақ исломий эътиқод йўлида событ тура оладиган имонли кишиларни мадҳ қилувчи, эзгуликни, мардлик ва ботирликни улуғловчи, зулм ва зўравонликни, адолатсизликни қораловчи асардир.

Зулхуморни қўлга киритиш ниятида олис йўлга якка ўзи чиққан Равшан ёшлиги, соддалиги туфайли осонгина банди этилиб, зинданга ташланади. Аммо у қўрқоқлик қилмайди. Йигитлик шаънига доғ туширмасликка интилади. Қораҳон аъёнларининг таклифини рад этиб, ўз эътиқодидан, динидан кечмаслигини айтади. Муҳаббат учун чекилган изтироб, имон йўлидаги азобга айланади. Чин муҳаббат эгаси бўлган ботир йигит ўлимдан ҳайикмайди. Достонда Равшан ҳеч қандай камчиликсиз, ҳар жиҳатдан етуқ одам сифатида тасвирланмайди. Унинг ожизлиги, фўрлиги, тажрибасизлиги туфайли хатолар қилиши, алданиши ҳаққоний кўрсатилади.

Ҳасанхон – Гўрўғлининг тарбиясини олган донгдор полvon. Зулхумор майна орқали йўллаган мактубни олган Ҳасанхон Фирқўқда

уч ойлик йўлни йигирма кунда босиб ўтади. Достонда шу ўринлар ниҳоятда ҳаяжонли, таъсирчан ва гўзал ифодаланган.

Қорахон лашкарига қарши жангга кирган Ҳасанхон чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади. Ширвонлик тўрт оға-ини ботирлар: Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсаклар кўмагида Қорахон қўшинини енгади, ўғлини ўлимдан қутқаради.

Достон – шеърий санъатларга, бадиий тасвир воситаларига жуда бой. Зулхумор, Оққиз кабиларнинг қиёфаси, феъл-автори, табиат манзаралари юксак маҳорат билан чизилган. Зулхуморнинг боғи тасвирини ўқисангиз, улкан эътибор ила парваришланган, шоҳона кўшк ва қасрли сўлим маскан, жаннатдай бир оромжой кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ёки Ширвон бозорининг 145 мисралик тасвирини олайлик. Достонда сершовқин, тўс-тўполон Шарқ бозорининг ўта табиий, жозибадор тасвири берилган.

Шеърий парчалар анвойи поэтик тасвир воситаларига ниҳоятда бой қоғиялар билан моҳирона зийнатланган. «Равшан» достони қоғияли наср (саж) нинг гўзал намунасиdir. Деярли ҳар бир насрий парча – қоғияли. Достоннинг вазни ҳам ўзига хос. Шеърий қисми асосан етти, саккиз ва ўн бир бўғинли бармоқ вазнида. Бахши қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ҳис-ҳаяжони, воқеа ривожининг суръатига оҳангдош, айни шу ҳолатга мос тасвир йўсинини топади. Саккиз бўғинли вазн уруш ва жанговарлик ҳолатига мос:

Келинг, каллар, кечинг жондан
Умидинг бўлса майдондан.
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан
От қўй ғанимнинг устига.

Асарда тасвир этилаётган воқеа ё ҳаракат суръати тезлашган ҳолатларга эса, етти бўғинли шеърлардан фойдаланилади:

Қуш учмаган чўллардан,
Сўна юзган қўллардан,
Одами йўқ йўллардан,
Дим уни йўқ чўллардан,
Томоша қинг, мард Ҳасан
Қистаб ўтиб боради.

Бундай ўринларда тингловчи ўзини гўё асар қаҳрамони билан ёнма-ён от қўйиб бораётгандай ҳис этади. Шоир қаҳрамонлар руҳий ҳолатини чуқур ҳис этади ва уни достон тингловчиларига ҳам юқтира билади. Достоннинг тили – содда, ранг-баранг. Унда адабий тилимиз-



ни бойитишга хизмат қиласынан сүз ва атамалар жуда күп. Күплаб мисраларда халқ мақоллари ва ҳикматли сүзлари ўринли қўлланган.

Суюкли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг улкан меҳнати, истеъоди ҳамда достонни ёзиб олган фольклоршунос ва ноширларнинг оғир меҳнати туфайли авлодларга мерос бўлиб қолган «Равшан» достони китобхонларни чин ва покиза муҳаббат, орномус, эътиқод, қаҳрамонлик, она юрт ва халққа садоқат руҳида тарбиялади.



Топшириқлар.



1. Достон сўзининг маъносини шарҳланг.
2. Халқ достонларининг ижро шакллари ҳақидаги фикрингизни билдиринг.
3. «Равшан» достонидаги бадиий тасвир воситалари ҳақидаги мулоҳазаларингизни айтиб беринг.
4. Достонда қўлланилган шеърий вазнлар ранг-баранглиги сабабини мисоллар асосида тушунтиринг.
5. Халқ оғзаки ижодига тааллуқли фильм, маълумотларни Интернет тармоқларидан изланг.

БАДИЙ ОБРАЗ ҲАҚИДА

Санъатнинг бошқа турлари каби бадиий адабиёт ҳам ҳаётни, ундаги инсонларнинг руҳий ҳолати, ўй-фикрларини акс эттиради. Ҳаёт ҳамиша инсонларнинг тирикчилиги, меҳнат фаолияти, кураши, ҳис-туйғулари, кечинмаларидан иборат. Адабиётнинг тасвир мавзуи, авваламбор, инсондир. Инсон тасвири йўқ, у кўзда тутилмаган жойда бадиий адабиёт ҳам бўлмайди. Шунга кўра адабиётшунослик илмида марказий ўринни эгалловчи тушунча ҳам образ, қаҳрамон тушунчасидир.

Образ (тимсол) тушунчасининг кенг ва тор маънолари мавжуд. Кенг маънодаги тимсол тушунчаси ижодкорнинг фикр-туйғулари сингдирилган ҳаёт манзарасини англатса, тор маънода бадиий асарда акс эттирилган инсон сиймосини ифодалайди. Биз бу ўринда тимсол тушунчасининг кўп қўлланиладиган тор маъноси ҳақида фикр юритамиз. Кенг маънода ишлатиладиган бадиий образ тушунчаси ҳақида ушбу китобнинг «Кириш» қисмida тўхталинган.

Ёзувчи ҳаётни бадиий тимсоллар орқали тасвирлайди. Шунинг учун ҳам бирор бадиий асар ўқиганимизда унда акс эттирилган воқелик онгимизда шу асарда тасвирланган кишиларнинг образлари қиёфасида муҳрланиб қолади. Мана, сиз «Равшан» достонини ўқидингиз. Бунинг натижаси ўлароқ, Равшан, Зулхумор, Ҳасанхон, Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсакларнинг маҳорат билан чизилган тимсоллари, Ширвон

бозори, Зулхуморга қарашли боғнинг ажойиб-ғаройиб манзаралари хотирангизда маҳкам ўрнашиб қолади.

Бадиий адабиётда инсон тимсоли у яшаётган жамият ва ундаги жараёнлар билан, уни ўраб олган табиат, ижтимоий муҳит, нарса-ходисалар билан биргаликда, шулар билан чамбарчас алоқада тасвирланади. Чунки инсон ҳамиша шулар қуршовида бўлади. Бироқ буларнинг ҳаммаси инсон образини ё индивидуаллаштирувчи, ё умумлаштирувчи, ёки унга ҳиссий таъсирчанлик бағишловчи ёрдамчи **воситалардир**. Бадиий тасвир марказида эса **инсоннинг ўзи туради**. Нарса ва ҳодисалар тасвири ўз-ўзича мустақил бадиий қийматга эга бўлмайди, улар инсонни ёрқинроқ қўрсатиш, унинг табиатини теранроқ очиш учун керак. Лекин инсон ёлғиз ўзи мавжуд бўла олмайди. Одам одамдай яшashi ва ўз инсонлигини намоён этиши учун жуда кўп нарсалар керак. Бадиий адабиётда инсон билан бир қаторда, нарса-ходисалар, муҳит тасвири ҳам зарурдир. Фақат уларнинг бадиий адабиётдаги тасвири инсон ҳолати, кечинмаларига бўйсундирилган бўлади.

Ёзувчи воқеликни акс эттирас экан, уни ўзи англаганича талқин қиласди. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, одамлар ва уларнинг дунёқараси, характер хусусияти, маданий-илмий савияси, нияти, орзу-истаги ишловидан ўтгандан кейингина тимсоллар қиёфасида намоён бўлади, бадиий асар шаклини олади. Қисқаси, ёзувчи ижод жараёнида асаридаги образларни индивидуаллаштиради, умумлаштиради.

Инсонни тасвирлаш, аввало, унинг ички дунёсини, кечинмаларини тасвирлаш демакдир. Одам одамлар орасида, яъни жамиятда яшайди. Инсоннинг кечинмалари жамиятга оид турли-туман масалалар билан чамбарчас алоқадор бўлади. Шундай экан, бадиий адабиёт инсон кечинмаларини барча мураккабликлари билан акс эттириши керак. Бу эса ижодкордан юксак истеъдод ва бадиий маҳорат талаб қиласди. У ҳаёт ва одамларни яхши билиши, инсоннинг ҳолатини, имкони борича, ҳаққоний, ўз қалби билан туйгандай акс эттириши керак. Шундагина яратган асарлари одамлар қалбига кучли таъсир этиб, завқ-шавқ уйғотиши, кишиларни эзгуликка эътиқод ва гўзалликка муҳаббат руҳида тарбиялаши мумкин.

Демак, бадиий адабиётда инсоннинг алоҳида шахс қиёфасида яратилган, айни пайтда бадиий умумлашма хусусиятига ва ҳиссий таъсир кучига эга бўлган сурати бадиий образ дейилади. Образлар бош ва эпизодик сингари турларга бўлинади. Асарнинг бошидан охиригача қатнашиб, тасвирда муҳим ўрин тутувчи иштирокчи бош қаҳрамон дейилса, асарнинг бир-икки ўрнидагина қатнашиб, кейин тушиб қоладиган иштирокчилар эпизодик қаҳрамонлар дейилади. «Равшан» достонидаги Равшан, Зулхумор, Ҳасанхонлар бош тимсоллар бўлса, ширвонлик кампир эна, ака-ука каллар, Оққиз, унинг Мастон



онаси эпизодик образлардир. Бирок эпизодик образлар ҳам воқеалар ривожида муҳим ўрин тутиши мумкин («Равшан» достонидаги Оққиз ва онаси, каллар образлари сингари).

Умуман, санъатда бўлгани сингари бадиий адабиёт асосида ҳам гўзаллик ҳақидаги тасаввур ётади. Бундай тасаввур замирида эса инсоннинг ўзи, ҳаёт ва жамият ҳақидаги орзу-армонлари яширинган. Бадиий асар ана шу орзу-армонларни ўзида мужассамлаштирасигина қудратли тарбия қувватига эга бўлади. Асарнинг ҳиссий таъсир даражаси қанчалик кучли бўлса, у китобхонлар туйғуларини нечоғлик ҳаяжонга келтирса, тарбиявий таъсир даражаси, маърифий аҳамияти ҳам шунчалик юксак бўлади дейиш мумкин.



Савол ва топшириқлар.



1. Образ (тимсол) ҳақида фикрингизни айтинг.
2. Инсон тимсоли тасвири ҳақида нима дея оласиз?
3. Бадиий образлар қандай турларга бўлинади?

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИДАН¹



XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVII асргacha бўлган давр ўзбек адабиётининг уйғониш даври адабиёти деб аталади. Бу даврда туркий халқлар маданий ҳаракатчилиги Олтин Ўрда, Самарқанд, Ҳирот, Бухоро, Хоразм сингари минтақаларда марказлашди. Олтин Ўрда адабий муҳити ўнлаб истеъоддларни вояга етказиб берди.

Адабиёт XV асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ҳар томонлама ривожланди. Ҳикмат ва санъат деб қаралган адабиётнинг мавзу ва гоялари кенгайди. Шоирлар барча жанрлардан самарали фойдаландилар.

XV асрда сермаҳсул ижод қилган ва туркий тил ривожига улкан ҳисса қўшган адаблар сифатида Дурбек, Гадоий, Атойи, Саккокий, Лутфий ва Алишер Навоийларни кўрсатиш мумкин. Айниқса, Алишер Навоий энг сермаҳсул ижодкор сифатида машҳур бўлди. Унинг шеърий меросида ўн олти жанрда битилган асарлар мавжуд.

Хамсачилик анъаналар давом эттирилиб, биринчи марта туркий тилда “Хамса” яратилди. Навоий қаламига мансуб “Хамса” биргина XV асрнинг эмас, балки умуман, туркий адабиёт тараққиётининг муҳим ҳодисаси бўлди.

Назм билан биргаликда наср ҳам ривожланди. Айниқса, унинг тарихий-бадиий мемуар кўриниши тараққий топди. Адаблар ўз кўрган-кечирганлари, буюк замондошлари ва улар билан боғлиқ воқеалар ҳақида насрий асарлар ёздилар.



ШЕЪР САНЪАТИ

Шеър юксак фикр ва оташин туйғуни эҳтирос билан ифодалайдиган ҳаяжонли нутқидир. Унинг муҳим унсурлари: вазн ва қофиядир. Чунки муайян бир оҳангга, ритмга эга бўлган нутқий бутунликкина шеър салади. Буни эса қофия ва вазн таъмин этади.

Шеър шеърхоннинг ҳам онгига, ҳам туйғуларига таъсир кўрсатади, фикрига фикр қўшади, ҳиссиётини жунбушга келтиради. Чинакам шеър ҳикмат ва санъат намунасиdir, бадиий мўъжизадир. У ҳар са-

¹ «Ўзбек адабиёти тарихидан» бўлимини ёзишда проф. Бегали Қосимов материалларидан ҳам фойдаланилди.



фар фақат ўзига хос йўсинда пайдо бўлади ва ҳар кимга ҳар хил таъсир қўрсатади. Шунга қарамай, ҳар бир нарса-ҳодисада бўлгани каби шеърнинг ҳам ўз қонун-қоидалари, тартиблари бор. Буни шеър илми дейиш мумкин. Уни аждодларимиз «Илми балоға» («Етуклик илми»), «Илми бадеа» («Бадиият илми»), «Илми ғариба» («ғаройиблик илми») сингари номлар билан атаганлар. Айтилган илмлар мумтоз шеърни теранроқ англашга калит бўлади. Шеъриятнинг яширин сирли эшиклирига очқич вазифасини ўтайди.

Азиз ўқувчи, Сиз мумтоз шеърият намуналари билан танишиш жараёнида йўл-йўлакай унинг илмидан, яъни шеър санъатлари, қофия, вазнга доир тушунчалардан ҳам хабардор бўлиб борасиз.

ТАШХИС

Ташхис («шахслантириш») – жонлантириш. Жонсиз нарсаларга, ўсимлик ва ҳайвонларга шахс (инсон)га хос хусусиятларни кўчириш. Булар орқали тасвир ва ифодада таъсирчанликка эришилади. Масалан: «қизорди гул уётдин анжуманда». Анжуман (йиғилиш)да бўлиш, уялиш, қизариш одамга хос хусусиятдир. Шоир гулнинг қизаришини унинг маъшуқа чиройини кўриб, хижолат бўлганидан, уялганидан, деб изоҳламоқда.

Фурқат қаламига мансуб:

Кўрганда қоматингиз бўлғай ҳижил сановбар,
Товус жилвасидин рафторингиз чиройли

байтида санобар ҳижил бўлади, товус жилва қиласди. Булар инсоний хусусиятлар, албатта.

МУБОЛАҒА

Муболага «катталаштириш» маъносини беради. Шеърда нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатга хос жиҳатлар ўта кучайтириб тасвирланади. Атойининг:

Юзунгдин шомлар зулфингни йиғсанг,
Фуруғи моҳи тобон ҳожат эрмас

мисраларида ёр гўзаллиги ўта қуюқлаштириб тасвирланади. Яъни: «Юзингни тўсиб турган соchlарингни кечқурунлари йиғиб олсанг, юзинг очилса, ойнинг порлоқ нурига ҳожат қолмайди». Демак, ёрнинг юзи оламни тўлин ойдан ҳам равшанроқ ёритади. Бу ёр юзининг гўзаллигини, оппоқлигини муболагали тасвирлашдир.

ТАЛМЕХ

Агар шеърда бирор тарихий шахс ёки воқеа, афсона, қисса ва уларнинг қаҳрамонларига ишора қилиш орқали фикр англатилса, талмех санъатини қўллаган бўлади. Талмех «назар солмоқ» деган маънени англатади. Чунончи:

Солиб борма мени, эй, Юсуфи ҳусн,
Букун Яъқубтек байт ул-ҳазандা.

Шоир шеърда ислом тарихида маълум ва машҳур бўлган ривоятга ишора қилаётир. Унга кўра: Юсуф Яъқуб пайғамбарнинг ўн икки ўғли орасида энг кичиги, энг гўзали ҳамда энг ақдлиси эди. Унинг эътиқодда маҳкамлиги, айниқса, отасига ёқарди. Шу боис у кичик ўғлини жуда яхши кўрар ва ёнидан жилдирмасди. Акалари уни кўра олмасдан, ов баҳонасида даштга олиб чиқадилар. Қудуққа ташлаб, «бўри еди» деб айтадилар. Қийимларини қонга ботириб, оталарига қўрсатадилар. Отаси Яъқуб суюкли ўғлининг ҳажрида бир умр йиғлаб ўтади. Фам ва йифининг зўридан кўзлари кўр бўлиб қолади. Яъқуб пайғамбарга ҳаёт ғамхонага айланади. Атойи ғазалда талмех санъатидан фойдаланиб, бадиий таъсирчанликка эришади.

ИШТИҚОҚ

Иштиқоқнинг маъноси «сўздан сўзни ажратмоқ» деганидир. Бунда шоир ўзакдош сўзларни қўллайди ва кўпинча ўзак бўғинлар такорори орқали оҳангдорликка эришади. Масалан: «узун», «узмасман» сўзларида «уз» ўзаги такорланиши шеърий оҳанг вужудга келтиради. Масалан, Навоийнинг:

Қилса зулм ул золим, элни қилмағил, ё раб, забун,
Чун тазаллумдур ишим, доим мени мазлум қил

байтидаги зулм, золим, тазаллум, мазлум сўзлари ўзакдош бўлиб, иштиқоқ санъати асосида қўллангандир.

ТАЗОД

Тазод «зид қўйиш» демакдир. Шоир ўз фикрини ифодалашда ўзаро қарама-қарши сўзларни қўллайди. Шунга кўра, уни бугунги тилда «қаршилантириш» ҳам дейдилар. Масалан: оёқ - бош, қора-ок. Лут-ғийнинг

Раҳм қилғил бандаға, эй шоҳ, ул тенгри учун,
Ким этар бизни гадо, ул сизни султон айлаган



байтида банда – шох, гадо – султон сўзлари ўзаро зид маъноларни ифодалаши тазодга мисол бўла олади.

ИРСОЛИ МАСАЛ

«Ирсоли масал» мақол киритиш дегани. Шоир бирор фикр-муддаони етказиш, исботлаш мақсадида шеърга бирор мақолни ё айнан, ё бир оз ўзгартириш билан киритиб юборади. Масалан, Навоийнинг

Ўқларинг кўнглумга тушгач куйди ҳам кўз, ҳам бадан,
Ким куяр улу қуруғ чун найситонға тушди ўт

байтининг иккинчи мисрасида “Қамишзорга ўт тушса, ҳўлу қурук баравар ёнади” мақоли киритилган.

ТАЖНИС

Тажнис жинсдош (шаклдош) сўзлар, яъни омонимлар ёрдамида фикр ва маънони кучайтириш санъатидир («тошурмоқ», «тош урмоқ» каби).

Лутфийнинг “Улким қўнгул олди зулфи холи, кўнгулдин эмас хаёли холи” байтидаги қофиядош холи сўзлари шаклан бир хил бўлсада, лекин икки хил маънони ифодалайди: биринчи мисрада маъшуқа холи, иккинчи мисрада “холи эмас” маъносини англатади.

ҚОФИЯ

Қофия шеърий мисра ёхуд байт охирида келадиган оҳангдош сўздир. Масалан: жон, ризвон, найсон, тобон, бистон, уммон, сагбон, айвон ва ш.к. Радиф эса қофиядан сўнг такрорланиб келадиган сўз ёки сўз бирикмасидир («ҳожат эрмас»).



Топшириқ:

Аввал ўрганилган шоирларнинг асарларидан мисоллар келтириб, ҳар бир шеърий санъатнинг аҳамиятини тушуниб ўрганинг.

АТОЙИ

(XIV аср охир – XV асрнинг биринчи ярми)

Атойи XV асрнинг машҳур шоири, Алишер Навоийгача бўлган ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларидан биридир. Шеърлари ўз даврида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда шуҳрат топган.

Ҳазрати Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») китобида унинг шеърларига юқори баҳо берган. Атойи Аҳмад Яссавий насабига мансуб бўлган И smoil ота авлодларидан. Алишер Навоийнинг маълумот беришича, Балҳда¹ яшаган. Мирзо Улуғбек саройида хизмат қилган. Қозогистоннинг Турбат қишлоғида унга нисбат берилган қабр бор. Чамаси, унинг ҳаёти Сайрам, Балҳ, Самарқанд, Ҳирот шаҳарларида кечган. Тахаллусини машҳур шайх ота-боболарига ишора қилиб, «Ато» («Ота») деб олган.

Шоир ўз шеърларида нозик дид, учқур хаёл эгаси эканлигини намойиш қиласди. Эсда қоладиган ўхшатишлар, кутилмаган муболағалар, тутилмаган ташбеҳлар қўллайди. Шоирнинг бир ғазалида ёр нозланиб хокисор ошиқнинг юзига оёқ босади ва оёғи оғрийди. Сўнг: «Юзинг бунча бўйрадек бўлмаса», – дея эркаланади. «Бўйра» – қамишдан тўқиладиган рўзгор буюми. У гилам остига тўшалади, том устига ёпилади. Ёрнинг оёғи шу қадар нозик ва гўзалки, унинг олдида ошиқнинг юзи бўйрадай қаттиқ. Иккинчи бир шеърида эса, ёрини соғинган ошиқнинг кўзидан оққан ёш дарёга айланган, ошиқ киприкларидан сол ясад, шу дарёда сузаётганлиги манзараси чизилади.

Шоир ёрини улуғловчи, фидойиликни кўрсатувчи бетакрор сатрлар битади. Масалан, «Бегим» шеърида ошиқ ёр хизматида киприкларини супурги («жоруб»), юзини хокандоз қилишга тайёр эканини тасвирлайди. Ёр у ёқда турсин, унинг фарроши «қул»ликка қабул қиласа ҳам ошиқ ўзини баҳтли ҳисоблайди. Атойи ёр образини мана шундай юксакликка кўтаради. Бизгача Атойининг бир девони етиб келган бўлиб, 260 ғазални ўз ичига олади. Ғазаллари замондошларини қараганда содда. Фикрни оддий, содда йўсинда ифодалашни «туркона» деганлар. Навоий Атойи ҳақида: «Туркона айтур эди», – деган маълумот беради. Чиндан ҳам Атойи энг мураккаб туйғуларни ҳам она тилимиздаги содда сўзлар воситасида осон ифодалаш ўйларини топади. Ўрни келганда айтиш керакки, девон деб мусулмон Шарқида муайян қоидаларга кўра тартиб берилган шеърий тўпламга айтилади. Ундаги асарлар алифбо бўйича жойлаштирилади. Алифбони белгилашда мисранинг бошидаги эмас, балки охиридаги ҳарф ҳисобга олинади. Девондаги асарлар жанрига мувофиқ каттадан кичикка қараб жойлаштирилади. Ҳар бир шоирнинг адабиётдаги ўрни унинг девони бор-йўқлигига

¹ Балҳ – ҳозирги шимолий Афғонистондаги туркийлар яшайдиган қадимги шаҳар.

қараб белгиланган. Девон тузиш ҳуқуқига эга бўлиш учун шоир ўндан ортиқ шеърий жанрда ижод қилиши лозим бўлган.

Атойи шеърларининг мавзу йўналиши Шарқда анъана бўлганидек, кўпроқ ишқ-муҳаббат ҳақида. Шоир ёрнинг қадди-коматини, юзи, кўзи, қоши, сочи, киприкларини, оғзи, лаби, холи кабиларни ҳаяжон ва меҳр билан таърифлайди. Унинг сифатларини кўрсатиш орқали ёрнинг гўзалликда тенгсиз тимсолини чизади. Ҳар дақиқада ўзининг маъшуқага бўлган севги-садоқатини изҳор этади. Ўзини «қул», ёрни «шоҳ» мартабасида кўрсатиш йўли билан бир томондан, гўзал ёрга адоқиз севгисини билдиrsa, иккинчи томондан, бу севгининг тенг эмаслигини («шоҳ» – «қул») таъкидлаб туради. Атойи шеърларидағи маъшуқа ҳам мумтоз Шарқ шеъриятида бўлгани каби нуқсонсиз, ҳар жиҳатдан мукаммал қилиб тасвирланади. Шу сабабли унинг жамоли, сифатлари Оллоҳ жамолини эсга туширади. Айрим ўринларда шоир маъшуқа ҳуснини «музҳаф» («Қуръон»)га, унинг менгини оятга ўхшатиб, бу тасвирлардан мақсад Оллоҳ сифатларини кўрсатиш эканлигига ишора ҳам қиласи. Шундай ўринларда шоир куйлаган севгининг илоҳий ишқ (Худога муҳаббат) эканлиги кўзга ташланади. Бироқ Атойи ижодида кўпинча ҳаётий ёр, дунёвий ишқ, инсоннинг инсонга бўлган меҳр-муҳаббати кўзда тутилади.

ФАЗАЛЛАР

Жамолинг васфини¹ қилдим чаманда,
Қизорди гул ўёттин анжуманда².

Таманно³ қилғали лаълингни⁴ қўнглум,
Киши билмас ониким, қолди қанда⁵

Чу жонимдан азиз жонона сенсен,
Керакмас жон манга сенсиз бадандা.

Манга ул дунёда жаннат не ҳожат,
Эшигинг тупроғи басдур кафандা.

Солиб борма мени эй, Юсуфи ҳусн,
Букун Яъқубтек байт ул-ҳазанд⁶.

¹ Васф – мақтov, сифат, таъриф.

² Анжуман – йигин, мажлис.

³ Таманно – истак, тилак, орзу.

⁴ Лаъл – қимматбаҳо қизил тош. Бу ўринда «лаб» маъносида.

⁵ Қанда – қандай, қаерда.

⁶ Байт ул-ҳазан – ғамхона, ғамга ботмоқ.

Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,
Аёғинг қанда бўлса, бошим анда.

Тилар эл мансаби олий ва лекин,
Атойи сарви озодингфа¹ банда.



Савол ва топшириқлар.

Г

- Ёрнинг жамоли мақталганда гул нима учун қизарди, деб ўйлайсиз?
- “Уч қадамли сұхбат” стратегияси. Ҳар бир гуруҳ мавзу юзасидан бир-бирига турли уч хил саволлар бериб, мұхокама қилинг.
- Юсуф, Яъқуб тимсолларига “Луғат иши” орқали таъриф беринг.

Сўз	Бизнинг фикр	Луғатдаги фикр	Гап

- Фазалдан шеърий санъатларни топинг. Жадвални тўлдиринг.

Шеърий санъат	Мисоллар
Ташхис	
Талмех	
Муболага...	

Я

- Фазални ёд олинг.

* * *

Манга сен бўлмасанг, жон ҳожат эрмас,
Биҳишту² хуру ризвон³ ҳожат эрмас.

Фироқингда⁴ кўзум ёши бор эркан,
Баҳору абри найсон⁵ ҳожат эрмас.

Юзунгдин шомлар зулфунгни йифсанг,
Фуруғи⁶ моҳи тобон⁷ ҳожат эрмас.

¹ Сарви озод – сарвдай қомат.

² Биҳишт – жаннат.

³ Ризвон – жаннат.

⁴ Фироқ – айрилиқ.

⁵ Абри найсон – кўклам булути.

⁶ Фуруғ – нур.

⁷ Моҳи тобон – нурли ой, тўлин ой.



Бўюнг сарву кўзунг наргис, юзунг гул,
Сенинг қошингда бўстон ҳожат эрмас.

Агар гашти¹ лаби дарё қилурсен,
Кўзумга келки, уммон² ҳожат эрмас.

Рақиб бирла мусоҳиб³ қилма бизни,
Қутурғон итга сагбон⁴ ҳожат эрмас.

Атойига бўсағангдан ўрун бер,
Саройу кохи⁵ айвон ҳожат эрмас

* * *

Агар кўнглунг тилар жонимни олмоқ,
Қароқчи кўзларингдин бир қиё боқ.

Жудо бўлғоли мен зулфу юзунгдин,
Кўзумга не қаро кўрунди, не оқ.

Фалак айвонина бош индиурму⁶,
Қошинг меҳробининг⁷ тоқина⁸ муштоқ.

Кўрармен боғи жаннат мевасиндин,
Янгоқинг⁹ норини¹⁰ юз қатла беҳроқ¹¹.

Мени девона айлаб ишва бирла,
Недур ҳардам парилардек яшунмоқ.

Агар учмоҳ¹² берса тенгри сенсиз,
Дегаймен бизга етти, секкиз учмоҳ¹³.

¹ Гашт – сайр.

² Уммон – океан.

³ Мусоҳиб – сухбатдош.

⁴ Сак(г)бон – итбоқар.

⁵ Кохи – қаср.

⁶ Индиурмоқ – қўймоқ, эгмоқ.

⁷ Меҳроб – намозга имомликка ўтган кишилар турадиган ёй шаклидаги саждагох.

Шакли қайрилма қошга ўҳшайди.

⁸ Тоқи – уй, токча, меҳробнинг тепа қисми.

⁹ Янгоқ – ёноқ.

¹⁰ Нор – олов, анор.

¹¹ Беҳроқ – яхшироқ.

¹² Учмоҳ – жаннат.

¹³ Мисранинг мазмуни: Бизга саккиз жаннат етди дейман.

Атойи, сен ким-у ул сарв қомат,
Илик¹ етмас, не ҳосил қўлни сунмоқ².

* * *

Кўнгул олдинг, бегим, ёшурмофинг не?
Жафони ҳаддидин ошурмофинг не?

Рақибларға қилур лаълинг табассум,
Қонимни ғуссадин тошурмофинг не?

Кўнгул шишиасида меҳринг майдур,
Жафо бирла анга тош урмофинг не?

Юурда енг била оғзингни тутма,
Нимаким йўқ туур, ёшурмофинг не?

Атойи, ерга ел зулфин тегурмас,
Қаро ерга сенинг бош урмофинг не?



Савол ва топшириқлар.



- “Видео-топишмоқ” стратегияси. Видеотасма орқали ғазалга басталанган қўшиқни тинглаб томоша қилинг. Унинг қайси шоир қаламига мансуб эканлигини топинг. Ғазал мазмунини очиб берувчи 5та таянч сўзни иш дафтaringизга ёзиб олинг.
- “Жигсо” стратегияси орқали ғазалларни гурухларга бўлиб ўрганинг. Луғатдан фойдаланган ҳолда ғазал мазмунининг насрый баёнини ёзинг.
- Атойи ғазалларидан шеърий санъатларни топинг. Жадвални тўлдинг.

Шеърий санъат	Мисоллар
Ташхис	
Муболага	
Талмех	
Иштиқоқ	
Тазод	
Ирсоли масал	
Тажнис	

- “Баҳру байт” ўтказинг.
- Истаган ғазални ёд олинг.

¹ Илик –қўл.

² Сунмоқ – узатмоқ.



АЛИШЕР НАВОЙ

(1441–1501)



Матнолди топшириқлар: “Ақлий ҳужум”: Ушбу портретга қараб инсон қиёфасининг қайси жиҳатларини англаш мумкин? Шоир портретига чизгилар.

Алишер Навоий ҳамма даврлар турк адабиётининг энг машҳур вакилидир. Чунки ҳеч ким туркий тил ва турк адабиётининг равнақи учун унингдек хизмат қилолган эмас. Навоий ижоди туркий адабиётнинг юксак чўққисидир. Чунки ҳеч ким унга қадар ҳам, ундан кейин ҳам бу тилда бунчалик «кўб ва хўб» (Бобур) ёзмаган. Навоий барча туркий халқларнинг энг буюк шоиридир. Чунки у ўзини «Хито(й)дан то Хурросон»гача ёйилган туркий «қавм» (эл, уруғ) ларнинг шоири, деб билди. Уларни бир адабий тил байроғи остида бирлаштириди, «яққалам» қилди. Бу билан миллатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий равнақига катта таъсир кўрсатди.



Буюк шоир, асосан, Хурросонда, унинг пойтахти Ҳиротда яшаб ўтди. Ҳазрати Навоий яшаган даврда Хурросон ва Мовароуннаҳр бир мамлакат бўлиб, бир тахт эгаси ихтиёрида келган, аҳолисининг асосий қисмини туркий халқлар ташкил этган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий тили «Андижон шеваси билан рост» (тўғри, мос)лигини айтади. Бинобарин, биз – ўзбеклар туркнинг энг қадим бўғинини ташкил этган ва бугун ўзбек миллати бўлиб шаклланган халқ буюк Навоийнинг бевосита ворислари дирмиз. Навоийдек жаҳоний зотга авлодлик ва ворислик ҳисси ҳар бир ўзбекнинг қалбини ғурур ва ифтихор туйғулари билан тўлдиради.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротда туғилди. Замондошлиари уни «Низомиддин Мир Алишер» деб улуғлаганлар. «Низомиддин» дин низоми деганидир. Кўпинча, мансаб эгаларига нисбатан айтилган «мир» амир демакдир. Унинг отаси Фиёсиддин Муҳаммад (уни «Фиёсиддин кичкина» ҳам дер эдилар) темурийлар саройининг амалдорларидан, онаси амирзода Шайх Абусаид Чангнинг қизи бўлган. Исли маълум эмас. Алишернинг бобоси Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош (кўкалдош) эди.

Алишер сарой муҳитида яшаганлиги учун алоҳида тарбия ва назоратда ўсади. Олиму фозиллар даврасида бўлди. 3–4 ёшларида даврининг машҳур шоири Қосим Анворнинг бир шеърини ёд айтиб,

мөхмөнларни ҳайратга солди. Беш ёшида эса уни мактабга бердилар. У бўлажак Султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди.

1447 йилда подшоҳ Шоҳруҳ Мирзо вафот этиб, пойтахт Ҳирот нотинч бўлиб қолади. Алишерлар оиласи Ироққа кўчуб кетади. Йўлда Тафт шаҳрида Алишер машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади, тийрак ва ақлли болакай кекса олимнинг дуосини олади.

Алишерлар хонадони 1451 йилда Ҳиротга қайтади. Кўп ўтмай, тахтга Абулқосим Бобур Мирзо ўтиради. Алишернинг отаси Фиёсиддин Муҳаммад Сабзаворга ҳоким қилиб тайинланади. Алишер эса ўқишни давом эттиради. Бўлажак шоир Саъдий Шерозийнинг «Гулистан», «Бўстон» асарларини севиб ўқиуди. Айниқса, Фаридиддин Атторнинг қушлар тилидан ҳикоя қилинган «Мантиқ ут-тайр» («Қуш мантиғи») асари Алишернинг ўй-хаёлини тамом эгаллаб олади. У одамлардан ётсирайдиган, хилватни ёқтирадиган, ҳамиша ўйчан юрадиган бўлиб қолади. Бу ҳолдан унинг ота-онаси ташвишга тушиб, китобни яширадилар. Лекин бу фойдасиз бўлиб чиқади. Китоб Алишерга бошдан-оёқ ёд бўлган эди. «Мантиқ ут-тайр» хаёли Алишерга бир умр ҳамроҳ бўлди. Умрининг сўнгига эса «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») номи билан унга жавоб ёзди.

Низомий Ганжавий ва Ҳусрав Деҳлавий бўлажак мутафаккирнинг севиб ўқиган шоирларидан эди.

1453 йилда Алишернинг отаси Фиёсиддин Муҳаммад вафот этди. Алишер Абулқосим Бобур хизматига кирди. Аввал Сабзаворда, сўнг Машҳадда яшади. Икки мактабдош дўст – Ҳусайн ва Алишер яна бирга бўлдилар. Бу йиллар ҳам ёш Алишер учун илм эгаллаш йиллари бўлди. Шеърга меҳр Алишерни ижодга унади. У 7–8 ёшларидан шеър ёза бошлади. Ўзбекча шеърларига «Навоий», форсча шеърларига «Фоний» тахаллусини қўйди. 15 ёшларида унинг шеърлари замонасининг машҳур шоирлари диққатини торти.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этди. Унинг ўрнини Абусайд Мирзо эгаллади. Ҳусайн Бойқаро тахт учун қурашга шўнғиб кетди. Навоий эса Машҳад мадрасаларида ўқишни давом эттиради. 1464 йилда Ҳиротга қайтиб келган шоир ҳаётида нохушликлар бошланди. Абусайд Мирзо тахтга даъвогар Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишиларини таъқиб остига олади. Алишернинг ота мулкини мусодара қиласи, тоғалари Кобулий ва Фарийларни қатл эттиради.

Навоий 60-йилларнинг иккинчи ярмида Самарқандда яшади. Унинг бу ерга келиш сабабини турлича кўрсатадилар. Тарихчи, Навоий ҳақидаги «Макорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар») номли маҳсус асарнинг муаллифи Хондамир уни ўқиши учун келди, дейди. Заҳириддин Бобур эса Абусайд сургун қилди, деб маълумот беради. Ҳар иккаласи учун ҳам асос бор, албатта. Нима бўлганда ҳам, Самарқанд унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Чунки Самарқанд соҳибқирон Амир Темур пойтахт қилган шаҳар эди. Гўри Амир, муazzам Кўксарой,



Улуғбек расадхонаси каби ўнлаб тарихий обидалар, жомеъ, мадрасалар, қанчадан-қанча олиму фозиллар, шаҳарнинг табиий гўзаллиги унинг хотирасида сақланиб қолди. Кейинчалик бу шаҳарни ўз асарларида «Фирдавсмонанд» (жаннатмисол) деб таъриф этди.

Навоий шу йиллари шоир сифатида жуда катта шухрат топа борди. 1465–1466 йилларда унинг муҳлислари шеърларини тўплаб, «Девон» туздилар. Бу китоб бугун «Илк девон» номи билан машҳурдир.

1469 йилда Ҳирот таҳтига Ҳусайн Бойқаро чиқади ва Самарқандга хат йўллаб, Алишер Навоийни ўз ёнига чақириб олади. Давлат ишларига жалб этади, муҳрдор қилиб тайинлайди. Шу тариқа, буюк шоир Ҳусайн Бойқаро саройида 1469–1472 йилларда муҳрдор¹, 1472–1476 йилларда вазир бўлиб хизмат қиласди. 1487–1488 йилларда Астрободга ҳокимлик қилди. Ҳусайн Бойқаро ҳокимият ишларида Навоийнинг ақл ва садоқатига таяниб иш кўрди. Унинг қаршилигига қарамасдан, шоирни юқори мартабаларга тайинлади. Буюк шоир «амири кабир» (улуг амир), «амирул муқарраб» (подшоҳга энг яқин амир) унвонларига мушарраф бўлди. Унинг вазирлик йиллари Ҳиротда ободончилик ишлари авж олган, маданият гуллаб яшнаган давр бўлди.

Улуг амир ўзи бош бўлиб, сувсиз ерларга сув чиқарди, эски ариқларни тозалаттириди, янги каналлар қаздирди. Эски биноларни таъмир қилдириб, янгиларини қурдирди. Қанчадан-қанча мадрасалар, хонақолар солдирди. Унинг, айниқса, Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятини мустаҳкамлаш, юрт осойишталигини таъминлаш, темурийзодалар тоҷу таҳт учун олиб бораётган қурашларнинг зарарини пасайтириш борасидаги хизматлари катта бўлди. Ақлу заковати, донишмандлиги, эл-юрт орасидаги юксак мавқеи билан Ҳусайн Бойқаро ва ўғиллари – шаҳзодалар ўртасидаги кўплаб низо ва жанжалларни бартараф қилишга муваффақ бўлди. Қанчадан-қанча ғаләёнларни тинчитди. У жангда жасур, шеърда истеъдодли, дўстликда садоқатли бўлган Султон Ҳусайн Бойқарога қаттиқ ишонар эди.

Алишер Навоий шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд тутди. Вазирлик мартабасида туриб ҳам ижод қилишни тўхтатмади. 1472–1476 йилларда «Бадое ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»), 1476–1483 йилларда «Наводир ун-ниҳоя» («Ниҳоясиз нодирликлар») номлари билан икки девон тузди.

1483 йилда туркий тилда биринчи бўлиб «Хамса» ёзишга киришиди ва жуда қисқа муддат – икки йилда беш йирик достондан иборат асарни ёзиб тугатди. Илм ва ижод аҳли бу воқеани зўр шодликлар билан қарши олди. Абдураҳмон Жомий Навоий «Хамса»сига юксак баҳо берди. Ҳусайн Бойқаро буюк шоирни ўзининг оқ отига миндириб, унга жиловдорлик қилиб, Ҳирот кўчаларини айлантируди.

Алишернинг шоҳ қошида ошиб бораётган мавқе-эътибори саройдаги Мажидиддин бошлиқ бир гурӯҳ эл ҳақидан хазар қилмайдиган

¹ Муҳрдор – давлат ҳужжатларини расмийлаштирувчи амалдор.

амалдорларни ташвишга солиб қўйди. Улар шоҳнинг адолатталаб амирини кўздан узоқроққа жўнатиш йўлини излай бошладилар ва бунга муваффақ бўлдилар. Шоир 1487–1488 йилларда Астрободга ҳоким этиб тайинланиб, пойтактдан узоқлаштирилди.

1480–1490 йиллар Навоий учун бадиий ижодда самарали йиллар бўлди. Шоир «Хамса»дан кейин бир қатор насрой асарлар яратди. 1488 йилда «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам – араб бўлмаган шоҳларнинг тарихи») асарини ёзди. Шу йиллари Навоийнинг яқин дўстлари, устозларидан Сайид Ҳасан Ардашер (1489), Абдураҳмон Жомий (1492), Паҳлавон Муҳаммад (1493) кетма-кет вафот этдилар. Навоий уларга бағишлиб «Ҳолоти¹ Сайид Ҳасан Ардашер», «Хамсат ул-мутаҳайирин» («Беш ҳайрат»), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарларини ёзди. Бу асарлар насрой бўлиб, шоирнинг улуғ замондошлари ҳақидаги мемуар – хотираларидан ташкил топган эди.

Навоийнинг 1490 йиллардаги энг катта ишларидан бири «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») мажмуасини тузиши бўлди. Тўрт девондан иборат бўлган бу улкан шеърий тўплам шоирнинг туркий тилда ёзган деярли барча лирик шеърларини қамраб олган эди.

Навоий араб ва форс тилларини мукаммал билган ва уларда ҳам ажойиб асарлар ёзиш қудратига эга эди. Шоирнинг форсий шеърларини ўз ичига олган «Девони Фоний» ва туркий асарларидаги мисол тариқасида келтирилган арабча ҳамда форсча ихчам адабий матнлар бунга далил. Буюк шоир лугатшунослик билан ҳам қизиқди. «Сабъату абҳур» («Етти денгиз») номли китоб ёзди. Арузга доир «Мезон ул-авzon» («Вазнлар ўлчови»), тазкирачиликка² оид «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») каби асарлар яратди. Булар ўзбек (турк) тилида шу соҳалардаги биринчи асарлар эди. Айниқса, унинг турк (ўзбек) тили ҳимоясига бағишлиланган, турк-сорт (форс) тилларини солиштириб, ўз она тилининг туганмас имкониятларини илмий асослаб берган «Муҳокамат ул-лугатайн» («Икки тил муҳокамаси») тилимиз тараққиётида ғоят катта аҳамият касб этди.

Буюк адиб умрининг охирига қадар илму ижод билан қизғин ва самарали шуғулланди. 1495–1496 йилларда Шарқда ўтган машҳур шайхлар, сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи «Насойим ул-муҳабbat» («Муҳабbat шабадалари») асарини ёзib тугатди. Сўнг умр бўйи хаёлини банд этган «Лисон ут-тайр» ни қоғозга туширди. 1498–1499 йилларда хатларини тўплаб «Муншаот» («Хатлар») тузди. 1500 йилда буюк мутафаккирнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашларини ўзида ифодалаган «Маҳбуб ул-қулиб» («Кўнгилларнинг севгани») асари майдонга келди. Бу буюк адибнинг сўнгги асари эди.

Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этди.

¹ Ҳолот – аҳвол, умрбаён, таржимаи ҳол.

² Тазкира – ижодкорлар ҳақида ихчам маълумот ва айрим асарларидан намуна келтириладиган тўплам.



Савол ва топшириқлар.

Я

1. Алишер Навоийнинг туркӣ тил ва адабиёт тараққиётидаги энг йирик хизматлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

Я

2. Шоирнинг аждодлари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг.

Ж

3. Шоирнинг ёшлик йиллари, Самарқанддаги фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.



4. Навоий ҳаёти акс эттирилган видеолавҳа, ҳужжатли фильм, бадиий фильмларни томоша қилинг.

САБЪАИ САЙЁР

(Достондан парча)

(Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофириңинг достоноролиги¹)



Матнолди топшириқ: Достондан берилган парчанинг 47-55 саҳифаларини “Жигсо” стратегияси орқали ўзлаштиринг.

«Бор экандур Аданда² жавр³ фане⁴,
Жавр қилмоқ фанида сафшикане⁵.

Бори манзил ўлуб савоҳил⁶ анга,
Соҳили баҳр⁷ ўлуб манозил⁸ анга.

Ҳам тануманду⁹ ҳам шужоу¹⁰ далер¹¹,
Ул сифатким жазира¹² ичраки шер.

¹ Достоноролиги – достонлик, достон айтувчилик.

² Адан – Арабистондаги кичик мамлакат номи.

³ Жавр – жабр, азоб.

⁴ Фан – ҳунар.

⁵ Сафшикан –сафларни бузувчи қаҳрамон.

⁶ Савоҳил –соҳиллар, қирғоқлар.

⁷ Соҳили баҳр – денгиз соҳили.

⁸ Манозил – манзиллар, маскан.

⁹ Тануманд –кучли.

¹⁰ Шужо –ботир.

¹¹ Далер – қўрқмас.

¹² Жазира – орол.



Ахзи¹ моли ҳаром коми ўлуб,
Бўйла ком истабон ҳароми ўлуб.

Шавкатидин не ёр анга, не рафиқ²,
Ёлғузун айлар эрди қатъи тариқ³.

Карвони агар ўну гар юз,
Борчасига ҳариф⁴ эди ёлғуз.

Йўқ савоҳил ичинда раҳзан⁵ ул,
Бахр аро ҳам анга келиб фан ул.

Бир неча заврак⁶ асрабон тайёр,
Янги ой заврақи киби сайёр.

Қайси заврақким, ул ясад они,
Асрабон ўзга ерда пинҳони.

¹ Ахз – олмоқ, әгалламоқ.

² Рафиқ – дўст, ўртоқ.

³ Қатъи тариқ – йўл тўсипш йўлтўсарлик.

⁴ Ҳариф – рақиб, бас келгувчи, душман.

⁵ Раҳзан – йўлтўсар, қароқчи.

⁶ Заврак – қайиқ.

Неча раҳзан анга мулозим этиб,
Ҳифзини¹ борчасига лозим этиб.

Қайдаким заврақи топиб таскин,
Анда бир дийдабон² қилиб тайин.

Ким жазоирдаким тутуб беша³,
Ул кишига бу иш бўлуб пеша.

Ким, чиқиб бир бийик шажар узра,
Кўз солиб баҳри мавжвар⁴ узра.

Кўзига кема учраса ногах,
Ани филҳол⁵ этар эди огаҳ.

Ул миниб заврақи сабуксайре⁶,
Ўйлаким сувда сайр этар тайре⁷,

Кема аҳлиға ҳай⁸ дегунча этиб,
Борчаға ҳар не кўнгли истар этиб.

Талабон молу элни айлаб ҳалоқ,
Ёнибон⁹ коми дил била бебок¹⁰.

Баҳр аро офати нечукки наҳанг¹¹,
Беша ичра нечукки шеру паланг¹².

Сув юзинда сабо киби обир¹³,
Отини халқ айтибон Жобир¹⁴.

¹ Ҳифз – сақлаш, қўриқлаш.

² Дийдабон – кузатувчи, пойлоқчи.

³ Беша – ўрмон, тўқай.

⁴ Баҳри мавжвар – мавжланган денгиз.

⁵ Филҳол – дарҳол.

⁶ Сабуксайре – тезюар.

⁷ Тайр – қуш.

⁸ Ҳай – «Ҳой» дегунча, зумда.

⁹ Ёниб – қайтиб, кетиб.

¹⁰ Бебок – қўрқмай.

¹¹ Наҳанг – улкан йиরтқич балиқ, акула.

¹² Паланг – йўлбарс.

¹³ Обир – еловчи, енгил ўтувчи.

¹⁴ Жобир – жабр қилувчи.

Дашту дарёда лек аҳли убур¹
«Жобириу роҳзан² » қилиб машҳур.

Бор эди бир жазира маъман³ анга,
Халқ молин йигорға махзан⁴ анга.

Бир йиғочқа⁵ яқин жазираға давр⁶,
Даврида сувға топмайин киши ғавр⁷.

Даврасида кўрунмайин кўзга,
Ончаким кўз тушар судин ўзга.

Ичида беадад шажар бутубон,
Сабза ўрнига нилуфар бутубон.

Чашмаи эрди хушгувор⁸ анда,
Захр аро нўш⁹ ошкор анда.

Ул су бирла ясаб эди боғе,
Боғ ичинда иморати доғи.

Анда даҳлезу гунбазу айвон,
Суйи андоқки чашмаи ҳайвон¹⁰.

Гўйиё андаги жазоир аро,
Шахри эрмиш оти «Биҳиштсаро¹¹ ».

Анда шоҳи сахию донишвар¹²,
қабзай ҳукми¹³ ичра ул кишвар.

¹ Аҳли убур – келувчилар, сайёҳлар.

² Жобириу роҳзан – Жобир йўлтўсар.

³ Маъман – жой.

⁴ Махзан – хазина.

⁵ Йиғоч – 1км. чамасидаги масофа.

⁶ Давр – оралиқ, айланा.

⁷ Ғавр – туб, қаър, таг.

⁸ Хушгувор – ширин, лаззатли.

⁹ Захр аро нўш – шўр денгиз ўртасида мавжуд бирдан-бир ичимлик сув.

¹⁰ Чашмайи ҳайвон – тириклиқ, ҳаёт булоги.

¹¹ Биҳиштсаро – Жаннат ер, Жаннат жой.

¹² Донишвар – доно, донишманд.

¹³ Қабзай ҳукми – қўлостидағи, тасарруфидаги.



Оти Навдар ва лек ўзи нодир,
Табъи ҳар нодир иш аро қодир.

Бор эмиш гүйиё анга бир қиз,
Одами ўйла күрмаган ҳаргиз.

Қаддиким нахли сарфароз¹ келиб,
Хусн боғида сарвиноз² келиб.

Зулфидин сунбул³ айлабон юз печ⁴,
Оғзидин ғунча айтмай сўз ҳеч.

Орази⁵ машъали жаҳонафрўз⁶,
Партави⁷ шуъласи келиб жонсўз⁸.

Сочи айлаб каманд бўлмоқ фан,
Мехр бўйнига тортар эрди расан⁹.

Юзиға меҳр бандau оти Мехр,
Ўйрулуб¹⁰ меҳридек бошиға сипеҳр¹¹.

Бахрға ноз ила чу кўз солибон,
Дема кўлок¹², баҳр қўзғолибон.

Бу сифат меҳри оламфурузе¹³,
Мехр йўқ, шуълаи жаҳонсўзе¹⁴.

Бир кун истаб тенгиз тафарружини¹⁵,
Ел хиромию сув тамаввужини¹⁶.

¹ Сарфароз – юксак, ўсган.

² Сарвиноз – сарвқомат.

³ Сунбул – майин ва узун толали қора ўсимлик.

⁴ Печ – ўрам, тўлғам.

⁵ Ораз – юз.

⁶ Жаҳонафрўз – жаҳонни куйдирувчи, ёритувчи.

⁷ Парав – нур, шуъла.

⁸ Жонсўз – жонни ёқувчи.

⁹ Расан – арқон.

¹⁰ Ўйрулуб – айланиб.

¹¹ Сипеҳр – фалак, осмон.

¹² Кўлок – тўлқин.

¹³ Оламфуруз – оламни порлатувчи.

¹⁴ Жаҳонсўз – жаҳонни куйдирувчи.

¹⁵ Тафарруж – сайр.

¹⁶ Тамаввуж – мавжланиш.

Кирибон заврақ ичра сойир¹ ўлуб,
Ул жазоир түшида² зойир³ ўлуб.

Үйла баҳри фалак мисол ичра,
Кавкаби⁴ ер тутуб ҳилол⁵ ичра.

Ногаңон эсди номувофик ел,
Воқиф⁶ ўлгунча кемалардаги әл.

Кемаларни тенгиз аро сурди,
Шиддатин лаҳза-лаҳза ошурди.

Токи тунд ўлди⁷ баҳр аро күлөк,
Деди Оллох⁸ айлабон яқо чок.

Ким: «Иноят⁹ йўқ эрса Яздондин¹⁰
Эл керактур юмоқ илик жондин¹¹ ».

То бу янглиғ неча кечакундуз,
Ел суары эрди кемаларни туз¹².

Топқучада суубати¹³ ором,
Кемага онча бўлмиш эрди хиром¹⁴.

Ки кишиким қўйиб эди Жобир,
Дийдабонликқа ҳар сори нозир¹⁵.

Сувда чун кемага назар қилди,
Кўрганидин анга хабар қилди.

¹ Сойир – сайдар қилувчи, сайдёх.

² Түш – тараф, томон.

³ Зойир – зиёратчи.

⁴ Кавкаб – юлдуз.

⁵ Ҳилол – янги ой (қайиққа ўхшашлигига ишора).

⁶ Воқиф – хабардор.

⁷ Тунд ўлди – кучайди, ғазабланди, кўтарилди.

⁸ Моллоҳ – кемачи.

⁹ Иноят – марҳамат, шафқат.

¹⁰ Яздон – худо, Яратган.

¹¹ Юмоқ илик жондин – жондан умидни узиш, қўлни юваб қўлтиққа уриш.

¹² Туз – тўғри, олд.

¹³ Суубат – даҳшат, тўполон.

¹⁴ Хиром – оҳиста юриш.

¹⁵ Нозир – назоратчи, кузатувчи.





Кирди завраққа Жобири хунрез¹,
Ел киби қўйди юз алар сори тез.

Еткачўқ² бўлди разму³ кинпардоз⁴
Қилдилар кин алар доғи оғоз⁵.

Ҳар ўқиқим, алар сори отти,
Қонларин баҳр сувиға қотти.

Қилдилар, чун кўп айлади бедод⁶,
Қолғони зинҳор ила фарёд.

Олиға солибон борин сурди,
Токим ўз масканиға еткурди.

Кемаларни қироқға боғлаб руст,
Халқу амволини⁷ чикорди дуруст.

¹ Хунрез – қонхўр, қон тўқувчи.

² Еткачўқ – етибоқ, ета солиб.

³ Разм – олишув, жанг.

⁴ Кинпардоз – адоват қилувчи.

⁵ Оғоз – бошлиш.

⁶ Бедод –adolatciz, зўравон.

⁷ Амвол – моллар, нарсалар.

Шўҳдин¹ чун эмас әди огоҳ,
Кўзи тушти анинг сори ногоҳ.

Йиқилиб зойил ўлди² андин хуш,
Бир дам эрди ўлук киби хомуш.

Ҳуши киргач, яна назар этти,
Кўргачўқ ҳолидин яна кетти.

Неча қатла чу бўлди мундоқ ҳол,
Билдиким, йўқ анға боқарға мажол.

Амр қилдики, моҳи Зуҳражабин³,
Кирди боғ ичра бўлди қасрнишин⁴.

Қошига қўйди бир-икки гулхад⁵,
Сарви гулруҳға ҳамдаму ҳамқад.

Ўзга неким бор эрди яхши-ёмон,
Берибон жонидин борига амон.

Қилди бир кема борчаға таъйин,
Ул кема ичра туттилар таскин⁶.

Деди: «Ўз мулкингизга азм этингиз,
Жон кераклик эса равон кетингиз!»

Ваҳм этиб ул гулруҳ бу сўздин,
Бахр аро йиттилар⁷ равон кўздин.

Моҳваш қолди ул жазира аро,
Меҳри иқболи шоми тийра аро.

Жобир онинг хаёлидин хушҳол,
Кўнглига келмайин умиди висол.

¹ Шўҳдин – ўйноқидан, гўзалдан (қиздан маъносида).

² Зойил ўлди – йўқолди.

³ Зуҳражабин – тонг (Зуҳра) юлдузидек.

⁴ Қасрнишин – қасрда ўтириш.

⁵ Гулхад – гул яноқли.

⁶ Таскин – жойлашмоқ, тўхтамоқ.

⁷ Йиттилар – кўринмай кетдилар, йитдилар.



Меҳр кўзига шамдек айём,
Меҳрдек кўнгли ўртаниб то шом.

Гўйиё ҳам жазирада бир шаҳр,
Ўзи фирдавсу салсабил¹ анга наҳр.

Бор эмиш равзадек² ҳавоси аниңг,
Чархи мину³ киби фазоси аниңг.

Анда бир шоҳ ҳокиму волий,
Мулки маъмур⁴ ҳиммати олий.

Оти Нуъмону мулки оти Яман,
Адлидин мулки гулистону чаман.

Анга бир ўйла нозанин фарзанд,
Ким, башар⁵ ичра йўқ анга монанд.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Гурухингизга берилган саҳифаларнинг мазмунини лугат сўзлар ёрдамида қисқача насрый баёнини қайта ҳикоя қилинг.

Ж

2. Асар қаҳрамонлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида муҳокама юритинг.

Ж

3. Парчада шоир қўллаган шеърий санъатларни топинг ва уларни нима мақсадда қўллаганини изоҳланг.

Я

4. Ўзингиз ёқтирган бир неча байтни ёд олинг.

* * *



Матнолди топшириқ. Достондан берилган парчанинг 55-63-саҳифаларини “Жигсо” стратегияси асосида гуруҳларда ўрганинг.

Юзидин барги гул хижил эрди,
Қаддидин сарв мунфаил⁶ эрди.

¹ Салсабил – жаннат булоги.

² Равзадек – жаннатдек.

³ Чархи мину – зангори осмон.

⁴ Маъмур – обод.

⁵ Башар – одамзод, инсоният.

⁶ Мунфаил – хижолат.

Борча фазлу хунарда йўқ мисли,
Кўзгуга боқса ўзи-ўқ мисли.

Хунар авжи сори келиб анга майл,
Юзи андоқки меҳр, оти Суҳайл¹.

Меҳр зулфиға кўнгли боғлиғ әди,
Бу анга гўйиё атоғлиғ әди.

Ўйлаким, Мехрнинг хароби Суҳайл,
Мехрға ҳам Суҳайл сори майл.

Майлни қўйки, волау зор ул,
Жон бериб васлиға харидор ул.

Бўйлаким ҳажр қўйди бағриға доф,
Манзил ўлмиш әди анга ул боғ.

Бор әди анда гуна-гуна² шажар,
Гул йўқ әди бағайри нилуфар³.


Нилуфарвор⁴ сўгвор⁵ эрди,
Нилуфар ичра ашкбор⁶ эрди.

Ашқидин гўйиё берур әди сув,
Оҳ ўтидин қуургайиб⁷ қайғу.

Йўқки хижрон ғамида зору залил⁸,
Нилуфар ичра оқизиб әди Нил.

Топибон ашки нилюфарда мамар⁹,
Йўқ, ажаб баҳр ичинда нилюфар.

Кўнгли гар нилюфарға роғиб¹⁰ әди,
Меҳр ила нилюфар муносиб әди.



¹ Суҳайл – ёруғ юлдуз номи, йигитнинг оти.

² Гуна-гуна – хилма-хил.

³ Бағайри нилюфар – нилюфардан бошқа.

⁴ Нилуфарвор – нилюфардек.

⁵ Сўгвор – қайғули, ҳазин.

⁶ Ашкбор – кўзёш тўкувчи, йиғловчи.

⁷ Қуургайиб – қуриб.

⁸ Залил – хор, тубан.

⁹ Мамар – ўтиш жойи, йўл.

¹⁰ Роғиб – мойил.

Нилуфар сори күп қилиб оҳанг,
Киймакин ҳам қилиб эди ул ранг.

Нилуфаргун либос бирла санам,
Тутубон ёр ҳажрида мотам.

Мотамин зоҳир айламакка мафар¹,
Ранг аро сўгвон нилуфар.

Мехрни чарх этиб асири фироқ,
Айлар эрди Суҳайл отоси яроқ².

Ақд базмини³ қилғали обод,
Гўйиё бу маҳал эди миод⁴.

Юклабон неча жунг⁵ аро амвол,
Анда мавжуд ҳар не қилса хаёл.

Ер тутуб бир ҳилол ичинда Суҳайл,
Мехр ақдига айламиш эди майл.

Йўл қироқдин⁶ магар йироқ эрди,
Баҳрдин борса яхшироқ эрди.

Бу жиҳатдин мурод сори мурур⁷,
Баҳрдин иттифоқ тушти зарур.

Андаким, Мехр кемасин қўлок,
Сурди баҳр ичра ўйлаким хошок.

Гўйиёким эсиб ҳамул⁸ ел тез,
Солди бу елга доғи рустоҳез⁹.

Сувға сурди Суҳайл кемасини,
Ойириб борча хайлу ниймасини.

¹ Мафар – паноҳ, бошпана.

² Мисранинг мазмуни: Суҳайл тайёргарликни бошлаганди.

³ Ақд базми – никоҳ тўйи.

⁴ Миод – вақт, пайт.

⁵ Жунг – кема.

⁶ Қироқ – қирғоқ.

⁷ Мурур – ўтиш, кечиши.

⁸ Ҳамул – ўша.

⁹ Рустоҳез – ғавғо.

Берибон кемасига мұхлиқ¹ мавж,
Бир замони ҳазизу² гохи авж.

То кема бўлди ул сори обир,
Ким, қўюб эрди дийдабон Жобир.

Дийдабон ул тараф боқиб ногоҳ,
Яна Жобирни айлади огоҳ.

Ул кириб заврақиға айлади азм,
Бўлуб ул кема аҳли қатлиға жазм.

Чун етиб қилди эл ҳалокиға майл,
Разму кин ичра чобук³ эрди Суҳайл.

Қила бошлаб анинг бирла парҳош⁴,
Ишлари кема ичра бўлди савош.

Жобир ар⁵ зарб урур эди беҳад,
Борча зарбин Суҳайл этар эди рад.

Қилса ул доғи зарб изҳори,
Мунга ҳам тушмас эрди ул кори⁶.

Иккиси чунки эрдилар чолок⁷,
Бир-биридин аларға йўқ эди бок⁸.

Кўрди Жобирки, қойим⁹ ўлди иши,
Олида номулойим¹⁰ ўлди иши.

Ғолиб ўлмоқ аро бўлуб ожиз,
Ўзин ул навъти кўрмайин ҳаргиз.

¹ Мұхлиқ – ҳалокатли.

² Ҳазиз – пастроқ, секинроқ.

³ Чобук – чаққон, эпчилик.

⁴ Парҳош – жанг.

⁵ Ар – агар.

⁶ Тушмас эрди ул кори – «Зарб кор қилмас эди» маъносида.

⁷ Чолок – чаққон.

⁸ Бок – қўрқув, хавотир.

⁹ Қойим – тенг, баравар.

¹⁰ Номулойим – ёқимсиз.



Илгига ҳийла шевасин олди,
Яланғочлаб ўзун суға солди.

Хасмнинг¹ кемаси тубига кириб,
Тиф ила кеманинг тубини ёриб.

Тахтани уйла ков-ков этти²,
Ки, сув йўлин нечукки нов этти.

Кемасин чунки нов кўрди Суҳайл,
Тубидин сув юқори этган майл.

Дафъига неча ҳийлагар бўлди,
Қилмади суду³ кема(га) су(в) тўлди.

Ул су тўлдию баҳр эрди амиқ⁴,
Кемаю кема аҳли бўлди ғарик.

Қўлни шаҳзода жонидин юди пок,
Қўйди кўнглин суда бўлурға ҳалок.

Қилди Жобир анинг сори оҳанг⁵,
Ул сифатким, болиғ ютарға наҳанг.

Бошига етти айламакка қатил,
Ўлар элга нечукки Азроил.

Қўлиға чун анинг қўлин олди,
Ўзининг заврақи аро солди.

Чиқти доги эшиб камандини⁶ чуст⁷,
Боғлаб онинг илик-аёгини руст.

Бўлди ёнмоқ ишига омода⁸,
Келди ногаҳ ўзига шаҳзода.

¹ Хасм – душман, рақиб.

² Ков-ков этти – ковлади, ўиди.

³ Суд – фойда.

⁴ Амиқ – чуқур.

⁵ Оҳанг – қасд, қилиқ, ният.

⁶ Каманд – арқон.

⁷ Чуст – тез.

⁸ Омода – тайёр.

Кўрди ўзни ғариб банд ичра,
Ҳалқа-ҳалқа хами¹ каманд ичра.

Адув илгига қатра сувдек тиф,
Эди ўз нотавонлиғига дареғ².

Деди Жобирки: «Эй кўлумда асир,
Разму кўшишда³ қилмадинг тақсир⁴.

Мен бу заврақни сувга то сурдим,
Минг сенингдекни сувда ўлтурдим.

Бирида сенча кўрмадим журъат,
Журъатинг бўлди махласингға⁵ жиҳат.

Ким, тенгиз ичра бошинга еттим,
Уларингдин сени халос эттим.

Қатлинга гарчи табъ роғиб эмас,
Лек қўймоқ дағи муносиб эмас.

Ким, агар банддин халос ўлғунг,
Бир шаҳи комронға⁶ хос ўлғунг.

Бўлмоқ ўлмас халос домингдин⁷ ,
Бўлмоғум эмин⁸ интиқомингдин.

Иш ҳисобин шумора⁹ қилғунгдур,
Қатлу кинимға чора қилғунгдур.

Ўлмоқ авло санга каманд ичра,
Тирик ўлмоқ валек банд ичра».

¹ Хам – ўралган, боғланган.

² Дареғ – пушаймон, ачиниш.

³ Разму кўшиш – душманлик ҳаракатида.

⁴ Тақсир – қусурли, камчиликли.

⁵ Махлас – халос, қутулиш.

⁶ Шаҳи комрон – баҳтли шоҳ.

⁷ Домингдан – тузогингдан. Бу ерда қўлингдан маъносида.

⁸ Эмин – хотиржам, ишончли.

⁹ Шумора – ҳисоб-китоб.



* * *

Нече изҳори ажз¹ қилди Сүҳайл,
Қилмади кинавар² жавобиға майл.

Кемасин маскани сори сурди,
Они ўз маъманиға еткурди.

Қасри кунжида³ бор эди чоҳе,
Кимсані банд айласа гоҳи.

Ул чоҳ ичра қилурди сокин⁴,
Чиқмоқ андин эмас эди мумкин.

Анинг аъзосидин расан⁵ олди,
Банд⁶ ила чоҳ қаъриға солди.

Ҳар ким ул чоҳ аро чу бўлди ғариқ,
Нон икита эди, су бир ибриқ⁷.

Юқори дилбару қўйи бедил⁸,
Бир-биридин vale иков ғофил⁹.

Бу иковга бу ерда мундоқ ҳол,
Қавму ҳайлиға¹⁰, эмди кўр аҳвол.

Андаким Мехрни қилиб ношод,
Қавму хайлини айлади озод.

Ул улус жондин айру эл янглиғ,
Сайр этиб сув юзида ел янглиғ.

Қундузу кеча пўя¹¹ эттилар,
Токи кишварлариға еттилар.

¹ Ажз – ожизлик.

² Кинавар – гиначи, адваткор, кекчи.

³ Кунж – бурчак.

⁴ Сокин – турувчи.

⁵ Расан – арқон.

⁶ Банд – кишан.

⁷ Ибриқ – чойидиш, офтоба.

⁸ Бедил – қайгули, ҳасратли, ошиқ.

⁹ Ғофил – хабарсиз.

¹⁰ Қавму хайл – яқинлар, атрофидагилар.

¹¹ Пўя – тез юриш.

Нилуфаргун либос этиб бори,
Қилдилар борча мотам изҳори.

Шоҳ худ Мехр иштиёқидин,
Бал жигаргӯшаси фироқидин.

Ҳам бу ранг айлаб эрди хилъатни,
Хайли доғи бу ранг кисватни¹.

Чун булар доғи келди мотам ила,
Бахри андуху лужжай ғам² ила.

Шоҳқим, бағриға тегиб әди тиш³,
Айлади Мехр ҳолини тафтиш⁴.

Бўлди кетган азо яна тоза⁵,
Қолмади дарду ғамга андоза⁶.

Қилдилар улча бор әди тақрир⁷,
Ки, не келтурди олиға тақдир.

Яна андуҳ ила фифон қилди,
Яна андуҳи қасди жон қилди.

Тийра бўлди жаҳон анга ҳоли,
Гўйиё ботти меҳри иқболи.

Деди ўзига йиғлаб ачиғ-ачиғ,
Ки: «Ачиғ йиғламоқ манга не асиғ⁸.

Тиғ ила бағрим айласам пора,
Чун жигаргӯшам йитти, не чора?

Чора топмоқ керак муфид⁹ эмди,
Йўқ ғаму ноладин умид эмди».

¹ Кисват – уст-бош.

² Лужжай ғам – ғам гирдоби.

³ Тегиб әди тиш – яраланди.

⁴ Тафтиш – текширмоқ, сўрамоқ.

⁵ Тоза – янги.

⁶ Андоза – ўлчов.

⁷ Тақрир – айтиш, билдириш, баён этиш.

⁸ Асиғ – фойда.

⁹ Муфид – фойдали.



Олиб илгига сафҳаю хома¹,
Қисса шарҳини ёзди бир нома.

Ҳар не иш бўлғонин баён этти,
Шоҳ Нуъмон сори равон этти².

Ёзиб ул нома ичра пинҳоний,
Ким: «Бу бўлмиш қазойи Яздоний³,

Лек ҳаққим ғаму бало бермиш,
Дард бермиш vale даво бермиш.

Чора бу ишга интиқом дуур,
Йўқса бўлмоқ тирик ҳаром дуур,

Мехр агар эрди жонима пайванд,
Санга доғи бўлуб эди фарзанд.

Бўлса ул душман илгига маҳбус,
Манга номус эрур, санга номус.

Мундин ўзга бу ишга йўқ тадбир,
Ки, иккимиз черик⁴ йифиб бир-бир.



Савол ва топшириқлар.



1. Луғат сўзлардан фойдаланган ҳолда назмий парчани насрый йўл билан ёзма баён қилинг.



2. Парчада қўлланилган шеърий санъатларни топинг. Жадвални тўлдиринг.

Шеърий санъат	Мисоллар
Талмиҳ	
Ташбеҳ	
Муболага	
Тазод...	



3. Суҳайл ва Жобирнинг сифатларини атанг. Ҳар иккала қаҳрамоннинг қайси хислатларини пайқадингиз?

¹ Сахфаю хома – қофоз ва ёзғич.

² Равон этти – юборди, жўнатди.

³ Қазойи Яздоний – Тангри буюргани, Яратган иродаси.

⁴ Черик – қўшин, лашкар.

4. Нима учун Жобир ҳийла ишга қўл урди?
5. “Фамни берган Оллоҳ, давосини ҳам ўзи беради” деган нақл берилган байтларни топинг ва нима учун қўлланилганини муҳокама қилинг.
6. Фазалларнинг бадиий ўқилиши берилган видеолавҳаларни Интернет тармоқларидан топиб эшиттиринг.



* * *



Матнолди топшириқ. Достондан берилган парчанинг 64-73-саҳифаларини “Жигсо” стратегияси асосида гуруҳларда ўрганинг.

Сенга мулкунгда бўлмоқ ўлса майл,
Лек фарзанди аржуманд Сухайл.

Ким, эрур пил зўру шер шукуҳ,
Панжасидин келиб бу икки сутух¹.

Бал ҳақиқат аро анингдур Мехр,
Ки, бу мансуба² зоҳир этти сипеҳр.

Бошлибон ул черикни соҳил ила,
Сув яқосидаги манозил ила.

Айлабон разму кийна изҳори,
Келса Жобир жазойири сори.

Мен дағи табъи кийнаҳоҳимни³,
Саъй⁴ айлаб йиғиб сипоҳимни.

Яроқ айлаб кўнгул фароғи била,
Улча мумкин черик яроғи била,

Берибон кемалар аро ором,
Ел киби айласак, сув узра хиром.

Мен судин айласам азимат жазм,
Ул қуруғлуқ соридин айлаб азм.

¹ Сутух – сатҳлар, текисликлар. Бу ерда икки куч маъносида.

² Мансуба – тадбир, чора.

³ Кийнаҳоҳ – аламзадалик, ўч олиш истаги.

⁴ Саъй – ғайрат, ҳаракат.



Үйла тарих айласак миод,
Ки, қачонким бўлур бу иш бунёд.

Неча кундин сўнг ўлғай имкони,
Қобсамоқ¹ бу ики черик они.

Ҳам ўшул навъким муқаррап ўлур,
Сайъ қилсоқ, бу иш мұяссар ўлур.

Ки, чекилгай² бу интиқом охир,
Рўзи ўлғай бу навъ ком охир.

Ул зуҳалваш³ жазоға хос ўлғай,
Меҳр ҳам уқдадин⁴ халос ўлғай.

Гар бу янглиғ әмасдуурур санга ком,
Они ҳам ботроқ айлағил эълом⁵.

Ки, чу иш тушса бошима ёлғуз,
Ўзга янглиғ топай салоҳига⁶ юз⁷.

Шоҳ Нуъмон ўқуғоч ул нома,
Билдиқим, бўлмиш ўзга ҳангома.

Йиглабон бўлди асрү⁸ кўп ғамнок,
Бу ситамдинки айлади афлок⁹,

Они ҳам билди шоҳи озода¹⁰,
Ким, мусоғир¹¹ чу бўлди шаҳзода.

Мақсади сори етмаган эрмиш,
Кема ул сори кетмаган эрмиш.

¹ Қобсамоқ – ўраб олмоқ, қўргамоқ.

² Чекилгай – амалга оширилгай, қилингай, олингай.

³ Зуҳалваш – Зуҳалга, ўхшаган. Зуҳал, яъни Сатурн сайёраси ёмонлик тимсоли бўлган. Бу ерда Жобирга нисбат берилмоқда.

⁴ Уқда – бандилик, тутқун.

⁵ Эълом – билдиримоқ.

⁶ Салоҳ – чора, яхшиланиш.

⁷ Юз топиш – киришиш.

⁸ Асрү – жуда, ғоят.

⁹ Афлок – фалаклар.

¹⁰ Шоҳи озода – таги тоза шоҳ, аслзода шоҳ.

¹¹ Мусоғир – сафарга чиққан, саёҳатчи.

Йкки муҳлик¹ ажаб ғам ўлди анга,
Мотам устига мотам ўлди анга.

Билмадиким не иш экин ҳодис²,
Ким бу ишга бўлуб экин боис.

Ким анингдек Суҳайлу сайёра,
Чарх зулмидин ўлғай овора?

Ўйлаким бўлмағай асар андин,
Демагай ҳеч ким хабар андин.

Кўп қилиб фикр топти раъийи савоб³,
Ўқугон номага битийди жавоб.

Ким: «Ҳамул номаким битилмиш эди,
Меҳр ҳолин баён қилилмиш эди.

Ул алам гарчи солди бошима дуд⁴,
Билдим ўртаммагимда йўқтур суд.

Сабт⁵ эдиким, юуруга қилсанг майл,
Яхши, йўқса чекиб сипоҳ Суҳайл.

Азм айлаб черик яроги била,
Юрусун баҳрнинг қироги била.

Нукта қилма⁶ Суҳайлдин иблог⁷,
Қўймағил доғим устига яна доғ.

Дегил аввал муники, қони Суҳайл?
Қони улким, дер эрдук они Суҳайл?

Ким, Суҳайл этгали сизинг сори азм,
Олти ойдур ҳисоб этиб биз жазм.

¹ Муҳлик – ҳалок қилувчи.

² Мисранинг мазмуни: Нима ишлар содир бўлганини билмади.

³ Раъии савоб – тўғри фикр, савобли майл.

⁴ Дуд – тутун.

⁵ Сабт – ёзиш.

⁶ Нукта қилма – таърифлама, гапирма.

⁷ Иблог – етказиш, айтиш.



Кеч келур фикридин әдүк ғамнок,
Етмаган анда, бизни этти ҳалок.

Сен қуруғлук била сипаҳ чексанг,
Чарх уза авжи борғах¹ чексанг.

Мен бўлуб кема ичра баҳр хиром,
Сипаҳим бирла тутмасам ором.

Топқамен шояд ушбу савдода²,
Гавҳаримдин нишона дарёда.

Топсаму-топмасам сенинг сори,
Айлагумдир таважжух³ изҳори.

Ки, нечукким керак қилиб кўшиш⁴,
Ҳақ таолодин истабон бахшиш⁵.

Ул ҳаромиға тифи кин сурсак,
Керагидек жазоға тегурсак.

Эмди мавъид⁶ фалон қун ўлди яқин,
Азм⁷ учун соат айладуқ тайъин.

Сен доғи ушбу сўзни айлаб жазм,
Керак этсанг бу ваъда бирлан азм».

Эмдиким ёзди номага унвон,
Номанинг ҳомилини⁸ қилди равон.

Чунки қосид⁹ битикни¹⁰ еткурди,
Шоҳ Навдар қўлиға топшурди.

¹ Борғах – қўнимжой, қароргоҳ.

² Савдода – можарода, ишда.

³ Таважжух – юзланиш, қўриниш.

⁴ Кўшиш – жаҳд қилиш, интилиш.

⁵ Бахшиш – марҳамат.

⁶ Мавъид – ваъда.

⁷ Азм – киришиш, ҳаракат.

⁸ Ҳомил – элтувчи.

⁹ Қосид – хабарчи, сўзловчи.

¹⁰ Битик – хат, ёзилган нарса.

Навдар очти-ю солди бориға күз,
Үқуди анда ҳар не бор әди сүз.

Бўлди миод вақтидин огоҳ,
Ҳам ўшул вақт бирла йиғди сипоҳ.

Ул сари азм қилғали Нуъмон,
Ҳам муайян бор эрди вақту замон.

Бўлдилар икки шоҳ мустаъжил¹,
Бири дарё била, бири соҳил.

Неча кун айлабон масофат² қатъ³,
Соҳили баҳр ичинда офат қатъ.

Бўлди пайдо адув бўлур беша,
Тушти икки тарафқа андеша.

Қолди Навдарға чунки бир манзил,
Беша ичра муурур⁴ әди мушкил.

Ваҳм олди қарорини шаҳдин,
Ки, адув чиқмағай камингаҳдин⁵.

Кестуруб бешани очилғали йўл,
Черигин элтур эрди илгари ул.

Гўйиё сайдлардин ул жангал,
Воқеъ ерди тўла буғув-у марал.

Шаҳға кўп эрди ов ишида вуқуф⁶,
Балки бор эрди асру кўп машъуф⁷,

Ҳар тарафдин дорир әди⁸ сайде,
Шаҳға эрди сипоҳ иши қайди⁹.

¹ Мустаъжил – шошилиш.

² Масофат – масофа, йўл.

³ Қатъ – босиш, юриш.

⁴ Муурур – ўтиш, юриш.

⁵ Камингаҳ – пана, пистирма.

⁶ Вуқуф – воқиф, хабардор.

⁷ Машъуф – берилиш.

⁸ Дорир әди – учрарди.

⁹ Мисранинг мазмуни: Шоҳга ҳарбий иш қоидалари маълум әди.



Сайд етгач күзини асрар эди,
Күрмайин деб ўзини асрар эди.

Ногаҳон бир шикорийи гулранг¹,
Ўтгали қилди олидин оҳанг².

Кейнича ихтиёrsиз чопти,
Ўқ отарға қарорсиз чопти.

Сайд жангал ичини қилди талош,
Йўли ҳам тор эди-ю ҳам чирмош.

Файр онинг сўнгича чопмас эди,
Ўқ отарға мажол топмас эди.

Изтироб айлабон ота тушти,
Бир-икки ўқ, вале хато тушти.

Ўзга худ бўлди³ ул сифат беҳад,
Ким, димоғидин учти хушу хирад⁴.

Сайд қасдиға ўйла қўйди кўнгул,
Ки, адув чиқти ёдидин билкул⁵.

Сайд била бешаға кириб кетти,
Ки, адув қавму хайлиға етти.

Қўюб эрди каминда⁶ Жобир нев⁷,
Кинаварлар масоғ⁸ вақтида дев.

Ким, киши тутсалар кетургайлар,
Хизматиға анинг етургайлар.

Кўрдилар солур эрди бир буғу хез⁹,
Етти ону қовуб бир отлиғ тез.

¹ Шикорийи гулранг – овланадиган рангли қуш, туствуқ.

² Оҳанг – қилиқ.

³ Ўзга худ бўлди – ўзгача бўлиб қолди.

⁴ Хушу хирад – ақлу хуш.

⁵ Билкул – бутунлай, тамомила.

⁶ Камин – пистирма, пана.

⁷ Нев – паҳлавон, ботир.

⁸ Масоғ – жанг, жанггоҳ.

⁹ Хез солмоқ – тез кетмоқ.

Пошина¹ рахшларға² урдилар,
Ха дегунча ани тушурдилар.

Чопибон сайдға солай деди қайд³,
Үзга сайёдларға⁴ бўлди сайд⁵.

Шаҳ тилар бўлса шоҳлиқ қилмоқ,
Сипаҳидин керакмас айрилмоқ.

Шаҳни дерлар сипоҳ бирлан шоҳ,
Шоҳ эмасдур йўқ эса анда сипоҳ.

Шаҳға хайл ўлса, фатҳ анинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур,

Шаҳлик ойининг⁶ айлабон ранбур⁷,
Айламас бесипаҳ сукуну муурп⁸.

Учса ёлғуз кўрарга оқ-у қаро,
Не тавофут улу яна бул аро.

Борса шатранж шоҳининг сипаҳи,
Кўрки, борму ҳисоб ичинда шаҳи.

Чунки Навдар адуга бўлди асир,
Сўйдилар⁹ ҳар не кийганин бир-бир.

Ҳолиға чун назора қилдилар,
Навдар эрконин жазм¹⁰ билдилар.

Бири ул хайлдин чопиб филҳол,
Берди Жобирға мұждаи иқбол¹¹.

¹ Пошина – қичамоқ, ниқтамоқ.

² Рахшлар – отлар.

³ Қайд – сиртмоқ, банд.

⁴ Сайёдлар – овчиладар.

⁵ Сайд – ов, ўлжа.

⁶ Ойин – одат, удум.

⁷ Ранбур – ўзгартмоқ.

⁸ Сукуну муурп – туриш ва юриш.

⁹ Сўйдилар – ечдилар.

¹⁰ Жазм – аниқ.

¹¹ Муждаи иқбол – хурсандчилик хабари.



Ким: «Бу янглиф иш ошкор ўлди,
Бўйла сайди санга шикор ўлди».

Ул эшитгач бу навъи афсона,
Тенгрига сажда қилди шукрона.

Деди: «Мафқуф бўлмайин¹ нимага,
Кўзуни боғлабон солинг кемага.

Элтибон қаср аро қилинг маҳбус,
Эшигин устидин этинг мадрус².

Андоғ айланг бу ишни пинҳоний,
Ким, киши фаҳм қилмосун они.

Уй эшигин фалонға топшурунгуз,
Хабарин манга бот келтурунгуз!»

Шаҳни ул қасрға етурдилар,
Борча ҳукмни бажо кетурдилар.

Не, не ер эрконин билди шах,
Не шах эрконидин ўлди эл огах.

Бўлди Навдар ишига сурат бу,
Лек Нуъмонга жилвагоҳ эди сув.

Қолди чун икки кунчалик мақсад,
Яна ел сувни қўзғади беҳад.

Бўлди кўлок осмонпаймой³,
Кўрунир эрди кемадек янги ой.

Тушти Нуъмон ишига асру футур⁴,
Ҳар замон жонидин эди маҳжур⁵.

То сафар аҳли кўпи ўлди талаф⁶,
Тушти ҳар бир кема бир ўзга тараф.

¹ Мафқуф бўлмайин – тўхтатмайин.

² Мадрус – бекитиш, ёпиш.

³ Осмонпаймой – осмонбаравар, баландга интиладиган.

⁴ Футур – барбодлик, бузғунлик.

⁵ Маҳжур – маҳрум, айрилган.

⁶ Ўлди талаф – нобуд бўлди, талофат кўрди.

Гарчи Нұғынға күп етишти наҳиб¹,
Лек түфөндін ўлмади осийб².

Кемаси лекин ул тараф кетти,
Ки, бурун ўғли кемаси етти.

Дийдабонлар яна қилиб маълум,
Яна Жобирға дедилар мағұм³.

Яна Жобир етиб алар сори бот,
Топмай ул хайлнинг кўпида ҳаёт.

Тиригидин сўруб чу сурати ҳол,
Зоҳир англабки, не дурур аҳвол.

Илайига⁴ солиб, аларни суруб,
Шарҳ қилғон жазираға кетуруб.

Чиқориб шоҳни ўлум ҳоли,
Кемани молдин қилиб ҳоли.

Шоҳ жисмиға заъф⁵ топиб йўл,
Фаҳм қилмайки не кишидур ул.

Шаҳни бир пардаға ниҳон қилди,
Ўзга зиндан сори равон қилди.

Ҳар замон шоҳ ичинда жондин ваҳм,
Кимса лекин ул ишни қилмай фаҳм.

Яна ул элни солди кема аро,
Бўлди бу нав аларға нуктасаро⁶.

Ки: «Керак бўлса сизга жон кетингиз!
Қайдаким кўнглунгиз тилар еtingиз!

Бу навоҳида⁷ англасам сизни,
Қўймоғумдир тирик бирингизни!»

¹ Наҳиб – қўрқинч.

² Осийб – зарар, зиён, оғат.

³ Мағұм – тушунча, хабар, сўз.

⁴ Илайи – олди.

⁵ Заъф – касаллик.

⁶ Нуктасаро – маъноли сўзловчи.

⁷ Навоҳи – атроф.



Кеттилар бошларини олиб бу гурух,
Кўз аро ашқу жон аро андуҳ.

Шоҳ Навдар сипоҳи ҳам бори,
Билдиларким, не иш эрур тори¹.

Рой кўп урдилар тузуб маҳфил²,
Шаҳсиз ўлса сипаҳ йўқ ҳосил.

Топмойин ғайри қайтмоқ чора,
Бузулуб³ ёндилаr баякбора.

Жобири роҳзан бўлуб фируз⁴,
Туну кун боғи ичра базмафрўз⁵.

Мехр ёди била ичиб соғар⁶,
Сола олмай vale յозига назар.

Боқа олмай анга муроди била,
Қон ютуб, йўқки бода⁷, ёди била.



Савол ва топшириқлар.

- | | |
|----------|--|
| Ж | 1. Навдар ўзи шоҳ бўлган ҳолда нега Жобирнинг дидбонларига осонликча асир тушди? |
| Ж | 2. Жобир нима учун шоҳнинг асирга олинганини сир сақлашни буюрди? |
| Ж | 3. Қўлга тушган кема аҳлини озод қилиш одатига амал қилган Жобирни қандай инсон дейиш мумкин, қандай ўйлайсиз? |
| Г | 4. “Т-жадвал” стратегияси орқали Жобир тимсолига таъриф беринг. Жадвални тўлдиринг. |

Жобир	
Афзаллиги	Камчилиги

¹ Тори – қоронгилик, тўсатдан бўлиш.

² Маҳфил – мажлис, йигин.

³ Бузулуб – хафаланиб, кўнгли бузилиб.

⁴ Фируз – ғолиб, баҳтли.

⁵ Базмафрўз – базмни қизитмоқ, базмни авжлатмоқ.

⁶ Соғар – май.

⁷ Бода – шароб, май.

* * *



Матнолди топширик. Достондан берилган парчанинг 74-81-саҳифалари-ни “Жигсо” стратегияси орқали ўзлаштиринг.

Меҳр гул янглиғ айлабон яқо чок,
Нилуфарзор аро кезиб ғамнок.

Ёш тўкуб баҳри мавжвар¹ янглиғ,
Кўк либос ичра нилуфар янглиғ.

Юзига бас тапонча² ургонидин,
Нилуфарлар очиб гулистонидин.

Ҳажрдин фориғ ўлмоғин истаб,
Ул балодан қутулмоғин истаб.

Фикрдин кеча кўзни ёпмас эди,
Чора кўп истар эрди, топмас эди.

Бандини англаб эрди чоҳ ичра,
Ғаму андуху умркоҳ³ ичра,

Деди: «Ул чаҳдин они қутқорсам,
Йигланбон зор-зор ёлборсам.

Озим этсам⁴ Суҳайл учун они,
Ким, десам ҳожатимни пинҳони.

Ул магар ҳолатимни англаб жазм,
Махласимга⁵ бу сори қилғай азм».

Ёшурун тийра уйга ул дилҳоҳ,
Кирди икки каниз анга ҳамроҳ.

Келди чаҳ боши узра ғампарвард⁶,
Чекти ун: «Ки-эй асири меҳнату дард!

¹ Баҳри мавжвар – мавжланган денгиз.

² Тапонча – шапати, тарсаки.

³ Умркоҳ – жон азоби.

⁴ Озим эсам – юборсам.

⁵ Махлас – халос, қутулиш.

⁶ Ғампарвард – ғамга ботган, ғамбода.

Мен дөғи бир фақирмен сендек,
Нотавону асирмен сендек.

Махласинг ичра саъй этиб жондин,
Сени чексам бу тийра зиндондин.

Ҳар не десам қабул этарсенму?
Қаён этсам равон кетарсенму?»

Чоҳ ичинда Суҳайл эди бетоб,
Ҳолини заъф қилмиш эрди хароб.

Бор эди онча меҳнати бир ён,
Мехри гулчеҳр фурқати¹ бир ён.

Бўлғоч ул навъ сўз хитоби аниng,
Ошти ул ундин изтироби аниng.

Кўнглуни сайъ бирла тўхтатти,
Нозанинга бу навъ сўз қотти.

«Ки-эй башар хилқату фаришта сифот,
Берган ўлган танимга тоза ҳаёт!

Сендан этса бу навъ лутф зухур,
Ҳар нечук ишга айласанг маъмур,

Саъй этай то танимдадур жоним,
Қилайин токи бўлғай имконим».

Мехр эшитгач бу сўзни солди таноб²,
Не таноб, икки гисуий³ партоб⁴.

Нотавон тутти риштани маҳкам,
Мехр чекти⁵, ул икки маҳваш ҳам.

Тийра уйга чикордилар они,
Мехр кўп қилди лутф пинҳони.

¹ Гулчеҳр фурқати – гулюзлининг айрилиги.

² Таноб – арқон.

³ Гису – соч.

⁴ Партоб – улоқтирмоқ, ташламоқ.

⁵ Чекти – тортди.

Қилди занжиру банддин ани фард¹,
Ер ўпуб, деди зори гампарвард.

Ки: «Не ҳукм этгунг, эй малаксиймо,
Шаммаи² андин айлагил иймо³».

Меҳр қилди фасонасин бунёд⁴,
Бошиға неким ўтти айлади ёд.

Отову мулку жоҳу ҳашматини,
Пардасига⁵ Суҳайл нисбатини⁶.

Кўрганин баҳр мавжидин ташвир⁷,
Тушганин анда нотавону асир.

Бўлғон анда зарурдин сокин,
Қолғонин Жобир илгидин эмин.

Заъф этиб нотавон анинг сўзидин,
Лаҳза-лаҳза борур эди ўзидин.

Анга еткурди сўзни Меҳри мунир⁸,
Ки: «Бу янглиғки, мен бўлубмен асир.

Айлай олмас киши халосима майл,
Кўшишу кина бирла ғайри Суҳайл.

Санга эй дардманду овора,
Сўз будурким, гар айлабон чора.

Андоқ этсангки, баҳрдин қутулиб,
Яман ахли сори равона бўлуб.

Жаҳду суръат аро тай айлаб арз⁹,
Холатим айласанг, Суҳайлға арз.

¹ Фард – алоҳида, халос.

² Шамма – салгина, бир оз.

³ Иймо – имо, ишора.

⁴ Фасонасин бунёд – саргузаштини, ҳикоясини айтди.

⁵ Пардаси – номуси.

⁶ Нисбати – муносабати, алоқаси.

⁷ Ташвир – фалокат.

⁸ Меҳри мунир – Қизнинг исми қуёш маъносини англатади. Шу боис «ёритувчи қуёш» деб сўз ўйини қилинмоқда.

⁹ Тай айлаб арз – ерни айланниб чиқиш, топиш.



Лек бир нукта бордур ёшурун,
Ки, сени мундоқ асрасоқ неча кун.

Жазм қилсанг бу ишни пинҳони,
Онт ичиб эмин айласанг они.

Ки, чу мен бастай бало¹ бўлдум,
Жобир илгига мубтало бўлдум.

Манга тушмиш кўзи йироқдину бас,
Йиқилиб ерга ётти ўйлаки хас.

Чун кўрар фикри қилмоқ эрди иши,
Чунки кўрди, йиқилмоқ эрди иши.

Мунда то зойиъ ўлмиш авқотим,
Будур онинг била мулоқотим».

Муни билгач Суҳайл зору ҳазин,
Шаммаи топти хотири таскин.

Сидқ билди² яқин анинг сўзини,
Саъй ила асрай олмади ўзини.

Оҳидин ўт димоғифа тушти,
Дилбарининг аёғифа тушти.

Қилди фарёду борди андин ҳуш,
Меҳрни ҳайрат айлади мадҳуш³.

Чунки ҳолин билурға айлади майл,
Яхши таҳқиқ⁴ қилғоч, эрди Суҳайл.

Ўлгудек нола қилди ул доғи,
Ҳуши бориб, йиқилди ул доғи.

Йиглабон бошларида икки каниз,
Қўтариб бошларини меҳромиз⁵.

¹ Бастай бало – балога йўлиқмоқ.

² Сидқ билди – чин билди.

³ Мадҳуш – хушсиз.

⁴ Таҳқиқ – текшириш, аниqlаш.

⁵ Меҳромиз – қуёшдек.

Келгач ўзига Мехри равшан рой,
Дедиким: «Фитна бўлди банд кушой¹»,

Айлади они тийра уйда ниҳон,
Ангатегруки² тийра бўлди жаҳон.

Заъфи ифратидин³ Суҳайл доғи,
Ўзига келди лек уйқу чоғи.

Бўлди бир-бирга жисм ила жондек,
Ё магар сарву ишқ печондек⁴.

Неча кун қаср аро ниҳон эрди,
Сарви гулруҳқа меҳмон эрди.

Токи берди таом ила шарбат,
Заъфлик зор жисмиға қувват.

Ани ҳам жазм билдиким Жобир,
Меҳрдин ҳажр ила эмиш собир.

Бир кун ўлғонда Жобири ғофил,
Боғни сайр этарга фориғдил⁵.

Чиқти ўтрусидин Суҳайли далер,
Ул сифатким қобон масоғифа⁶ шер.

Дедиким: «Паҳлавонлик эрмас ул,
Ким, киши макр бирла урғай йўл.

Тешиб эл кемасини ҳийла била,
Фарқ этиб сувга бу васила⁷ била.

Қолмағон чоғда кимсанинг жони,
Тутубон банд айлагай они.

¹ Фитна бўлди банд кушой – исён (иш) сири ошкор бўлди, ечилиди.

² Ангатегру – унгача.

³ Ифрат – ҳаддан ортиқ.

⁴ Ишқ печон – печакгул.

⁵ Фориғдил – бемалол, кўнгли хотиржам.

⁶ Масоғ – олишиш, жанг.

⁷ Васила – восита.



Сен агар зохир эттинг итликни,
Мен санга күргузай йигитликни» –

Деди-ю хасм сори қилди шитоб¹,
Хасмни ҳайрат айлади бетоб.

Чун талашмоқقا айладилар майл,
Күтариб ерга урди они Суҳайл.

Боғлади қўлларин шитоб била,
Муни ул боғлағон таноб била.

Солди филҳол ани ҳамул чаҳ аро,
Будуур табъу фаҳми оғаҳ² аро.

«Ҳар кишиким бирорвга қозгой чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ».

Чун Суҳайл ўлди ул сифат фирӯз,
Меҳр ақдига бўлди базмафрӯз³.

Тушти Жобир дафойини⁴ қўлиға,
Балки олам хазойини⁵ қўлиға.

Андағи эл бўлуб сарафганда⁶,
Шаҳ топиб барча бўлдилар банда⁷.

Эмдиким, тузди базму айшу фараҳ,
қўлига олди шоҳвор⁸ қадаҳ.

Фикр этиб комгору⁹ давлатманд,
Деди: «Ҳар кимки, Жобир этмиш банд.

Мен билиб борин айладим озод,
Келтурингким, қиласай қадаҳ била шод».

¹ Шитоб – тезлиқда, чаққон.

² Фаҳми оғаҳ – хушёр ақл.

³ Базмафрӯз – базм қизитувчи.

⁴ Дафойин – дафиналар, кўмилган (дафн қилинган) бойликлар.

⁵ Хазойин – хазиналар.

⁶ Сарафганда – бош эгди, бўйсунди.

⁷ Банда – тобе, итоатчи.

⁸ Шоҳвор – шоҳона, катта.

⁹ Комгор – баҳтиёр, муродга етган.



Икки бандиўк¹ эрди боғ ичра,
Келгач ул мажлиси фароғ ичра.

Бири Навдар эди, бири Нуъмон,
Кимга бўлғай бу навъ қисса гумон?

Бу маҳални не навъ шарҳ этайин,
Эл билур, билмас ўлсалар нетайин.

Бори икки ато, ики фарзанд,
Риштаи васл ила топиб пайванд.

Қўпубон² йиғлашиб кўруштилар,
Ўлтуруб бир-бирин сўруштилар.

Бўлди маълум чун бори ҳолат,
Шукрлар қилдилар этиб ҳайрат.

Икки шаҳ кирдилар худо йўлиға,
Мулкларин солиб анинг қўлиға.

Мулк эли шукр қилдилар бори,
Айлабон шодмонлиғ изҳори.

Эврулуб ком бирла даври сипеҳр,
Васл топти Суҳайл бирлан Мехр.

¹ Икки бандиўк – иккитагина тутқун.

² Қўпуб – туриб.

Меҳрким, чарх хокроҳи¹ эди,
Нилуфарзор жилвагоҳи эди.

Тўни ул рангу кўнглаку ул ранг,
Ёрининг доғи киймаки ул ранг.

Нилуфар ранги келди таъбазир² ,
Ким, либос этти они Меҳри мунир.

Ҳар пари чехраики маҳваш эрур,
Мовий ўлса, либоси дилкаш эрур.

Меҳрким, гулрухи самовийдур,
Нилуфарваш либоси мовийдур.

Чун тугатти фасонани ровий,
Пардадор³ очти пардаи мовий.



Савол ва топшириқлар.

Г

- “Соябон” стратегияси орқали асарнинг олдинги бўлимини мустаҳкамланг.
- Меҳр ақл билан иш тутдими?
- Меҳрнинг ўрнида бўлганингизда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?
- Жадвал асосида достонни таҳлил қилинг.

“Сабъаи сайёр” достони		
Жадвал асосида достонни таҳлил қилинг.		
Мавзуга оид қандай мақол-матал ёки ҳикматли сўзлар қўлланилган?		
Асадан қандай хулоса чиқарса бўлади.		

Я

- Шоир ўрнида бўлганингизда асарни қандай якунлаган бўлардингиз?
- Асадан қирқ мисра ёд олинг.
- “Сабъаи сайёр” асари асосида тақдимот тайёrlанг. Интернет тармоқларидан фойдаланинг.

¹ Хокроҳ – камтар, хокисор.

² Таъбазир –таъбига мос.

³ Пардадор – соқчи.





Мустаҳкамловчи савол ва топшириқлар.

Г

1. “Ақлий ҳужум”: “Яхши инсон деганда кимни тушунасиз?”
2. “Т-жадвал” стратегияси. Асаддаги Сұхайл ва Жобир тимсолларини қиёсланг. Жадвални түлдириңг.

Сұхайл		Жобир	
Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий

3. Асар қаҳрамонлари Мехр, Сұхайл ва Жобир исмларининг улар характерига, амалларига ва маънавий қиёфаларига мослигини шарҳланг.
4. Жобир ҳаммадан күпроқ кимга жабр қилди?
5. “Сен агар зохир етдинг итликни, Мен сенга күргузай йигитликни” мисраларидаги “итлик” ва “йигитлик” сўзларини шарҳланг.
6. Жобирнинг “моли ҳаром” мақсади билан яшашини сиз қандай тушундингиз? Навоий шундай инсонларни қандай атайди?
7. Ҳикоятнинг қайси жиҳатлари сизда яхши таассурот уйғотди?
8. “Сабъаи сайёр” достони воқеаларини тавсифлашда шоирнинг маҳорати нимада деб ўйлайсиз?
9. “Менга ёқсан қаҳрамон” мавзусида эссе ёзинг.

Я

ТАШБЕХ

Одамда хаёл бўлгани, ҳиссиёт таъсирида вужудга келадиган қўнгил тўлқинлари борлиги учун ҳам образли фикрлашга мойиллик мавжуд. Одатда бирор нарса ёки ҳолатни бошқасига қиёсланса, уни тушуниш, кўз олдига келтириш осонлашади. Нарса солиширилганда яхшироқ англаради. Масалан, оқ пахтанинг оқлиги таъкидланмоқчи бўлса, «оппоқ» дейилади. Янада кучайтириш лозим кўрилса, сут ёки қорга қиёслаб, «сутдай оқ», «кордай оқ» дейилади. Бу ҳолат бадиий ижодда ҳам кўп учрайди. Уни одатда ўхшатиш дейишади. Чунки чинакам ижод гўзал таққослардир. Бу ҳодисанинг ифодаси мумтоз адабиётда ташбеҳ дейилади. Ташбеҳ икки нарсани бир-бирига ўхшатиш демакдир. Бадиий асарда у жуда кенг қўлланади.

Ўхшатиш ёки ташбеҳ ўхшамиш, ўхшатилмиш, асос, восита сингари тўрт устунга қурилади.

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг «Салотин» бобидаги мана бу сатрларга эътибор қаратинг: «Базмдағи қарию гар худ йигит, Майдин бўлуб ҳар бири бир телба ит». Ушбу маснавийдаги: қарию ёш – ўхшамиш; ит – ўхшатилмиш; телба – асос; май – восита.



Бадиият ва ифода жонлилиги талабига кўра, шеърда қўпинча асос ва восита тушиб қолади. Масалан, «Юзинг гўзалликда гулга ўхшайди» деб ўтирмасдан, ўрнига «гулюз» деб қўя қолинади. «Тошюрак», «паричехра», «сарвқомат» кабилар ҳам бунга мисол бўла олади. Ташбеҳнинг қўйидаги турлари кенг тарқалгандир:

1. Мутлақ ташбеҳ (аниқ ўхшатиш). Шоир шубҳага ўрин қолдирмайди ва у қўпинча «дек», «эрур», «бўлди», «гўё» қўшимчалари орқали ифодаланади:

Бўлди раийят гала-ю сен – шўбон.

2. Киноя ташбеҳ (ишора ўхшатиш). Бунда ўхшамиш тушиб қолади, биргина ўхшатилмиш сақланади:

Қўйни шўбон асрамаса ойу йил,
Оч бўрилар тульмасидур бори, бил.

Аслида, шоҳ «шўбон»(чўпон)га ўхшатилган. Аммо достонда шоҳ – ўхшамиш тушиб қолган.



Савол ва топшириқлар.



1. Ўхшатишнинг бадиий ижоддаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритинг.



2. Ташбеҳнинг тўрт устуни ҳақида маълумот беринг.



3. Ташбеҳнинг турлари ҳақидаги маълумотларни пухта ўзлаштиринг ва Алишер Навоий асарларидан ҳар бир ташбеҳ турига олтитадан мисол топинг.

ТУРДИ ФАРОГИЙ

(XVII аср ўрталари – 1699–1700)



Ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўринга эга Турди Фарогийнинг ҳаёти ҳақида маълумот жуда оз. Ижодий меросининг ҳам жуда кам қисми етиб келган. Турди ва Фарогий сингари икки тахаллусда шеърлар ёзган бу шоир Бухоро адабий муҳитига мансуб истеъодли ижодкорлардан. Унинг ҳаёти ва фаолияти XVII асрда яшаган Бухоро хонлари: Нодирмуҳаммад ва унинг ўғиллари Абдулазиз ҳамда Субҳонқулихон даврига тўғри келади. Бу даврда қадим Туркистоннинг уч хонликка бўлиниб, Хивада қўнғиротлар, Бухорода мангитлар, Қўқонда минглар хукмронлиги шакллана бошлаганди. Шу сабабли бутун

Туркистонда ўзаро тож-тахт курашлари авжга минганди.

Нодирмуҳаммад – Бухорода мангитлардан олдин хонлик қилган аштархонийлар вакили. У 1640 йилда тахтга чиқкан. 1645 йилда Нодирмуҳаммад Хивани ўзига бўйсундириш учун қўшин тортади. Боқи юз бошлилигидаги юз уруғи вакиллари хон сиёсатидан норози бўлиб, Хўжандда қўзғолон кўтаришади. Шоир Турди ҳам исёнчилар орасида эди. Нодирмуҳаммад қўзғолонни бостириш учун катта ўғли Абдулазизни аскар билан жўнатади. Абдулазиз ота ишончини оқламайди. Юзларга қўшилиб Бухорога юради ва тахтни эгаллади.

Турди Абдулазиздан инсоф ва адолат умид қилган эди. У ўйлагандек бўлиб чиқмади. Ўз отасига хиёнат қилган фарзанднинг дўстларига содик қолиши мумкин эмасди. Воқеалар шиддатли тус олади. Нодирмуҳаммад бошқа ўғли Субҳонқули билан бирлашиб Абдулазизга қарши курашади. Аммо натижа ота кутганидай чиқмайди. Ота ҳокимиятдан умид узиб, ҳаж зиёратига кетишга мажбур бўлади. Энди тахт учун жанглар Абдулазиз билан Субҳонқули ўртасида боради. 1680 йилда Абдулазиз ҳам Бухорони ташлаб ҳажга кетишга мажбур бўлади.

1681 йилда Самарқанд яқинидаги Миёнколда Субҳонқулихонга қарши қўзғолон кўтарилади. Турди бу сафар ҳам қўзғолончилар орасида эди. Исён жараёнида қўзғолончилар орасида бўлиниш юз беради. Бир қисми хонга таслим бўлади. Иккинчи қисми (Турди ҳам улар орасида эди) Хўжанд ва Ўратепа ҳокими Раҳимбий юздан мадад сўрайдилар. Раҳимбий бу ғалаёнга бош қўшишни истамайди. Қўзғолончиларнинг бўйсунмаган қисми Самарқанд яқинидаги Конигилда бўлган жангда

енгилади. Турди умрининг сўнгини Хўжандда Раҳимбийнинг ўғли Оқбўтабий ҳузурида муҳтоҗликда ўтказади.

Турдидан бизгача ўн саккиз шеър етиб келган, холос. Шеърларнинг умумий ҳажми 400 сатр атрофида. Шеърлар асосан ғазал ва мухаммаслардан ташкил топган. Шулардан бир ғазал ва бир мухаммас форс тилида битилган.

Шоир шеърларининг бир қисми сўфиёна мазмунни ифодалайди. Мухаммасларидан бирида шоир «ринд» (майпараст)лар «сархайли» (етакчиси) билан «айш сурдим» дер экан, гап ичиладиган май ва ундан кишининг маст бўлиши ҳақида эмас, Оллоҳ ишқи ва ундан ҳосил бўладиган ҳаяжон-сурур борасида кетаётганини англаш лозим. Шоирнинг «ҳалқаи ушшоқ»да, яъни сўфийларнинг давра ясаб, зикр тушадиган йиғинларида фаол иштирок этганлиги тўғрисидаги хабари ҳам унинг Яссавий асос солган «жаҳрия» (овоз чиқариб зикр айтиш) тариқатига мансублигини кўрсатади.

Турди ижтимоий йўналишда ижод қиласидиган шоир. Шоир шеърларининг асосий қисми даврнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий масалалари ҳақида. У бутун вужуди билан ўзаро жанжал-келишмовчиликлар ботқоғига ботиб, бир-бирини қириб йўқ қилиб бораётган, юртни вайрон, элни талон-тарож этаётган хону бекларни қоралайди. Уларни инсоф ваadolатга, тенглик ва кенгликка чақиради. Миллий бирлик ҳақида бонг уради («Тор кўнгуллук беклар»). Бу жанжал ва низоларни жаҳолат ва бўхронлар тимсоли сифатида талқин қиласиди. «Турдиман» радифли ғазалида айниқса, «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман» мухаммасида ўзининг фожиали тақдири мисолида Туркистоннинг аянчли манзараларини чизади. Кўпгина шеърлари шоирнинг иқрорномаси, афсусномасидир. Улар мазмун ва йўналишига кўра мумтоз адабиётда кўп учрайдиган ҳасби ҳолларни ёдга туширади.

Турди шеърларида гоҳо оддий одамларга хос аламзадалик, тарафкашлик, нохолислик ҳам учраб қолади. Унинг ижодини ўрганишда бу ҳолатни ҳам ҳисобга олиш керак. Турди асарларининг тили баъзи ўринларда қалампирдай аччиқ, ифодалари кескин ҳатто бепардалик йўқ эмас. Шуларга қарамай, Турдининг шеърларида XVII аср кишисининг асл туйғулари, кечинмалари, қарашлари акс этган. Шу хусусият унинг битикларини бугунги кунимизга ҳамоҳанг қиласиди.

ФАЗАЛЛАР

Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бовли¹ ўзбак ютидур, тенглик қилинг.

Бирни қипчоқу Хитойу, бирни Юз, Найман деманг,
Қирқ-у Юз, Минг сон бўлуб, бир хон ойинлик² қилинг.

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнға кириб,
Бир ўнгурлик³, бир тиризлик⁴, бир яқо, енглик қилинг.

Ким қўюбдур уҳдайи ўз мулкунгиздин чиқмайин,
Икки, уч, тўрт даъвосин этмакни қўтаҳлик⁵ қилинг.

Мардлар майдон чекиб, рангин кўтариб захмлар⁶,
Сизга йўқ, ул жавҳару юзгаupo-энглик⁷ қилинг.



Савол ва топшириқлар.



1. Шеърда беклар нега “тор кўнгуллик” деб сифатланган?



2. Шоир ўз “мулк”лари “уҳда”сидан чиқмаган бекларни нега танқид остига олмоқда?



3. Фазалда қўлланилган иборалар мазмунини изоҳлаб, иш дафтарларингизга ёзинг.



4. Фазалда қандай шеърий санъатлар ишлатилган?

Шеърий санъат	Мисоллар
Ташхис	
Муболага	
Талмиҳ	
Иштиқок	
Тазод	
Ирсоли масал	
Тажнис	

¹ Бов – шоҳ, уруғ.

² Ойин – русум, одат.

³ Ўнгур – тўннинг этаги, бар.

⁴ Тириз – тўннинг елка қисми, жияк.

⁵ Кўтаҳлик – қисқалик, бу ўринда камтарлик маъносида.

⁶ Захм – яра.

⁷ Энглик – элик, упа.

Я

5. Асардан иш дафтaringизга сизнинг диққатингизни жалб этган байтнинг насрый баёнини ёзинг.
6. Венн диаграммаси асосида асардаги амалдорларга ҳамда ҳозирги раҳбарларга хос хусусиятларни қиёсланг.
7. Фазални ёд олинг.



8. Шоир ғазалларини ифодали ўқиб, овозингизни MP3 форматида ёзиб эшилтиринг.

* * *

Қатраям ночиз¹, аммо зоти қулзум² Турдиман,
Келтуран амвожға³ баҳри талотум⁴ Турдиман.

Кирқ, Юз, Минг ақраболар⁵ эттилар мандин нуфур⁶,
Не бало, баҳти қарою толеи шум Турдиман.

Риштадек минг бор рўзе чашми сўзандин⁷ ўтар,
Бовужуди эътибори чашми мардум⁸ Турдиман.



Савол ва топшириқлар.

1. Ҳасби ҳол йўналишидаги ушбу ғазални синчиклаб ўқинг. Шоир таржимаи ҳолига хос жиҳатларни иш дафтaringизга ёзиб олинг.
2. Нима сабабдан шоир ўзини бунчалар баҳтсиз ва толесиз ҳисоблашини тушунтиришга уриниб кўринг.
3. Инсон ҳаётида ҳамма нарсанинг омонат эканлиги “Турдиман” радиифли газалда қандай акс этган?
4. Фазалда қўлланилган тазод санъати қайси байтда берилганини топиб, иш дафтaringизга изоҳини ёзинг.
5. Шоирнинг шахсий ҳаёти ва fazalda акс эттирилган ҳаётини қиёсланг.
(Венн диаграммаси)
6. Фазални ёдланг.

¹ Қатраям ночиз – арзимас қатра.

² Қулзум – денгиз.

³ Авмож – мавжлар.

⁴ Талотум – пўртана, бўрон.

⁵ Ақраболар – яқинлар, қариндошлар.

⁶ Нуфур – нафрат, ёқтираслик.

⁷ Чашми сўзан – игна кўзи.

⁸ Мардум – одамлар.

МУХАММАС

Ёд мандин ким берур, яхши замонлар қўрдиман¹,
Ринд сархайлию² хуш³ айши дамодам сурдиман,
Ҳалқаи ушшоқда⁴ базму мажолис⁵ қурдиман,
Мушти хокам⁶ давру давронларни лекин қўрдиман,
Хуш димоф этган майи софи ҳарифлар⁷ дурдиман⁸.

Қилмадим шукронай, солдурди туфроқ оshima,
Қолмади жуз⁹ дарду ғам ҳамдам, мусоҳиб қошима,
Ҳақ ўзи раҳм айлағай, охи сахар кўз ёshima,
Тафриқа¹⁰ тошини ёғдурди замона бошима,
Хонумон овора селоби ҳаводис¹¹ сурдиман.

Нозили¹² ҳукми қазо¹³ ҳеч ким раду манъ этмади,
Барча бўйнига солан бу риштани қатъ этмади¹⁴,
Аҳли ҳоле¹⁵ топмадим бошдин бало дафъ этмади,
Кулфату ғурбатни тузлук суннати¹⁶ рафъ этмади¹⁷,
Хору бекадрамки мундин ортиниб, жубриндиман¹⁸.

Воқифе йўқ¹⁹, бу мусоғирлиғда мандин не ўтар,
Баски юз кўйи била рўзи келиб, рўзи кетар,
Ўзмағай мундин бало-ю бўлмагай мундин батар,

¹ Қўрдиман – қўрдим, қўрганман.

² Ринд сархайли – майпарастлар даврабошиси.

³ Хуш – яхши, кўнгилли.

⁴ Ҳалқаи ушшоқ – ошиқлар давраси. Оллоҳга ошиқ сўфийларнинг давра қуриб зикрга тушиши.

⁵ Мажолис – мажлислар, йигинлар.

⁶ Мушти хокам – бир сиқим тупроқман.

⁷ Ҳарифлар – улфатлар, шериклар.

⁸ Дурдиман – қўйқасиман.

⁹ Жуз – бўлак, бошқа.

¹⁰ Тафриқа – бўлинниш, ихтилоф, парчаланиш.

¹¹ Селоби ҳаводис – ҳодисалар сели.

¹² Нозил – туширилган, юборилган.

¹³ Ҳукми қазо – қазо ҳукми, ўлим ҳукми.

¹⁴ Қатъ этмади – кесмади.

¹⁵ Аҳли ҳол – ҳолингни тушунувчилар, ҳамдардлар.

¹⁶ Тузлук суннати – тўғрилик йўли.

¹⁷ Рафъ этмади – ўртадан кўтартмади, йўқотмади.

¹⁸ Жубринди –чувринди.

¹⁹ Воқифе йўқ – хабардор йўқ.



Ақраболар сұхбатимдин ор этар, қошин чатар¹,
Салб дилларда², назарларда кариҳ³ сиприндиман.

Яхши вақтлар ёд этиб, ундин кетиб, мундин қолиб,
Ҳарза⁴ ашқи тиблдек⁵ айни назарлардин⁶ солиб,
Носара дирҳам⁷ сифатлиқ рад қилиб, қўлга олиб,
Даста фарсада⁸, юзи қайтиб, оёқларда қолиб,
Кўхна тифи тах-батаҳ ғам занги тутғон кундиман⁹.



Савол ва топшириқлар.

Я

1. Мухаммас мисраларида шоирнинг кўрган кунларидан розилиги ифодасига эътибор қилинг. Қувониб эслаетган нарсаларига диққат қаратинг.

2. Шоирнинг кўргуликлари қандай акс эттирилганлигини кузатинг. У кимни айблаётир?

Ж

3. Одамларнинг четлашганликлари: «Ақраболар сұхбатимдин ор этар, қошин чатар» мисрасида қандай маҳорат билан тасвирланганлигини кузатинг.

4. Шоир ўзига ҳам холисона баҳо бера олиши ҳақидаги фикрлари қайси қаторларда берилган?

¹ Қошин чатар – қошини чимирап, ёқтирmas.

² Салб дил – дилидан тонган, инкор этган.

³ Кариҳ – жирканч.

⁴ Ҳарза – беҳуда.

⁵ Ашқи тибл – боланинг кўзёши.

⁶ Айни назарлардин – кўз косасидан.

⁷ Носара дирҳам – қадрсиз дирҳам, пул.

⁸ Дастана фарсада – дастанаси эскиган, тутқичи йўқ.

⁹ Кунди – ўтmas.

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ

(1779–1845)



Ўз даврининг етук шоираси Жаҳон отин Увайсий Марғилонда туғилган. Отаси Сиддиқ бобо мадраса кўрган, ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган. Онаси Чинни биби ҳам зиёли аёллардан бўлган. Акаси Охунжон ашула ва мусиқадан хабардор бўлганлиги учун Ҳофиз лақабини олган. Бўлажак шоиранинг шаклланишида оиланинг ўрни катта бўлди. У ҳар жиҳатдан маърифатли, маданиятли бўлиб камолга етган. Ёшлигидан шеъриятга қизиқиб, «Увайсий» тахаллуси билан ижод қилди ва шухрат топди.

Жаҳон отин балоғатга етгач, марғилонлик Ҳожихон деган косиб йигитга турмушга берилади. Шоира Қуёшхон ва Муҳаммадхон исмли фарзандлар кўради. Бироқ турмуш ўртоғи эрта вафот этади. Фарзандлар тарбияси якка ўзининг зиммасида қолади. Шоира мактабдорлик қилади, адабий ижод билан шуғулланади. Авлодларига яхши тарбия беради. Улар ҳам шеърлар ёзишган.

Увайсийнинг шоиралик ва мактабдорлик довруғи ўша пайтлардаги Марғилон ҳокими Умархоннинг жуфти Нодирабегимга етиб боради. Истеъдодли шоира ва илму адабиёт ҳомийси Нодирабегим Жаҳон Отинни саройга олдиради. 1810 йилда Умархон Қўқон хонлиги тахтини эгаллади. Нодирабегим Увайсийни ҳам икки фарзанди билан маҳсус ёрлиқ орқали пойтахт Қўқонга кўчириб келтиради ва ҳомийлик қилади. 1822 йилда Амир Умархон вафот этиб, таҳт унинг ўғли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) қўлига ўтгач, Увайсийнинг саройдаги мавқеи тушиб, шоиранинг шахсий ҳаётида ташвишли кунлар бошланади.

Маъдалихон онаси Нодирабегимнинг маслаҳатларига қулоқ солмай, Қашқарга юриш бошлайди. Қўплаб йигитлар қаторида Увайсийнинг ўғли Муҳаммадхон ҳам сарбозга олиниб, Қашқарга жўнатилади. Она узоқ вақт айрилиқ ва хавотирда яшашга мажбур бўлади. Абдусамад қори деган кишига узатилган қизи Қуёшхоннинг ҳам ҳаёти баҳтсиз кечади. Оилавий нотинчилклар сабабидан бир ярим яшар қизчаси Биби Хадичани етим қолдириб, ўттиз ёшида вафот этади.

1842 йилда эса баҳтсизлик бутун эл-юртнинг бошига тушади. Шу йили Бухоро амири Насруллохон Қўқонни босиб олиб, Нодирабегим, Маъдалихон ва унинг фарзандларини қатл эттиради. Ўз кўргуликлари ва турмуш машаққатларидан кўнгли вайрон бўлган Увайсий туғилган



шахри Марғилонга қайтади ва умрининг сўнгги йилларини ўша ерда ўтказади.

Шоира тахминан 1850 йилда вафот этган.

Увайсий бадиий ижод билан умр бўйи шуғулланган, бир неча шеърий девон қолдирган шоирадир. У мумтоз шеъриятимизнинг жуда кўп жанрларида ўз кучини синаб кўрган ва халқ қалбидан ўрин топган. Шоиранинг «Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора», «Замона кулфатидин бу кўнгул доф ўлди, доф ўлди», «Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман» мисралари билан бошланадиган шеърлари халқ орасида жуда машхур. Хусусан:

Дунёни букун давр ила даврони ғанимат,
Келтурди халойиқники, меҳмони ғанимат

матлаъли ғазалида умринг ўткинчилиги, уни қадрлаш зарурлиги ҳақидаги фикр ғоят таъсирчан йўсинда акс эттирган. Айрим ғазалларида шахсий ҳаёти излари тасвиранади. Шоиранинг «Софиндим» радифли ғазалида аскарликдаги ўғли Муҳаммадхонга бўлган соғинч туйғулари ифодаланган.

Увайсий чистонлари билан ҳам машҳур. Унинг «Анор» чистонида шоиранинг юксак шеърий диди, топқирлиги, аёлларга хос нозик фаҳми яққол намоён бўлган. Увайсий шеърларида ўзбек аёли қалбининг на-зокати, андишали түғёнлари, кўнгил мавжлари акс этган.

СОФИНДИМ

Букун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсан не айб, ул шохи давронимни соғиндим.

Мусофираман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман¹,
Вужудим дардга тўлди, әмди дармонимни соғиндим.

Тилимнинг зикри-ю, кўнглимни фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғизим, давлатли сultonимни соғиндим.

Кечакундуз йўлига мунтазирдурман, тикарман кўз,
Келиб ҳолим сўрибон кетса, меҳмонимни соғиндим.

Насибин узмади тангри, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлғуси бағри қизил қонимни соғиндим.

Коронгу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси моҳи тобонимни соғиндим.

¹ Бенаво – баҳтсиз, шўрпешона.

Мани бекас Увайсий, йиғлагайман рўз-шаб¹ тинмай,
Үйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.



Савол ва топшириқлар.

1. Фазални ифодали ўқинг. Асадан шоира ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларни топинг.



2. “Она изтироби” ва “Фарзанд соғинчи” (Шоиранинг ўзига нисбатан ишлатган сифатлашлари орқали изтиробни, ўғлига қўллаган сифатлар воситасида соғинчни ифодалаганини гуруҳда таҳлил қилинг)



3. Фазал таҳлили (шеърий санъатлар, қофия ва радиф, шеър жанри)



4. Шеърда ўғлининг ҳолати ва кечинмалари акс этганми?

5. Ҳолат ва кечинмалар тасвири учун қўлланган халқона ибора ва ифодаларни топинг ҳамда иш дафтaringизга ёзиб олинг.



6. Ўзингизни адебанинг фарзанди ўрнига қўйиб шоирага жавоб мактуб ёзинг.



7. Фазални ёд олинг.



8. Шоира ҳаёти ва ижодига тааллуқли видеолавҳа, ҳужжатли фильмлардан лавҳаларни топинг, намойиш қилинг.

ЧИСТОНЛАР

1.

Ул на қуш қўринмаским, шафақ болу пари,
Мисли ул раф-раф сувору билсангиз, йўқтур тани,
Воқиф эрур кеча кундуз хизматида тўрт ғулом,
Қон илан эрмиш мурасса бул чийистон маскани.

2.

Ул надурким, бир келин ўзи чўтири,
Етти қат парда ичида мисли ҳур.

3.


Икки маҳбубини қўрдум, иккисин киндиги бир,
Иккисин орасига тушсанг топадурсан касир.

4.

Ул надурким пойи йўқ, юрса боши бирла юрар,
Юрганида хок сурмай, онча устолик қилар.

¹ Рўз-шаб – кун-тун, эрта-кеч.





ЧИСТОН ҲАҚИДА

Мумтоз адабиётда шоирларнинг сўздан фойдаланиш маҳоратини намоён этиш намунаси саналмиш чистон форсча «чист он?» («нима у?») сўзларидан пайдо бўлган. Моҳиятига кўра шеърий топишмоқни англатади. Чистоннинг ҳажми белгиланмаган.

Одатда, 2 ёки 4 сатр атрофида бўлади. Чистонлар халқ оғзаки ижодида кенг ёйилган топишмоқлар асосида майдонга келган. XV асрдан ёзма адабиётга ўтган. Жуда кўп шеърий жанрлар сингари туркий чистоннинг ҳам илк намуналарини ҳазрати Алишер Навоий яратганлар. Форс ёзма адабиётида X–XII асрларда пайдо бўлиб, «лугз» номи билан аталган.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Чистон жанрининг замонавий кўринишини айтинг.

Я

2. Чистонни “Кластер” стратегиясида таърифланг.

Г

3. Уларга хос бўлган умумий жиҳатларни иш дафтaringизга ёзинг.

Ж

4. Берилган чистонларга ўхшаш замонавий топишмоқлар топинг ва расмини чизинг.

Я

5. Чистонларни таҳлил қилинг (шеърий санъат, қофия, шеър жанри).

Я

6. Чистонларни ёдланг.

ШЕЪРИЙ ВАЗН ҲАҚИДА

Адабиётнинг сўз санъати экани ҳақида анчадан буён тасаввурингиз бор. Бадиий асар қандай тур ёки қайси жанрда яратилишига қарамай, сўз орқали моддийлашади. Аммо маълумки, адабиётнинг наср, назм ва драма сингари турлари бор. Уларда қўлланиладиган сўзлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Шеър оддий гапдан, яъни қора сўздан, биринчи навбатда оҳангি билан ажралиб туради. Шеърдаги мусиқани, оҳангни, сўзлардан иборат нутқ бўлаклари ташкил қиласиди. Нутқнинг бундай мусиқий маъноли бўлакларини бир-биридан пауза (тўхташ) ажратиб туради. Сўзлар бўғин (ҳижо)лардан ташкил топган бўлади. Нутқ бўлакларини айтишдаги зарб (ритм) ҳамда уларни ажратиб турвчи пауза (тўхташ)нинг маълум тартибда такрорланишидан оҳанг ҳосил бўлади. Буни биз вазн деймиз. Вазннинг маъноси «шеър ўлчови» демакдир.

Шеъриятимизда ишлатилган ва ишлатилиб келаётган вазнлар асосан учта: **бармоқ, аруз, эркин вазн**.

Бармоқ ўзбек шеърининг қадимий вазnidir. Унга бўғинлар миқдори асос қилиб олинади. Эски халқ қўшиқларимиз бармоқда яратилган. Туркий халқлар орасида бадиий тафаккури энг ривожланган улус сифатида ўзбеклар минг йиллар мобайнида араб ва форс адабиёти таъсирида бўлди. Бу ҳол миллий шеъриятнинг вазнига ҳам таъсир этди. XX асрдан бошлаб бармоқ вазни яна ўзбек шеъриятининг асосий вазнига айланди.

VIII асрда араблар билан бирга уларнинг шеърий вазни аruz ҳам келиб кирди ва шеъриятимизнинг асосий вазни бўлиб қолди. Айтилганидек, минг йилдан ортиқроқ давр мобайнида шоирларимиз арузда ёздилар. Бу вазн ҳозир ҳам шеърларимизда қўлланилади. Аруз нутқ бўлакларидаги ҳижо (бўғин)ларнинг сонигагина эмас, сифатига ҳам суюнади. Яъни, бўғинларнинг унли ёки ундош билан тугалланиши ҳам ҳисобга олинади. Аруз илмида буларнинг ҳар бирининг ўз номи бор. Масалан, шеър бўлакларига руқн дейилади. Руқннинг маъноси «устун» демакдир. Руқнлар ўз навбатида бир нафас билан айтиладиган қисқа ёки узун ҳижолардан ясалади. Ҳижо шеърда оҳанг яратувчи энг кичик ритмик бўлакдир. У бир унлидан ёки бир унли, бир ундошдан (**ба, би ва ҳ.к.**) ёки бир унли, икки ундошдан (**бош, тиш ва ҳ.к.**) ясалishi мумкин. Агар ҳижо бир қисқа унлидан (**а каби**) ташкил топса, ёки ундошдан кейин келган қисқа унли (**ба, би каби**) билан яқунланса, қисқа ҳижо дейилади ва ёзувда «**v**» белгиси билан ифодаланади. Агар ҳижо бир чўзиқ унлидан (**о**) ташкил топса, ёки ундошдан кейин келган чўзиқ унли (**бо каби**), ёхуд ундош (**бош каби**), ёхуд унлидан кейин келган ундош (**ош каби**), ёхуд ундошдан кейин келган ундош (**бахт каби**) билан яқунланса, «чўзиқ ҳижо» дейилади ва ёзувда «**-**» белгиси билан



ифодаланади. Уларнинг муайян тартибдаги қўшилуви ва такроридан рукилар ҳосил бўлади. Рукилар арабча «фаала» феъли асосида яратилган фаулун (v-), фоилун (-v-), мафоийлун (v---), фоилотун (-v-), мустафъилун (-v-), мафъулотун (--v), мутафоилун (vv-v-), мафоилатун (v-vv-) қолипларидан ташкил топган. Булар аслий рукилар дейилади ва улар ўз навбатида, яна турли ўзгариш (қисқариш)ларга учрайди. Ушбу рукиларнинг маълум тартиб ва нисбатдаги такроридан баҳрлар ҳосил бўлади. Уларнинг сони 13 та бўлиб, бир қисми асл рукиларнинг такроридан ясалади: ҳазаж (мафоийлун), ражаз (мустафъилун), рамал (фоилотун) каби.

Вазнлар парадигма (чизма)сини Увайсий чистонларидан бири мисолида кўриб чиқиш мумкин:

Синдуруб гумбазни, қизлар ҳолидин олсан хабар,
Юзлариға парда тортиғлик туарлар бағри қон.

Байт рукиларга, рукилар ҳижоларга ажратилиб, ҳижоларнинг узун-қисқалиги белгиланади ва пастига рукиларнинг оти ёзилади.

Байт вазни «фоилотун» рукининг такроридан («фоилун» рукини «фоилотун»нинг қисқарган шакли) иборат. Шунга кўра, у рамал баҳридадир. Байтда саккиз (ҳар мисрада тўрттадан) руки иштирок этмоқда, демак у мусамман (саккизлик)дир. Сўнгги рукинда бир ҳижо ташлаб юборилгани учун «маҳзуф» дейилади. Демак, «Анор» чистони ёзилган баҳрнинг тўла номи «рамали мусаммани маҳзуф» экан.

Сизда, азиз ўқувчи, бешинчи руки, яъни юзлариға сўзидағи «ри» ва «ға» ҳижолари қоидага кўра қисқа бўлмоғи лозим эмасмиди, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Баъзан аruz ўлчовида вазн талаби билан, айниқса, «қ», «ғ» ундошлардан кейин келган унлилар ҳам чўзиқ айтилиши ва узун ҳижо ҳисобланиши мумкин.



Савол ва топшириқлар.



- Шеърнинг оддий сўз ва гаплардан фарқи нимада?
- Вазн турлари ва уларнинг бир-биридан фарқланишини тушунтиринг.
- Ҳижоларнинг руки ҳосил бўлишидаги ўрни ва ўхшаш томонларини айтинг?

ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАН




ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889–1929)

Миллатим насли башардур, Ватаним курраи арз,
Иккисин хизмати фарздор, иккисиндан жон қарз.

Ҳамза



Янги давр ўзбек адабиётининг намояндада-ридан бири, шоир ва драматург, бастакор ва режиссёр, маърифатпарвар-педагог ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йил 7 марта Кўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди.

Ҳамза аввал эски мактаб ва мадрасаларда ўқиб, форс, араб тилларини, рус-тузем мактабида эса рус тилини ўрганишга муваффақ бўлган.

Ҳамзанинг бадиий ижодга қизиқиши барвақт бошланган. Ҳамза 1903–1914 йиллар орасида Ниҳоний тахаллуси билан 197та шеър ёзиб, уларни қўлёзма девони шаклига келтирган. У 1909–1910 йилларда Тошкентда бўлганида Мунаввар қори, А.Авлоний,

С.Раҳимий сингари маърифатпарварлар билан танишиб, улар таъсирида жадидчилик ҳаракатига келиб қўшилади. Ҳамза Тошкент, Марғилон ва Кўқонда янги усул мактабларини очиб, муаллимлик қилади. Қолаверса, мазкур мактаблар учун “Енгил адабиёт”, “Ўқишикитоби”, “Қироат китоби” каби дарсликлар ҳам яратади. Ва, ниҳоят, ўзининг шеър ва драмалари, публицистик мақолаларида ўз халқини маърифатга чорлайди.

1915–1916 йилларда нашр этилган “Миллий ашуулалар” учун миллий шеърлар мажмуаси, “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Сариқ гул” каби шеърий тўпламларида ва “Янги саодат” каби насрий асарларида унинг маърифатпарварлик ғоялари тўла намоён бўлган. Ҳамза шу даврда ёзилган “Йигла, Туркистон”, “Оқибатсиз Туркистон”, “Ватандошли-



римга хитоб”, “Дардига дармон истамас” каби шеърларида халқнинг жаҳолат ботқоғидан чиқиб, тараққий этган халқлар қаторидан ўрин олишга даъват этади.

Фаолият доираси бениҳоя кенг бўлган Ҳамза 20-йилларнинг бошлиарида Хоразм Халқ Жумҳуриятига бориб, мактаб ва маориф ишлари билан шуғулланади. У ердан қайтгач, ижодий ишлар билан машғул бўлиш истагида аввал қишлоғига боради ва драматик ижоднинг гултожи бўлган “Майсаранинг иши”, “Паранжи сирлари” асарларини яратди.

Ҳамза 1928 йил август ойида Шоҳимардонга юборилади. У ерда маданий-оқартув ишлари, хотин-қизлар озодлиги масалалари билан шуғулланади. 1929 йил 18 марта у шу ерда фожеали ҳалок бўлади.

1926 йил 27 февраляда Ҳамзага биринчилардан бўлиб “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони берилган. Ҳамза асарлари жаҳон халқлари тилларига таржима этилган.

ЙИҒЛА, ТУРКИСТОН

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла Туркистон.

Тургил, дардан жисмингни соғла, Туркистон,
Дониш ўтига бағринг доғла, Туркистон.

Белга ҳиммат камарин боғла, Туркистон,
Маърифатга етмоқни чоғла, Туркистон

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Боғли қолди қўлимиз ваҳшат домида¹,
Бошлар чайналмасунму ғафлат комида²

Қўқрак қони кўрунди ғурбат жомида³,
Маҳв ўлди⁴ шари нури⁵ бидъят⁶ шомида⁷.

¹ Ваҳшат доми – ваҳший (ёввойи)лик тузоги.

² Ғафлат коми – уйқу қучоги, қўйни.

³ Ғурбат жоми – ғариблик, бечоралик қадаҳи.

⁴ Маҳв ўлди – йўқолди, йўқ бўлди.

⁵ Шари нури – шарийат нури.

⁶ Бидъят – дин ақидаларига хилоф янгилик.

⁷ Бидъят шоми – ҳамма ёқни динга тескари янгиликлар эгаллаб олди маъносида.

Йиғла, йиғла, Туркистан, йиғла, Туркистан,
Рұхсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистан.

Күзлар уйқудан түймас, доим ғафлатда,
Не саодат күрмишбиз, билмам, ваҳшатда,

Бўлдик бугун саргардон дашти зиллатда¹,
Ўтар ўхшар ҳолимиз бўйла зулматда.

Йиғла, йиғла, Туркистан, йиғла, Туркистан,
Рұхсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистан.

Мактаб очинг, боёнлар, бўлинг ҳимматли,
Бўлсун ўқур сибёнлар² олий ғайратли.

Шояд бўлсун миллатга содиқ хизматли,
Бу кўнгуллар қувонсун қолмай ҳасратли.

Йиғла, йиғла, Туркистан, йиғла, Туркистан,
Рұхсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистан.

Дариғ тутманг илм учун кетса молу жон,
Ўқув фарзлиги минг йўл қуръонда фармон.

Маърифатсиз тонулмас аҳкоми имон³,
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.

Йиғла, йиғла, Туркистан, йиғла, Туркистан.
Рұхсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистан.

Маҳзун Ниҳон кўп оғлар⁴ миллат боғига,
Мавсум ўтуб ғафлатдан тушган доғига.

Боғонлар боқмаюр сўлу соғига,
Қиши келгач сўнг нетармиз гулшан зоғига.

Йиғла, йиғла, Туркистан, йиғла, Туркистан,
Рұхсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистан.

¹ Дашти зиллат – хорлик, тубанлик дашти.

² Сибёнлар – ёшлар.

³ Аҳкоми имон – имон ҳукмлари.

⁴ Оғлар – йиғлар.





Савол ва топшириқлар.

Я

- Шеърнинг шаклига эътибор беринг. Унинг сиз ўқиган аввалги шеърлардан шаклан фарқ қиласидиган томонларини аниқланг.
- Шеърдан шоир ҳолатини ифодалайдиган ўринларни топинг.
- Шоир Туркистон сўзи замираидаги қандай маъноларни мужассам этган?

Г

- Синфи 2 гурӯҳга бўлиб ишланг. «Балиқ скелети» стратегияси орқали асардан тасвир воситаларини аниқланг.

Я

- «Ўтмиш ва замонамиз ҳақида ўйларим» мавзусида эссе ёзинг.



- XX аср бошларидағи ижтимоий ҳаёт ва адабий муҳит ҳақида видеолавҳаларни Интернет тармоқларидан изланг ва намойиш қилинг.

ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Келди очилур чоги, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.

Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гохи,
Илму фан тифи бирла жаҳл бағрини қон қил.

Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.

Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир¹,
Кел, бугун бу захмингга маърифатни дармон қил.

Оналик ҳукуқингни ҳурмат этмаганларни,
Юзларин қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.

Ой юзинг қаро чиммат зулмидан қутултиргил,
Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичида жавлон қил.

Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
Нурларин олиб кўзга сурмаи Сулаймон қил.

¹ Тақрир – икror, қарор.



Савол ва топшириқлар.

Я

1. «Очилур чоғи», «парчалаб кишанларни» каби күчимларнинг маъносини айтинг.
2. Фазал паронжидан қутулиш ҳақидами ёки ғафлатдан, жаҳолатдан қутулиш тўғрисидами? Шоир учун қай бири муҳимроқ?
3. Фазални шоирнинг аввал ўрганилган шеърлари билан таққосланг: тилида, тасвир воситаларида қандай ўзгаришлар бор? Бу ўзгаришларнинг сабабини тушуниринг.
4. Аёлларимизнинг ҳозирги аҳволи билан Ҳамза орзу қилган озод аёл тушунчаси ўртасида қандай яқинлик бор?

Ж

МАЪРИФАТЧИЛИК АДАБИЁТИ

Сиз Ҳамзанинг ҳаёти ва фаолиятини ўқиб билиб олдингизки, у ҳамиша маориф тарқатишни, халқнинг фарзандларига билим беришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаган. Миллатининг фаровон яшашини орзу қилган, ватанда жаҳолат ҳукмронлик қилаётганидан қийналган шоир барча баҳтсизликларнинг сабаби маърифатсизликда, одамларнинг ўқимаганлигида, ўқишга шароитнинг йўқлигига деб ҳисоблайди. У биринчи синф ўқувчилари учун 1914 йилда яратган «Енгил адабиёт» дарслигига даёқ:

Мактаб – миллатни гули,
Миллат анинг булбули,
Мактабсиз қолган миллат,
Бошқа чаманни қули.

деб ёзган эди.

Миллатга маърифат бериш Ҳамзанинг деярли барча асарларидаги асосий фикр ҳисобланади. Илмсизлик туфайли қолоқлик ботқоғига ботган Туркистонга, она Ватанига шоир дард билан мурожаат қиласи:

Тургил, дардан жисмингни соғла, Туркистон,
Дониш ўтига бағринг доғла, Туркистон.

Нодонлик уйқусида ётиш, ўз ғарив аҳволига бепарволик, тараққиётнинг омили бўлмиш илмга интилмаслик – оғир дард. Шеърнинг лирик қаҳрамони Туркистонни лоқайдлик тўшагидан туришга, жисмини маърифатсизлик деб аталмиш касалликдан қутултиришга ундейди. Шундай қилинсагина «Маърифатга етмоқни чоғлаш» мумкин. Шоир



Туркистон дея ўлкага мурожаат этар экан, албатта, ўлканинг аҳолисини кўзда тутади. Шоир ҳайрон: нега бизнинг миллатимиз гафлат уйқусини бунчалар сужди, ваҳшийликдан, илмсизликдан не яхшилиқ кўрди эканки, улардан ажралгиси келмайди. Мана шу ҳолатлар уни:

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

дея нола чекишга мажбур қилади. Шоир Туркистондай шонли ўлканинг қанчалик аянчили аҳволга тушиб қолганлигини қуруқ ахборот тарзида айтиб ўтирамай, «йиғла» сўзини такрорлаш орқали ўша аҳволни ифодаловчи бадиий иқлим яратади. Йиғи шундай астайдил ва кучли бўлиши керакки, «руҳсиз танлар тебрансун». Ўқувчи ҳайрон бўлиши мумкин. Нега руҳсиз тан? Жонсизми ёки руҳсиз? Ё бу иккаласи бир хил тушунчами? Ислом илми хулосаларига кўра Оллоҳга кўр-кўrona, шунчаки итоат қилиш руҳсизлик белгиси. Оллоҳни илм билан таниган ёки шунга интилган кишиларгина руҳга эгадирлар. Шоир талқинича, Туркистон халқи ўзининг аянч аҳволидан шунчалар аффон чекиши зарурки, бу фифон, бу йиғи руҳдан маҳрум, ҳамма нарсага лоқайд қишиларга ҳам таъсир қилсин, тебрантиурсин.

Шу хилдаги фикрлар шоирнинг «Яхши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон» деб бошланувчи шеърига ҳам хос. Янгиликка интилмаслиги, лоқайдлиги туфайли қадимги шуҳратини йўқотган Туркистоннинг ғариблигидан аччиқ куйиниш натижаси сифатида ёзилган мазкур шеърда Туркистонга – она юртга, унинг маърифатсиз эгаларига қаратса аччиқ таъналар айтилади. Ҳамзанинг шу шеъри, қайсиdir даражада, куюнчак фарзанднинг айбномаси ҳамдир. Шоир Туркистоннинг шон-шавкати оламга машҳур бўлган замонларнинг ўтиб кетганидан қайғуради:

Эсиз, эсиз Туркистон, қани аввалги ҳоли?
Оlamга зиё берган ул хуршиди иқболи?

Шоир юртнинг истиқболидан ҳам хотиржам эмас. Шу аҳволда қолинса, миллат хор бўлади. Шоир юрт катталарини миллатнинг уволи тутмасмикин, дея ўйга толади. Уни қийнаган нарса шуки, халқнинг илмсизлиги, ўз ҳаққини танимаслиги, кашфиётларга интилмаслиги сабаб тараққиёт йўқ. Юртни эса бир тўда нобакору келгиндиilar эгаллаб олишган:

Ватанга молик бўлди нобакору тўнғизлар,
Оёқ остида қолди неча сандек дилсўзлар.

Ҳамза маърифат орқали миллатни озодликка чорлайди, Ватанни босқинчилардан озод қилиш учун ўзини, ўзлигини таниган, гуурли кишилар, юртнинг чинакам эгалари тарбияланиши кераклигини таъкидлайди. Шеърда нақарот ўрнида келиб, ҳар банддан сўнг такрорланадиган:

Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмаз,
Рұксиз тандур, ханжар урса, қони сочулмаз

мисраларида шоирнинг куйинишлари, алamu изтироблари жуда таъсирчан ифодаланади.

Ҳамзанинг «Дардига дармон истамас» шеъри ҳам руҳи, мавзуу йўналиши билан юқоридаги асарларига ҳамоҳанг. Агар тилга олинган шеърларнинг мундарижаси барча Туркистон аҳлига қаратилган бўлса, 1927 йилда яратилган «Ўзбек хотин-қизларига» ғазали бевосита аёлларга қилинган мурожаат тариқасида битилган.

Асрий уйқуда ётган, зулм остида эзилган ватандошларига озодлик хабарини етказишга бел боғлаган, унга маърифат тарқатиш йўлида меҳнат қилган шоир бу асарида ҳам ўзининг одатий мавзуига қўл уради. Шоир жаҳолатга қул бўлганлар томонидан ислом динининг талабларига зид равишда илм олишдан четлатилган, шу сабабли ижтимоий ҳаётда мавқега эга бўлмаган аёлларга мурожаат қилиб, уларни маърифатга ундейди. Фазал шаклида битилган бу шеърда аёлларнинг кечаги ҳолати образли тарзда таъсирчан ифодаланган. Ҳамзанинг шеърга юклаган асосий фикри аёлларни паранжидан чиқаришгина эмас, балки уларни том маънода очиш, яъни онгини оқартириш, ақлини уйғотиш, уларда ўзлигини намойиш қилиш истагини пайдо этиш. Шунинг учун ҳам ғазал:

Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
Нурларин олиб кўзга сурмаи Сулаймон қил,—

деган хитоб билан якунланади. Шоир бу шеърида ҳам жаҳолат бағрини илм тифи бирла қон қилишга умид боғлайди. Чунки маърифатпарвар Ҳамза учун ҳар қандай тараққиётнинг асоси— миллат вакилларига илм ўргатишдан иборат.

Илмнинг аҳамиятини, инсон ҳаётида маърифат тутган юксак мақомни тасвирлашга йўналтирилган адабиёт маърифатчилик адабиёти ҳисобланади.

Ўзбек адабиётида жуда қадим замонлардан буён маърифатни тараннум этишга алоҳида эътибор берилган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юнакий сингари кўп асрлар олдин яшаб ўтган адиллар ҳам маърифатни улуғлаб асарлар ёзганлар.

Бу йўналишдаги адабиёт XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида, айниқса, ривожланди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Авлоний, Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчиларимиз шу адабиётнинг вакиллари сифатида адабиётга кириб келганлар.



Савол ва топшириқлар.



1. Маърифат сўзини қандай тушунасиз?
2. Нима учун Ҳамзани маърифатпарвар шоир деймиз?
3. Маърифатчилик адабиётига хос хусусиятларни “Кластер” усулида ёритинг.
4. Маърифатпарвар ижодкорлардан яна кимларни биласиз, улар ҳақида маълумотларни Интернет тармоқларидан топинг ва флипчартда на-мойиш қилинг.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894–1938)

Сўзим охирида одил судлардан сўрайман, гарчи мен турли бўхтон, шахсият ва соҳталар билан иккинчи оқланмайдургон бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлган жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмагон содда, виждонли йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансикроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман.

1926 йил 15 июнь, Самарқанд

(Абдулла Қодирийнинг суддаги нутқидан)



Номус, инсоф ва ҳақгўйлик Абдулла Қодирий ҳаётининг асосий тамойиллари эди. Табиат инъом қилган нодир истеъдод чинакам ўзбекона меҳнаткашлик билан уйғунлашгани учун Қодирийнинг қаламидан асрлар мобайнида эскирмайдиган асарлар дунёга келди. 1894 йилнинг 10 апрелида Тошкент шаҳридаги ўртаҳол оиласалардан бирида дунёга келган Абдулла Қодирий ўз даврининг мактаб ва мадрасаларида муунтазам ўқиши имконига эга бўлмаса-да, илмга чанқоқлиги ва тиришқоқлиги туфайли замонасининг энг билимдон кишиларидан бирига айланди.

1917 йилги тўнтаришларгача ўзига тўқ хонадонларда турли юмушлар билан банд

бўлган: приказчик (югурдаклик), устачилик, боғбонлик қилган. А. Қодирий Октябрь ўзгаришларидан кейин қатор шўро идораларида хизмат қилди. Ҳамиша ҳалқ орасида бўлган, унинг эҳтиёжларини, оғрикли жойларини, кайфияту истакларини билган ёзувчи асарларидаги дилбар образлар орқали ўзи мансуб бўлган ҳалқнинг турмушини яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, миллий ғурурини уйғотишга интилди.

Унинг ҳикоялари чиққан журнallар, газеталар қўлма-қўл бўлиб кетарди. Фельветонлари босилган «Муштум» журнали ҳамиша талаш бўларди. Романларини ўқиши учун навбат кутиб турганларнинг саноғига етиб бўлмас, «Ўтган кунлар» романини ёд биладиган китобхонлар бор эди. Чунки адаб инсон руҳиятининг сирли ва нозик жиҳатларини чуқур, таъсирли ва ҳаққоний акс эттиради. Унинг асарлари ёлғиз

ҳаққонийликдан ташқари, гўзал ифода услуби билан ҳам ажралиб туарди. Ўзбек адабий тилининг ҳозирги шаклини бунёд этишда ҳеч бир ёзувчи Абдулла Қодирий каби муҳим ўрин тутмаган.

Ҳақ гапни ҳайиқмай айтиётган, миллатига ўзини танитаётган, унинг ғурурини уйготаётган ёзувчи ўлкамизни эгаллаб олган босқинчилар ва уларнинг маҳаллий югурдакларига ёқмаслиги тайин эди. Шу боис қисқагина умри мобайнида А. Қодирийга кўп бор човут солишиди.

1926 йилдаёқ «шўро раҳбарларини матбуот орқали обрўсизлантириди» деган уйдирма айб қўйиб, адабни қамоққа ҳукм қилишди. Лекин айбнинг уйдирмалиги, гувоҳларнинг сохталиги шу даражада аён эдики, адабни қамоққа тиқишига журъат этишмади. Бу, замон зўрлари назарида, ёзувчини ўзига хос «огоҳлантириш» эди. Адаб бу огоҳлантиришдан «тўғри» хулоса чиқармади, яъни ҳақиқатга хиёнат қилмади.

«Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» сингари роман ва қиссалари билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Туркистон халқлари маънавий равнақига ҳисса қўшган адабни 1937 йилнинг 31 декабрида иккинчи бор олиб кетишиди. Бу даврда Сталин бошқариб турган қатағон машинаси тиним билмай ишлар ва бу машинанинг яхши юрмоғи учун янгидан-янги қурбонлар зарур эди. Адолатнинг кўчасидан ҳам ўтмаган ҳукуматнинг ўзига яраша судлари 1938 йилнинг 5 октябрида XX аср ўзбек насрининг энг йирик вакилини, асримиздаги ўзбекларнинг энг фидойисини ўлимга ҳукм қилди. Шу тариқа миллат жаллодлари томонидан ўзбек адабиётининг яна бир чинори қулатилди.



Савол ва топшириқлар.



1. Абдулла Қодирий қандай қилиб замонасининг энг илғор ва билимдон кишиларидан бирига айланди? Ўз мулоҳазаларингиз ҳамда ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар асосида фикрларинизни баён этинг.
2. Абдулла Қодирий асарлари умрбоқийлигининг сабабларини “Класс-тер” усулида ёритинг.
3. Интернет манбаларидан фойдаланиб, А. Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги видеолавҳалар билан танишинг.
А. Қодирий ҳаёти ҳақидаги видеолавҳалар билан танишинг.

ҚҰРҚИНЧ БИР ЖАСОРАТ

(«Мәхрөбдан чаён» романыдан парча)



Матнолди топширик.
“Тахмин жадвали” стратегияси

- 1-қадам. Ўқитувчи парчани ўқийди.
- 2-қадам. Парча ўқылғаң, ўқувлар бундан кейин нима бўлишилиги ҳақида тахмин қилишади ва жадвални тўлдирисади.

Матндан биринчи парча		
Нима бўлди?	Ўз жавобингизни биринчи парчанинг мазмунига асосланиб исботланг.	Чин маънода нима бўлган эди?
	Матндан иккинчи парча	
Нима бўлди?	Ўз жавобингизни иккинчи парчанинг мазмунига асосланиб исботланг.	Чин маънода нима бўлган эди?



Камбағал бўёқчи оиласида олтинчи фарзанд бўлиб туғилган Анвар болалигидан оғир турмуш гирдобига тушади. Уч ёшида отасидан, етти ёшида онасидан ажралади. Опаси Нодиранинг қўлида қолган бола жонқуяр аёлнинг уринишлари билан Солих маҳдум мактабида таҳсил кўра бошлайди. Ўн икки ёшга етганда Нодиранинг хонадонида яшаш ҳам оғирлашиб, у маҳдумга фарзандликка берилади. Мактабдош дўсти Насим туфайли унинг саройда амалдор бўлиб ишлайдиган отаси билан яқинлашади ва бу одам Анварни саройга мирза сифатида ишга олади. Туғма қобилияти ва теран ақли туфайли Анвар мирзабошилик мартабасига эришади. Анвар домласи Солих маҳдумнинг қизи гўзал ва оқила Раънони севади.

Мадрасада ўқимаган камбағал Анварнинг мирзабоши даражасига эришганини кўра олмаган кишилар Раънонинг таърифини Худоёрхонга етказадилар ва хон қизни сўратиб, маҳдумга одам қўяди. Анвар ва Раъно тақдирнинг зўрлигига тоқат қилиб ўтиришни хоҳлашмайди ва хон одамларидан қочиб, яширинишади. Хон Анварнинг яширинишида унинг яқин ҳамфикри Султоналини айбордor санаб, ўлимга ҳукм қилади. Роман воқеалари ривожида Анварнинг акаси Қобил, унинг буҳоролик дўстлари ҳамда Сафар бўзчи кабилар фаол иштирок этишади.



ХАЙР ЭНДИ, РАЬНО!

Хотин-қизлар жинсидан иродаси кучли, ҳатто эрлардан ҳам жасурроқ шахсларни кўп учратамиз. Шунинг билан бирга, уларни нақадар кучли иродага молик бўлмасинлар, яна ҳиссиётларга мағлуб кўрамиз. Масалан: ҳикоямиз қаҳрамони Раънонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маъюс қолган Анварни йўлга солиши ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқи таҳсин ва Раъно ёшлик қизларимизга ибратдир. Лекин иродаси кучли шу Раъно ҳозир яна ҳиссиёти қўлида мағлуб эди.

Бу кечада Анвар оғаси билан кенгашиб, шу кунлар миёнасида Тошканд кетишини ўзига жазм қилди, Раънога ҳам Кўқон билан видолашиш оғир сезилмади. Аммо, масала қатъий ҳал қилингач, Раънода бир тарафдан қўрқинч, иккинчи тарафдан қизик яна бир жасорат туғилди: кампир билан биргалашиб ота маҳалласига борар эмиш; ўзи бирорнинг йўлагида туриб, кампир орқали онасини айтдириб чиқар эмиш!

Туни билан шуни ўйлаб чиқсан Раъно, эрталабдан бери Анварни хафа қилар, ўз сўзида исрор¹ этар эди. Қичкина хужранинг сандалида қарshima-қарши ўлтирувчи Анвар ва Раъно бир-бирисидан ўпкалик қиёфатда эдилар.

– Ҳиссиётга қаттиқ берилибсан, Раъно. Ҳар қадамингда сени бир фалокат кутадир, менга қолса аямга ҳам ишониб бўлмас.

– Паранжи ичидаги борган Раънони таниш учун ҳеч кимда каромат йўқ; аямга ишониб бўлмасин?

– Сен қочган, аянгнинг обрўсини тўккан қизсан.

– Ҳеч-ҳеч. Аямнинг кўнглини мен яхши биламан, аям сиз ўйлаган хотинлардан эмас ҳеч!

– Яхши, йўлда ҳам сени ҳеч ким танимасин, кампир ҳам аянгни алдаб олиб чиқсин, аянгнинг ўзига ҳам ишонайлик, яна ҳар ҳолда менинг учун шу қасдингдан кечсанг нима бўладир, Раъно? Биз Тошкентга бориб етган кунимизоқ, соғлигимизни ва узримизни айтиб, хат ёзармиз-ку, жоним!

Раъно жавоб бериш ўрнига бирдан йиглади, анча вақт кўз ёш тўкиб турди.

– Балки мен аям билан абадий кўришмасман!

– Ҳай Раъно, Раъно,— деди Анвар. — Худоёр юз йил яшайди, биз Тошкентда ўламиз, деб ўйлайсанми? Ҳайр, кўп бўлса Худоёр яна беш йил яшасин, ваҳоланки, унинг зулми шу йўсин давом этганда, биз чамалаган бу фурсат ҳам кўп, зеро зулм нақадар кучайса, унинг умри шунча қисқа бўлиши тажрибалар билан событдир. Агар шунгача ҳам сабринг етмаса, бошқа чораси топилар, Раъно, масалан, аянгни Тошкентга чакиравмиз, ёки бир оз эскитгандан сўнг Кўқонга ўзимиз ҳам келсак бўлади.

¹ Исрор – қатъийлик, ўжарлик.

Раъно жавобсиз яна кўз ёшини тўка берди, бу ҳолдан сиқилган Анвар Раънога бир оз қараб турди:

– Хўб, йиглама. Ҳали бир-икки кунсиз йўлга чиқолмасмиз, бу кун кечаси акам келса, эрта бозорга чиқиб йўл ҳозирлигини кўрса, ҳар ҳолда бириси қун кечқурун жўнашимиз ҳам аниқ эмас. Бинобарин, сен ошиқмасанг ҳам бўлади. Ундан сўнг сенинг ўйлаган йўлинг жуда қалтис, бу тўғрида бошқачароқ тадбир топармиз.

Раъно индамади, бир энтикиб ором ҳавосини ютди ва рўмоли билан кўз ёшисини қуритди. Анвар ўпкалик илжайиб, Раънони аяди. Улар шу ҳолда экан, хужра девори кўча тарафдин уч-тўрт қайта гурс-гурс урилди. Иккисининг ҳам қулоқлари диккайиб бир-бирисига савол назари юбордилар...

– Бегона киши эмас, – деди бир оздан кейин Анвар. – Мен Сафар ака билан кундузи девор уришни шарт қилган эдим. Сен чиқиб кампирга айт, эшикни очсин.

Раъно ҳужрадан чиқди. Бирор дақиқадан кейин ҳовли саҳнига бир неча оёқлар кирди. Бемаҳал йўқлашдан Анварнинг кўнгли ғаш тортиб, келувчини Сафар ака бўлар деб ўйлади. Ҳужра эшиги очилиб, ичкарига бири орқасидан бири Қобилбой билан Сафарбой кирдилар. Анвар яна англашилмовчилик ичида қолди. Сафар аканинг тинчсиз-ҳаяжонли кўзи Анварнинг илгаридан кўриб қўйган бир неча эҳтимолларини хотирлатиб, уларга жой кўрсатди.

– Вақтсиз йўқлашларингиз сабабсиз бўлмас, – деди товушини секинроқ чиқариб Анвар. – Биздан хабар топганларми?

Сафар ҳамроҳига қараб, икки қўлини қовуштириб енглари ичига олди.

– Йўқ.

– Султоналини қамаганларми? – деб яна сўради Анвар. – Қамаганлардир!

Сафар ва Қобил бир-бирларига қарашдилар.

– Шундай, мирзам, шундай. Бизлар жуда ҳайрон бўлиб қолдик-да.

Анварда қонсизланиш ва киприк остларида ҳаракат кўрилди.

– Зарари йўқ, қутқарамиз. Қачон қамаганлар?

– Кеча кечқурун. Боя бизнинг уйга Султоналининг хотини келган эди, мен шундан эшитдим. Унинг устига акангиз бориб қолди.

– Сиз кимдан эшитдингиз, ака?

Жарчи хабарини ва бу тўғрида ўртоқлари билан берган қарорни Қобилбой сўзлади. Анвар оғасининг сўзини жиддий эшитиб, бир неча вақт ўйлаб ўтирди.

– Сиз ва ўртоқларингизнинг ҳамиятларингизга раҳмат. Лекин бу йўл билан Султоналини қутқариш қийинроқ, балки мумкин ҳам бўлмас, деб ўйлайман!



– Агар биз унинг қамалган жойини билсақ, нима учун мумкин бўлмасин, Анвар? Ўртоқларим юраксиз йигитлар эмас, бу ёғидан хотиржам бўлинг!

– Раҳмат! Албатта, бу жасоратни юраксиз кишилар қилолмас. Менинг бу жасоратга умидсиз қарашиб сабаби шунинг учунки, бундай шартлик ва нозик ҳабслар¹ аксар ўрданинг ўзидаги овоқча² қамалгувчи эди.

– Ўрдага кириш қийинми?

Анвар бош чайқади.

– Ҳеч мумкин эмас, тун бўйи эллик нафар йигит ўрда қўргони остидан айланиб туради.

Қобилбой маъюс Сафар бўзчига қаради. Сафар бўзчи зўр бериб мўйловини тишлаб узар эди.

– Зиндонга қамаган бўлсалар, эби бор экан-да, тақсир.

– Эби Зиндонга қамашлари эҳтимолдан узок, Сафар ака.

Яна бир неча фурсат сукутда қолдилар. Қобилбой ҳар он тўпписини қайириб, бошини қашир эди. Анвар сандал қўрпасидаги бир ипни узиб олмоқчи бўлгандек қўлини силтар эди.

– Зиндондан хабар олдиришимиз керак экан-да, Анвар?

– Хабар олинса бўлади.

Қобилбой Анвардан шу жавобни олиб, Сафар бўзчига юз ўғирди:

– Мирzonинг уйига бир киши юборсак-да, унинг хотини эрига таом келтирган бўлиб зиндонга борса. Шу қандай бўлар экан, Сафар ака?

– Маъқул, ука, маъқул.

– Сизга-чи, Анвар?

Анвар «тўғри» ишорасини берди.

– Бояги андишамизни ҳам айтиб ўтайлик,— деди Қобилбой.

– Биз йўлда бир тўғри мулоҳаза қилиб келдик, Анвар. Сўзнинг рости шуки, бу уйдан ҳозир кетсангиз маъқул. Ҳарчи одам боласи-да. Ҳалигидек, жони кўзга кўриниб, иқрор бўлиб қўйса.

Анвар бош чайқаб қулимсиради.

– Султонали бундай одам эмас, бундан хотиржам,— деди Анвар қаноат билан ва бир оз ўйлаб турди.— Аммо Султоналининг хотини тўғрисида бир оз хавфлироқ, хотин киши эримни қутқараман деб нодонлик қилса, иш расво.

Сафар бўзчи боя Султоналининг хотини келганда, Қобилбойнинг ниятини эшитиб хотиржам бўлганини сўзлади.

– Жўда яхши қилинган, раҳмат. Ҳали унинг уйига киши юборсангиз яна уқтириш, хотиржам қилиш керак; шундай ишонтирилсинки, эрта пешингача эрининг озод бўлишига шубҳаси қолмасин, ҳатто уни бу йўсин алдаса ҳам бўлади. Эрта билангача қутқарилса хўб,

¹ Ҳабслар – қамалувчилар, маҳбуслар.

² Овоқ – авахта, маҳсус қамоқ.

қутқарилмаса, Анварнинг ўзи бориб қутқарар эмиш, агар сен шунгача сабр қилмасанг, эрингнинг яна жазога тортилишига сабаб бўлласан, дейилсин!

- Хўп, мирзам, хўп!
- Сизга яна бир хизмат, Сафар ака, – деди Анвар. Сафар ҳозирлик ишорасини қилиб, энгашиб олди. – Хизмат шуки, синглингиз мен билан бирга турмаса, сиз олиб кетсангиз.

ҚЎРҚИНЧ БИР ЖАСОРАТ

Қобилбой бу сўзни эшитувчи қулоқларига ишонмагандек, Анварнинг яқинроғига сурилди.

- Нима деяпсиз, Анвар, мен яхши англамадим?

Анвар яна ўша сўзни такрорлади. Қобилбой энди бир оз орқасига тисарилиб кўзини катта очди ва бир неча вақт қотиб турди.

– Сиз нима қилмоқчисиз, ука. Ўз оёғингиз билан. Йўқ, бу бўлмаган гап! Балки бу хоннинг унга пописасидир¹, шу хийла билан мақсадга етмоқчидир. Қўйинг бу гапни, ука, қўйинг!..

Анвар ҳамон бояги вазиятда, кўзини бир нуқтага тикиб, сандал устидаги қоғозни оғаси яқинроғига суриб қўйди.

– Башарти, пописа бўлмаса?.. – деди Анвар. – Хон пописани билмайди, унинг ҳамма ҳаракати жиҳдий! Шундай, сиз бу хатни эртага унинг қўлига берасиз ва ундан ҳар бир ёрдамингизни аямайсиз!

- Бу ақллик гап эмас, ука.

– Мен энди шунга қарор берганман! – деди Анвар ўзгаришсиз. – Бу азмдан қайтиш йўқ. Фақат, сиз унга ёрдамингизни аямасликка менга сўз берсангиз бўлди!

Қобилбой энтиқди, хатни олиб бир неча фурсат сукутда ўлтириди. Сўнгра бирдан ўрнидан туриб ҳужрадан чиқа бошлади.

- Йўл бўлсин?

- Кетаяпман.

- Хайр, кечирингиз!

Қобилбойдан жавоб бўлмади.

Кун қиёмга² яқинлашган. Яна бирор соатдан сўнг Султоналини ўлимга олиб чиқар эдилар. Ўрдадан ҳеч ким унинг најжот топишига ишонмас, хоннинг олдига чақирилди – ўлди, башарти гуноҳи бўлиб иқрор қилса, яна жазога қолди, вассалом. Аммо Анвар хон ҳузурига келиб, ўзини унинг ҳукмига топширади, чин йигитлик йўли билан дўстини қутқаради, деган хаёлга ким ишонсин? Кечча жарчи қўйгузарларни айланиб, Анварни инсофга чақириди, киши қонига қолмаслик фазилатини тааррнум эттириди. Бироқ Анварнинг бундай

¹ Пописа – пўписа, ёлғондан қўрқитиш.

² Қиём – туш.



«ҳамоқати»га¹ ахлоқан сукут этиб, вижданан сўзлаган ўрда арбоби ва бошқалар ишонсинми!

Шунда ўрда арбоби букун пешиндан бир оз илгарироқ мужассам бир виждон, тоғюрак бир йигит ва ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улуғ жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди, уларни ишдан тўхтатди. Ўрда арбобларининг маҳкамада ўтирганлари эшик ёнига чиқиб, йўлда борганлари ҳаракатсиз қолиб, парвосиз, ҳар ким ёнидан саломлашиб ўтгувчи арслонни томоша қилдилар.

Анвар девонхона қаршисига етганда, нима мақсад биландир даричалар ва эшик ёнида мўралашувчи мирзоларга умумий бир таъзим ифода қилди ва событқадам зиналарга оёқ қўйиб, юқорига, хон ҳузурига чиқиб кетди. Пойтахт бўсағасидаги доимий ясовуллардан ўтиб, даҳлизда тўхтади. Чунки бундан ўтиш учун ҳудайчи воситасида хондан рухсат олдириш лозимдир. Биринчи эшик ёнида қўл қовуштириб турувчи Дарвеш ҳудайчи таажжуб ва ҳайрат ичиди Анварни қаршилаб, иккинчи хонадаги «жаноб» ҳузурига кетди.

Тахтига такя қилган² Худоёр икки кўзи тўғрисида икки жаллодни қўйиб, ёнидаги домла шифовул³, Турсун оталиқ ва ғайри⁴ бир неча аёнлар билан суҳбатлашар эди.

– Пушти паноҳо! – деди ҳудайчи, – хиёнаткор ўз ихтиёри билан келиб, домиadolatiningizga таслим бўлмоқчи.

– Хиёнаткоринг ким?

– Мирзо Анвар!

Хон сесканиб кетди, ҳамнишинлар⁵ ҳам аланг-жаланг бўлдилар.

– Келтир!

Ҳудайчи қуллуқ қилиб, орқасига қайтди. Даҳлиздаги Анвар биринчи хонадаги аъённи ҳайратга солиб, иккинчи танобийнинг бўсағасида, жаллодлар ўртасида тўхтади ва хонга таъзим адо қилди.

Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг киприк ослари учиб, соқол туклари силкинди ва бир оз сўз тополмагандек тамшаниб турди.

– Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли!

Анвар бош ирғатди.

– Иқрорман.

– Тузумни унуддинг!

– Тонмайман!

– Иқрорсан, тонмайсан, ўбдан иш! – деди заҳарханда қилиб хон, – ўлувдан ҳам қайтмайсан!

¹ Ҳамоқат – аҳмоқлик.

² Такя қилган – суюнган.

³ Шифовул – сарой маросимларини бошқариб турадиган амалдор.

⁴ Ғайри – бошқа, ўзга.

⁵ Ҳамнишин – бирга ўтирганлар.

– Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман! – деди илжайиб Анвар, – ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни қутқариш учун келгандман!

Ҳамнишинлар лабларини тишладилар. Ҳудоёр истеҳзоли кулди.

– Пусулмончилик қифонсан-да!

– Албатта! – деди Анвар, – бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб, пусулмончилиқдан чиққач, мен пусулмонлик билан ўлишни ўбдан билдим!

Бу жавоб Ҳудоёрни қип-қизил тусга қўйиб, манглайида терлар кўринди, ғазаб ўти аланга олди.

– Сенинг қифон ишинг пусулмончилиқда борми, ит увли?!

– Мусулмончилиқда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйланмоқчи бўлган қизга ҳам зўрлик қилиш борми, қиблаи олам!

– Чиқар буни, жаллод!!!

Жаллодлар ҳаракатландилар:

– Ханжаримиз қонсираған!

Анвар бош чайқаб кулди.

– Гуноҳсизни менинг кўз олдимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам, – деди ва ўзини ташқарига торта бошлаган жаллодларни арслонларча силтаб юборди. – Сиздаadolat борми, жаноб!

Қўрқинч бу ҳайқириқ Ҳудоёрни инсофга келтирди. Жаллодларни тўхтатишига ва ҳудайчини Султоналини ҳозирлашга буюрди. Кўзи қонланган Анвар, икки қўлини ёнига ташлаб Ҳудоёр қаршисида туриб қолди. Ҳамма сукутда. Шундай фурсатларда гуноҳкорни одобсиз сўзлар билан сўкиб турувчи Ҳудоёр ҳам жим. Чунки аъён назарида ҳар бир одобсизлигига Анвар тарафидан кучли ҳақорат олиш эҳтимоли бор. Шайхи Саъдий айтганча, дунёда ҳаётидан қўл ювгувчикидек тили узун киши бўлмас. Дарҳақиқат, инсонни разолатга солгувчи унинг манфаати тақозоси, қола берса ўлимдир. Бу иккисидан кечгувчига эса подшоҳнинг қаҳри ва жаҳаннамнинг қаъри фарқсизdir.

Кўп фурсат ўтмай ҳудайчининг орқасидан Султонали кирди, хонга қарши турувчини таниб титради. Титрар экан, Анвардан бир оз кейинда туриб хонга таъзим қилди.

– Сиз озод бўлдингиз! – деди хон, – девонға чиқиб ўз ишинғизга қаранг!

Султонали ихтиёrsизча хон томон букилиб олди. Анвар истеҳзоли вазиятда Султоналига ён қаради:

– Меним қаршимга ишлаб, жанобга неқадар содик қолсангиз ҳам, садоқатингиз сизни нажотга чиқара олмади, билъакс, сиз ўйлаганча мен – инсоғиз сизни қутқардим. Сиз шуни унутмасангиз бўлди, Султонали ака, – деди Анвар ва хонга ишорат қилди, – қўлимни боғласинлар, чиқариб ўлдирсинлар!



Султонали орқасига қайтди, қайтар экан, кўзидан бир неча томчи ёш оқиб тушди. Жаллодлардан бири Анварнинг қўлини орқасига боғлади. Анварнинг қўли боғланар экан, Муҳаммад Ниёз домла ўрнидан туриб, хонга қуллук қилди.

– Шу одобсизнинг гуноҳини менинг учун кечирсинлар.

Хон юзини четга ўгириди:

– Растаға чиқаринг!

Анвар хонни ва ҳамнишинларни масхаралагандек, таъзим адо қилди. Жаллод олдинга тушди, унинг орқасидан Анвар юрди ва орқадан икки нафар қуроллик ясовул эргашдилар. Анвар ўзини ўрдага киришда қандай тетик тутган бўлса, ўлим сари чиқишида ҳам ўшандоғ парвосиз эди. Кўзи тушган таниш ҳар кимса билан «хайр», «хўш» деган каби имлашиб олар эди. Ранги қув ўчиб, хушсиз каби ташқи дарвоза ёнида турган Султонали билан ҳам алоҳида видолашди. Анварнинг қарашидаги маънога тушунган Султоналининг юраги сув бўлиб оқди ва хушсиз, ҳиссиз Анвар кўздан йўқолгунча қараб қолди.

Янги растада халқ қайнар эди. Қўлида яланғоч ханжарини ушлаб, белига ойболтасини қистирган манфур жаллод орқасидан келувчи маҳкумга кўзи тушган халқдан бальзиси жазо майдонига қараб оғилди ва баъзиси нафратланган кўйи ўзини четга тортди. Жазо майдони янги раста билан ўрда боғининг мууюшида бир дор ва дор остига қон оқизиши учун қазилган чуқурдан иборат эди. Дор остига келиб етдилар. Бир онда дор атрофига юзлаб йигилган томошабин халқни ясовуллар четланишга буюрдилар. Халқ орқага силжиган бўлиб, яна сиқилиша берди. Дор остида Анварнинг қўли ечилиб, таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонуний ҳаққи эди, Анвар таҳорат олар экан, жаллод ва ясовуллар ханжар яланғочлаб, унинг теварагини қуршаб турдилар. Анвар таҳоратланиб, устидаги тўнини ерга ёзди. Жаллодлар доирани бир оз кенгайтириб, Анвар икки ракаат намоз ўқиди. Дуодан сўнг Анвар ўрнидан турди, қўлини боғлашга бериб, атрофга бесаранжом аланглади. Теваракни сириб олган халқ олдида манфур кўзини мойлантириб ўз устига тўппа-тўғри қараб турган мулла Абдураҳмонни кўрди.

Анвар титради, Абдураҳмон илжайди.

– Кулишга ҳаққингиз бор, домла, чунки ўч оласиз! – деди Анвар. Бирдан ҳамманинг кўзи Абдураҳмонга тушди.– Фақат сиз ифлослик натижасида куласиз, мен, мен тўғрилик самарасини ўраман; сиз ифлос виждан билан ғолибсиз, мен соғ виждан билан мағлубман. Мени дор остига ким келтирди? Виждан эмасми, тақсир! Сизни бу ерда ким томошабин қилди? Ифлослик эмасми, тақсир?

Халқ чуқур сукутда, ўз орасида турган «пешво»га кийналик кўз билан тикилган эди. Жаллод қўли боғланган Анварни дор томонга олиб борди. Анвар ўз ихтиёрича чуқур ёнига ўтириди ва ханжарини

яниб келган жаллодга қўли билан «озгина тўхтанг» ишорасини қилиб, Абдураҳмон томонга кулди:

– Менинг ҳолимни қўрингиз, домла, – деди Анвар кулиб, – қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан. Нима учун бундай, тақсир! Чунки виждан роҳатда, жон тинч, юракда ишқ!.. Дуруст, мен кўмилгач, қабрим устида кўкси доғли қизил лолалар кўкарап... Нимадан бу? Бу – сизнинг каби тубанлар солган из!..

Томошибинлар тоқатсизлангандек қўриндилар, Анвар узаниб ётди. Жаллод ханжарини енгига яниб, Анвар устига энгашди.

Энгашди, бироқ орқадан берилган кучли бир зарб билан Анварнинг устидан ошибб, мункиганча чуқурга йиқилди. Жаллоддан беш қадам нарида турган ясовуллар ҳам кўкдаги ханжарлик қўлларини остига буқолмай, кимлар биландир олишиб ётар эдилар ва шу онда кучли шапалоқ товуши эшитилиб, салласи чувалган бир ёш мулла ерга ўтириб қолди. Халқ тартибсизланди. Қобилбой Анварнинг дастбандини кесди ва иккиси тартибсизлик ичига кириб йўқолдилар. Қуролсизлантирилган ясовуллар гурр этиб турли томонга сочилган халқ ичидан дўст-душманни ажратолмай гарангсидилар. Шу вақт бутун аъзоси эски қонларга белангтан жаллод чуқурдан чиқишга интилар эди.



Савол ва топшириқлар.



1. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг.

Матннинг асосий ғоясини топинг	
Аниқ ва ноаниқ маълумотлар	
Фикрингизни расм билан тасвирланг	
Асар бўйича ҳаётий мулоҳазалар юритинг	
Тарбиявий хулоса чиқаринг	

2. Мадраса кўрмаган Анварнинг мирзабоши даражасигача эришишининг сабабини ҳаётга боғлаган ҳолда исботланг.
3. Анварнинг Раъно билан бирга кетмаганлигини қандай баҳолайсиз?
4. Раъононинг бошқа қизларга ўхшамайдиган қандай хислатлари бор?
5. Асар номига изоҳ беринг.
6. Бу асарни ўрганиб ўзингизда қандай хислатларнинг намоён бўлганини сездингиз?
7. Ҳозирги даврни назарга тутган ҳолда, айтинг-чи, нима учун камбагал қўпинча ҳаётдаги қийинчиликларни енга олмайди?



8. Асар қаҳрамонига мактуб ёзинг.



9. “Мехробдан чаён” асарининг асосида туширилган бадиий фильмни намойиш қилинг. (“Зулматдан зиё”).



ЧҮЛПОН

(1897–1938)

Ҳақ үйли албатта, бир ўтилгуси...

Чүлпон

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида туғилди. Унинг отаси Сулаймонқул мулла Муҳаммад Юнус ўғли Андижоннинг обрўли кишиларидан бўлиб, савдогарчилик билан шуғулланар эди. У замонасиининг ўқимишли кишиларидан ҳисобланар, ўзи ҳам шеърлар ёзиб турарди. Ўша даврда бўлажак шоирнинг отаси ўзи ёзган ҳажвий шеърлардан девон тузганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Чўлпоннинг онаси Ойша ая, гарчи унчалик ўқимишли бўлмаса-да, ўғлиниң ижодига катта таъсир кўрсатган. Негаки, у ҳалқ қўшиқлари ва эртакларининг битмас хазинасидан яхшигина баҳраманд бўлган.

Абдулҳамид аввал эски мактабда ўқиди. Вақти етгач, Андижон ва Тошкент мадрасаларида таҳсил кўрди. Замоннинг талабини илғаган Сулаймонқул ўғлини рус-тузем мактабида ҳам ўқитди. Бўлажак шоир мунтазам шуғулланиши ва табиий истеъдоди туфайли ўзбек, турк, форс, араб, рус тилларини ва бу тиллардаги адабиётларни пухта биладиган ўқимишли киши бўлиб етишди. Тинимсиз ўқиш-ўрганиш ва кучли истеъдод туфайли Абдулҳамид ўн олти ёшларга етиб-етмай ижод қила бошлади. Унинг шу даврда яратган ҳикоя ва шеърлари Туркистон ўлкаси газеталарида чоп этиларди.

Ижодкорнинг истеъдоди кўлами унинг ўз ҳалқига бўлган муҳаббати кўлами билан ўлчанади. Катта истеъдод кўпинча катта муҳаббатдан иборат бўлади. Чўлпоннинг дастлабки асарларидаёқ босқинчилар зулми остида эзилаётган Туркистон ҳалқига бўлган чексиз муҳаббат ёрқин кўриниб турарди. У ҳалқини озод ва баҳтли кўришни истарди. Бунинг учун одамларни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, маърифатдан, илму фандан баҳраманд қилиш керак деб ҳисобларди. Айни пайтда, рус босқинчилари миллатнинг маърифатли бўлишига кенг йўл бермаслигини ҳам биларди. Эрксиз маърифатнинг, маърифатсиз эса эркиннинг бўлмаслиги шоирга аён эди.

Шу боис Чўлпон 1917 йилнинг февралида Россияда содир бўлган инқилобга катта умид билан қаради. Лекин бу инқилоб Туркистон



ўлқасига чин озодлик бермади. Чунки озодлик ўзга киши ёки табақа, ёхуд миллат томонидан бериладиган садақа эмас, балки курашларда қўлга киритиладиган неъматдир. Ўша йилнинг октябрида рўй берган тўнтариш эса шоирнинг сўнгги умидларини ҳам сўндириди. Миллий зулм остида эзилаётган халқнинг забун ҳолини акс эттириш ва халқни бундай ҳолатдан қутқариш истаги Чўлпон ижодининг бош йўналиши бўлиб қолди.

Минг йиллик анъаналарга эга қадимий ўзбек шеъриятида Чўлпон ўз йўлини излади ва ҳеч кимникуга ўхшамаган, самимилиги, жозибадорлиги, таъсирчанлиги, туйгуларнинг рангинлиги билан ўзгаларницидан ажralиб турадиган шеърий олам яратади. Бугунги ўзбек адабий тили кўп жиҳатдан Чўлпон шеърлари таъсирида шаклланган тилдир.

Чўлпон мислсиз шеърий кашфиётлардан ташқари «Кеча ва кундуз» деб аталувчи биринчи ўзбек роман-дилогиясининг¹ муаллифи ҳамдир. Афсуски, замондошларининг хотирлашларича, романнинг иккинчи китоби Чўлпон қамалган пайтда йўқ қилинган ва ҳозиргача топилган эмас. Биринчи китоби «Кеча» мустақиллик йилларида қайтадан нашр этилди ва кўпчилик ўқувчилар томонидан Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи даражасидаги асар сифатида баҳо олди.

Чўлпоннинг 1921 йилда яратган «Ёрқиной» драмаси бадиий жозибаси жиҳатидан ҳозиргача ҳам ўз таъсир кучини йўқотмай келмоқда.

Абдулҳамид Чўлпон ўзбек ўқувчиларини жаҳон адабиётининг дурдона асарлари билан таништириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширеди. Шекспир, Блок, Горький, Тҳакур сингари машҳур адиблар ижодидан қилган таржималари халқимиз маънавиятининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Чўлпон ҳақиқат ва ҳурликни эътиқодига айлантирган ижодкор эди. Шу сабабли ҳам миллий зулмни миллий тенглик деб эълон қилган ҳукмрон табақаларга, ҳукмрон миллатга унинг ижоди ёқмас эди. Улар шоирдан халқ бахтиёр, эркин ва озод яшамоқда деб куйлашни талаб қилишди. Ҳақиқат куйчиси ва эрк фарзанди Чўлпон буни қилолмасди. Шу боис уни ўзи севган, ҳаётини бахшида қилган халққа душман деб, миллатчи деб эълон қилишди. Шоирни 1937 йилнинг 13 июляда севимли шогирди Усмон Носирдан бир кун аввал қамоққа олишди. Узоқ қийноқлар ва таҳқирлардан кейин 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкент яқинидаги хилват жойларнинг бирида ўзбекнинг даҳо шоири отиб ташланди. Даҳшатлиси шундаки, Чўлпонни ўлимга ҳукм қилган суд қарори 1938 йилнинг 5 октябрида чиқарилган эди. Душманларимиз халқимизнинг асл фарзандларини тезроқ ўйқ қилишга, одамларимизни маънавият булоқларидан бебахра қолдиришга шошиларди.

¹ Дилогия – икки китобдан иборат асар.



Чўлпон ижоди намуналари узоқ вақт мобайнида ўқувчилардан беркитиб келинди. Чунки ўша вақтлардаги давлат тузуми ҳақ гапни айтадиган жасоратли шоир ижодини ўрганишдан манфаатдор эмас эди. Лекин ҳақиқатни умрбод беркитиб бўлмайди. Қуёшни яшириб қўйишининг имкони йўқ. Чўлпон ўзбек шеъриятининг ёрқин сиймоларидан эди ва шу боис ўткинчи булутлар пардасини йиртиб ташлаб, миллий шеъриятимиз осмонида қайта порлай бошлади.



Савол ва топшириқлар.

Г


1. Чўлпон асарларини йўқ қилиш кимга ва нима учун керак бўлди?

Ж

2. Қозоқ шоирларидан кимнинг ижоди ва тақдири Чўлпон ижоди ва тақдирига ўхшаш деб ўйлайсиз? Фикрингизни “Венн диаграммаси” асосида ёритинг.
3. Нима учун Чўлпон ўлим ҳақидаги ҳукм чиқишидан аввал отиб ташланди?
4. Чўлпон сўзининг маъносини Интернет тармоқлари орқали изланг. Шоир шу мазмунга мос ҳаёт кечирдими? Фикрингизни билдиринг.

ГЎЗАЛ

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен,
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
Айтадир: мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!



Күзимни оламен ой чиқсан ёқقا,
Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоқقا
Ул-да айтадир: бир қизил яноқقا
Учрадим тушимда, кўмилган оқقا.
Оқقا кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Эрта тонг шамоли соchlарин ёйиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.
Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб,
Айтадир: бир кўрдим, тушдамас, ўнгда.
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,
Унингчун ёнибмен, ёниб-куйибмен,
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб, мен суйиб, кимни суйибмен?
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!



Савол ва топшириқлар.



1. Шеърга басталанган қўшиқни тингланг. Қўшиқдан сўнг кайфиятингизда бўлган ўзгариш ҳақида ўртоқлашинг.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Асаддаги тасвирий воситаларни топиб изоҳланг.

3. «Юлдуз билан ой», «Шамол ва кун» орқали кимни тасвирлаган деб ўйлайсиз?



4. Шеърдаги гўзал ким?

1-гуруҳ. «Инсон тимсоли»

2-гуруҳ. «Бахт тимсоли»

3-гуруҳ. «Тақдир тимсоли»

4-гуруҳ. «Озодлик рамзи». Фикрингизни далилланг.



5. Шеър Сизда қандай таассурот қолдирди?

6. «Гўзаллик нимада?» мавзусида эссе ёзинг.

7. Шеърни ёд олинг.

КҮЧИМ ҲАҚИДА

Бадиий ижод талабига кўра айрим сўзлар ташийдиган маъно бошқа сўзларга кўчирилишини англамай туриб, бадиий асарларни тушуниш, ундан таъсиrlаниш, лаззатланиш ва таҳлиллаш мумкин эмас. Кўчим энг кўп ишлатиладиган бадиий воситалар жамиидир.

Нутқни таъсиrчан қилиш мақсадида нутқда: «олтин куз», «ўт юрак», «олов қалб», «тош бағир» каби иборалар ишлатилади. Ҳолбуки, ҳар қандай одам ҳам кузнинг олтин эмаслигини, юракнинг аллангаланмаслигини, жигарнинг тошдан бўлмаслигини яхши билади. Аммо юқоридаги иборалар ёрдамида ифодаланган маъно бошқа сўзлар орқали ифодаланса, гап чўзилиб кетади ва таъсиrчанлиги йўқолади.

Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеърида «Тоғ әгаси сор, бургутлар қаерда?» – деган мисра бор. Ундаги «сор, бургут» сўzlари ўз маъносида эмаслиги сезилиб турибди. Ёки «Бинафша» шеъридаги бинафша тимсоли қандай маъно ташиётгани тўғрисида ўйлаб кўрайлик. Шеърда шоирнинг ички кечинмалари баҳорий кўкаттга қаратилганми, хўрланган қизгами ёки ҳақоратланган юргами? Агар сўз маъноларининг кўчишини англамасак, шеърнинг жозиба кучи йўққа чиқаверади. Чунки англамаган гўзаллик гўзаллик бўла олмайди.

Ёзувчилар бирор сўзга хос маънони бошқасига юклар эканлар, хаёлларига келгандай, тавакқалига иш тутавермайдилар. Бунда нарсалар ўртасида ёки нарса билан ҳодиса ўртасида ё ички, ё ташки, ё мазмун ўхшашлиги, алоқадорлиги бўлиши шартdir. Бу жиҳатдан кўчимлар ўхшатишга яқин туради. Лекин асосий фарқ шундаки, ўхшатишда ўхшаган буюм ҳам, ўхшатилган нарса ҳам ифодаланган бўлади. Кўчимда эса баъзан ўхшаган нарса, баъзан ўхшатилган нарса ифодаланиб, иккинчи қисмдаги маъно биринчисига кўчирилган бўлади.

Кўчим қудратли тасвир воситаси бўлиб, у китобхоннинг тасаввур оламини кенгайтиради, тасвирланаётган туйғуларни бевосита ҳис қилишга, бадиий асар қаҳрамонларининг ҳолатини туйишга ёрдам беради. Шундай қилиб, **кўчим сўзни кўчма маънода қўллаш ёки нарса-ҳодисага хос сифатларни қайсиdir жиҳати билан шуларга ўхшайдиган бошқа нарса-ҳодисаларга кўчириш санъатидир.**

Адабиётшунослик илмида кўчимнинг мажоз, истиора, рамз, тимсол сингари кўринишлари бўлади.

Мажоз адабий асарда ўқувчига ноаниқроқ бўлган тушунчани кўпчиликка маълум бўлган нарсаларга хос белгилар билан ифодалашдир. Гулханийнинг «Туя билан бўталоқ», «Маймун билан нажжор», «Тошбақа билан чаён» асарларида инсонларга, айрим ижтимоий табақаларга хос хусусиятларнинг ҳайвон образларига кўчирилиши мажознинг ёрқин намунасидир.

Рамз ҳам кўчимнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Ўқувчи англаши мураккаброқ бўлган мавҳум ахлоқий сифатнинг шу сифатларга

кўпроқ эга бўлган нарса ва жониворлар орқали ифодаланишига рамз дейилади. Рамз адабиётшунослик фанида тимсол ёки символ атамалари билан ҳам юритилади. Ўзбек адабиётида май – ҳаёт рамзи, гул – маъшука рамзи, бургут – мағрурлик рамзи, чумоли – меҳнатсеварлик, тиришқоқлик рамзи ва ҳ.к. тарзида қадимдан қўлланиб келади.

Кўчимнинг кўп ишлатиладиган кўринишларидан бири **истиорадир**. Истиорада бирор нарса-ҳодисага хос хусусиятларни бошқа бир нарса-ҳодисага кўчириш орқали бадиий маъно ифодаланади. Лекин бу кўчиришда ташқи ўхшашлик асосий ўрин тутмайди. Балки ўхшатилаётган ва ўхшаётган нарса-ҳодисалар орасидаги ички мантиқий боғланишга, яқинликка, вазифалардаги умумийликка таянилади. Истиорани қисқарган кўринишдаги ўхшатиш дейиш мумкин.

Чўлпоннинг «Бинафша» шеърида «Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери, Бу ердан қўкларга учгил» тарзида ифодаланган мисралар бор. Унда «ватан» тушунчаси «кўкрагим» сўзи билан, «озод юрт» тушунчаси «эрк ери» сўзи билан ифода этилган.



Савол ва топшириқлар.



1. Нутқнинг таъсирчанлигини оширишда иборалар ва тасвир воситалар ўрнини изоҳланг.
2. Кўчимнинг тасвир воситаси ва қаҳрамонларнинг ҳолатини очишдаги ўрнини таърифланг.
3. Кўчим турлари ва уларнинг аҳамиятини далиллар келтириб тушунтиринг.



АБДУЛЛА ҚАҲХОР

(1907–1968)

Ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган адаб Абдулла Қаҳхор 1907 йил 17 сентябрда Қўқонда дунёга келди. Отаси Абдуқаҳхор темирчи тирикчилик ўтказиш учун Қўқон атрофидаги Бувайда, Яйпан, Оққўрғон, Қудаш, Олқор қишлоқларининг биридан-иккинчисига қўчиб юрар, оила бирор қишлоқда узоқроқ қўним топмасди. Бўлажақ ёзувчи дастлабки маълумотни Бувайдадаги эски мактабда олди. Сўнг Оққўрғон қишлоғидаги жадид мактабида таҳсил кўрди. Сал кейинроқ Қўқондаги ётоқмактабда ўқиди. 1922–1924 йилларда Қўқондаги ўқитувчилар тайёрлаш техникумда таҳсил кўрди.

Абдулла Қаҳхор 1925 йили Тошкентга келиб, кечаси ўқиб кундузлари «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлади. У 1930 йилда Ўрта Осиё давлат университети (Хозирги ЎзМУ)нинг педагогика факультетини тутатди.

А. Қаҳхор ижоди 1924 йилда бошланган. Дастрлаб «Муштум» ойбитетигида, «Янги Фарғона» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида унинг ҳикоя, фельетон ва хабарлари босилди. Абдулла Қаҳхорга катта шуҳрат келтирган «Сароб» романи 1934 йилда ёзилди.

Ёзувчи «Қўшчинор чироқлари» (1951) романи, «Шоҳи сўзана» (1951), «Оғриқ тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962) «Аяжонларим» (1967) комедиялари билан ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Адебнинг «Синчалак» (1958), «Муҳаббат» (1968), «Ўтмишдан эртаклар» (1965) қиссалари ўзбек насли тараққиётида муҳим ўрин тулади.

Машҳур ҳикоянавис, қисқа сўзда кўп маъно ифодалаш маҳорати эгаси Абдулла Қаҳхор 1968 йилнинг 25 майида вафот этди.



Топширик.



А. Қаҳхор ҳаёти асосида туширилган “Ўтмишдан эртаклар” бадиий фильмидан лавҳа намойиш этинг. Интернет тармоқларидан фойдаланинг (Ўқитувчи ёрдамида).



ҮФРИ (Ҳикоя)

Отнинг ўлими – итнинг байрами.
Мақол

Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб ҳўқизидан хабар олди. О!.. Ҳўқиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... Деҳқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўқизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш – уй, ҳўқиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади.

Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бирорни эри уради, бирорнинг уйи хатга тушади. Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди.

Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктакчан оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади, кўзлари жавдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. Хотинлар ўғрини қарғайди, ит хуради, товуқлар қақағлайди. Кимдир шундай кичкина тешикдан ҳўқиз сифишига ақл ишонмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди.

Қобил бобонинг қўшниси – бурунсиз элликбоши кирди. У оғилга кириб тешикни, ҳўқиз боғланган устунни диққат билан кўздан кечирди, негадир устунни қимирилатиб ҳам кўрди, сўнgra Қобил бобони чақирди ва паст товуш билан деди:

– Ҳўқизинг ҳеч қаёқقا кетмайди, топилади.

Унинг оғилга кириб қилган тафтиши Қобил бобога бир умид бағишлигар әди, бу сўзи ҳаддан зиёда севинтириди. Чол йиғлаб юборди.

– Худо хайр берсин. Ола ҳўқиз әди.

Одамлар ўғри деворни қачон ва қандай асбоб билан тешгани, ҳўқизни қайси томонга олиб кетгани, уни қайси бозорда сотиши мумкин эканлиги тўғрисида баҳслаша-баҳслаша тарқалди. Фовур босилди. Қобил бобонинг кампири йиғидан тўхтаб, элликбошини дуо қила кетди.

Элликбоши ўғри тешган ерни яна бир кўрди. Қобил бобо қўл қовуштириб, унинг кетидан юрар ва йиғлар әди.

– Йиғлама, йиғлама, дейман! Ҳўқизинг оқ пошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса, топилади.

Элликбоши ҳўқизни жуда нақд қилиб қўйди – гўё у қўчага чиқса бас – ҳўқиз топилади. Бу «худо ярлақагур» шунчалик қилгандан кейин бир нима бериш лозим-да. Текинга мушук офтобга чиқмайди. Бу одам элликбоши бўлиш учун озмунча пул сочганми? Мингбошининг бир ўзига етти юз боғ беда, бир той бергани маълум. Пошшоликдан ойлик емаса! Қобил бобо ҳамёнини қоқишириб, борини элликбошига берди, яна қанча дуо қилди. Элликбоши бетўхтов аминга хабар қилмоқчи бўлиб чиқиб кетди.



Кечқурун Қобил бобо аминнинг олдига борадиган бўлди. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади? Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз. Чол-кампир кенгасиб шундай қарорга келишди: бу чиқим охирги ва ҳўқизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим, шунинг учун пулнинг юзига қараш ақлдан эмас.

Қобил бобо рўпара бўлганда амин оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бақбақасини осилтириб кулди.

– Ҳа, сигир йўқолдими?

– Йўқ. Сигир эмас, ҳўқиз, ола ҳўқиз эди.

– Ҳўқизми? Ҳўқиз экан-да. Ҳмм. Ола ҳўқиз? Тавба.

– Бор-йўғим шу битта ҳўқиз эди.

Амин чинчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кулди.

– Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўқиз эди?

– Ола ҳўқиз.

– Яхши ҳўқизмиди ё ёмон ҳўқизмиди?

– Қўш маҳали.

– Яхши ҳўқиз бирор етакласа кета берадими?

– Бисотимда ҳеч нарса йўқ.

– Ўзи қайтиб келмасмикин!.. Бирор олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!

Қобил бобо ерга қараб тек қолди.

– Қидиртирсакмикин-а? – деди амин чинчалоғини этигининг остига артиб. – Суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашна олиб келинмадими?



Аминнинг бу гапи Қобил бобога «Ма, ҳўқизинг» дегандай бўлиб кетди.

- Кам бўлманг, – деди пулни узатиб, – яна хизматингиздаман.
- Мен бетўхтов приставга хабар бераман. Ўзи чақиртиради.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Нима учун кампир энг аввало ҳўқиздан хабар олди?
2. Қобил бобо ҳолатини тасвирланг.
3. Элликбоши ҳолатини чуқур таҳлил қилинг.
4. Аминнинг Қобил бобога муносабатини изоҳланг.

Бир ҳафта ўтди. Бу бир ҳафта ичиде кампир «дуонинг зўри билан қулф очадиган» азайимхонга обдастагардон қилдиргани қатнаб, ярим қоп жийда, уч елпиштовоқ жўхори, икки қалава ип элтди, аммо иш чиқмади. Саккизинчи куни Қобил бобо яна аминнинг олдига борди. Аминнинг тепа сочи тикка бўлди:

– Ҳа, ҳўқизни уйларига элтиб берилсинми? Ахир, борилсин, арз қилинсин-да! Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!

Қобил бобо ёр-дўстлар билан кенгашди – приставга пулдан бошқа нима олиб борса бўлади? Маълум бўлди, уни бегим дегунча кишининг бели синар экан.

Учта товук, гарчи бири курк бўлса ҳам, Қобил бобонинг ўзидан чиқди. Юзта тухумни қўни-қўшни, ёр-биродарлар ўзаро йифиб берди. Аммо бу тортиқ билан тилмочдан нари ўтиб бўлмади. Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов приставга яхшилаб тушунтиришни ваъда қилди. Чолнинг бутун бўғинлари бўшашиб кетди, кейин тутоқишиди, аммо гўрда бир нарса дея оладими? «Ўйнашмагил арбоб билан, сени ураг ҳар боб билан». «Яхшилаб тушунтирилган» пристав битта кулангир, битта фарангি товук, уч сўм пул олганидан кейин, Қобил бобонинг баҳтига, «бетўхтов ҳокимга хабар бераман», – демасдан, «аминга бор», – деб қўяқолди. Амин: «элликбошига борилсин», – деди.

– Гумонингизни айтинг бўлмаса! – деди элликбоши тажанг бўлиб, – ким олганини мен билмасам, авлиё бўлмасам! Олган одам аллақачон сўйиб саранжомлади-да! Узоқ демасангиз, эринмасангиз кўнчиликка бориб териларни бир қараб чиқинг. Аммо териси кўнчиликка тушган бўлса, аллақачон чарм бўлди, худо билади, кавуш бўлиб бозорга чиқдими.

– Энди бизга жуда қийин бўлди-да. Пешонам шўр бўлмаса, – деди чол ерга қараб.

– Эй, ёш боламисиз! Нега йифлайсиз? Қап-катта одам. Битта ҳўқиз бўлса бир гап бўлар, худо ажалга тўзим берсин! Мен қайнатамга айтайин, сизга битта ҳўқиз берсин. Битта ҳўқиз одамнинг хуними?



Эртасига элликбоши Қобил бобони бошлаб қайнатаси Эгамберди пахтафурушнинг олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп ачинди ва ерини ҳайдаб олгани битта эмас, иккита ҳўкиз берди, лекин «кичкинагина» шарти бор. Бу шарт қузда маълум бўлади.



Савол ва топшириқлар.



1. Асар эпиграфини тушунтиринг. Муаллиф нима учун айнан ана шу мақолни танлаган?
2. Асарнинг асосий ғоясини очиб берувчи 7та таянч сўз ёзинг ва уларни изоҳланг.
3. Элликбоши ҳикоя бошида ва ҳикоя сўнгида. Унга хос бўлган жиҳатларни аникланг.
4. Қобил бобо ўғрини топиш учун қандай чиқимларга дуч келди? Иш дафтaringизга ёзинг.
5. Асарни қисмларга ажратиб, саҳна кўринишларини ташкил қилинг.
6. Сизнингча, ўғри ким?
7. Асар мазмунини ифодаловчи расм чизинг.



ДАҲШАТ

(Ҳикоя)

Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дараҳтлар шохida чийиллайди, ғувиллайди, томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади.

Бундай кечаларда одамзод қўй мижоз, ғуж бўлиб ва ниманидир кутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади.

Олимбек додхонинг¹ саккиз хотини катта кундош Нодирмоҳбегимнинг уйига йиғилиб, сандал атрофида ўтиришар эди. Додҳо ҳар кеча таробеҳ намозидан кейин ҳалқага² қолар эди, бу кеча эрта қайтди. Ҳамма тўзиди: хотинлардан бири салласини олди, бири чакмонига қўл узатди, бири маҳсисини тортгани чоғланди... Кундошларнинг энг кичиги, бу даргоҳга тушганига беш ойгина бўлган келинчак – ганжиравонлик Унсиной чилим солиб тутди. Додҳо чилимни бир марта, лекин жуда қаттиқ тортид-ю, ясов тортиб турган хотинларига эътибор қилмай, тўрга ўтди ва дарчани жиндаккина қия қилиб, бир кўзи билан ташқарига қаради. Шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пиҳиллар, вағиллар, ҳеч нарса-ҳеч нарса кўринмас эди.

Додҳо дарчани зичлаб ёпди, жойига бориб тасбеҳ ўгиришга киришиди. Унинг бармоқлари тасбеҳ доналарини тез-тез ўгираётган бўлса ҳам,

¹ Додҳо – ариза қабул қилувчи амалдор, мингбоши.

² Ҳалқа – таровеҳ намози қатнашчиларининг оммавий қуръонхонлик маросими.

қулоғи гувиллаётган шамолда, хаёли гўристонда эди: «Ҳозир гўристон қанақа ваҳимали бўлса экан...»

Ўзбек гўристони ўзи хунук, бунинг устига, гўристон ҳақида айтилмаган хунук гап, тўқилмаган ваҳимали миш-меш гап қолган эмас. Ҳақиқатан, бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса, додхо сингари пайғамбар ёшидан ошибб, кафандигини сандиққа солиб қўйган киши ўлишдан ҳам кўра гўристонда ётишни ўйлаганида тилигача совуқ тер чиқаради.

Додхо гўристон хаёлини бошидан чиқариш учун тасбеҳни қўйиб ундан-бундан гапирган бўлди, лекин ҳеч ким бу гапларга гап уламади.

Шамол бир хуруж қилганида ниманидир келтириб дарчага урди. У нарса дарчани тирмалаганича сидирилиб пастга тушиб кетди. Ҳамма ўтирган ерида гўё бир қарич чўккандай бўлди ва тин олмай бир-бирига қаради. Додхо хотинларига, улардан ҳам кўра ўзига таскин бериш учун ўрнидан туриб, дарчанинг бир томонини очди. Дарчадан кирган шамол осма чироқни липиллатди, тебратди. Додхо пастга қаради ва суюниб кетгандай:

– Бўйра-бўйра экан! – деди ва дарчани зич ёпиб яна жойига ўтириди.

Бўйра одатда тобутга солинадиган бўлганидан, додхонинг кўз олдига одамларнинг елкасида лапанглаб кетаётган тобутни келтириди. Тобут эса яна гўристонни эслатди, гўристон ҳақида болалигидан қулоғида қолиб келган ваҳимали гапларни, ҳодисаларни жонлантириб юборди. Додхо бу хаёлларни енгиш учун гўристон ваҳималаридан ўзи сўз очди ва икки оғиз гапнинг бирида ўзининг довюраклигини хотинларига, улардан ҳам кўра ўзига писанда қила кетди.

Гапдан гап чиқиб Нодирмоҳбегим бир воқеани айтиб берди.

– Бола эдим. Раҳматли дадам гап ер эдилар. Бир меҳмонхона йигит... Мана шунақа шамол кечаси экан. «Ҳозир ким гўристонга бориб, Асқар понсотнинг¹ гўрига пичноқ санчиб келади?» деган гап бўлипти. Шунда бир киши пичноғини қинидан суғуриб: «Мен санчиб келаман», – дебди, битта қўйдан гаров боғлашиб йўлга тушибди. Жўралари ҳали кутишар эмиш – йўқ, ҳали кутишар эмиш – йўқ, тонг отипти, уйида ҳам йўқ эмиш, гўристонга бориб қарашса, Асқар понсотнинг гўри олдида ўлиб ётган эмиш! Бечора гўрга пичноқ санчанида этагини қўшиб санчган экан, қайтай деса этагидан бирор тортгандай бўлган-да...

Ҳамманинг эти живиллашиб кетди. Узоқ жимликдан кейин Унсин ёнида ўтирган кундошига шивирлаб:

– Ўлсин, нокас одам экан, битта қўйни деб... Кошки арзийдиган нарса бўлса!.. – деди.

Бу гапни додхо эшитиб қолди. Унинг нафсонияти қўзгади. Додходай одам гўристон деганда тиззаси қалтираса, бирор «оламга подшо қиламан» деган тақдирда ҳам бормаса, боролмаса-ю, бу қиз муштдай боши билан, «арзийдиган нарса бўлса мен бораман», деса!

¹ Понсот – аскарбоши, қўрбоши.



Додхο ғаши келиб Унсинни масхара қилди.

– Оббо, тегирмончининг қизи!.. Битта қўйни назарлари илмайди!
Нечта қўй бўлса арзир эди? Сен ўзинг ўнта қўй берсам пичоқ санчиб
келасанми? Юзта қўй, давлатимнинг ярмини берсам борасанми?

Унсиной бозвантидаги¹ тангаларни ўйнаб:

– Менга давлат керак эмас, давлат керак бўлса борар эдим,— деди.
Бу гап додхога тегиб кетди.
– Нима керак?

Унсин индамади. Додхонинг саволи жавобсиз қолиши мумкин
эмас эди. Шунинг учун биттаси гуноҳ қилса, ҳаммаси баравар калтак
ейдиган кундошлар Унсинни турткилашди.

– Жавоб берсанг-чи!

– Тилдан қолдингми??

Ёнида ўтирган кундоши биқинига икки-уч марта туртгандан кейин
Унсин бошини кўтариб, бало-қазодай тикилиб турган додхога бир кўз
ташлади-ю, яна бошини эгиб, лекин дадил жавоб берди:

– Жавоб берсангиз... Ганжиравонга кетсам... Битта гўрга битта
пичоқ эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келаман... – деди.

Унинг мақсадини кундошлар дарров фахмлашди. Лекин додхо
бундай гапни сира кутмагани учун янглиш тушунди.

– Тағин нима қиласан Ганжиравонда, бориб келганингга икки ой
ҳам бўлгани йўқ-ку!

Нодирмоҳбегим сандал ичидан оёғини узатиб Унсиннинг болдирини
чимчилади, кўзи билан: «Хайрият тушунмади, бас, гапирма», – деб
ишора қилди. Бироқ Унсин жонидан кечган кишининг шижаоти билан
додхога тик қаради.

– Йўқ, мен буткул кетсам дейман, жавобимни берсангиз демоқчиман.

Гапни айтган Унсину, бошқалар ўтирган жойида ерга қапишиб
кетди. Бироқ додхо ҳамманинг кутганига қарши, қўлига қамчи олиб
Унсунни «қаеринг қичиди»га солмади, аксинча, заҳарханда билан
бўлса ҳам мулојим гапирди:

– Шунақами?.. Хўп майли, айтганинг бўла қолсин,— деди ва бир
оз ўйланиб туриб, ғижинганини яширолмай илова қилди.— Лекин
гўристонга пичоқ эмас, қумғон олиб борасан. Онҳазратим сағанаси
олдида қумғон қайнатиб, битта чой дамлаб келасан, майлими?

– Майли, майли! – деди Унсин кўзлари жавдира, – лекин
лафзингиздан қайтмайсиз...



Савол ва топшириқлар.



1. Кузак шамолини “Кластер” усулида таърифланг.
2. Гўристоннинг даҳшати ҳақида айтинг.

¹ Бозвант – аёллар сочига тақиладиган безак, сочпопук.

3. Додхонинг айтган ҳикоясига Унсиннинг муносабати ҳақида фикр юритинг.
4. Додхо ва Унсин ўртасидаги сұхбат ҳақида нима дейсиз?

II

Додхонинг дами ичига тушиб кетди. Бир гадойваччанинг бу даргоҳдан кетишга ошиқиши унга ҳақорат бўлиб тушди. Энди Унсинни тилаб олиш учун бирон сўз айтишга ҳеч ким, ҳатто гўристондан унинг ўлиги келишига кўзи етиб, ичидан фарёд чекаётган Нодирмоҳбегим ҳам журъат қилолмай қолди.

Додхонинг оппоқ узун соқоли, товуши титради.

– Хўп, лафзимдан қайтмайман, мана хотиржам бўла қол: мен ҳозир сени бир талоқ қўйдим, қайтиб келганингдан кейин уч талоқсан! Бор, қумғонни кўтар!..

Унсин додходан дарров юзини беркитганича чиқиб кетди. Нодирмоҳбегим қўлидан бошқа иш келмаганидан кейин, ҳеч бўлмаса Унсиннинг юрагига қувват бўладиган бир-икки оғиз сўз айтиш мақсадида кетидан чиқмоқчи бўлган эди, додхо бир хўмрайиб жойига ўтқазиб қўйди. Кундошлар битта-битта оёқ учидан юриб чиқиб кетишиди.

Унсин уйига кирди, паранжи-чимматини ёпинди, қумғонга сув тўлдириб, чойнакка чой солди-ю, жўнади. Кўр ойдин. Осмоннинг чеккаси сариқ – кир увадага ўҳшайди. Бу кир шуъла қўйнида паст-баланд уйлар, шамолда эгилаётган, тебранаётган дараҳтлар қоп-қора кўринади. Пишқираётган шамол ҳар хуруж қилганида Унсинни тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди. Унсин паранжи-чимматини қўлига олгандан кейин йўл юриш осонроқ бўлди.

Гўристон тўғрисида додхо нималар эшитган бўлса, Унсин ҳам шуни эшитган, шамол кечаси додхо хаёлида гўристон қандоқ даҳшатли бўлса, унинг хаёлида ҳам шундай даҳшатли, лекин, шундоқ бўлса ҳам, тириклар гўристони бўлган бу даргоҳнинг даҳшати олдида ўликлар гўристонининг даҳшати унга даҳшат кўринмас, бундан ташқари, эртагаёқ Ганжиравонга жўнаш, ота-онасини, дугоналарини кўриш умиди унинг бошига ҳеч қандай фикр-хаёлни йўлатмас эди.

Унсин худди дадасидан катта ҳайитлик олиб бозорбошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаршисидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан иргишилаб борар эди, бироқ гўристон кўчасига бурилиб, салобат билан тебранаётган қоп-қора чинор остида оқаришиб турган сағаналарни¹, белгисиз зулматни кўрганда юраги увишди-ю, зовур қўпригидан ўтиб, икки қадам юрганча тўхтаб қолди. Даҳшат унинг юрагига рахна солди: Ганжиравон, ота-онаси, дугоналари хаёлидан кўтарилиб, кўз олдига оппоқ кағанга ўралиб сағана ва гўрлар атрофида елиб юрган

¹ Сағана – қабр устига қурилган мақбара.



арвоҳлар келди. Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди. Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди, лекин шу ондаёқ худди ўлиқдан қўрқмаслигини бирорга писанда қилаётгандай, бақириб: «Ўликнинг жони йўқ, ўликнинг жони йўқ!» – деб олға интилди, шу юрганича чинор остидаги Онҳазратим сағанаси олдида тўхтади, чойнак билан қумғонни оёғи остига қўйди, паранжи – чимматини бир чеккага ташлади, ичида: «Қўпи кетиб ози қолди», – деб суюнди. Бироқ унинг суюнгани бехуда эди, ҳамма нарсани олибди-ю, энг зарури – ўтин эсидан чиқибди! Ҳар сағанадан бир кўл, ҳар гўрдан бир товуш чиқишини кутиб ўтин қидириш ваҳимаси унинг юрагига яна раҳна сола бошлади. Унсин ўзига-ўзи баланд товуш билан яна: «Ўликнинг жони йўқ!» – деди. Ҳозир дилига битта одамчалик қувват бўлаётган бу гапни оғзидан қўймай, сафана ва гўрларни оралаб ўтин қидирди, пайпасланиб, қўлига илинган нарсани этагига солди, қамиш синдириди, янтоқ, гиёҳ юлди, қўллари қонаб кетганини ҳам пайқамай, топган-тутганини келтириб ўт ёқди. Ўт чирсиллаб-қирсиллаб бир пасда гуркиради, шамолда тўлғанаётган тутун аралаш аланганинг қизғиши шуъласидан қоронғилик липиллаб, узок-яқинда дўппайиб турган гўрлар, худди бирор тупроқни кўтариб чиқаётгандай ҳаракатга келди.

Унсин яна ўтин қидирди, лекин ҳар сафар ўтин қалаганда аланганинг гуркираши, чирсиллаши мудраб ётган арвоҳларни уйғотиб юборишидан қўрққандан унинг устига ўзини ташлагудай бўларди.

Низоят қумғон қайнади. Унсин наридан-бери чой дамлади, қуруқ янтоқ ва қамишларга ўт кетмасин учун ўтни тепкилаб ўчирди, ўнг қўлида чойнак, чап қўлида қумғон, ўтнинг шуъласидан қўзи ҳануз



қамашиб борар экан, бир жойда ер ўпирилиб, чап оёги тақимигача ботиб кетди ва оёгининг учи юмшоқ бир нарсага теккандай бўлди. Унсин бояги гапни дуодай тез-тез қайтариб, қўрқувни ўзига йўлатмаётган бўлса ҳам, кўнглига «Ўликнинг қорнимикин?» – деган гаплар келди-ю, юраги орзиқиб оёгини дарров суғуриб олди ва чуқурда қолган бир пой кавушини олгани юрак қилолмай, маҳсичан кетаверди. Унсин бир неча қадам босгандан кейин паранжи-чиммати сағананинг олдида қолганини эслаб тўхтади, лекин қайтиб боргани ботинолмади, ҳозир қайтиш эмас, қайрилиб қарагани ҳам юраги дов бермас, назарида ҳамма ўликлар сағаналардан, гўрлардан бошини чиқариб, кетидан қараб тургандай эди. Унсин нима қилишини билмай туриб қолди. Шу аснода каттакон бир сағананинг ичиданми, нарёғиданми аллақандай бир товуш эшитилди-ю, хаял ўтмай нимадир келиб, Унсиннинг елкасига миниб олди, афтидан бўғмоқчи бўлиб қўл узатди. Унсин кўкрагига ниҳоятда оғир бир нарса билан урилгандай кўнгли озиб тентираб кетди-ю, йиқилмади, лекин оёқ узра туриб хушидан кетди, орадан қанча вақт ўтганини билмади, кўзини очиб қараса жонивор елкасидан тушибди, эмаклаб бояги сағананинг орқасига ўтиб кетди. Унсин телба бир аҳволда бўлса ҳам фаҳмлади: маймун! Додхонинг маймунни! Маймунни додхонинг ўзи олиб келмагандир, бирордан бериб юборган! Дунёда додходай бераҳм одам яна бор эканми!

Унсин елкасига маймун минган дақиқаларда нақадар қўрқсан бўлса, ҳозир шу қадар тинчили, хотиржам бўлди: демак, қандоқ бераҳм бўлса ҳам шу атрофда одам бор!



Савол ва топшириқлар.

Ж

Г

1. Унсиннинг додҳога қўйган шартига муносабатингиз қандай?
Фикрингизни далилланг.
2. Унсиннинг довюраклигини тасвирланг.
4. Унсиндаги жасорат сабаби нимада деб ўйлайсиз?

III

Унсин гўристондан чиқиб, катта йўлга тушиб олди, ярим йўлга борганда чап қўлига қаттиқ оғриқ кирганини сезди. Оғриқ қумғонни эслатди. Чап қўлида қумғон бор эди, қани? Унсин бир тўхтади-ю, чойнакни иккала қўли билан бағрига босиб, дармони етгунча жадаллади. Тушида юргургандай унинг йўли кўпаймас, икки оёги гавдасидан кейинда қолар, қўлидаги чойнак тобора оғирлашиб борар эди.

Унсин Нодирмоҳбегимнинг оғир эшигини зўрға очди, остоидан ўтиб бир-неча қадам босгандан кейин ҳолдан тойиб чўккалади ва не машаққат билан интилиб, жўмрагидан чой оқиб буғланаётган



чойнакни сандалнинг бир чеккасига қўйди, умрлик орзуси ушалгандай, ҳордиги чиқиб, ўзини ерга ташлади. Сандалда ўтириб пинакка кетган додхо уйғониб тамшанди, бошини кўтариб Унсинни кўрди-ю, «жон бераётиби» деб ўйлади шекилли, қўзлари олайди, ундан кўзини олмай секин ўрнидан турди, худди ўлим хавфидан қочгандай, бир ирғиб сандалдан ошди-да, ўзини эшикка урди...

Унсин ҳушидан кетган әкан, бир вақт кўзини очиб қараса, сандалнинг четида чалқанча ётиби, тепасида Нодирмоҳбегим йиғлаб ўтирибди. Унинг ўнг кўзи моматалоқ бўлиб шишиб кетган, оқ дока рўмолининг у ер-бу ерига қон теккан эди. Унсин Нодирмоҳбегимга кўзи тушган замони ундан додхонинг лафзи лафзми эканини сўрамоқчи бўлиб эди, унинг аҳволини кўриб, эшитилар-эшитилмас:

— Сизга нима бўлди? — деди.

Нодирмоҳбегим Унсиннинг ёш жонига раҳм қилишини, уни қайтаришни сўраб додхога ёлворганида додхо уни тутиб олиб хўп урган эди. Нодирмоҳбегим Унсиннинг саволига жавоб бермади, товуш чиқармай яна ҳам қаттиқроқ йиғлаб, унинг бошини силади, юзини юзига қўйди; сўнг ўша чоғи одам юбориб гўристондан олдирган икки чимдим тупроқни яrim пиёла сувга чайиб Унсинга тутди.

— Ич, жигарим, қўрққансан... Гўристонда қўрқсанга гўристоннинг тупроғи даво бўлади.

Унсин пиёладаги лойқа сувни дарров ичди хийла енгил тортгандай бўлди.

— Мендан қайтмаса, худодан қайтсин... Энди Ганжиравонга кетармиканман?



– Кетасан,— деди Нодирмоҳбегим йифлаб,— сал ўзингга келгин, кетасан...

Унсиннинг чақнаб кетган кўзларида ёш йилтиради.

– Мен тузукман... Пешингача тузаламан, жўнасам бўлади... Ганжиравонга одам юборсангиз... Ота-онам боришимни ҳарна эртароқ эшитса, ҳарна эртароқ суюнса...

Нодирмоҳбегим яна калтаклашларидан ҳайиқмай Ганжиравонга бир хизматкорини юборди.

Бироқ Унсин пешингача етмади – узилди.

Шом қоронфисида унинг жасадини қизил кўрпага ўраб аравага солишиди. Шамол ҳамон гувиллар, яйдоқ дараҳтларнинг шохida чийиллар, ғувиллар эди.

Дарвозадан бошида паранжи ва қўлида оқ тугунча Нодирмоҳбегим чиқди. У дарвозага юзини ўгириб, чўнқайди, икки қўлини фотиҳага очиб бир нималар деди. Додхонинг ўзи билан бирга бу даргоҳни ернинг қаърига юборгандай иккала муштини уч марта ерга қадади, кейин: «Бу даргоҳни энди елкамнинг чуқури кўрсинг», дегандай бир ҳаракат билан кескин бурилиб, аравага чиқди, марҳуманинг бош томонига ўтиреди.

Арава жўнади, шаҳар кўргонидан чиққанда кундузи Нодирмоҳбегим юборган хизматкор Ганжиравондан қайтиб келмоқда эди.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Асар қайси фасл тасвиридан бошланади? Бунда яширин маъно бор деб ўйлайсизми?
2. Асарни «Чархпалак» стратегияси орқали ўрганинг.
3. «Инсерт» стратегияси. Ҳикояни ўрганиш давомида жадвални тўлдиринг.

V – билар эдим	
“«-» – бошқача фикрда эдим	
«+» – янги ахборот	
«?» – саволлар туғдиради	

4. Асарда қандай ғоя илгари сурилган?
5. Унсин озодликка этиш учун қандай йўл танлади?

Я

6. «Унсин жасорати» мавзусида эссе ёзинг.



ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909–1944)

Атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида туғилди. Бўлажак шоир отаси Олимжондан гўдак эканида ажралади. Бобоси Азимбобо сўзни чуқур ҳис этадиган, бахши ва айтимчилар билан дўстлик қиласиган киши эди. Шоирнинг онаси Комила ая кўплаб эртагу қўшиқларни биладиган ҳамда қизиқарли қилиб айта оладиган аёл эди.

1916 йилда рус босқинчилари зулмига қарши кўтарилиган Жиззах қўзғолони ва унинг шафқатсизлик билан бостирилиши, шаҳарнинг тўпга тутилиб, одамларнинг Қили чўлига ҳайдалиши бўлажак шоир хотирасида бир умрга қолди. Онасининг сехрли эртаклари, буюк оқин Фозил Йўлдош ўғлининг ўқтин-ўқтин Жиззахга келиб, улар хонадонида достон айтишлари Абдулҳамидда бадиий сўзга бўлган ҳавасни кучайтириди.

Абдулҳамид Жиззах шаҳридаги мактабни тугатиб, Самарқандга ўқишга боради. Дастреб педагогика билим юртида (1923–1926 йиллар), сўнг Педагогика академиясида (1926–1931 йиллар) ўқийди. Ўша йилларда шеърлар ёза бошлаган. Унинг «Кўклам» номли биринчи шеърлар тўплами 1929 йилда чоп этилади.

Ўша йиллари Самарқанд Ўзбекистон Республикасининг пойтахти эди. 1932 йилда пойтахт Тошкент шаҳрига кўчирилади. Ҳамид Олимжон ҳам шу йили Тошкентга келиб, адабий журналларнинг таҳририятларида, Маданий қурилиш (ҳозирги Тил ва адабиёт) институтида хизмат қиласи. 1938–1939 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб бўлиб ишлайди. Барча туркий халқларнинг буюк шоири Алишер Навоий ҳазратларининг 500 йиллиги муносабати билан тузилган Навоий қўмитасига илмий котиб этиб тайинланади.

Ҳамид Олимжоннинг шеърлари мусиқийлиги, ўйноқилиги, равонлиги билан ажралиб туради. Унинг «Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганда», «Холбуки тун», «Куйгай», «Севги» сингари ўнлаб шеърлари, «Зайнаб ва Омон» достони «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» эртаги бадиий латофати билан ўқувчиларнинг меҳрини қозонган.

Ҳамид Олимжон 1939 йилдан то 1944 йилнинг 3 июлигача, яъни умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди.



ХОЛБУКИ ТУН

Шағирлайди бетиним дарё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар.
Шағирлайди қоронғи дунё,
Шағирлайди водий, даралар.
Шағирлайди... Бермайди уйқу,
Хаёлларим бўлар паришон.
Бир изланиш бошланар менда,
Тушунчамга яна кирап жон.
Холбуки тун – бунда одатда
Бутун борлиқ ухлайди сокин.
Бутун ер осмонга ўраниб
Олар каби қундузидан тин...
Сойга тушдим, қўкка чиқди ой,
Нур ёғилди оқ булутларга.
Нурга тўлди дара, тўлди сой,
Нур ёғилди қоронғи жарга.
Кўзларимда ёнар учқунлар,
Зилол сувга ой эди сирдош.
Ялтиради, доим товланар,
Ой нурига чўмилувчи тош.



Күзим тиқдим парқу булутлар,
Күчар эди зилол ва тоза.
Лочин каби самолёт учар,
Учар эди солиб овоза.
Тикилганда күзим қофозга,
Құлларимда титрарди қалам.
Қуршамишди уни ҳаяжон,
Бир интилиш, бир орзу бу дам.
Шағирларди осмон ва ҳаво,
Шағирларди бутун коинот.
Шағирларди бетиним дарё,
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Холбуки тун...



Савол ва топшириқлар.

1. Шеърни ифодали ўқинг. Асарда тасвирланган табиат расмини чизинг.
2. Шеърдаги табиат манзарасини ўз сўзингиз билан тушунириб беринг.
3. “Одатда тунда ҳамма дам олиши керагу, негадир атрофнинг шағирлаб, уйқу бермаяпти...” деган гапи билан шоир нима демоқчи?
4. Кўкда ой чиққанида, ҳатто, қоронги жарга ҳам нур ёғилганлигини қандай изоҳлай оласиз?
5. Ўзингиз кузатган тунни тасвирланг. «Sinkuein», яъни беш қаторли шеър стратегияси ёрдамида.
6. Шеърда қандай тасвир воситалари қўлланилган?
7. Шеърни ёд олинг.
8. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида тақдимот тайёрланг. Интерактив тахтада намойиш этинг.



ҒАЗАЛ

На бўлгай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
Ўпиб ғунчангни очмоқликка тонг чоги шамол бўлсам.

Бўйингни¹ тарқатиб оламни қилсан масти мустағриқ²,
Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

¹ Бўйингни – исингни, ҳидингни.

² Масти мустағриқ – мастиликка ғарқ, фирт масти.



Сенинг бирла қолиб бу масти лол оламда мен ёлғиз,
Үзимни ҳам тополмай, майлига, охир хаёл бўлсам.

Агар боғингда гул бўлмоқ менингчун нораво бўлса,
Ки минг бор розиман қасрингга ҳаттоким дувол бўлсам.

Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўжтондан,
Рақиблар рашикига кўкрак керай, майли, қамол¹ бўлсам

Кезиб саҳро-ю водийлар етишсам бир висолингга,
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли увол бўлсам.



Савол ва топшириқлар.

1. Шеър қандай жанрда ёзилган?



2. «Кластер» стратегияси. Шоир ўзининг қайфиятини қайси тимсоллар орқали билдирган?



3. Шеър таҳлили (шеърий санъатлар, қофия ва радиф, шеър жанри)

4. Сизнингча шеър кимга ёки нимага бағишлиланган?



5. Фазални ёд олинг.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳамид Олимжон шеърларида ўзи туйган туйгуларни, ўзи ўтказган кечинмаларни шеърхонларга ҳам ҳис қилдиришга интилади. Бирор ҳаёт ҳодисаси туфайли шоирнинг ички оламида рўй берган ўзгаришлар унинг истеъдоди туфайли шеърга айланади.

Вақт ярим тундан кечган. Атроф жимжит. Оlam уйқуга чўмган. Ёлғиз шоирнинг илҳоми уйғоқ. Унинг ўтдай ёнаётган вужудини, безовта тепаётган қалбини осуда тун ҳақидаги, табиатнинг ҳайратомуз гўзалликлари тўғрисидаги тизгинсиз ўйлар ғалаёнга келтиради. Шоирнинг назарида ҳаёт қайнай бошлайди. Дарҳақиқат, буюк ҳаёт, чексиз коинот тиним нима эканлигини билмайди. Туннинг тинчлигини ҳеч нарса бузмаётир деб ўйлаймиз. Лекин шоирнинг ўткир назари дарёning тиним билмай оқишини, ўша оқим туфайли пайдо бўлган қудратли товуш жарларни тўлдиришини илғаб олади. Тунги ҳаётнинг бетиним шовқини шоир илҳомини жўшдиради. У оламнинг, вақтнинг бетўхтовлигини «шагирлайди» деган жуда таъсирчан ва кам қўлланадиган оҳангдор сўз орқали чиройли ифодалайди. Шагирлашнинг адоқсизлиги унга уйқу бермайди. Лирик қаҳрамоннинг ҳаёллари

¹ Қамол – қамал.



паришон бўлади. У ўйга толади, ҳаракатга тушади. Оламнинг бетакрор гўзаллигини яна яқинроқдан ҳис қиласди.

Шоирнинг нигоҳида «Бутун ер осмонга ўраниб, Олар каби кундузидан тин». Тун қаърига чўккан ерни худди кўрпага ўранган одамдай осмонга ўранди тарзида тасаввур этмоқ учун хаёл жуда баланд парвоз этиши керак. Қаранг, тунда ер кўринмайди. Худди шунингдек, тунда кундуз ҳам кўзга ташланмайди. Тил билан ифодалаш у ёқда турсин, хаёлда тасаввур қилиб бўлмайдиган шу мураккаб ҳолатни Ҳамид Олимжон сеҳрли бир усталик билан тасвирлай олган.

Шеърда «Кўзларимда ёнар учқунлар, Зилол сувга ой эди сирдош» деган мўъжизакор тасвирлар бор. Бу ҳолатни фақат шоиргина ҳис этиши, фақат шоиргина образли ва аниқ қилиб тасвирлай олиши мумкин. Ўйлаб кўринг-чи, «кўзларда ёнаётган учқунлар» нима экан? Юлдузли тунда ҳеч биронта жўрангиз ёки дугонангиз билан осмонга тикилганмисиз? Кўкдаги саноқсиз юлдузларнинг ўртоғингиз қорачиғида учқунлардай ялтираганини кузатганмисиз? Юлдузларнинг майин жимирилаши сизни ҳам, жўрангизни ҳам сеҳрли бир ҳолатга согланини, кўзларингиз порлаб кетганини сезганмисиз? Шоир шу ҳолатни «ушлаб олиб», мисраларда абадийлаштириб қўйган. Осмондаги тўлин ойнинг зилол сувга сирдошлигини қандай тушундингиз? Топдингиз! Ахир ой, айниқса, оламни ойдинликка чулғаган тўлин ой, албатта, сой сувида акс этади. Унинг ичига тушади. У билан бирга оқади. Йўл-йўлақай сирлашиб, дардлашиб кетади.

Шеърнинг энг авж нуқтаси сўнгги бандида. Энди осмон ва ҳаво ҳам шағирлайди. Бугина эмас, бутун коинот шағирлайди. Чунки лирик қаҳрамоннинг кўтаринки кайфияти уни бутун оламнинг ажралмас бир бўлагига айлантиради. У – олам ҳодисаларининг кузатувчиси эмас, иштирокчиси. Шу боисдан шағирлаш фақатгина дарёнинг овози эмаслигини энди у яхши билади. Дарё, бу – борлиқ. Унда сув эмас, ҳаёт оқиб ётибди. Шунинг учун шоир ёзади:

Шағирларди бетиним дарё,
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Холбуки тун...

Ҳамид Олимжон Навоий асарларини кўп ўқиган, яхши тушунган ва уни устоз деб қабул қилган шоир эди. Гарчи Ҳ. Олимжоннинг кўпчилик шеърлари буюк Навоий шеърлари шаклига ўхшамаса-да, мазмун ва маҳорат борасида унга ўхшашга интилган. Ҳ. Олимжоннинг улуғ устоз камолотга етказган шеър шаклларида яратган асарлари ҳам бор. Шулардан бири «Бўлсам» радифли ғазалидир. Газалда шоир мумтоз адабиётнинг анъаналаридан фойдаланган ҳолда жуда нафис инсоний туйғуларни куйлади.

Ошиқ маъшуқасига тинимсиз интилади. Лекин унинг васлига етишишни орзу қилишдан ҳам чўчийди. Шу боис у ҳамишаликка эмас, бир нафасга, жуда қисқа муддатга бўлса ҳам, юзингдаги холга айланиб қолсан, бофингдаги гулларга инган шабнам бўлсан, бутогингга қўниб сайдайдиган булбулга эврилсан, чаманингдаги гулларни сийпалайдиган шамол бўлсан, нима бўларди, дея армон қилади. Тасвир қуюқлашади, интиқлик борган сари кучаяверади.



Савол ва топшириқлар.

Ж**Г**

1. Тун тинчлигини ҳеч нарса бузмайди деб ўйлайсизми?
2. “Шағирларди дарёда ҳаёт” мисрасининг ўз ва рамзий маъноларини изоҳланг.
3. Ҳамид Олимжон маҳорати ҳақида айтинг.

МИРТЕМИР

(1910–1978)



Муқаддас Туркистон шахри яқинидаги гўзал Иқон қишлоғида туғилган Миртемир ота юрти тароватини умрининг охиригача унутмаган, сўнгги нафасигача куйлаб келган шоир эди. Миртемир фақат лирик шеърлар битиб қолган эмас. Унинг жарангдор сочмалари йигирманчи йилларда жуда машҳур бўлган эди. Миртемир гўзал достонлар ҳам яратган, драматик ва насрий асарлар ҳам ёзган. Шоир қилган таржималар ўзбек таржима адабиётида алоҳида босқич бўлишга арзиди. Унинг адабий жараённи таҳлил қилишга бағишлиланган илмий хуносалари, салмоқли танқидий асарлари ҳам бор.

Миртемирнинг қиёфасини белгилайдиган, уни ўзбек китобхони учун ардоқли қилган нарса – унинг шеърияти. Миртемир самимий туйғуларни, нозик кечинмаларни содда ва тушунарли ифодалай оладиган санъаткор. Рост тасвир, бунинг устига, туйғулар шериклигида амалга оширилган аниқ тасвир ҳамиша эсда қолади. Ҳаммага, айниқса, сиз ёшларга ардоқли бўлади. Бадиий нафаси билан сафларимизни тўлдириб юрган, авлодларининг покиза, маърифатли, ориятли бўлишини истаган Миртемирнинг шеърияти сизнинг ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонамиз.



БУ – МЕН ТУГИЛГАН ТУПРОҚ

Бу – мен туғилған тупроқ. Ҳа, мен туғилған тупроқ
Тоғлар, күм-күк адирлар, дарёлар, чексиз құмлөк.
Бўронлар қамчиласар, ёмғирлар томчиласар,
Қишида қалин қордан оқ, кузда-чи, пахтадан оқ.
Тақводордай чўк тушиб, пешонамни қўяман,
Онам каби ўпаман, қалб меҳрига тўяман.
Кайхисрав қиличидан кесикбош бобом хоки,
Ким нохос оёқ қўйса, ҳақоратга йўяман.

Бу – мен туғилған тупроқ. Бу – мен йўғрилған тупроқ,
Кўклам гоҳи сержала, ёз қурумсоқ ва қурғоқ.
Терак бўйи жарлардан сув тортар бобо деҳқон,
Буғдой ҳам, жувари ҳам бўлиқ, күм-күк, сербошоқ.
Тақводордай чўк тушиб пешонамни қўяман,
Суйгулимдай қучаман, жамолига тўяман.



Чингиз ўқига учмиш олис бобом хоки бу,
Ким кўзга илмай боқса, камчиликка йўяман.

Бу – мен туғилган тупроқ, бу – мен улғайган тупроқ,
Даралари жаннатий, тоғ сиртлари кўк яйлоқ.
Қумлоқларида ҳатто сурув-сурув қўй-қўзи,
Гулдор, нақшин қоракўл, етти ранглик, ярқироқ.
Бир фарзанддай чўк тушиб, пешонамни қўяман,
Кун ўтмай соғинаман, ўпид-ўпид тўяман.
Оқ пошшонинг тўвидан абжақ бобом хоки бу,
Оқ пошшони эслатсанг, ёвузиликка йўяман.

Бу – мен умр кўрган тупроқ, мен бобо бўлган тупроқ
Сув бўйлари тутзорлар чўзилмиш йироқ-йироқ.
Ипак ҳам, бол ҳам бунда мармар ҳам, олтин ҳам мўл,
Кўмир ҳам, шароб ҳам бор, гурунч – садаф мисол оқ.
Бир аскардай чўк тушиб, пешонамни қўяман.
Фидойиман, шайдоман, ўпид-ўпид тўяман.
Эрк дея шаҳид кетган ўғлонларнинг хоки бу,
Ким нохос ўқрайса ҳам кўзларини ўяман.



Савол ва топшириқлар.



1. Шоир асарларининг ўзига хослиги ҳақида фикр юритинг.

2. 1-гуруҳ: Тарихчилар (тарихий фактларга изоҳ)



2-гуруҳ: Биологлар(она табиатни тасвирловчи фикрларга изоҳ)

3-гуруҳ: Рассомлар (Ватанимиз Қозогистонни расм орқали тасвирлаш)



3. Адибнинг туғилган ўлкаси Жанубий Қозогистонни (Туркистонни) харитадан топинг.



4. “Мен она юртим – Қозогистон билан фахрланаман” мавзусида эссе ёзинг.



5. Интернет тармоқларидан фойдаланиб, шоирнинг уй-музейига саёҳат уюстиринг. Шоир ҳаёти ҳақида қўшимча маълумотлар тўпланг ва ҳикоя қилинг.

ОНАГИНАМ

Товонимга чақир тиканакдай ботгувчи – ғашлик.
Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи – ғашлик.
Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,
Чучварага чеккувчи – ғашлик.





Мени ўйлаб нотавон ва нимжон,
Фашимга теккувчи – ғашлик.
Суякларимни сирқиратиб оч теватдай ғажигувчи,
Кўзимда ёш тирқиратиб, жигилдонимда аччик
бўзадай ачиғувчи ғашлик...

Дунёга қайта келишимга кўзим етсайди,
Йигит ёшимга тўлмай туриб,
Айрилиқ зайдида қоқ ёғочдай қуриб,
Жон берган онамни кўришимга кўзим етсайди,
Тиззасига бир нафас бош қўйишимга кўзим етсайди,
Оналик меҳрига обдан тўйишимга кўзим етсайди,
Оқ сутингни оқлай, дейишимга кўзим етсайди,
Менда ғашлик нетарди?
Янтоқ ўтинидек,
Тамаки тутунидек,
Тонг пайтида тараалган бадбаҳтлик тунидек –
Чексиз фазоларга тарқаб кетарди!
Онагинам!

Одам бўлдимми менам?
Йигит ёшимгача бир чеълак сув келтириб бермаган бўлсан,
Ё ташналигингда бир коса шарбат тўлдириб
бермаган бўлсан,
Ё нон ёпишиңг учун,
Хатто бир йўла бир кун

Сахродан ўтин орқалаб келмаган болангман...
Ё сигирни подадан айириб,
Ё эчкени ҳовлига қайириб,
Оғзингдан сўз чиқмай, елмаган болангман...
Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,
Сенинг бир ишорангга юз ўмбалоқ ошиб кетолмаганим.
Сени жиндак хушвақт қилгани,
Сени жиндак хушбахт қилгани –
Тагсиз жарлардан ўтолмаганим,
Сени сўнгги йўлга ўзим кузатолмаганим –
Тоғдай зил,
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда –
онагинам!
Одам бўлдимми менам?
Ҳа, одам санашар мени элимда.
Сенга қилолмаган хизматим,
Сен деб чеколмаган заҳматим –
Жиндак зеҳним, жиндак шеърим, жиндак ғазалхонлигим,
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим, жиндак яхшилик ва
ёмонлигим,
Мени одам санаган элимга бахшида, жафодийда онагинам!
Элга хизматим – сенга хизматим эмасми ахир,
Эл мени фарзандим демасми ахир!
Рози бўл, одам саналай менам...
Дунёга қайтиб келурман,
Лекин бошқа ўғил бўлиб...



Савол ва топшириқлар.

Г

1. “Она” сўзини “Ассоциация” стратегияси асосида ёритинг.
2. “Якка давра” стратегияси асосида ”Борида қадрига етмадим, йўғида излаб топмадим” деган нақл сўзнинг маъносини асар мазмунига таяниб, баҳс-мунозара ўтказинг.
3. Шеърдаги берилган “сизлатувчи”, “чеккувчи”, “ғажигувчи” сифатлашлар шоирнинг қандай ҳолатини ифодалашга ёрдам беряпти?
4. Ҳаётда шоирнинг ҳолатига тушган кишиларни учратганмисиз?
5. Сиз онангиз учун нималар қилдингиз? Қелгусида нималар қила оласиз?
6. Шеърни ўқиганда қай байтларидан кейин озгина тўхтам керак?
Нима учун?
7. Иш дафтaringизга она ҳақида мақоллар ёзинг.
8. “Онажоним-меҳрибоним” мавзусида иншо ёзишга тайёргарлик кўринг.

Я



УСМОН НОСИР

(1912–1944)

Оловдек ловиллаб дил ёнур,
Бахтлиман жангларга ярасам!
Усмон Носир


Ўзбек шеърияти осмонида ярқироқ юлдуздек, кўзни қамаштирувчи чақмоқдек пайдо бўлган Усмон Носир оташин шеърлар яратган шоирдир. Наманган шаҳрининг оддий оиласалидан бирида дунёга келган болакайнинг вужуди кичкинагина кулбасига сифса-да, унинг руҳи кенг жаҳонга сифмайдиган даражада юксак эди.

Оловдай шўх, яшиндай шиддатли Усмон фавқулодда кучли хотирага эга эди. Шу боис маҳалласидаги бошланғич мактабда ўртоқларидан яхши ўқиди. Оиласи Қўқон шаҳрига кўчиб келгач, уни ётоқмактаб (интернат)га беришади. Бу ерда бўлажак шоир ҳамма қатори ўқишдан ташқари рус тилини пухта ўзлаштиради. Усмон рус тилини чуқур ўрганиб, Европа адабиётиning энг сара асарлари билан деярли тўлиқ танишиб чиқади. Бу ҳол унинг ижодий қиёфаси шаклланишига жiddий таъсир кўрсатди. Бу давр ўзбек адабиётида жаҳон адабиёти намуналарини шу қадар пухта билган ижодкорни топиш амримаҳол эди.

Туйғулари алангланиб турувчи, чарос кўзлари оламга ҳайрат билан боқувчи Усмон Носир илк шеърларида ёқ кўп асрлик ўзбек шеърияти учун мутлақо янгилик бўлган хусусиятларга эга ижодкор эканлигини намоён қила бошлади.

Усмон Носир яшаган даврда одамларнинг ҳаракатларигина эмас, туйғулари ҳам қолипга солинганди. Инсон руҳининг ҳурлигини, инсон туйғулари эркини куйлаган Усмон Носир, ўзи билмаган ҳолда, социалистик тузум белгилаган қолипларни шиддат билан буза бошлади. Шунинг учун у мавжуд тузумнинг душманига айланди. 1937 йилнинг 14 июляда, устози Чўлпондан бир кунгина кейин, Усмон Носирни қамоқقا олиб кетишиди. Шу тариқа ўзбек шеърияти осмонидаги ёрқин бир юлдуз сўндирилди.

Ўқувчи! Сиз ана шундай шоирнинг шеърий дунёсига кириб бормоқдасиз. Бу шеърий дунё сизнинг руҳий оламингизни юксалтиради, маънавиятингизни поклайди, хаёлингизни парвозларга чорлайди деб умид қиласиз.



ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жёр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.
Сенга тор келди бу қўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи,
Сени таржима қилмоқдан.
Сен, эй, сен – ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, куйла борингни.
Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан, сен,
Ёрил! Майли тамом ўлсам!..



Савол ва топшириқлар.



1. “Юрак” сўзини “Кубизм” стратегияси асосида ёритинг.



2. Шеърни ёд олинг.



3. Қатагон қурбонлари ҳақида видеолавҳа тайёрланг.

4. Шахрингиздаги “Сиёсий қурбонлар музейи” га саёҳат уюштиринг.

ЯНА ШЕЪРИМГА

(Сонет)

Шеърим! Яна ўзинг яхвисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.

Юрагимнинг дарди – нақвисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим, яхвисан.



Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.

Бутун умрим сенинг бўйнингда,
Саҳарда қон тупурсам, майли.
Мен – Мажнунман, шеърим, сен – Лайли!



Савол ва топшириқлар.

Г

1. “Балиқ склети” стратегияси орқали шоирнинг фожеавий тақдирини аниқланг.
2. “Юрак” шеърида қандай туйғулар маҳорат билан тасвирланган?
3. “Яна шеъримга” шеъри мазмунини ифодаловчи бта таянч сўзни аниқлаб, шу асосда асар мазмунини талқин қилинг.
4. Шеърдан ҳикматли ифодаларни топиб, иш дафтaringизга ёзинг.
Мазмунини изоҳланг.
5. Шеърни ёд олинг.

Я

УСМОН НОСИР ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА

Усмон Носир шеърияти асл туйғулар ва порлоқ фикрлар ифодаси бўлмиш шеъриятдир. Шоир ўзи ҳис қилмаган, дилига түғён солмаган нарсалар ҳақида асло қалам тебратмаган. Усмон Носирнинг ҳар бир шеъри – юрак фарёди. Шу боис шеърхоннинг юрагига тез етиб боради. Унинг юрагини ром қиласди.

«Юрак» шеърида самимий инсон қалбининг ҳақиқий туйғулари маҳорат билан тасвир этилган. «Юрак» – кўп жиҳатдан Усмон Носир ижодининг йўналишларини белгилаб берувчи шеър. Шеърнинг лирик қаҳрамони – эътиқодига қарши ишни қилмайдиган, покиза туйғуларига қулоқ соладиган, қалби буюрганини бажарадиган шахс. У ҳаётини ҳақиқат ва Ватан йўлига тиккан. Шеърнинг лирик қаҳрамони ҳаётда рўй берган ҳар қандай ўзгаришга муносабат билдиради. Чунки унинг юраги лоқайд эмас. Бефарқлик – унга бегона. Покиза ва таъсирчан юрак ҳақиқат ва эрк куйчиси бўлган шоир учун соз вазифасини ўтайди. Воқеликдаги ҳар бир ўзгариш, аввало, унинг юрагида акс-садо беради. Жарангдор ва нолакор соз – юрак шоир тилини «найга жўр этади». Покиза қалб уни куйлашга ундейди.

Шоир хаёлларининг уфқи кенг. Шу сабабдан у: «Кўзимга ойни беркитдинг...» – дея фикр юрита олади. Ой нима? Уни кўзга беркитиш мумкинми? Ўйлаб қўрайлик. Шарқда ой – гўзаллик рамзи. «Кўзимга ойни беркитдинг», яъни гўзалликни кўзимга жойладинг. Чунки сен, безовта юрак, гўзалликнинг ёнидан бепарво ўтолмадинг. Шу туфайли



кўзим гўзалликка тушди. Шу тариқа, у кўзимга жойланди. Кўзига гўзалликни жойлаган одам ҳаётнинг ранг-баранглигини тушунишга, эзгуликни ҳис этишга, иллатдан юз ўгиришга қодирдир. Шоирнинг кашф этган гўзал образли ифодаси шеърхонни ҳаёт ажойиботларини пайқашга ўргатади.

Таъсирчан ва безовта шоир юрагига унинг кўкраги торлик қилади. Чунки бу юрак кичик вужудига барча одамлар дардини, бутун олам дардини жойлаган. Кўкрак эса бунча катталикни сиғдиришга торлик қилади. Оламни англаш, унинг қувончу ғамларидан баҳрамандлик юракни шундай жунбушга келтирадики, унинг «севинчлари қирғоғидан тошади». Оламни билаётган, унинг дардларини тушунаётган инсон юрагидаги туйғуларни ифодалашдан тил чарчайди:

Тилим чарчар, ажаб, гоҳи,
Сени таржима қилмоқдан.

Серзавқ юрак туйган барча ҳис-туйғуларини тил билан ифодалаш мушкул. Таъсирчан шоир юраги шунчалар кўп воқеаларга даҳлдорки, унга таржимон бўлган тил, албатта, чарчайди.

Қайноқ юрак билан яшаш – қийин, бироқ завқли. Бундай юрак эгаси ором билмайди. У ҳамиша ҳаяжонда бўлади. Ҳамиша ҳаракат қилишга мажбур. Шеърнинг хотима қисми айни шу ҳолатни ифода этади. Шеърда муҳим маъно ташийдиган сўзлар бирикмаси, ҳатто битта сўз ҳам алоҳида қаторга тизилиб, мисрага айлантирилади. Натижада, уларни алоҳида урғу билан ўқиши зарурияти пайдо бўлади. Шу тариқа шеър ўзгача оҳанг касб этади. Шеърнинг сўнгги банди гурсиллаб уриб турган юрак зарбига уйғун тарзда ўқиласди:

Итоат эт!
Агар сендан,
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан, сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!

Бу шеър ўқувчининг туйғуларини ҳаяжонга солади. Ҳаяжон кишини бефарқлиқдан халос этади. Кимнидир бефарқлиқдан қутқара билган шеър асл бадиият намунасиdir.

Усмон Носирнинг «Яна шеъримга» асари унинг ижодий қиёфасини белгилайдиган шеърлар сирасига киради. Ушбу шеърни синчиклаб ўқиган шеърхон шоирнинг шу хилдаги асарларни ёзиб,adolatsiz замон талабларига бўйин эгмай, ёш жонидан жудо бўлганининг сабабини англайди. Шеърда чинакам асар улкан дарднинг маҳсули эканлиги жуда чиройли ва лўнда ифодаланади:



Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим, яххисан.

Усмон Носирнинг фикрича, шеър кўнгил эрмаги эмас. У – «ҳаёт шахси». Шеърнинг ўз ҳаёти, ўз умри бор. Ўз ҳаётига эга шеърлар яратиш учун шоир «саҳарда қон тупуриш»га ҳам рози.

«Насимага деганим» шеърида Усмон Носир ўз мақсадини юксак бадиий шаклда таъсирчан баён этади. «Кўп ҳали ҳаётда насибам», – деб ҳисоблаган шоир ўзининг олдида оғир синовлар турганлигини сезади. Шоирнинг хавотирли башорати шундай ифода этилади:

Олдимда кутадир имтиҳон –
Мен оғир жангларда бўларман.
Насима! Бу кунги иссик қон,
О, балки тўкилур... ўларман...

Курашларга ташна, жангларга тайёр, ўлимдан ҳам қайтмас инсоннинг оташ қалби туғёнлари бу шеърда ғоят таъсирчан ифодаланган.

Усмон Носир Чўлпонни ўзининг энг буюк устози ҳисоблаган. Уларнинг шеърларида анчагина руҳий яқинлик бўлса-да, ташқи ўхшашлик кучли эмас. Чўлпоннинг шеърлари – анча майин. Энг безовта туйғулар, энг қаҳрли норозиликлар ҳам шарқона майнинлик ва ўзбекона мусиқаворлик билан шеърга солинган. Усмон Носирда бошқа ҳолатни кузатиш мумкин. У қайноқ туйғуларни, пўртанали руҳий ҳолатларни кишини ҳаяжонга соладиган тарзда акс эттиради. Шеър битаётганда ўзини ҳадеб жиловлайвермайди. Унинг шеърлари ўз муаллифининг қандай одамлигини аён кўрсатиб турувчи бадиий ҳужжатлардир.



Савол ва топшириқлар.



1. Шеър – шоир қалбинингnidosi эканлигини мисоллар билан далилланг.
2. Гўзаллик ва нафосат – ҳаёт ранги ҳақида фикр билдиринг.
3. Шоир шеъри – ҳаёт нақши эканлигини тушуниришга ҳаракат қилинг.

Бадиий адабиётнинг турлари

Бадиий асарлар уч турга бўлинади: эпик асарлар, лирик асарлар, драматик асарлар. Шундай бадиий асарлар бўладики, уларда ёзувчи одамларнинг ҳаёти, муносабатлари, уларни ўраб турган воқеликка доир ҳодисалар ҳақида ҳикоя қиласиди. Бошқа бир хил асарларда одамларнинг ҳаёти, тақдирлари ва ўзаро муносабатлари ҳикоя қилинмайди, балки кўрсатиб берилади. Яна бир тур асарлар борки, уларда ҳаёт ҳодисалари



таъсирида муаллифнинг қалбида пайдо бўлган кечинмалар акс эттирилади.

Сиз ўқиши ўрганганингиздан бери жуда кўп эртак, ҳикоя, қисса ва романлар ҳам ўқиб чиққансиз. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг «Улоқда», «Қўрқинч бир жасорат», Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор», «Даҳшат», «Ўғри» сингари асарлари сизда чуқур таассурот қолдирган бўлиши керак. Уларда бир ёки бир неча образнинг ҳаёти, тақдири, уларнинг атрофида яшаётган, улар билан алоқада бўлиб турган бошқа кишиларнинг ҳаёти, табиати ҳақида муаллиф ҳикоя қилиб берган. Худди шу хилдаги асарлар эпик асарлардир. Бир ёки бир неча одамнинг ҳаёти, тақдири, уларнинг бошқа одамлар билан муносабати ҳақида ҳикоя қилувчи, образларнинг характер хусусиятларини акс эттирувчи бадиий асарлар эпик турдаги асарлар дейилади.

Эпик турдаги асарларнинг ўзи эртак, масал, роман, қисса, ҳикоя сингари бир қатор жанрларга бўлинади.

Сиз ҳали боғчага ҳам бормаган пайтингизда, бешикда ётганингизда онангиз сизни алла айтиб овутган. Бир оз улғайиб, боғчага борганингизда турли қўшиқлар айтишни, шеър ёдлашни ўргангансиз. Яна ҳам ўсиб, 6–7 ёшга етгач, рамазон ойларида «Ё, рамазон» деб номланувчи, март ойида йилбоши киргач, «Бойчечак» деб аталувчи қўшиқларни куйлаб юргансиз. Мактабда ўқий бошлаганингиздан бери ҳазрати Алишер Навоийдан тортиб Чўлпонгача бўлган кўплаб шоирларнинг шеърлари билан танишгансиз. Анчагина шеърларни ёд ҳам олгансиз. Ўша сиз қўшиқ қилиб куйлаган, ёд олиб айтиб юрган асарлар лирик асарлардир.

Шоирнинг туйғулари, кечинмалари акс эттирилган бадиий асарлар лирик асарлар дейилади. Муаллифнинг туйғулари у ёки бу ҳаёт ҳодисаси натижасида туғилади. Чўлпоннинг «Бинафша» шеърини эслаб кўринг. Унда бинафшанинг қаердан пайдо бўлиб қолганлиги, қандай ўсганлиги, ким томонидан, қачон юлиб ташланганлиги ҳикоя қилинмайди. Балки шоир топталган бинафшани кўргандан сўнг ўзида пайдо бўлган кечинмаларни, ҳиссиётларни акс эттиради. Лирик асарларнинг ўзига хослиги шундаки, улар ўқувчиларни тезда ўзига ром қиласиди. Уларни шоир тушган ҳолатга яқин аҳволга солиб қўяди. Лирик турдаги асарларнинг ҳам рубоий, туюқ, тўртлик, мухаммас, ғазал, мурабба, мусаддас, мусамман, муашшар, сонет ва ҳоказо жанрлари мавжуддир.

Сиз ўзингизни бир қадар таниб, атрофдагиларнинг гапини тушунадиган бўлганингиздан буён жуда кўп теле ва кинофильмлар томоша қилгансиз. Аввал боғчангиздаги саҳнада, эндиликда мактаб саҳнасида катта-кичик интермедиялар, спектакллар кўргансиз ва кўрмоқдасиз. Айримларнинг театрларда спектакль кўрган ёки радио



орқали пьесалар тинглаган бўлишингиз мумкин. Мана шу сиз кўрган ва эшитган томошаларингиз асосида ҳам бадиий адабиёт ётади.

Қизиғи шундаки, бу хилдаги асарларда муаллиф мутлақо иштирок этмайди. У на ҳикоя қилиб беради, на ўз кечинмаларини, туйғуларини билдира олади. У образлар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг тақдири, феъл-атворларини холисона кўрсатиб бера олади, холос. Бу хилдаги асарлар драматик асарлар деб юритилади.

Саҳнада қўйиш учун яратилиб, монолог ва диалоглардан иборат бўлган, асарда тасвирланган воқеаларга ҳам, унда иштирок этаётган образларга ҳам муаллифнинг муносабати бевосита ифодаланмайдиган бадиий асарлар драматик асарлардир. Драматик турдаги асарларнинг ўзи ҳам фожия (трагедия), комедия, драма сингари жанрларга бўлинади.

Эпик тур юонча «эпос» сўзидан олинган бўлиб, ривоя, ҳикоя маъноларини англатади.

Лирика юонларнинг рубобга ўхшаб кетадиган чолгу асбоби (лира) номидан олинган ва лира жўрлигига айтиладиган ижрочининг кечинма ва туйғуларини тасвирловчи қўшиқлар маъносини билдиради.

Драма юонча «ҳаракат» деган маънони ифодалайдиган сўздир. Бундай номланишда адабий турнинг энг асосий хусусияти – сахна асаридаги ифода образларнинг ҳаракатлари орқалигина юзага келиши, билдирилиши ҳисобга олинган.



Топшириқлар.



1. Асарларнинг адабий турларга бўлиниш асосларини айтиб беринг.
2. Эпик турга хос жиҳатларни ажратиб кўрсатинг ва бу турдаги асарларга мисоллар келтиринг.
3. Драматик асарларга хос белгиларни аниқланг ва бу турдаги асарларни эсга туширинг.
4. Лирик турдаги асарларнинг ўзига хос жиҳатларини санаб кўрсатинг.

ЗУЛФИЯ

(1915–1996)



Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилова 1915 йили Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Шоира хотин-қизлар билим юртида ўқиган вақтларидаёқ (1931–1934) адабий тўгаракларда шеърлар машқ қила бошлаган.

Зулфия 17 ёшида ёзган “Ҳаёт вараклари” (1932) биринчи шеърлар тўплами билан шоира сифатида танила бошлади.

Шоира “Шеърлар” ва “Қизлар қўшиғи” (1938) каби поэтик асарларини она Ватан ва унинг дала, чўлларида меҳнат қилаётган пахта-корлар, механик, тракторчи қизларнинг қайнок ҳаётларига бағишлайди.

Уруш даврида шоиранинг “Уни Фарҳод дер эдилар” (1943), “Хижрон кунларида” (1942) каби тўпламларининг нашр этилиши Зулфиянинг пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан нишона эди. Тўпламдаги шеърлар Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва ғалабага ишонч руҳида яратилганлиги билан характерлидир.

Шоиранинг урушдан сўнгги йилларда ёзилган “Далада бир кун” (1948), “Тонг қўшиғи” (1953) каби бир қатор шеърлар туркуми, “Мен тонгни куйлайман”, “Юрагимга яқин кишилар” (1958), “Куйларим сизга” (1965) тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади.

Зулфия “Ўйлар”, “Шалола” каби шеърий мажмуалари учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори бўлган. Ҳинд мавзусидаги шеърлари учун Жавоҳарлал Неру номидаги халқаро соврин, тинчлик ва дўстликни тараннум әтувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари харакатидаги фаол иштироки учун халқаро “Нилуфар” мукофотига сазовор бўлган. У 1956 йилда Осиё ва Африка ёзувчиларининг Дехлида ўтказилган биринчи конференциясида қатнашиб, машҳур “Мушоира” (1958) асарини яратди.

Унинг шеърлари рус, инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шоира Некрасов, Лермонтов, В.Инбер, Леся Українка, Эди Огнецвет, М.Дилбозий, Амрита Притам асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Атоқли шоира 81 ёшида, 1996 йил августда вафот этган. У Меҳнат Қаҳрамони эди.

СЕН ҚАЙДАСАН, ЮРАГИМ

Қалб бўлганда йироқда,
Ирода экан ожиз.
Дўстлар ҳам кўп атрофда,
Аммо мен якка-ёлғиз...
Бирдан қалбим кексариб,
Қон ҳам қочди юзимдан.
Сен – сирдошни ахтариб,
Хаёл кетар изингдан.
Қайга кетдинг, юрагим,
Битди бардош ва тоқат.
Суҳбатингдир тилагим,
Тилда ҳасратим қат-қат.
Кўпдир айтажак сўзим,
Ўгитларингга зормен,
Йиғлайсан деб дўстларим
Таъна қилар. Нетай мен?
Совуш бермайди менга
Ёқиб кетганинг олов.
Нетай, етмайман сенга,
Ўртага ташланган ғов.
Ишққа маскан юрагим,
Топиб бер деб қистайди.
Нима қилай, бераҳм –
Руҳим сени истайди.



Савол ва топшириқлар.

- Шоира ижодида ота-онасининг ҳамда Ҳамид Олимжоннинг тутган ўрни ҳақида фикр билдиринг.
- Нима сабабдан шоира илк тўпламини “Ҳаёт варақлари”деб номлади?
- “Кластер” стратегияси орқали шеър матнига таянган ҳолда юракнинг нималарга қодирлигини аниқланг.
- “Синквейн” стратегияси асосида шеърга ўз жавобингизни ёзинг.
- Шеърни ёд олинг.

БОҒЛАР ҚИЙФОС ГУЛДА

Боғлар қийғос гулда – яхлит бир чаман,
Ҳар дараҳт анвои бир тароватда.
Бир кафт боғ меҳнату ҳосилга ватан,
Үзга кўрк, ўзга ранг ҳар бир дараҳтда.
Ҳар навда бир гулда, ҳар гулда бир рўй,
Ҳар дараҳт барги бир дунё ҳикоя,
Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк,
Бири-бири учун қудрат, ҳимоя.
Ватаним кўзимда: қай бурчи азиз,
Билмам, қайда толе серзавқ, сержило?
Ялпи тўлишади бедахл юртимиз,
Нақ ҳар қаричи дил, жон томир гўё,
Бир қардош тинчисиз – ўзга беором
Бирининг нонисиз – ўзга эмас тўқ...
Бу – қадим дунёда янги бир олам,
Бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўқ.
Таянч бўлмасайди одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай баҳт.





ОЙДИНДА

Жилиб-жилмас тўлин ой,
Булут хаёлдай енгил,
Ой анҳорда қулун той,
Гилосда шифил-шифил.
Яхлит ойнадай бўлиб,
Ховузга ёйилган у.
Эгилсам – тубдан тўлиб
Ўзим чиқдим рўбарў:
Атрофим тўла саф-саф,
Минг-минг юлдуз ора ман.
Барин сидирға чайқаб,
Ерга судраб бораман.
Ерда: новда, гул, барглар,
Акси кашта сингари.
Сел унутган кўлмаклар
Мисли ойнинг сингани.
Ёнади парча-парча.
Шабнам нақ ел сочган чўғ.
Ҳар нурда шодлик қанча,
Ҳар соя сирга тўлиғ.

Сайхонлар нақ нур майдон,
Уйқуда барча товуш.
Инида ухлар нодон,
Латофатни сезмас қүш.
Үзимга ташлайман кўз:
Кўксим, қўлимда шуъла.
Осмонга тутаман юз,
Ел силар ёғду қўл-ла.
Эҳ, умр ярмин ютиб,
Ўтган тунлардами айб?
Энди бу кўркни тутиб,
Кундузга бермасам ҳайф?



Савол ва топшириқлар.

Г

1. “Боғлар қийғос гулда” шеърини ифодали ўқинг ва асарнинг фоясини аниқланг.

2. Фикрингизни расм билан тасвирланг.

Ж

3. “Ойдинда” шеърини ифодали ўқинг. Шоиранинг бошқа шеърлари билан қиёсланг. Бунда “Венн диаграммаси” стратегиясидан фойдаланинг.

4. Шеърда акс эттирилган манзара расмини чизинг.

Ж

5. Асарда қандай шеър воситалари ишлатилган? Жадвални тўлдиринг.

Шеър воситалари	Мисоллар
Ўхшатиш	
Сифатлаш	
Қиёслаш	
Каршилантириш	
Риторик сўроқлар	

6. Зулфия номидаги мукофот кимларга ва нима учун берилади?

Я

7. Шеърни ёд олинг.

ТОНГ КУЙЧИСИ

Ўзбек поэзиясида Зулфия деган номнинг чақнаб пайдо бўлиши – тонг юлдузининг туғилишига тенг воқеа бўлгани ҳамон эсимда, ўша тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин ҳақиқат бу ўзи! Ўша кезда аёл зотидан қўлига қалам олганлар саноқли ва пайдо бўлиб улгурмайин сўлиб қолар, ижодлари ҳам умумийроқ, бир-биридан фарқсизроқ, ибтидоийроқ, жўнроқ, назмгўйликдан нари ўтолмаган машқлар, ўхшатмалар эди. Давр ва поэзия аёл эрки, аёл қалби, изтиробга лиммо-лим она тимсоли,



она армонлари, она бахтини, она дилини күйлашга қодир бир онабошига муҳтож ва интизор эди. Зулфия ана шу бўшлиқни тўлдириб қўлига соз олган, ўша чанқоқликни қондирган биринчи аёл, биринчи куйчидир. У биринчи машқлариданоқ тонгта маҳлиё. Буюк ва пок тонг гўзалликларига ошиқ, тонгни қадрлашга фидойи, жасоратли ва уринчоқ куйчи бўлди. Зулфия судралиб юргани йўқ, ҳар янги шеърида илгарилаётгани аник, парвозга узоқ йиллар тайёргарлик кўргани кундай равshan, сатрмасатр, бандма-банд, шеърма-шеър теранлашиб, ярқираб, бурролик ва жаранг касб этган қалам соҳибасидир. Бу фазилат... ўз-ўзидан қўлга кирган эмас, албатта. Узлуксиз меҳнат, уриниш-изланишдан, тунлар уйғоқ ўтганидан, ўқиганидан, ўрганганидан ҳосил бўлди...

Иккинчи жаҳон уруши дунёга хавф солганда, эл бошига оғир айрилиқлар, ҳижронлар тушганида ҳам Зулфияхоним овози тиниб қолгани йўқ, балки янги жаранг, ўқтамлик зиналарига кўтарила олди. Бу оғир йиллардаги умумшеърият оқимида Зулфияхоним овози ёрдан жудо ёш келин, ўглидан жудо онаизор дилининг оғир изтироблари ифодаси бўлди. Бу оғир йилларда Зулфияхонимнинг ўз бошига ҳам оғир жудолик тушди. Ўсал бир тасодиф қурбони бўлиб, унинг умр йўлдоши ва мураббийси, дўсти ва суюклиси Ҳамид Олимжон оламдан ўтди... Бу айрилиқ Зулфияхоним учун ниҳоятда оғир бўлиши табиий, ахир!

Қадимда буюк хинд ҳалқида мурдани ёндириш одати бор эмиш. Ҳайратомуз ва даҳшатли томони шундаки, ўлган эркакни ёндиригандан унинг тирик аёли ҳам ўтин устига чиқиб ўтирас ва бирга ёниб кетар эмиш.

Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди менинг назаримда. Ҳануз ёнмоқда... Ўша ишқ, ўша суқ, ўша вафо – Зулфияхоним шеъриятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди.

Кўклам келганда, ўрик гуллаганда, дарё бўйида, тоғ этакларида, дўстлар гурунгига, олис-олис юртларда ҳамиша ва ҳамма жойда шоира кўз ўнгидан ўша азиз ва ёрқин шоир тимсоли нари кетган эмас. Ҳамид Олимжонни соғиниб жаранглаган шеърлар кишини лол қолдиргудек даражада Ҳамидана! Ўшандоқ содда, ўшандоқ аник, ёрқин ва дадил! Ўшандоқ асил, ҳақиқий шеърият!

Икки ирмоқдан бир жилға оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири ҳамон оқмоқда. Ўша жилға, ўша оқим, ўша мавж, ўша тўлқин! Зулфияхоним бу жилғада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқмоқда. Унинг йўқлигини билдириш хаёлида ҳам йўқ, тўлиб-тошиб оқмоқда.

Зулфияхоним шеъриятида вафо мотивлари билан бир қаторда ватанпарварлик, она табиатнинг моҳирона чизгилари, она тупроқ қўшиклари, қардошлиқ қўшиқлари, оналик фахриялари, ватандошлиқ садолари ҳам энг гўзал мавзуларданdir.

...Жаҳонгашта ва тинимсиз шоира асарлари талай-талай халқлар тилида жаранглаб тургани ҳақиқат! Зулфияхоним ўзбек шеъриятини жаҳон минбаридан жаранглатганлардан бири...

Миртемир. 1974.



Савол ва топшириқлар.



1. Зулфиянинг адабиётдаги ўрни ҳақида фикр юритинг.
2. Шоира шеъриятининг мавзуси ҳақида айтинг.
3. Зулфиянинг маҳорати ҳақида фикрингизни билдиринг.



ЛИРИКА ҲАҚИДА

Бадий адабиётнинг уч асосий туридан бири лирикадир. Лирик турдаги асарлар ҳам воқеликнинг инъикоси сифатида яратилса-да, уларда ҳаёт манзаралари батағсил тасвирланиб, изоҳлаб берилмайди. Бу хилдаги асарларда асосий белги воқелиқдаги бирор нарса-ходиса сабабли пайдо бўлган кечинма ва туйғуларнинг ифодасини беришдир. Лирик асарларда ўқувчининг туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир этиш асосий мақсад қилиб олинади. Муаллифнинг ўзигагина алоқадордай туюлган кечинмалар шеърхоннинг ҳам руҳига таъсир этар экан, шу йўл билан уни бироннинг ҳолатини тушунишга ўргатади. Шундай қилиб, шоирда воқелик таъсирида туғилган фикр ва ҳис-туйғуларни ифодалайдиган адабий тур лирика дейилади.

Ҳ.Олимжоннинг бевақт ҳалок бўлиши туфайли Зулфияда пайдо бўлган ғамгин туйғуларнинг шеърий ифодаси лириканинг намуналариdir. Айни вақтда бу шеърлар фақат шахсий аҳамиятга эга бўлмай, барча инсонларга хос покиза туйғуларнинг ҳам ифодалариdir. Шоиранинг «Ойдинда» шеъри ҳам баҳорий ёмғирдан кейинги ойдин кечани томоша қилиб, ўлканинг гўзаллигига лол қолган кишига хос кайфиятни бера билганлиги билан барчага қадрлиdir. Лирик асарларда воқеликнинг ўзини эмас, балки унинг инсон туйғуларига хос таъсиранликни тасвирлаш муҳим ўрин тутади.



Савол ва топшириқлар.

1. Лирик асарларнинг мақсади нима?
2. Лириканинг ўзига хос томонларини айтинг.



ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

(1940–2005)

Шукур Холмирзаев замонавий ўзбек насрининг забардаст вакилларидан биридир. У адабиёт майдонига 1950 йилларнинг охирида кириб келди. Дастребаки асарларидан бошлаб ҳаётнинг ўзига яқин ва таниш жиҳатларини қаламга олди, тасвирда самимийликка интилди, қаҳрамонлар руҳий олами таҳлилига алоҳида эътибор берди.

Ш. Холмирзаев 1940 йилнинг 24 марта Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Шаҳидлар гузарида дунёга келди. Отаси Файзулла Холмирза ўғли асли Булунғурдан бўлиб, шўролар тузумининг дастребаки даврида юқори лавозимларда ишлаган. Бойсундаги ўрта мактабни тугатгач, 1957 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига ўқишига кирди ва уни 1962 йилда битирди. Шундан сўнг Тошкентдаги бир қатор нашриёт ва газета-журналлар таҳририятларида меҳнат қилди.

Шукур Холмирзаев жуда эрта ижод қила бошлади. Унинг дастребаки китоблари талабалик вақтида чоп этилди. Адаб «Оқ отли» деб аталувчи биринчи қиссаси биланоқ, ўқувчилар эътиборини қозонди. «Тўлқинлар» қиссаси эса машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таҳсинига сазовор бўлди. Ш. Холмирзаев илк қадамлариданоқ адабиётга ўзига хос овоз, ўзгacha тасвир усули ва алоҳида бадиий идрокка эга ёзувчи кириб келганлигини кўрсатди.

Ш.Холмирзаевнинг «Оқ отли» (1962), «Тўлқинлар» (1963), «Ўн саккизга кирмаган ким бор» (1964), «Тақдир башорати» (1968), «Йўллар, йўлдошлар» (1973), «Юр, тоғларга кетамиз» (1976), «Чўлоқ турна» (1978), «Тупроқ кўчалар»(1978), «Қуш тили» (1982), «Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари» (1984), «Тоғларга қор тушди» (1986), «Абдулла Наби ўғлининг сўнгги кунлари» (1983), «Эсиз, Эшниёз!» (1988), «Булут тўсган ой» (1997) каби ҳикоя ва қиссалари ўқувчилар эътиборини қозонган. Адабнинг «Сўнгги бекат» (1976), «Қил кўпrik» (1984), «Йўловчи» (1987), «Олабўжи» (1991), «Динозавр» (1996) асарлари ўзбек романчилиги тараққиётида ўзига хос ўрин тутади.

1991 йилда адигба Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилди.

Ш.Холмирзаев биринчи навбатда ҳикоянавис сифатида тан олинган ёзувчидир. Адаб насрнинг бу мўъжаз жанрида инсон табиатига хос руҳий



изтироблару туйғулар товланишини бутун мураккаблиги билан кўрсата олади. Унинг «Ёввойи гул», «Баҳор ўтди», «Битиктош», «Яшил нива», «Озодлик», «Ўзбеклар», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош кўчса», «Устоз», «Кўк денгиз», «Табассум», «Шудринг тушган бедазор», «Хумор» сингари ўнлаб баркамол ҳикоялари бу кичик адабий жанрнинг ёрқин намуналариданdir.

Шукур Холмирзаев 2005 йил 29 сентябрда Тошкентда вафот этди.

ЎЗБЕКЛАР

(Ҳикоя)

...Мен бир воқеани айтиб берай.

Иккинчи курсда пахтага бордик. Ўша Бўка раёнига¹. Четдаги бир колхозига. Мана шу ўзимизнинг Сурхон воҳасига ўхшаб кетадиган жойлар экан: ҳар қадамда қиёқлар ўсган. Боғ-боғ ёш қамишни таги билан ўтқазиб қўйгандай. Ери жиққа ажриқзор. Мол ўтлайдиган, болалар чиллак ўйнайдиган ер-да!

Қадрдон, мен унинг ўзимга, мана шу кўнгил қурғурга ёқсан жойини айтдим: бунаقا жойлар ёқади-да!

Хуллас, ана шу ажриқзордан сал ўтгандан кейин қишлоқча бошланади. Йигирма-ўттиз хонадон турса керак. Томлари бари лойсувоқ, деворлари гувала. Биз борганда жами томларга пичан уюлган, ёмғир ёғиб ўтган пайт эди, пичанлар сап-сариқ. Баъзисининг устида ёш болакайлар ўтиради.

Бизни кўриб қийқириб юбориши. Бечоралар... Тошлоқ кўчада машинамиз тўхтади. Ўқитувчилар ўзаро келишдилар. Бизни шу ердан буриб, пастликка эндириб кетиши.

Битта бригадирнинг битмай қолган пешайвонли иморатига жойлашадиган бўлдик. Буям шунчаки сомон сувоқ қилинган. Дераза ромлари йўқ. Ер зах. Одатдаги... бараклардан² фарқсиз эди. ...Болалар орасида мендан ёши улуғлари кўп эди, бирлари армияни битириб келган, бирлари техникумни... Биз энди, ўзингиз қатори ўнни битирибоқ, университетга кира қолган эдик. Шуни айтиш керакки, савод масаласида ҳам улардан кам эмас, баъзан баландлик ҳам қилиб қолардик, ҳар қалай ўнни битириб тўғри институтга кирган боламиз. Билимлар ҳали свежий³... Бундан ташқари, ўзингизга маълум, камина кутубхонанинг, айниқса, фундаментал⁴ кутубхонанинг фаол ўқувчиларидан.

¹ Раён – лотинча «район» сўзининг бузиб айтилиши, «туман» маъносини англатади.

² Бараклар – ҳашарчилар учун пахтазорнинг ўртасига қуриладиган ҳарбийча омонат бино.

³ Свежий (русча) – янги, унутилмаган маъносида.

⁴ Фундаментал – асосий маъносида.





Лекин уятчанлигимиз ҳам бор. Барибир... Қишлоқимиз-да, түғриси. Балки «уддалик» бобида ҳам анча жүн әдик.

Йўқ? Э! Сизни ўша уйга жойлаб қўйса, нима қиласардингиз? Колхоз идорасидаги буғалтирнинг хонасидан печни қўпориб келармидингиз? Келолармидингиз? Йўқ. Дераза ўрнига нима тутар әдингиз? Тўл¹ ... Уни қаердан топардингиз? Ана шундай...

Ўрмон деган бир курсомимиз² бор әди. Новча, ориқ йигит. Уч йил университетга киролмаган. Сибирга помидор, пиёз обориб сотган. Поезддаги саргузаштларини эшитсангиз ҳее... Пишиқ болаларда! Комсоргимиз³ ҳам Азимжон деган йигит әди. Нуқул Ремарк билан Хемингуейни ўқиб: «Бизнинг ёзувчиларимиз ёлғончи», – деб юарди. Мен? Албатта, унга қарши турадим!..

Шундай қилиб, жойлашиб олдик. Ерга похол тўшадик, устига чодир ёйдик. Кейин кўрпа-тўшакни ёздик.

Чойнак, челак ҳам топиб келишди.

Кеч бўлиб қолган әди. Биласиз, дастлабки кеча ухлаш қийин. Латифа айтишарди болалар: «Сиз кўрган ўша афанди, сиз билган ўша афанди...»

Болалар дарҳол тўрни, ён томонларни эгаллаб олишгани учун менга эшик оғзидағи жой теккан әди, билмадим, кечаси эшик очилиб кетганми, саҳар турсам, бурним битиб қолган.

¹ Тўл – нам ўтказмайдиган сақичли қалин қора қофоз.

² Курском – курс бошлиғи маъносида.

³ Комсорг – шўролар давридаги ёшлар ташкилотининг кичик етакчиси кўзда тутилган.

Хавода зилдек оғир, қорамтири булутлар айланар, лекин этакдаги пахтазор яққол күзга ташланар эди. Иккинчи теримдан чиққан. Күп ғүзалар барг түкиб, сарғайиб қолган.

Айвон устунига суюниб, томоша қила бошладим. Пахтазор четида тутлар. Ўша тутлар... У ер-бу ерда чугурчуқлар галаси учади. Тутзорнинг нариги томонида бўзранг бир узун иморат кўринарди. Унинг олдида бакни¹ қайнатишяпти шекилли, карнайидан қизил аланга чиқиб қоларди.

Кейин, шундоқ пастликдаги пахтазорни биздан ажратиб турган ариқ бўйидаги ёлғиз кулбага кўзим тушди. Унинг ҳам томига пичан босилган. Пичан устида чумчуклар ғужгон чириқ-чириқ... Ариқ бўйида эса бир қорақалпоқ курсдошим, ҳа, ўша – Сапарбой майкачан бўлиб чопиб юрибди.

Бет-қўлни ювгани пастга эндим.

– Ечин. Югур. Физкультура қил! – деди Сапар.

– Э, пискултурам чиқиб турибди, – дедим.

Шунда қарасам, ҳалиги кулба... одам яшайдиган уйча экан. Мен, билмадим, уни бостирма деб ўйлабмидим, ҳайрон қолдим. Кичкина деразаси бор.

Уйчанинг олдида эса, биласизми нима, ўрмак... ўрмак тикилган.

Бир аёл катта таёқ билан гурсиллатиб уриб, калавани қатимлар орасидан у ёқ-бу ёққа отиб, шолча тўқияпти. Секин унга яқин бордим. Бу манзара ҳам бизнинг кўнгилга яқин-да, қадрдон!

Аёл шарпамни сезиб, бошидаги гарди рўмолини пешонасига туширди.

– Салом алайкум, ҳорманг, опа! – дедим.

– Қелинг ука, – деди у. Хуш кепсизлар... Яхши жойлашиб олдингларми?

– Ҳа, раҳмат. Жуда-а яхши жойлашдик... Шу уйда яшайсизларми?

– Ҳа. – деди у. – Хўжайин молга кетган.

Молга кетган!

– Мол ҳам боқасизларми? – дедим.

– Ҳа, колхоз бир отар² бериб қўйган.

«Бир отар!» О, Тошкентда бу сўзларни эшитмайсиз-да, меҳрибоним.

Ана шундай қилиб, буларга бирдан кўнглим илиди.

– Эчкими, қўйми? – дедим.

– Аралаш.

Қарасам, уйчанинг нариги томонида узун қўра бор. Тевараги шоҳшабба билан ўралган. Секин ўтдим. Қий³ ҳиди... Ҳа-ҳа-ҳа! Қўранинг

¹ Бак – кўпчиликка мўлжалланган чойдиш.

² Отар – Бир чўпон-чўлиқ томонидан боқилиши, бир қўрага қамалиши мумкин бўлган қўйлар тўдаси.

³ Қий – қўй қумалоги, тезаги.



энгарагидан қарадим: етмиш-саксон майда мол сиғаркан... Мен нимагадир бу ерларда ҳам одамлар фақат пахтани билади, деб ўйлардим. Энди денг, мол туфайли пахтаям кўзимга юз чандон яхши кўриниб кетди. Бунинг устига ҳаво юмшоқ. Гўзалар ювилган, намхуш. Барглари, поялари сариқ. Ариқчада тиник, зилол сув оқяпти... О! Ўша пайтлар Бўкадаям сувлар тоза бўлгич эди. Химикатлар ҳам кам сепиларди, назаримда. Лекин мен бу томонларига эътибор қилмаганман... Чунки ўзимиз тарафдаям химикат, сув нотоза, ул-бул деган гаплар кам бўларди.

Хуллас, мен Сурхоннинг бир бурчагига келиб қолган эдим.

Шу пайт уйдан – ётоғимиздан болалар ҳам бирин-кетин кўзларини уқалаб, ҳар ёққа қараб тушиб кела бошлади. Баъзиси Сапарга қўшилиб чопишга тушди. Баъзилари пахтазорга оралаб кетишиди. Ўрмон ака ўрмак тўқиётган аёлнинг қошига келди.

– Қалайсиз, опа? Ҳорманг!

– Бор бўлинг, ука... Келиб зап иш қилдиларинг-да...

– Ҳа, энди, сизларга ёрдам бермасак бўладими? Қўқ чой борми? Куруғидан.

– Бор, бор. – Аёл этагини апил-тапил тушириб, тароқни ташлаб, кулбага кириб кетди. Оёғида эски кирза этик, узун соchlари учида сочбоғ. Ранги ўнгиб кетган кўйлаги ғижим. Сал ўтмай бир банка билан бир парча газета кўтариб чиқди. Газетани Ўрмонга бериб, устига банкани энгаштирди. Бир ҳовуч чой тўкилди, Ўрмон:

– Бўлар, раҳмат, – деди.

– Қерак бўлса...

– Қерак бўлса, яна сўраймиз...

– Бемалол, оғажон. Ҳе, пахта, пахта... Мана, сизлар ҳам ўқишлиарни қолдириб, ота-оналарингни ташлаб келдинглар. Барака топинглар. Раҳмат...

– Энди, териш керак-да! – деди Ўрмон ака... – Ҳа, пахтанинг килограмми неча тийиндан?

– Шу, ўн тийинми, беш тийинми, мен кўпам фарқига бормайман.

– Э! Ундей бўлмаса керак! – деди Ўрмон ака. Қейин кулди. –

Язнамиз¹ билсалар керак?

– Ҳа. У киши биладилар.

– Яхши... Сизлар бирон ёқдан келганмисизлар дейман?

– Йў-ўқ, биз шу ернинг одами.

– Бундан бошқа участкаларинг ҳам бордир-да?

– Йўқ, оғажон. Бори шу... Буям яхши. Ўзимиз уч жон. Жиянингиз отаси билан кетган... Чўпон бўламан дейди. Ҳали-замон кеп қолади. Чойни қаерда ичасизлар?

– Чойни? Ҳм, бугун энди ётоқда... Кейин яна ўйлаб кўрамиз.

¹ Язна – почча.

Мен Ўрмон акани ҳозир қитмир¹, суқатой² қилиб таърифлаётганга ўхшайман. Йўқ, бир ҳисобда у ўзича ҳақ эди: бизниям ўйларди, ҳарқалай.



Савол ва топшириқлар.



1. Талаба тасавурида Сурхон ва Бўка тасвири.
2. Ёрдамчилар жойлашган жой ва қишлоқ ҳақида айтинг.
3. Қўшнилар билан мулоқот юзасидан фикр юритинг.
4. Ўрмон ва Азимжонларга Эргаш қандай тавсиф берган ва уларга муносабатингиз.

II

Шундан кейин теримга жўнадик.

Кун чиқиб, уям сарғайиб нур сочяпти. Биз этакларни бўйинга илиб, худди ошалолга³ кетаётган подачидай боряпмиз. Э, дўстим, менга мана шундай кун зарда бериб чиқаётганда намхуш сўқмоқлардан юриш ҳам ёқади-да!

Тепангда чуғурчиқлар ўйнайди. Оёғингга ҳўл япроқлар ўралашади. Унда-бунда хирмон жойлардан буғ кўтарилади. Кўрганмисиз? Фўзанинг қавачоги ёнишга маҳтал бўлади. Узоқ вақт уюлиб ётса, тутун ҳам чиқиб кетади.

Ўша куни тердик. Уят ўлимдан қаттиқ... Эл қатори тердим. Лекин бурун очилмади.

Қайтаётганимизда ҳалиги кулба биқинида қозон қайнаётган экан. Энди Азимжон aka қозонга яқин бориб, ҳидлаб кўрди-да:

- Ош, – деди бизга қараб.
- Ху, – деди Ўрмон aka, қозон кичкина экан-да.
- Юринг, юринг.
- Шошманг, ҳо хўжайин!

Уйчадан каловланиб, қотма, қора чопонининг тирсаклари йиртилиб пахтаси оқкан, соқоли ўсиқ,чувак юзли йигит чиқди. Худди ўнгирини босиб оладигандек сурилиб-шошиб келиб, биз билан бир-бир кўришди.

– Хуш кепсизлар, хуш кўрдик! Қани, уйга марҳамат!
– Олдин ювиниб олайлик-чи, – деди Ўрмон aka. – Айтмоқчи, бир укамизнинг томоғи шамоллаб қопти. Бурнинг ҳам битган-а? – деб сўради мендан. – Шу, шу... Дори-пори топиладими? Медпунктларинг марказда экан, бу ер – Камчатка⁴.

¹ Қитмир – қув, шум.

² Суқатой – очкўз, назари паст.

³ Ошалол – подачиларнинг иш ҳақи ўрнига оладиган егуликлари, ошжалол.

⁴ Камчатка – бепоён Россиянинг шарқий нуқтасидаги ер. Бир четдаги овлоқ жойлар «олис, одам оёғи етмайдиган» маъносида шундай аталган.



– Э, топилади-да. Дори топилади! – Йигит этигини қўлантаёқ ки-
йиб чиққан экан, оёғидан тушиб қоладигандек талпанглаб уйга кирди.

Кейин бир боғ итузум¹ олиб чиқди.

– Шу бўлади, томоқقا боғласалар, – деди.

– Бўлди, бўлади! – дедим. – Озгинаси бўлади.

– Э, озгинани нима қиласан? – деди Ўрмон ака. – Ҳали яна керак
бўлади.

Итузумни олиб ётоқقا келдим. Унга тикиламан: таниш-да бу
ўсимлик ҳам! Қадрдон, биздаям бир момо бўлгич эди. Бобомиз
босмачиларнинг отларига ҳашак бергани учун «халқ душмани» деб
отилиб кетган, ундан қолган ўн бир қурсоқни² боқаман, деб умрини тоқ
ўтказган кампир эди. Уларниям бирин-кетин яратганига топшириб,
бизнинг маймоқ ота билан қолган...

Ўша кампир даволарди шунаقا итузумлар билан... томоқлари-
мизни. Тилдан терсак³ чиқса, оқ гулбўтани⁴ қуритиб-эзиб, кукунини
сепарди. Ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетардик.

Омборимизда мана шундай итузум боғларидан ёғоч қозиқларга осиб
қўярдилар.

Биз ҳам девордаги бир михга осиб қўйдик. Кейин мевасидан бир
ҳовуч олиб, бўз этакнинг четидан бир парчани йиртиб, мевани эзиб-
эзиб томоқقا кўтардик.

Эртаси кўзимиз чарақлаб очилиб, теримга чиқиб кетдик.

Бизга чой қайнатиладиган бак ортидаги кулбаларнинг орқасида
ҳудудсиз далалар бор, биз ўша ёқда пахта тердик. Ҳар жой-ҳар
жойда митти-митти шийпончалар қўққайиб турарди. Ери зах,
деворлари қабариб кетган, атрофида тупроқ ўйнаб ётар, унда сичқон-
каламушларнинг излари кўп эди.

Биз гоҳо ўшандай кулбачаларга кириб дам олардик.

Мен ўзим ўшанақа жойларда изғишини яхши кўрардим. Шундай
шийпончаларнинг яқинидан, албатта, бирон ариқ ўтган бўлар, унинг
қирғоқларидан қамишлар ғовлаб кўтарилиган, қамишлар ичида
турфа тиканлар қизил, сариқ бўлиб гуллаган, ўшаларнинг ҳам ёлғиз
томошачиси биз эдик.

Баъзан эгатлар ичида тарвуз, қовун палаклари чиқиб қоларди.
Албатта, битта-иккита буришган, тиришган туйнак⁵ бўларди. Аммо уни
ёриб есангиз мазаси тилни ёради. Э, азизим, менга, бир фақир студентга
шундай туюлган-да! Бўлмаса ичи тушган, айний бошлаган тарракнинг
нимаси ширин? Балли, одам деган мундай инжиқ бўлмайди: борига
каноат қилиш керак...

¹ Итузум – майда қора мевали ёввойи ўсимлик.

² Қурсоқ – қорин. Бу ерда нонхўр маъносида.

³ Терсак ёки терскан – тилга чиқадиган яра.

⁴ Гулбўта – тўғриси «гилбўта». Таъмсиз майнин тупроқ.

⁵ Туйнак – кеч туйгани учун пишиб етилмай қолган қовун-тарвуз.

Теримда эса, ҳамма вақт қорнингиз тўйған қўзининг қорнидек бўлмаслиги ўзингизга маълум... бир туюр гўшту макарон солиб қайнатилган шўлан шўрва мана шундай... жонингизга тегиб кетади, раҳмат.

Хозир пахтани ёмонлаш, унинг меҳнатини энг оғир меҳнат деб аташ модада. Бир ҳисобда ҳақиқатан ҳам шундай. Бироқ, терим пайтидаги романтика!

Тонгларни эсласанг! Тупроғи нам тортган сўқмоқларни. Йироқда арава йўлдан кўтарилиган чангни, уфқдан энди бош кўтараётган қуёш ёғдуларига йўғрилиб, заррин бир тўзонга айланиб туришларини эсланг! Бунинг устига ўша пайтда: «Энг улуғ ишни мен қилияпман! Ўзбекнинг миллий ифтихори учун курашяпман!» деб ўйлаб турсангиз. Битта ўртоғингиз ўйинқароқлик қилиб, камроқ пахта терса, кўзингизга ёв бўлиб кўринса...

Битта гўзал, нозик қиз ипакдек бармоқлари чаноқларга тилиниб, қони чиқиб, дока билан боғлаб олиб, энди зўрга тераётганини кўрсангиз: «Э, шаҳарлик ойимқиз! Сояпар-да, сояпар!» деб ичдан ҳақорат қилас эдингиз.

Ха-да, аввало, ўзим ҳақимда гапирияпман! Ё ҳикоямни тугатиб қўя қолайми?

Майли...

...Расво бўлиб, шалаббо бўлиб ётоқقا етиб қелдим. Эртаси саҳарлаб туриш керак, теримга чиқиш керак. Ёмғир, қор – пахтанинг олдида капейка!¹

Кийим-бошни ювиб, печга тутиб сал-пал қуритдим. Кейин бир доно ўртоқнинг маслаҳати билан: «Тўшакда қуриб қолади», деб кийиб ётдик.

Эртаси расвогарчилик.

– Жуда нозик экансан-да, шоир, – деди Ўрмон ака. Нозик, хаёлпараст одамларни «шоир» деб аташ ўшандан расм бўла бошлаган эди.

...Сапарбой – ҳалиги қорақалпоқ йигит менга яқин эди... Шу йигит:

– Қол, сен учун икки фартук² териб бераман, – деди.

Икки фартук пахта – бу оламжаҳон меҳнат! Бу – камида иккича минг марта эгилиб-кўтарилиш дегани. Яна қанча машаққати бор... Кўнглим бузулиб, унга қандай миннатдорчилик билдиришни билмай қолдим. Бошим айланар, ичим ўз-ўзидан ёниб кетаётгандек эди. Азимжон ака ҳам пешонамга қўл қўйиб:

– Қолинг. Мумкин эмас. Жон ҳам керак, – деди. Қаранг, одамлар қандай реалист.

¹ Капейка – русча «копейка» сўзининг бузилгани. «Бир тийин» маъносида.

² Фартук – этак.



Қолдим. Болалар кетиши. Уйда ётиб қолган бемор учун ҳам шарт шу эди: у ёқ-бу ёқни супуриб, тозалаб қўйиши керак. Биратўла қутулай деб уйни супурдим. Айвонларниям тозаладим. Ахлатни иморат орқасига ўтиб тўкиб қайтаётган эдим, бир манзарани кўриб қолдим.

Жўхорипоя четида ёввойи супурги панасида битта ўн-ўн бир ёшлардаги болакай қўлчаларини тиззасига тираб нари томонга қарайяпти. У ёқда бўлса, пахса деворга тақаб тўкилган сомон остида бир сариқ ит ётибди.

Мен ҳам қизиқиб, боланинг ёнига бордим. Шунда ит ғингшиб, сапчиб турди-да, девордан липпа ошиб ўтди. Салдан сўнг муштдек кучукваччани тишлаб, бу ёққа сакраб ўтди. Ерга қўйиб ялади. Яна ётди.

– Кизиқ-а? – дедим.

Бола чўчиб тушди. Афт-башараси кир, телпагининг қулоғи пешонасига тушган эди.

– Ҳа, – деди у ташвиш билан. – Бу ер кўча, опкетишади болалар... Мен боласини ҳовлига ўтказиб қўяман, бу уясига олиб ўтади. У ёқ яхши-ку?

Мен хўрсиндим.

– Минг қилсаям ўзининг уйи-да... Сен кимнинг ўғлисан?

Одамзод қизиқ-да, а? Унинг кимга ўғил бўлишини менга нима аҳамияти бор денг?

– Ботир чўпонни, – деди.

– Ҳа-а, ордени борми?

– Йўқ, – У фамгин тортиб қолди. Эшимбойнинг ордени бор. Лекин қўйи кам...

Ана, ёш болалар ҳам ўша махинацияларни¹ билишарди.

– Ҳечқиси йўқ, – дедим. – Сенинг отанг ҳам олади. Ботирбой зўр чўпон. А, уйларинг шу девор орқасидагими?

– Э-е! – деди у устимдан қулгандай. – Ана-ку! Сизга отам итузум берганда, мен деразадан қараб туриб эдим... Яна керакми? Кўзингиз ёшланиб кетяпти!

– Йўқ. Итузум бор, – дедим. – Ака-укаларинг ҳам борми?

– Укам ўлди. Доя кампир чала туғилган, деди. Ўлди. Кўмиб келдик.

Кичкина эди.

– Аттанг, – дедим.

Шу ерга келиб жойлашгандан бери ҳалиги аёл билан эрининг яшаш шароити, ётиш-туришини ҳам кўриб турардим: аёл тонг отмасдан уйғонади, сигир соғади, эрини кузатади, кейин ўрмак тўқийди... Кун кўтарила берганда ариқнинг у бетидаги пахтазорга тушади: кечгacha бир қопни тикка қилиб қўяди. Кечаси ҳам алламаҳалгача уларнинг кулбасидаги ёлғиз деразадан ариқ бўйига нур тушиб туради.

¹ Махинация – кўзбўямачилик, фирибгарлик.

Ўрмон ака билан Азимжон ака, тағин уч-тўрт болалар уларнинг чойини ичиб чиққан, бир-икки марта овқатларигаям шерик бўлганди.

Шу нарсаларни ўйлаб: «Иши оғир, бола ташлагандир-да», деб ўйладим.

Биласизми, эй қадрдон, кўзимиз очиқ бўлгани билан ожиз эканмиз-да: сиз ҳам шундай ғариб кулбаларда яшаётган деҳқонни, пахтакорни кўргансиз. Албатта... Лекин буни тан олмас әдик-а? Қандай абраҳ эканмиз!

Тавба, буни тан олишдан уялар әдик. Бирорлардан ҳам яширас әдик.

Шошманг-шошманг, бу ерда гап бор, бу нарса фақат қўрқувдан деб ўйлайсизми?

Гумоним бор. Бечора ўзбекни биласиз-ку ўзи емасдан меҳмонга тутади...

Камбағаллигини яширади. Қизиқ-а? Ҳолбуки, камбағал одам ўз ҳолатига кўниккан бўлади. Яширмайди. Бизникилар негадир... Худди жуда бой әди-ю, бирдан камбағал бўлиб қолгандай. Шунинг учун ўкинч билан буни яширишга интилаётгандай туюлади менга... Балки бошқа бизнинг ақлимиз етмайдиган сабаблар бордир?

Боланинг исми Абдуқодир экан.

Бирга-бирга айвонга келдик.

– Итга тегма, – дедим. – Сенга ўзингнинг уйинг яхши, унга ўзиники яхши.

– Бу ерда ёмон болалар ўғирлаб кетади. Сотади, – деди Абдуқодир.

– Кимга сотади?

– Сотади-да... Битта гектарчи карис олтита кучукни сотиб олиб кетганди.

– Ўқийсанми?

– Бешинчида... Тушдан кейин мактабга борамиз. Ҳей кейинроқ кўракчувиймиз.

– Ўқиши нима бўлади?

– Тўхтайди! – деб кулди у. – Келаси йилдан пахтага чиқамиз!

Мен ҳозир ҳам пахта тераман. Опамга теришаман... Китоб ўқийман.

«Робинзон Крузо» бор. Битта фелшер¹ ташлаб кетган. Ўтган йили...

Укамни кўргани келганди... Мен йигладим. Кейин шу китобни берди.

Яхши китоб!

Азизим, мен ҳам худди шу болакайнинг ёшида ўқиган әдим ўша китобни. Сиз ҳам...

Биографиямиз қанчалик яқин-а?

Ҳикоямни чўзиб юборяпманми? Шошиб қаерга борасиз, қадрдон? Гоҳо мириқиб гаплашиб, ўйлашиб олиш ҳам керак-ку! Ўша дамларни қайтадан яшаб, а?

¹ Фелшер – «фельдшер» сўзининг бузилгани. Кичик тиббий ходим.



У хотиралар одамнинг юрагини тозалайди. Шундоқ ҳам фисқу фужурга, кераксиз кони зиён ўйларга тўлиб кетган бу кўкрак... Сигаретдан чекинг.



Савол ва топшириқлар.



1. Бетоб бўлиб қолган Эргашга атрофдагиларнинг муносабати ҳақида айтинг.
2. Пахтазорни тасвирланг.
3. Эргаш билан бола ўртасидаги сухбат бўйича фикрингизни айтинг.
4. “Биографиямиз қанчалик яқин-а?” жумласини шарҳланг.

III

Шундай қилиб Абдуқодир билан жўра бўлиб қолдик.

Тутзор ортидаги баракда қизларимиз ҳам турарди. Улардан ҳам иккитаси касал бўлган экан, доктор келди. Мениям кўриб, аналгин-паналгин деганларидан бериб кетди.

Уч кун қаттиқ ётдим.

Тўртинчи кун эди, шекилли, айвонга чиқаётсам, Ботир чўпон битта тарвузни қўлтиқлаб пастга тушиб кетди. Шу куни тушдан кейин ҳаво очилиб, кун анча қизиди.

Кечга томон яна уйни супуриб бўлиб, айвон – устун тагида чўнқайиб ўтиргандим. Абдуқодир ярим палла тарвузни кўтариб, пишнаб чиқиб кела бошлади.

Ўзи битта тарвуз олиб тушишган эди...

– Сизга. Енг, – деди. – Отам бердилар. Опам есин дедилар... Кейин кечқурун уйга кирап экансиз.

– Емайман. Раҳмат. Қорним тўқ, – дедим.

– Йўқ. Ейсиз! – деди у мен билан уришадигандай.– Сиз касал. Бу тарвуз яхши экан.

– Емайман.

Абдуқодир турди-да, тарвузни шартта ерга қўйиб, чопиб тушиб кетди.

Болалар теримдан қайтгач, ҳақиқатан ҳам Ботир чўпон чиқиб келиб, бизларни уйига айтди:

– Келинглар, укалар. Бир ошам ош қилган эдик. Сизларга раҳмат.

Бу ерда ота-оналаринг йўқ....

– Э, уйингизга сифмаймиз-ку, – деди Ўрмон ака.

– Қўнгил кенг бўлса, bemalol сиғишамиз, – деди чўпон, – тушинглар.

– Биз ахир йигирма киши!

– Бўлмасам йигитлар, ўнтамиз бугун меҳмон бўламиз. Ўнтамиз кейин! – деди Ўрмон ака.

Мени қўймай олиб бордилар.

Тўрт киши зўрға сифадиган хона эди. Бурчакда ғиштин печ. Оқланган. Лекин чойнинг доғи, ёғ тўкилган. Ерга икки қават палос солинган. Тўрда бир тахмон юк. Энсиз-энсиз кўрпачалар солинган. Тиқилишиб ўрнашдик.

Ботир чўпон илжайиб, қувониб дастурхон ёзди. Қўш-қўш ёпган нон қўйди. Бир тақсимча оқ қандни сочиб ташлади. Кейин икки ҳовуч жийда билан майиз ҳам сочди. Кейин каттакон хум чойнакка кўк чой дамлади.

Икки товоқ палов хаш-паш дегунча йўқ бўлди. Кейин босиб-босиб чой ича бошлиши.

Мен... Қандай ўтирганимни билмас эдим. Қасалликдан тузалмаганим, инжиқлик ҳам сабабдир... Лекин бир бурда нон ейишга истихола қиласдим.

Бу оила – камбағал оила эди.

– Ҳа, пахталар ҳам оёқлаб қолди... Қани, бу яшаш қалай энди? – деди Ўрмон ака. – Йиғинаяпсизлар дейман-а? Ҳа-ҳа-ҳа! Ўзбекнинг одати шу-да: боламга бўлсин дейди...

– Ҳа, энди бизнинг оталар ҳам қилган-да, – деди Ботир чўпон.– Опангизга уйлантириб қўйиши. Элни олдидан ўтдик. Тўй дегандай, ҳаражати бор-да...

– Лекин бизни алдашяпти, чўпон ака! Қунлик меҳнатимиз овқатимизни қопламайди. Бир килога ўн тийин тўлайди. Ҳозир ўн кило териш ўлимдан қийин.

– Ҳа, энди чидаймиз-да, оғажон. Ўзимизни пахта, ўзимизни хукумат.

– Ҳей, тушунмай қоламан-да, бу ишларни!

Аёл мени кузатиб турган экан.

– Шу укамиз ҳеч нарса татимади-да, – деб қолди. Ё бизни писанд қилмаяптиларми?

– Э, нимага... – Оловим чиқиб кетди. – Ўзим шу...

– Ҳе, иштаҳаси йўқдир-да, – деди Ўрмонжон ака. Бўлмаса овқатдан ҳам тортинаидими одам!

– Ҳа, иштаҳам йўқроқ... – дедим.

Тезроқ чиқиб кетгим келарди. Ўрмон аканинг гаплари, сўроқлари жонимга теккан эди... Нима? Э, қадрдон, мени наҳот тушунмайди деб ўйлайсиз? Ҳа-ҳа! Ўрмонжон акаям ўзича ҳақ эди...

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Биз ўзимиз ҳам қорнимиз тўйиб яшамасдик. Биттаси ярим кило қанд обкелган бўлса, бошқа биттаси ўғирларди, бироннинг косасидаги гўштни бирор... Айтишга тил бормайди. Тутаб кетасан киши.

Нима қилишим керак бўлмаса? Ҳадеб қўл узатаверайми? Қўйинг бу гапларни.

Оға! Ўша шароитда сиз ҳам мендан ўзгача тутмасдингиз ўзингизни!



Шу-шу буларнинг уйига қайта кирмадим. Чўпон гапиради, хотини айтади, ўғли чақиради. «Хўп» дейман. Пайсалга соламан.

Уларнинг кулбасига кун ора кириб чиқадиган, дастурхонини қуриладиган болалар кўзимга ёмон кўриниб қолди. Аста-секин улар билан ҳам ҳамдардликни уза бошладим.

Шунда, сиз тасаввур ҳам қилолмайдиган бир воқеа содир бўлди.

Сурункасига ёмғир қуя бошлади. Икки кун овқатсиз қолдик. Шундоқ ҳам кўп болалар қарздор бўлишган эди.

Аста-секин әлчиларимиз қишлоқ кўчаларида изгийдиган одат чиқариши. Кечаси бир маҳалда ўнталаб, ўн бешталаб қовун-тарвуз кўтариб келишади.

Эртаси штабда жанжал: кимдир ҳовлисига ўғри тушганини айтиб шикоят қилиб келган...

Ана, ўғриликкаям ўргана бошладик.

Аммо энг катта ўғрилик... Кечаси довул бўлди. Бир пайт эшик қаттиқ очилиб, шалоббо бўлган Ботир чўпон кўринди.

– Моллар чиқиб қочди! Ёрдам беринглар!

Қўй-эчклиларни нима ҳуркитган – билмай қолдим. Бошқалар қатори чиқиб, излаб кетдик. Қишлоқ кўчаларида денг, ит кўп. Балки бўри оралагандир? Ёмғир бўлса чеъаклаб қуяяпти... Э, кўп изладик. Дабдаламиз чиқиб, қўй-эчклиларнинг бир бўллагини пахтазордан, беш-олтитасини кўчадан, айрим хонадонлардан топиб келдик.

Чўпон эшик оғзида фонар ёқиб, кўзлари жавдираб турибди. Нуқул раҳмат дейди. Аёли алқайди. Ўғилчаси хурсанд... Лекин битта қўзи топилмаган эди.

– Уни ўзим топаман. Сизлар дам олинглар энди... Топсам, ўзимнинг икки қўйимдан биттасини сўйиб, қовуриб бераман сизларга, – деди Ботир чўпон.

– Шундай қилинг-е, бир гўштга тўяйлик, ака! – деди Ўрмон ака.

Биз ётоқقا қайтдик. Энди... яна бурним битти десам, сизниам фашингиз келади.

Майли, бундай дейин. Шу кеча беш-олтита йигит ҳам қаттиқ шамоллаган экан.

Соат иккимиidi-учмиди, нафасим қайтиб уйғониб кетдим. Эшик қия очиқ, ғувиллаб шамол кираётган экан. Тагидан тортдим, яна очилди. Тоб ташлаганми, нима бало. Ирғиб туриб тутқичдан ушлаганимни биламан, бирор эшикни нарёққа тортди. Мен бу ёққа. Қўрқдим. Кейин ланг очиб юбордим. Азимжон ака турган экан.

– Э-е! Баққа ке. Устингга бир нарса ил, – деди у киши.

Чопонни елкага ташлаб чиқсан, устун ёнида Ўрмон ака, Мирзаголиб деган полвон йигит ҳам туришибди.

Мирзаголибининг ҳам ёши мендан улуғ, «Раис» деган лақаби бор, ўзи эҳтиёткор, «қирқоёқ киради», деб кечаси қулоғига пахта тиқиб ётади.

Азимжон ака эшикни зичлади-да:
– Юр. Гап бор. Бўлган иш бўлди... Сен шўрлик ҳам бир маза қил,
– деди.

– Лекин гулдур-гуп, – деди Ўрмон ака.

Уларга әргашиб йўлга чиқдим. Ўрмонжон ака олдинга тушди.
Ёмғир тинган, аммо совуқ кунлардан дарак берадиган шамол эсар, у
уст кийимларимиз ўнгирларини очар, бағримизга ўзини ураг әди. Энди
итларнинг товуши ҳам ўчган.

Биз йўл ёқасидан орқага – қишлоққа бизни олиб келган томонга
кетар әдик.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Ботир чўпоннинг меҳмондўстлигига асардан мисоллар келтиринг.
2. Пахта терими даврининг қийинчиликлари ҳақида айтинг.
3. Эргашнинг чўпонникида бир ошам ҳам ош емаганилиги сабабини
изоҳланг.
4. Талабаларнинг Ботир чўпонга ёрдами тегдими?

IV

Анча йўл юриб қўйдик. Димоғим ҳам очилди анча. Бир-икки марта:
– Қаёққа боряпмиз ўзи? – деб сўрадим.

Улар айтишмади. Кейин бўлса... Хурсанд бўлиб кетдим... Ҳа, зим-
зиё тунда қандайдир сирли иш билан қаёққадир илдамлаб кетишнинг
ҳам завқи бор-да!

Хе, қишлоқ орқада қолиб кетди... Бошда айтганим – қиёқлар
боғ-боғ қилиб ерга ўтқазиб қўйилгандај ажриқзорга етиб келдик. Бу
томонда бир-иккита ит учради, қочиб кетишиди.

Биз Ўрмонжон аканинг орқасидан боряпмиз. Айрим жойлардаги
қамишлар ёндирилган экан, намиққан кулнинг ҳиди анқийди.

Намчил ер фиж-фиж этади.

Алқисса, қамишлар одам бўйи ўсган, чанглга ўхшаш ерга бориб
қолдик. Шунда бир қўзичноқнинг ожиз маъраганини эшитдим. Аммо
ҳали гап нимадалигини, бу сафардан муород нелигини билмасдим.
Оқибат, қамишларга ораладик ва Ўрмонжон ака қўл фонарини ёқди.
Зумдан кейин биз оёқлари қуликлаб¹ боғлаб, ётқизиб қўйилган
қорагина, жиққа ҳўл бўлган, кўзлари йилтираб зўрга овоз чиқараётган
қўзичноқ тепасида турадик.

– Хайрият, – деди Ўрмонжон ака. – Мен дайди итлардан қўрққан
эдим... Эргашвой, чорвани биласан, ит ҳам қўзичноқларни ейиши
мумкин-а?

¹ Қуликламоқ – жониворларнинг оёғини маташтириб боғлаш усули.



– Шундай воқеалар бўлади, – дедим. – Лекин бу кимнинг қўзиси?
– Бизники... Бизники энди. Мирзағолиб, бошланг энди! Мана, менинг пичоғим ўткир, лекин суюкка урманг.

Жуда жўн эканман дейман-да!

– Вей, шуни сўясизларми? – депман.

– Бор. Ҳей, у ердан йўлга қараб тур!

– Йўқ, ахир бу кимники? Балки колхозники, балки... Э, Ботир аканинг йўқолган қўзиси эмасми?

– Оббо, сенга нима деяпман! – деди Ўрмонжон ака, елкамдан ушлаб орқага бурди. – Бор-да энди. Колхознинг ёнини оладиганни кўрдик! Колхоз... Падарига лаънат! Бизни очдан ўлдиради! Ботир ҳам бир қўзидан айрилса, очдан ўладиган кимса эмас!

– Ахир инсофларинг...

Шу иш билан бу йигитлар тарбияланиб қолармиди? Йўқ! Мен ўшандা фақат нафратланар, ночорликдан фифон чекар эдим.

Тўғри, қишлоқ томонга бир-икки қадам босдим. Лекин чамаси, курсдошлар орасида ёлғизланиб қолиш, минг бир таъналарни эшитишдан ҳам қўрқдим, шекилли.

Бундан ташқари, англаб олмаган эсам-да, бу йигитлар тўқлийка шўхлик қилмаётганларини ҳам тушуниб турадимки, гарчи бу ҳол уларни оқлашга тирноқча асос бўлмаса ҳам, кўнглимга тасалли, ўз-ўзини алдаш дейсизми – шуларнинг бири эди.

Хуллас, мен ўша қўзининг гўштидан бир бўлак емаган эсам-да, барибири ўғриликка шерик эдим.

Ўрмонжон акаям, Азимжон акаям бир ҳафталаргача мендан хавфсираб юришди.

Мен улар билан гаплашмай қўйгандим, холос.

Нима дедингиз?

Ҳа, ўша ерда сўйишиди. Мирзағолиб сўйди. Ҳаш-паш дегунча терисини шилиб, калла-почасини отворишиди. Кейин бир тўп қамишни ёндириб, қўрига жигарини пишириб ейишиди.

Емадим дедим-ку. Ўзимни иштаҳаси йўқقا урдим-да... Жуда бўлмагандан кейин: «Ҳаммаларингдан жирканаман!» – деб четга чиқдим. Кейин кутдим.

Бе-е, чўпонга бориб сиз ҳам айтмасдингиз. Кейин кетдим. Ётоқقا кириб ётдим...

Нуқул йиғлагим келади, уккағар. Ботир акага, аёлига ачинардим. Кейин йигитларимизгаям ачиндим... Ҳа! Улар қачон кириб ётишганини билмайман. Бироқ уч-тўрт кун гўшт қовуриб ейишиди. Йўқ... Қизлар ётоғида ейишиди. Энди, улар ҳам жаннатда эмас эдилар-да, қадрдон.

Сиз ёзувчилар инжиқ одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта, сутдек оқ, мусичадек беозор одамни тушunasизлар. Ҳолбуки, унақалар ҳаётда йўқ. Ундайлар менимча, ғоя... холос. Ҳа-ҳа-ҳа. Сизнинг

гапингиз ҳам «Коммунистик жамият одамининг ахлоқ кодекси»¹ га ўхшаб кетади.

Кодекс чиқдими, демак, бас, одамлар унга амал қилади. Рисолада-гидек бўлади, деб ҳисоблашади баъзилар. Булар – чипуха² гаплар.

Кунлар ўтди.

Қор учқунлай бошлади... Бизнинг, ўзингиз билган тоғларда бундай пайтлар изғишларимиз, сайру саёҳатлар – энди эртак эди. Биз совуқда торс-торс ёрилган қўсакларнинг пахтасини сувга ивитиб олгандек суғуриб олардик.

Ха, икки киши арқон билан бир четдан суриб, ғўзаларнинг қорини тўкишарди. Кейин дикиллаб эгатга кираардик. «Оқ олтин»ни терардик. Бу қурмағур «оқ олтин» этакка тушгач, тугилиб, муштдек бўлиб қоларди. Жиққа ҳўл-да.

А? қандай қилиб қуритиб топширишларини билмайман. Лекин бир-икки хонада уйилиб, сасиб ётганини кўрганман.

Кейин қўсак териш бошланади.

Энди, бизнинг қадрдонлар: Ўрмонжон ака, Азимжон ака, Мирзагалиб, тағин уларнинг сафдошлари – бари сал совуқ ўтди дегунча, ё вақтида бак қайнамаса, Ботир чўпоннинг кулбасига кириб тиқилиб олишарди.

Чўпон билан хотини эса... хурсанд!

Биз энди якқамохов бўлиб қолгандик. Йўқ, сира қирмадим. Қандай қилиб кираман!

Бу ёғига қулоқ солинг.

Қайтадиган бўлдик. Ўзингиз биласиз, бундай кунни ҳеч бир ўқитувчи, бригадир айтмайди... Негалигини ҳамон тушунмайман. Балки теримдан совиб қолади, деб ўйлашадими?

Лекин кулгили жойи шундаки, болалар барибир билишади. Ботир чўпон ҳам билган экан. Эрта жўнайдиган кунимиз ўзлари хотинлари билан келиб қолдилар. Ётоққа... Мен қандайдир хавотирга тушган бўлсам керак, ҳар ҳолда.

– Ассалому алайкум, келинглар, меҳмонлар! – деб юборди Ўрмон ака.

Азимжон акаям болаларга тўшак солишини буюрди. Ботир чўпон қуллуқ қилиб, худди кириб ўтирмаса – биз у дунё-бу дунё юз кўрмас бўладигандек, таъзимлар билан яна уйга айтди.

– Шу, лабз экан, укалар... Тилга олиб қўйган эдик. Битта қон чиқарамиз деб... Шунга қадам ранжида қилсангизлар. Мана, опаларинг ҳам илтимос қиляпти, – деди.

¹ Шўролар замонида яхши одамнинг сифатлари белгиланган шундай ҳужжат бўларди.

² Чипуха – русча «чепуха» сўзининг бузилгани. «Бўлмағур», «арзимас» маъноларида.



Мен тамом бўлдим.

– Э, қандоқ бўларкин... – деди Ўрмонжон ака. – қўзингиз топилса бошқа гап эди.

– Ҳа, ўша кечা биз ҳам яхши изламаган кўринамиз, – деди Азимжон ака ҳам. – Андак хижолатдамиз.

– Э, оғаларим-ей, – деб кулди чўпон.– Биз хижолатда эдик. Ишонасизларми, биз?.. Энди, гапни кўпчувалтирмайлик, укалар. Қўзи топилди ҳисоб. А, хотин? Ҳе, Шодитўқайдан топдик. Ул-булни... Ўзимиз тусмоллаган эдик... дайди итларга ем бўлган-ов, деб... Энди бизни хурсанд қиласиз десанглар, кетар жафосига бир меҳмонимиз бўласизлар...

Кейин, ўзлари ҳам энди теримга чиқмасликларини, фақат ғўзапоя юлишлари ва уйда ўтириб, кўсак чувишларини айтди.

– Қишлоғимизда иккита грек бор, – деди хотини қейин. Бир чеълак ҳалигидай сувдан ҳам олдик.

Ҳайронмисиз, қадрдон?

Мен ҳайронман!

Албатта!

Шу кечаси бир маҳалгача кулбада ўйин-кулги қилиб ўтиришдилар. Ташқарида ҳам давом этди. Мен ўзимни ухлаганга солиб ётар эдим. Йигитлар келиб, чироқни ёқишигач, мен тўғримда тўнғиллай-тўнғиллай ўтиришди.

Кўпчилигининг кайфи бор эди. Қайфдаги одамнинг гапига ишониш қийину, лекин... Ҳа-ҳа, ўша, худди ўйлаган гапингиз бўлди, пушаймонлик... Э, бири қўйиб, бири олди, бири қўйиб, бири...

Чамаси ҳаммасининг оғзи теккан экан ўша гўштга.

Азимжон аканинг бир нидоси ёдимда қолди:

– Биз аплаҳмиз! – деди инграб. – Кўра-била туриб аплаҳлик қиласиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади. Нима дединг, Ўрмонжон?

– Биз анча бузулганмиз, – деб пўнғиллади Ўрмон ака. – Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қиласи-да, кишини.

– Уларни мажбур қилмаяпти-ку!

– Нимага?

– Шу, энди... Балки пул йиғиб берармиз-а?

– Бўлса!

Кейин яна мен ҳақимда гапиришди. Биттаси, овозидан билолмадим, тик турганча:

– Шу Эргашвойнинг ичига тепсанг-да! – деди. Кўзимга итдан баттар кўриняпти... Энди бир умр кулиб юради биздан, ярамас. Ёввойи...

– Парво қиласа, – деди Ўрмонжон ака.– Бунақалар ҳаётда бўлади...

Мен бу ҳикояни ўзимни мақташ учун айтмаяпман. У ёгини сўрасангиз, ҳозир улардан ҳам беш баттар бўлганман: ҳаққимни

едирмайман. Ҳар қанақа авторитетни¹ одам демайман... Шу-шу. Ҳозир ҳаммамизнинг кўзимиз очилиб қолган...

Ҳа, эртаси... Лайлак қор ёғиб турарди. Худди тоғларда ёғадигандек!

Кўчада автобуслар тизилиб кетган. Йигитларнинг боши осмонда. Ниҳоят, университет аудиторияларига қайтишади! Айвонда тургандим. Халтам ёнимда. Шу Ботир чўпон билан хотинига бир яхши гап, миннатдорчилик билдиргим келарди. Мен уларни жуда яхши кўриб қолгандим-да!

Ҳа, келиб қолишибди.

– Хуш, кўрдик! Сизларга минг-минг раҳмат, Ўрмонжон! – деди Ботир чўпон. Азимжон, сизгаям... Ҳаммаларингизга. Қаранглар, бир майизни қирқ бўлиб егандай яшадинглар... Сизларнинг қадрингизга етолмадик биз.

У киши ҳамма билан қўл бериб хайрлашди-да, менга қолганда бурилиб кетди. Шунда аёли ҳам хўшлаша бошлади. Қадоқ қўлларининг учини бериб хўшлаша-хўшлаша менга етганда уям бурилиб кетди.

Мен титраб-қақшаб уларнинг олдига бордим.

– Ботир ака, опа... Мен сизларни жуда яхши кўраман, – дедим. – Ҳафа бўлмангизлар.

– Йўқ, сиз бизни яхши кўрмайсиз, – деди хотини. – Бошдан ёмон кўриб әдингиз.

– Рост, ука. Писанд қилмадингиз бизни, – деди шунда чўпон ҳам. Анави йигитлар бошқача...

– Ахир мен сизларни жуда-жуда ҳурмат қиласман.

– Бекор гап, – деди аёл.

– Ҳа, – деди эри.

Абдуқодир менга ётсираб қараб турарди.

Шунақа.

Хўш, бу ерда нимани кўрдинг, нима хуносага келдинг, деб сўрарсиз? Мен бу ерда оддий-жайдари, содда ўзбекнинг кенглиги, тўпорилигини кўрдим.

Ишонасизми, автобусга ўтирганимдан кейин совуқ ойнадан лайлакқорга қараб йиғлар эдим. Мана шу ўзбекларнинг бағри кенглиги учун, не-не қийинчиликларга, фақирликка қарамай, феъли тор бўлмаган, ажиб-афсонавий меҳмондўстлиги инстинкт² каби мавжуд қолгани учун... ичимда, ич-ичимдан қувониб йиғлардим.

Узр, суҳбатимиз «ўзбек характери» ҳақида эди. Сизлар айтган зўр-зўр ҳикоялардаям ҳақиқат бор. Аммо менинг бу жўнгина, оддийгина ҳикоям – кўнглимдан ўтган нарса эди, азизим. Шунинг учун бунинг менга таъсири мутлақо бўлакча.

¹ Авторитет – обрўли одам, бошлиқ.

² Инстинкт – ақлга боғлиқ бўлмаган, ўз-ўзидан мавжуд бўладиган сифатлар.





Савол ва топшириқлар.

1. Нима учун Эргаш курсдошларига “Ҳаммаларингдан жирканаман” дейди?
2. Асар мазмунини ёритиш учун “Адабиёт тўгараги” стратегияси ни қўлланг. (1-ҳикоя қилувчи; 2-тадқиқотчи; 3-савол тузувчи; 4-аниқлик киритувчи; 5-рассом; 6-ҳаётга боғловччи)
3. “Кластер” стратегияси асосида ўзбекларга хос фазилатларни тасвирлаб беринг.
4. Сиз Эргашнинг ўрнида бўлганингизда ўзингизни қандай тутар эдингиз?
5. Ботир чўпон ҳам, аёли ҳам нега Эргашга совуқ қаради?
6. Асар сўнгида Эргаш нега йиглади деб ўйлайсиз?

Г**Ж**

РАУФ ПАРФИ

(1943–2005)

Янги давр ўзбек шеъриятида ўзига хос йўналиш яратган шоирлардан бири Рауф Парфи, тахаллуси – Ўзтурк 1943 йилнинг 27 сентябрида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига қарашли Шўралисой қишлоғида туғилди. Рауф Парфи етти ёшида Шўралисойдаги тўлиқсиз ўрта мактабга ўқишга боради ва у ерда 1956 йилгача ўқииди. Сўнг кўшни қишлоқдаги ўрта мактабга ўтиб, бу ерда таҳсилни 1958 йилгача давом эттириди. Саккизинчи синфни тугатгач, ўқиши Янгийўл шаҳридаги кечки мактабга ўтказиб, меҳнат фаолиятини бошлади. У Янгийўл туман газетасида мусаҳҳих бўлиб ишлади. Ўрта маълумот олгач, 1960 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига ўқишга кирди. Дорилфунунни 1965 йилда битирди. Лекин «Марксчаленинча фалсафа» деб аталмиш фандан қайта имтиҳон топширишни истамай, диплом ололмади.

1966 йилдан 1999 йилгача туман, вилоят газеталарида мухбир, нашриётларда муҳаррир, бўлим мудири лавозимларида меҳнат қилди.

Оlamга ўзига хос кўз билан қарайдиган, унинг бошқаларга яширин гўзалликлари ва қабоҳатларини пайқай биладиган Рауф Парфи



болалигидан китобга ўч эди. Хаёлпараст ва тортинчоқ бу бола қўлига тушган ҳар қандай китобни ўқиб ташларди. Ҳатто, деярли тушунмасада, рус тилидаги китобларни ҳам ўқийверарди.

Шоирнинг дастлабки шеърлар китоби – «Карвон йўли» 1969 йилда босилди. Шундан кейин турли йилларда унинг «Акс-садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Қўзлар» (1976), «Қайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1986), «Сукунат» (1989), «Тавба» (2000) каби бир қатор шеърий китоблари чоп этилди. Миллий адабиётимиз тараққиётидаги улкан хизматлари учун 1999 йилда Рауф Парфига «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди.

Рауф Парфи ўзбек ўқувчиларини жаҳон шеъриятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш йўлида бир қатор таржималар ҳам қилган. Чунончи, Ж.Байроннинг “Манфред”, Нозим Ҳикматнинг “Инсон манзаралари”, А.Дюманинг “Уч сарбоз” ва бошқа кўплаб асарлар унинг қаламига мансуб.

Хуллас, шоирнинг умр йўли ғоят қизиқарли ва ўзига хос. Яхшиси, бу ҳақда унинг ўзидан эшитайлик.

ЭНГ УЗОҚ ЁЗИЛГАН ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

Таваллудим: қирқ уч, мезоннинг йигирма еттиси.

Отам – боғбон. Саводсиз, бизнингча, Машрабни ўқирди эски ёзувда.

Онам – пиллакор. Саводсиз, бизнингча, Ҳазрат Навоийга тиши ўтарди.

Ҳаётим босқичлари: қишлоқ мактаби. Шаҳар мактаби. Қечки. Сўнгра барча тирикчилик мактаблари.

Балоғат гувоҳномаси: Тошкент дорилғунуни.

Талабаликнинг якуни: талабачиликнинг бошланиши.

Касбим: ҳар қандай меҳнат.

Илова: Севаман шеърни.Шеърият

Шеър деб аташ мумкин бўлса,

биринчисин ёзган куним: 53 йил, 5 март.

Дарс: Алишер Навоийдан то Абдулла Ориф.

Александр Пушкиндан то Виктор Соснора.

Кейин, мен билган шоирлар.

Мен олган аччик-чучук бесаноқ сабоқ.

Орзуим: Туркистон аталмиш тарқоқ Ватанни

Тирик эканимда бир бутун кўрмоқ.

қўлимдан келмайдиган иш:

шеър ёзмаслик.

Ниятим: Тиниш белгилари сингари содиқ бўлмоқ – қасбимга, дарсларга ва орзуларга.



Ўлим?.. Дарвоңе..
Ўлим билан чиқишолмайман.
Аммо Оллох ўзи билгичdir.

Рауф Парфи
1991 йил, 11 декабрь.

ОНА ТУРКИСТОН

Абдулла Қодирий хотирасига

1

Хотирамнинг қаър-қаърида тарих
Доим сўзлаб тураг эзгин ҳикоя.
Тутқун қуш сингари қолурман ғарип,
Рухимга булутлар ташлайдир соя.
Бот-бот хаёлимдан чекинди мубҳам,
Фикримдан юлқинди Ватан қораси.
Олисда милтираб сўнаётган шам
Кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси.
Кишанбанд қилинар қўлларим гўё,
Тупроққа қўшила бошлайдир таним.
Шу қадар юраги тормидир – дунё.
Наҳот фарзандига – ўзига ғаним.
Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо
Нечун сиғдирмади, нечун Ватаним?!

2

Кўрингиз тарихни, эй туркий халқим,
Кўзимда эртанинг севинчи холос.
Ул Турондир. Туркистондир? У балким
Ичимни кемирган қадимиј қасос.
Кўрингиз тарихни. Кўз олдим парда,
Қўлимдан учмоқда бу ер, бу Ватан...
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...
Жанг майдони сари отилардим ман...
Ватан, айланарман бир кескир тошга,
Қошингга ўқ қаби учиб борарман...
Наҳот тил бошқадир, наҳот дил бошқа?!

Йўқ! Фармон кутарман, энг сўнгги фармон,
Шакланиб¹ қаарарман қалқкан қуёшга.
Барибир, қасос деб ёнарман ҳамон.

¹ Шакланиб – сесканиб, сергакланиб.

Умр деганлари ўтмакда шошқин,
 Тилла баргларини әлаб йўлимга.
 Сенинг мангалигинг беради таскин
 Эрта узилгувчи менинг умримга.
 Ў, она Туркистон, куйлайман ёниб,
 Дунё журъатини бердинг қўлимга.
 Мен энди англадим туркий дунёни,
 Мана, мен тайёрман энди ўлимга.
 Эй менинг заҳматкаш, эй қутлуғ халқим,
 Бергил, фақат куйиб куйламак ҳаққин.
 Ортиқ масъул этар топилган бу Бахт.
 «Ишқ сўзидан куйди булбул маскани»¹
 Тил билан куйланмас она Ватаним,
 Мен сени куйламак истайман фақат.



Савол ва топшириқлар.

1. Шоирнинг ўзи ҳақидаги маълумотлар тасвирида қандай қарама-қаршиликларга эътибор бердингиз?
- Я** 2. “Муаллиф минбари” стратегияси ёрдамида асар бош ғоясини ёритинг.
- Ж** 3. Асар мазмунини очиб берувчи 7та таянч сўз топиб, ушбу сўзлар орқали ўз фикрингизни асослаб беринг.
- Я** 4. Шеърнинг ҳар бир қисмига сарлавҳа қўйинг.
- Я** 5. Шеърни ёд олинг.
- Г** 6. Интернет тармоқларидан фойдаланиб, Зулфия, Р.Парфи ҳақида маълумотларни тўплаб, флипчартда тақдимот қилинг.

Чўлпон

*Шу ожиз ҳолимга шоирманми мен?
 Чўлпон*

1

Она тилим, Сен руҳимнинг қаноти,
 Абут турк² нафаси, Олтой чечаги.
 Хун давридан омон келди ғиротинг,
 Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.

¹ Алишер Навоий ғазалидан (Муаллиф).

² Абут турк – турклар отаси – Нух пайғамбарнинг кенжা ўғли Ёғаснинг лақаби.



Ўрхун бўйларида тошга айландинг,
Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг сен,
Мангулик сафарга қачон шайланинг?
Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?
Порлоқ осмонингда қузғунлар учди.
Э воҳ, ёғийларинг солди яғмони¹.
Ёғийларинг жигар-қонингни ичди.
Жигар-қон жарангни тутди жаҳонни.
Онасен. Кечирдинг. Қонидан кечдинг,
Бироқ кечирмадинг асло ёлғонни.

2

Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош.
Куйиб, ёдимиздан кечганлар айтсин.
Сўзларида заҳар, кўзларида тош,
Элидан, тилидан кечганлар айтсин.
Тунлар босиб келар дунё ҳасрати.
Кунлар гизли түғён, босиб келар шеър.
Нечук қисмат эрур, шоир қисмати?!
Тушларимни бузар ҳазрат Алишер
Йиллар баҳоримни учирди чалқиб,
Музларга кўчириди ўтлуқ ёзимни.
Ахтардим муҳитдан хас каби қалқиб –
Мен ўз Юлдузимни, ўз қуёшимни...
Юлдуз – сен, қуёш – сен, сен, она халқим,
Сен учун синдердим синмас созимни.

3

О, шоир қисмати, ярқироқ, гулгун,
Завқларга тўлар у, бир сўзни излар.
Дунёда ҳеч бир зот билмас, не учун
Айрича кулару, айрича бўзлар.
Йўлсизлик йўлдоши толеи нигун
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвуздар.
Бу – халқ душмани деб тутсалар бир кун,
Баривир, у халқнинг номидан сўзлар.
Бошида қора қиш, оппоқ баҳорлар,
Юраги яrimу бутун имони,
Талотум оламни шивирлаб чорлар.
Тани омонатдир, нақд эрур жони.
Кўкрак қафасида ловуллаб порлар
Буюқ муҳаббатнинг қонли нишони.

¹ Яғмо – тўс-тўполон, талон-тарож.

АБДУЛЛАЖОН МАРСИЯСИ

Қушлар, қушлар қатор-қатор,
Қушлар, уйга қайтингиз.
Абдуллажон қайтмас зинҳор,
Ёр-дўстларга айтингиз.

Ўйнар бўрон, ўйнар бўрон,
Ўйнар менинг бошимда.
Энди йўқдир Абдуллажон
Йигирма беш ёшида.

Йўллар узун, йўллар узун,
Кунлар ҳам кўп чўзилди.
Конли ёшлар тўқди қўзим,
Жигар-бағрим эзилди.

Поезд чопар, поезд чопар,
Поезд чопар Сибирдан.
Абдуллажон жонсиз ётар,
Қароргоҳи темирдан.

Бўзлар осмон, бўзлар осмон
Бўзлаб берса бўзтўргай.
Кўзларини Абдуллажон
Бир дам очса на бўлгай.

Нафас олмай ул ухлайди,
Кўкрагида ўнг қўли.
Ер йиғлайди, эл йиғлайди,
Йиғлар ўзи ҳам ўлим.



Савол ва топшириқлар.



1. “Чархпалак” стратегияси орқали “Чўлпон” шеърининг мазмунини ёритинг.

2. Шеърдаги “қора бардош”, “Оппоқ баҳор”, сингари образлар, “тани омонатдир”, “нақд эрур жони” каби ифодаларнинг бадиий вазифасини муҳокама қилинг.



3. “Ассоциация” стратегияси ёрдамида “Марсия” сўзининг маъносини очиб беринг.

4. Шеърни ифодали ўқинг. Қайси тарихий воқеа асарнинг ёзилишига туртки бўлди?



5. Асарда қандай шеърий воситалар ишлатилган? Жадвални тўлдиринг.



Шеър воситалари	Мисоллар
Ўхшатиш	
Сифатлаш	
Қиёслаш	
Қаршилантириш	
Такрорлар	

6. Шеърнинг авж нуқтасини топинг.

Ж 7. “Вени диаграммаси” стратегияси орқали асарнинг халқ қўшиқларига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатинг.

Я 8. Шеърни ёд олинг.

РАУФ ПАРФИ ШЕЪРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Рауф Парфи шеърлари замонавий ўзбек шеъриятида тамомила ўзига хос ҳодисадир. Унинг ижодида бирорта воқеани тасвирлашга бағишлиланган воқеабанд шеърлар йўқ ҳисоби. У инсон руҳининг куйчи-си. Қадим ўтмиш ҳам, бугунги муҳим ҳодисалар ҳам шоир туйғуларига қаттиқ таъсир этади ва муайян кайфият уйғотади. Рауф Парфи ўз шеърларида ана шу кайфиятларнинг манзарасини рассом каби аниқ чизади. Унинг шеърлари ўқувчини ўйга толдиради. Тасаввур дунёси кенг бўлмаган, ўзининг кечинмаларини кузатиб ўрганмаган одам бу асарларни бирданига тушуна олмайди.

Рауф Парфи – образли фикрлашга мойил шоир. У жўнликдан, ҳаммага маълум гапларни айтишдан қочади. Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг ҳеч ким пайқамаган жиҳатини кўра билади ва шу туфайли пайдо бўлган ҳолатнинг ҳаққоний манзарасини ёрқин чизади. Шунинг учун ҳам «тонг отди» деган оддий хабардан жуда гўзал поэтик образ яратса олади:

Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда, қуёш – замбарак.
Яраланган Ер шари ётар,
Бошларида яшил чамбарак.

Тонгги қуёшдан таралаётган олов нурлари тонг отаётган ўққа, ўша нурларни тараётган қуёшнинг ўзи эса замбаракка ўхшатилаётир. Нурга чўмилган Ер курраси ўша ўқлардан яраланган. Ҳаётбахш бу ўқлар туфайли Ернинг бошида яшил чамбарак, яъни ҳаёт. Табиатнинг қанчалик шоирона тасвири! Айни вақтда ўхшатишлар нақадар аниқ!

Рауф Парфининг шеърлари бир қарашда жуда ғамгиндей туюлади. Аслида ҳақиқий шеъриятда ҳамиша инсоннинг дарди куйланади. Дард

эса ғамгинликни талаб қиласи. Фам инсонни поклайди. Унинг юрагини иллатлардан, қабоҳатлардан тозалайди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг барча асарларида ғам етакчилик қиласи. Р.Парфи қандай мавзуни қаламга олмасин инсон руҳиятини тасвирлашни асосий мақсад қилиб қўяди. «Она Туркистон» шеърида озод Ватан йўлида бошини тиккан миллий қаҳрамонимиз, тенгсиз истеъдод эгаси бўлган ёзувчи Абдулла Қодирий образи ҳам, «Чўлпон» шеърида эса она тилининг, она халқининг эрки учун ўлимга тик қарай олган мислсиз истеъдод ва жасорат эгаси Чўлпон ҳам ҳис-туйғулари оғушида кўрсатилади. Шоир уларнинг ишларини санаб ўтирумайди. Балки покиза одамларнинг соғ туйғуларини, кечинмаларини тасвирлайди:

Шу қадар юраги тормидир – дунё,
Наҳот фарзандига – ўзига ғаним.
Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо
Нечун сифдирмади, нечун Ватаним?!

Рауф Парфи тилнинг нозикликларини чукур ҳис қиласи. Шунинг учун ҳам фақат сўзларнинг эмас, балки товушларнинг ҳам уйғунлигини таъминлашга интилади. Шу боис унинг шеърлари ўқувчининг эсида қоладиган образлар билан тўлиб-тошган бўлади: «Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар. Томчилар томчилар бошимга» ёки «Поезд чопар, поезд чопар, поезд чопар Сибирдан. Абдуллажон жонсиз ётар, қароргоҳи темирдан».

Рауф Парфи шеърлари жаҳон адабиёти илғор усулларининг бадиий ифодасидир. Уни тушуниш сизнинг маданий савиянгизни юксалтиради. Шоир шеърларини тушунишнинг сири уларни сабр билан синчиклаб ўқишидадир.



Савол ва топшириқлар.



1. Рауф Парфи шеъриятининг ўзига хослиги нимада?



2. Қуийидаги “Қўш ёзма кундалик” жадвалини тўлдиринг.

Шеърдан бир банд кўчирма	Менинг фикрим	Дўстимнинг фикри



ШАВКАТ РАҲМОН

(1950–1996)

XX аср ўзбек шеъриятининг ўзига хос вакили, миллатпарвар шоир Шавкат Раҳмон 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш шаҳрида туғилган.

1966 йилда Шавкат ўрта мактабни битиради ва Ўш вилояти газетасида ишлайди. Бу газетада ўша пайтлари анча танилиб қолган шоир, дилкаш ва самимий инсон Турсунбой Адашбой ишларди. Шавкат Раҳмон Турсунбой Адашбой билан танишиб қолади ва битгандарини унга кўрсатади. Матбуотда Москвадаги Адабиёт институтига ижодий танлов эълон қилинади. Шавкат Адабиёт институти талабаси бўлади.


1975 йилда Москвадаги таҳсилни тамомлаган Шавкат Раҳмон Тошкентга келади. У бир қатор нашриётларда муҳаррирлик қиласи. Деярли ҳамиша қизғин ижод билан машғул бўлган талабчан шоир шу йилларда «Рангин лаҳзалар» (1978), «Юрак қирралари» (1981), «Очиқ кунлар» (1984), «Гуллаётган тош» (1985), «Уйғоқ тоғлар» (1986), «Хулво» (1987) сингари шеърий китобларни чоп эттиради.

1986 йилда Испанияда ижодий сафарда бўлиб, Лорка шеърларини бевосита испанчадан ўзбекчага таржима қиласи. 1989 йилда Лорканинг «Энг қайғули шодлик» шеърий китоби шу тариқа ўзбек тилида нашр этилади. 1996 йилда шоирга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

У ҳамиша миллат дардини, ҳалқининг армонларини ифодалашга интиларди. Шавкат Раҳмон ўз кайфиятларинигина тасвир этиш билан кифояланадиган шоирлар сирасидан эмасди. Чунки у ўз тақдирини, ҳаётини миллатининг ҳаёти ва тақдиридан айри тасаввур этмасди. У ҳар бир миллатдошининг кўнгил мулкига кириб боришни орзу қилиб, шу йўлда тинимсиз дард чекиб яшаган шоир эди.

Шавкат Раҳмон қисқа умр кечирди. У 1996 йилнинг 2 октябрида узоқ давом этган оғир касалликдан вафот этди.

Сиз оташин миллатпарвар шоирнинг ғоят ўзига хос ва ўтли шеърларидан айримлари билан танишасиз.





ТУРКИЙЛАР

Қиличин ташлади беклар нихоят,
босилди тулпорлар,
тиғлар сурони,
урхога ўрганган тилларда оят,
туркийлар таниди комил Худони.
қиличлар занглади...
фалокат ҳушёр,
туркийлар қувватин берди ерларга.
Хийлагар дўстлардай яқинлашди ёв
комиллик қидирган жасур эрларга.
Иловасин¹ йигитлар,
бобур² йигитлар,
саждага бош қўйди ёвга терс қараб,
ғулларни кемириб йифлади итлар,
буюқ бошни кесди қилич яраклаб.

¹ Иловасин – қарчигайсимон йиртқич қуш.

² Бобур – йўлбарс.



Туркда бош қолмади...
қолмади довлар,
хотин-халаж қолди мотам күтариб,
«бизга тик қарама» буюрди ёвлар,
ёвларга терс қараб яшади бари.
Таланди самовий тулпор уюри,
таланди зарлари,
зебу забари,
«терс қараб ўлинг» деб ёвлар буюрди,
ёвларга терс қараб жон берди бари.
Лаҳадга кирдилар ўзларин қарғаб,
қолмади арабий,
туркий хатлари,
«Туғингиз,— деди ёв,— тескари қараб»,
ёвларга терс қараб туғилди бари.
Туғилди,
туғилди,
туғилди қуллар,
қирқида қирқиленген — имдодга муҳтож,
ёвларга терс қараб итлардай ҳурап,
бир-бирига душман,
бир-биридан кож¹.
Жўмардлар қирилган Туронзаминда
дўзахий тажриба палласин кўрдим:
эшшак суврати бор қай бир қавмда,
қай бирида тўнғиз калласин кўрдим.
Бу ҳолда буваклар бўғилиб ўлар,
қул Билол эзилиб йиглар фалакда...
Ўзларин ёндирап борлиқдан тўйган
Бадахшон лаълидай асл малаклар.
Мўминлар беш бора Оллоҳни эслар
саждага бош қўйиб жаллод тошига.
Ўгрилиб сал ортга қарайин деса,
бошига урарлар,
фақат бошига.

Борми эр йигитлар,
борми эр қизлар,
борми гул бағрингда жўмард нолалар,
борми бул туфроқда ўзлигин излаб,
осмону фалакка етган болалар.

¹ Кож – тескари, ўжар, қайсар.

Бор бўлса,
аларга еткариб қўйинг,
бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
шахидлар ўлмайди,
бир қараб туйинг:
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Шоир ҳаёти ва ижодини “Балиқ скелети” стратегияси орқали ўрганинг.
2. Шавкат Раҳмон шеъриятининг асосий ғоялари нималардан иборат?
3. “Ақлий хужум”: Бутун тарих мобайнида жанговорлиги, ёвқурлиги билан ном қозонган туркийлар асл фазилатларидан нима учун маҳрум бўлган?
4. Шеърда тасвиirlанган миллий қадриятларни таҳлил қилиш учун “Адабий доира” стратегиясини кўлланг.
5. Асадаги “эр қизлар” мурожаатига қандай фикр айта оласиз?
6. “Ёвга терс қараган мусулмон эмас!” мисралари шеър охирида нима учун бир неча маротаба такрорланган деб ўйлайсиз?

Г

7. Шеърни ёд олинг.
8. «Миллий қадриятларимиз» мавзусида эссе ёзинг.
9. Туркийлар ҳақида видеолавҳалар изланг, намойиш қилинг. (Ўқитувчингиз ёрдамида, бошқа фан ўқитувчилари ёрдамидан ҳам фойдаланинг)



ТУНГИ МАНЗАРА

Ўрмонлар жим, йифламас шамол,
сой сайрамас, бақалар жимдир.
Ингроқларга тўлиб кетган тун –
ғамгин қўшиқ айтади кимдир.

Отим ўлган, қиличим синган,
мажақланган совут, қалқоним,
ким ташлади мени бу чоҳга,
қайда қолди ёруғ осмоним!

Қаердаман, қайга борарман,
қора зиндан нақадар чуқур,



фақат тоқнинг буржидаги ой –
туйнукчадан тушар хира нур.

Барча азоб камлик қилғандай
сой сайрамас, бақалар жимдир,
гүё мазах қилғандай гоҳ-гоҳ
ёпіб туар туйнукни кимдир...

ТОНГ ОЧАР КҮЗЛАРИН...

Тонг очар күзларин эриниб,
севинчдан йиғлайды қиёқлар,
чечаклар жилмаяр севиниб,
шамолда чўмилар гиёҳлар.

Ўйноқи шуълалар – болалар
жимгина тарқалар сайхонга,
ўргимчак тўқийди толалар,
хонқизи боради меҳмонга.

Қурбақа вараклар баёзин,
гулдан бол сўради арилар,
чиғиртка қайрайди овозин,
парвозда ниначи – парилар.

Чумоли, меҳнаткаш чумоли,
куйинма, атрофга бир қара –
майсалар, оҳ, қандай ҳимоли¹,
дунёни қилма кўп масхара.

ОЙ СИНИГИ

Ой синиги тўла сувлоқقا
шаршарадай қуилар ёллар.
Бу ёлларни силар меҳрибон
шабадалар – маъюс аёллар.

Кўк ёлларин сувга ботириб
не замонки сув ичар отлар.
Атрофдаги кўм-кўк адирлар –
ўтовларда ботирлар ётар...

¹ Ҳимоли – жалб этувчи, чиройли.

Бироқ тунда ўт-майсаларга
тўкиладир кимнинг ёшлари?
Нега сувдан бечора отлар
кўтаролмас оғир бошларин?

Нима бўлган уларга ахир
ё сеҳрлаб қўйганми сувлоқ?
Нега жимлик босган воҳада
бегам ухлар ботирлар узоқ?

ҲАМАЛ

Эриб битди поёнсиз қорлар,
яна кўҳна замин туллади.
Водийдаги улкан ўриклар
бир кечада оппоқ гуллади.

Оқ булатлар ерга қўндими,
мўъжизалар бўлдими содир?
Оҳ, нақадар ажойиб тунда
оқ машъала экилган водий.

Энди сафсар кечаларда оқ
машъалалар тутиб улуғвор
кенгликларда кезар чиройли
кундузларни ахтариб баҳор.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. “Жигсо” стратегияси асосида адид шеърларини ўрганинг.

Ж

2. Асарларда қандай шеърий воситалар ишлатилган? Жадвални тўлдиринг.

Шеър воситалари	Мисоллар
Ўхшатиш	
Сифатлаш	
Қиёслаш	
Қаршилантириш	
Жонлантириш	

3. Адид ўз асарларида тасвирланган табиат манзараси орқали тадқиқ қилган жиҳатларни аниқланг.

Ж

4. Берилган шеърларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниqlанг.
5. Шеърларда тасвирланган табиат манзарасини чизинг.
6. Асарлар сизда қандай таассурот қолдирди?
7. Истаган шеърингизни ёд олинг.

Я

ТАБИАТ ЛИРИКАСИ

Сиз Зулфия ижоди мисолида лирик турга хос хусусиятлардан қисман хабардор бўлгансиз. Лирик турга мансуб асарларда шахснинг ички туйғулари, ҳиссиёти, руҳий кечинмалари, сезимлари асосий ўринда бўлиши ҳақида тасаввурга эгасиз. Бу турдаги асарларда ҳаётда рўй берган воқеаларнинг ўзи эмас, балки ана шу воқеалар тифайли инсонда пайдо бўладиган туйғулар тасвири муҳим ҳисобланади. Одамнинг туйғулари ўз-ўзидан жунбушга келавермайди. Уни мувозанатдан чиқарадиган ижтимоий-ҳаётий ёки табиий сабаб бўлгандагина кишининг ҳиссиётлар дунёси ҳаракатга келади.

Шу жиҳатдан табиат улкан имкониятларга эгадир. Чунки ҳар қандай инсон ҳамиша табиат қўйнида мавжуд ва унинг шахслик сифатлари табиат билан мулоқот жараёнида ёрқинроқ намоён бўлади. Табиатдаги илоҳий интизом, унинг буюк тартиб ичиди, бузилмас мунтазамликда мавжудлиги, табиатнинг беадад құдрати, адоқсиз гўзаллиги ҳар қандай одамда, айниқса, таъсирчан қалбга эга шоирларда ҳиссиёт уйғотиши аниқ. Шунинг учун ҳам лирик асарлар орасида табиат мавзуидаги битиклар катта ўрин тутади. Айтиш жоизки, лирик асарларда табиат нечоғлик кенг тасвирланмасин, у ҳамиша восита даражасида қолади. Инсон ва унинг руҳиятини кўрсатиш эса мақсад мартабасида бўлади. Чунки табиат тасвири натижасида ифодаланган руҳий ҳолат инсон маънавиятининг янги бир жиҳатини намоён этгандагина бадиий қимматга эга ҳисобланади. Шу жиҳатдан Шавкат Раҳмон шеърлари дикқатга сазовордир.

Унинг шеърларида табиат тасвири лирик қаҳрамон кайфиятига боғлиқ равишда турли мақсадларга хизмат қилади. Чунончи, «Тунги манзара» шеърида табиатнинг киши руҳиятида маҳзунлик уйғотган ҳолати «Тонг очар кўзларин» шеърида енгил ҳиссиётлар, некбин руҳий манзаралар ифодасига сабаб бўлади. Шоирнинг «Ой синифи» ва «Ҳамал» шеърлари ҳам табиат манзараси тасвирига бағишлиланган. Лекин буларнинг бирортасида ҳам шоир табиат манзарасини, унинг ғоят ўзига хос ҳолатини акс эттириш билангина кифояланмаган. Чунки асл шоир табиат орқали инсон шахсини тадқиқ этишни қўзда тутади. Шунинг учун ҳам сувлокда чанқоғини қондираётган «отлар», севинчдан йиғлаётган қиёқлар, овозини қайраётган чигиртка ва бош кўтармай

қилаётган меҳнати билан дунёни масхара қилаётган чумоли тимсоллари, аслида, лирик қаҳрамоннинг мураккаб, ўзига хос, тушунтириб бериш мушкул бўлган маънавий оламининг чигал манзаралариdir. Шундан келиб чиқиб, табиатнинг турли-туман ҳолатларини тасвирлаш ижодкор учун ҳеч қачон ҳам пировард мақсад ҳисобланмайди, балки эстетик мақсадга эришишнинг бадиий воситасигина бўлади дейиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, табиатнинг гўзаллигини, қудратини, буюклигини, покизалигини тасвирлашга бағишлиланган шеърлар микдори жуда кўп ва шундай бўлиши табиий ҳам. Чунки ҳар қандай одамнинг кўнглида, хатти-ҳаракатида ижтимоий манфаат, шахсий фойда бўлиши мумкин. Табиат эса одамдан ҳеч нарса қарздор эмас. Аксинча, одам унга ҳар жиҳатдан бурчли. Шунинг учун ҳам шоирлар асл туйғуларини табиат лирикасида тўлароқ намоён этиш имкониятига эгадирлар. Табиат ҳеч кимни алдамайди ва уни алдашларига ҳам йўл қўймайди. Шу жиҳатдан табиат лирикаси миллий шеъриятимизнинг самимият қарор топган, шоирларимиз маҳорати ёрқинроқ намоён бўлган жабҳасидир дейиш мумкин.



Савол ва топшириқлар.



1. Табиат гўзалликлари ва уларнинг сири нимада?
2. “Ҳамал” шеъридаги табиат гўзалликларини тасвирловчи мисраларни келтиринг.
3. Табиат гўзаллигини ифодаловчи ўринлари бор шеърлар топинг ва ифодали ёдланг.



МУҲАММАД ЮСУФ (1954–2001)

Самимий шеърлари оҳанрабо қўшикларга айланиб, ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган лирик шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида дэҳқон оиласида туғилган. Шу ерда ўрта мактабни тутатгач, республика Рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кириб, уни 1978 йилда битирди.

Ижодга ҳавас уни олий маълумот олгач, Тошкентда қолишига ундаи. 1978–1980 йилларда Китобсеварлар республика жамиятида, 1980–1986 йилларда «Тошкент оқшоми» газетасида, 1986–1992 йилларда Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, 1992–1995 йилларда «Ўзбекистон овози» газетасида, Ўзбекистон Ахборот агентлигида ишлади, 1995–1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиди, 1997 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси муовини лавозимида фаолият юргизди.

Бадиий ижод билан талабалик давридан шуғуллана бошлаган, аммо шеърга ғоят масъулият ва талабчанлик билан муносабатда бўлганидан Муҳаммад Юсуф илк тўплами – «Таниш тераклар»ни 1985 йилда нашр эттириди. Биринчи китобиёқ уни элга танитди, тўпламдаги шеърлардан дунёга келган дилтортар қўшиклар эса уни машҳур қилди. Иқтидорли шоирнинг «Булбулга бир гапим бор», «Уйқудаги қиз», «Халима энам аллалари», «Ишқ кемаси», «Кўнглимда бир ёр», «Бевафо кўп экан», «Ёлғончи ёр», «Эрка кийик», «Осмонимга олиб кетаман» каби кўплаб шеърий китблари босилиб чиқкан.

Муҳаммад Юсуф шеърлари самимилиги, омманинг руҳига яқин бўлганлиги учун ҳам китобхоннинг кўнгил мулкига айланган. Унинг асарларида ўзи туғилиб-ўсан юрт руҳияти, манзаралари яққол кўриниб турди. Шоир 1998 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлди. У Ўзбекистондаги энг ёш халқ шоири эди.

Истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуф 2001 йилнинг 31 июлида вафот этди.

Муҳаммад Юсуф айни ижоди гуллаб яшнаган пайтда, Элликқалъа туманида шеърият мухлислари билан учрашиш мақсадидаги ижодий сафарида вафот этган. Андижонда дағн этилган. Тошкент шахри ва Марҳамат туманидаги кўчалардан бири, шунингдек, Андижон шаҳридаги болалар кутубхонаси ва Марҳамат туманидаги санъат мактаби Муҳаммад Юсуфнинг номи билан аталади.





Матнолди топшириқлар.

Ж

1. Шеъриятни севасизми?

2. Қандай шеърларни ёддан биласиз?
3. Мұхаммад Юсуф шеърларини, унинг шеърлари билан айтиладиган қүшиқларни эшитгансиз?
4. М.Юсуфнинг ҳаёти ва ижодига тааллуқли ҳужжатли фильмлардан намойиш қилинг. Шоир шеърларига басталанган қүшиқлардан эшиттириңг. Интернет тармоқларидан фойдаланинг. (Үқитувчи ёрдамида)



МЕХР ҚОЛУР

Үтар қанча йиллар түзони,
Юлдузлар күз ёши – сомони.
Үтар инсон яхши-ёмони,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачуғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша.
Дунёни тор айлаган ўша –
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Анор, сенинг юзларинг сулув,
Хумор, сенинг күзларинг сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг, сулув,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зухро йифлаб қолди қонбағир.
Келганда ҳам қиёмат охир,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Нима дейсан, эй, ғаюр инсон?
Фийбатларинг қилди мени қон.
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон,
Мехр қолур, муҳаббат қолур!

* * *

Тузалмайди дардим менинг ўлсам керак,
Тупроқ билан оға-ини бўлсам керак.



Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр, Она,
Ўғлинг қаро ерга кетди, хайр, Она.

Тузалмас бу дардим менинг, умидим йўқ,
Хира шамдек кўзларимда сўнмоқда чўғ.

Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб қул бўлади,
Инсон бир кун ўз майлига қул бўлади.

Юрагимни тамом қилдим, йиглайвериб,
Ҳузуримда ажал турад, қошин кериб.

Мен ҳаётда ўлимга тик боқиб ўсдим,
Қани менга аталган жой. Кетдик, дўстим!



Савол ва топшириқлар.

Г

1. “Ассоциация” стратегияси орқали меҳр ва муҳаббат сўзларига таъриф беринг.
2. Ҳозирги замонда инсонлар орасидаги меҳр-муҳаббатнинг йўқолиб боришига нима сабаб деб ўйлайсиз?
3. Шоирнинг ушбу шеърдаги кечинмалари ҳақида қандай фикрдасиз?
4. Шоирнинг қандай дарди бор деб ўйлайсиз?
5. Ҳақиқатга тик қарай билган инсон хусусиятлари қай мисраларда ўз тасвирини топган?
6. “Ақлий ҳужум”: Инсон умри ҳақиқитан жуда қисқами, қандай ўйлайсиз?

* * *

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Садоқатми? Кимга керак у?..
Беҳудадир кўз ёшинг сели.
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас:
У – бегона. У энди келин.

Тўй – бу асли баджаҳл ота,
Бахтли бўлсин қизим дегани.
Уни сенга бермасман, бўтам,
Тирик экан кўзим дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Қонимда бир ғашлик ўрмалар.
Мен оловга отарман энди,
Юрагимни қийма-қиймалаб.

Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отгум уни, бас.
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,
Севиш қерак... яшаш шарт эмас!.

СУРАТ

Менинг кимлигимни билмайди ҳеч ким,
Мен бир ғалатиман, мен алоҳида.
Кўзимнинг ёшини келади ичгим,
Тилимни чайнагим келар гоҳида.

Ой менинг елкамга ўтириб олган,
Офтоб ғавғо солар юрган йўлимга.
Хаёл тушовидан чиқолмай қолган,
Умримни топшириб қўйдим кўнглимга.

Энди тошни тепсам, ўпар изимни,
Ерга ағанасам, ер ҳам девона.
Бармогин ўпгандим суйган қизимни,
Қўли ёниб кетди гуриллаб, мана.

Ёнди, ёнаверди кокиллари, сўнг,
Чарсиллаб юраги ёнди беармон.
Ярми ёниб бўлган кўйлаги бир енг
Ишқнинг байроғига айланди алвон.

Ва ўпдим байроқни мен ўша алвон,
Олов – тан, олов – жон, олов – ҳис-ҳавас.
Қизил чўғ тўшалган чимилдик томон,
Отдим мен ўзимни мисли ўтпарамст.

Үйғонсам – кўрпам кул, йифлар севгилим.
Мен сени йиғла деб қучган эдимми?
Айиқ босган гулдай эзилди кўнглим,
Ёввойи ўрдакка бердим севгимни!..

Ўрдак учди-кетди, мунғайиб қолдим.
Ҳайратим обкетди қанотида у.



Ким мени алдаса – Худога содим,
Майли, алданмасин, ҳаётида у.

Қолдим кулкүрпамда түшагим тупрок.
Юмалаб ётаман илонлар билан.
Уларга ишондим бир ёрдан күпроқ,
Илон чақар, аммо гапирмас ёлғон!..

Менинг кимлигимни билмайди ҳеч ким.
Мен бир ғалатиман, мен – алоҳида.
Кийиклар қонини келади ичгим,
Чаённи чайнагим, келар гоҳида.

БИЗ БАХТЛИ БҮЛАМИЗ

Майли-да, кимгадир ёқса, ёқмаса
Уларга қўшилиб йиғлашармилик.
Биз баҳтли бўламиз худо хоҳласа –
Худо хоҳламаса учрашармилик...

Райхон ҳидларингни йўлларимга сеп,
Кут мени, ҳар оқшом, кўкка ой чиққан.
Фақат, йиғламагин, гуноҳим не деб,
Айбинг – онанг сени чиройли туққан!..

Менга бир табассум ҳадя эт, эй ёр,
Нур томсин лабларинг соҳилларидан.
Ўзинг айт, сендай қиз яна қайда бор,
Киприклари узун – кокилларидан?..

Ийманиб яшама хаёл пинжида,
Ёйил, яйра жоним, ўртанма ғамда.
Фийбатларга чида, тухматга чида,
Сен биттасан, ахир, ёруғ оламда.

Мен эса ошиғинг сенинг энг ғариб,
Тундан сўз қарз олиб, тонгга тутгувчи.
Сенинг ёнингда ҳам сени ахтариб,
Сенинг ёнингда ҳам сени кутгувчи.

Иста, тиз чўкаман ҳозир олдингда,
Севдим, севганимдан уялмоқ нечун.

Барча фаришталар сенинг қалбингда,
Ижарада турган қизлар мен учун!..

Биз бахтли бўламиз Худо хоҳласа –
Худо хоҳламаса, учрашармилик?!



Савол ва топшириқлар.



1. “Осмон чўкиб қолди” шеърида берилган ташбеҳларни аниқланг.
2. Шоирдаги руҳий тушкунлик сабабларини изоҳланг.
3. Шеърдаги фожеавий туйфуга сабаб бўлган мисраларни топинг.
4. Шеърнинг биринчи ва сўнгги бандининг охирида ўзаро зид бўлган фикрларни муҳокама қилинг.



5. Нима учун шеър “Сурат” деб номланган? Ўз мулоҳазаларингизни жуфтлиқда ўртоқлашинг. Синфда тақдимотни намойиш этинг.



6. “Кўнгил истаги билан умр кечириш осонми?” мавзусида мулоҳаза юритинг ва мавзуга мос видеолавҳаларни топинг.



7. Шеърнинг таъсирчанлигини таъминловчи бадиий тасвир воситаларини далиллар билан исботланг.



8. Шеърни ёд олинг.




ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН



УМАР ХАЙЁМ

(1048–1131)



Гўзал бадиий либос кийдирилган маъноларнинг туганмас хазинаси ҳисобланмиш рубоий жанри тараққиётини янги босқичга кўтарган шоир, файласуф, математик ва астроном ҳамда моҳир косиб Умар Хайём 1048 йил 12 майда Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилди. Асли исми Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим бўлиб, Хайём унинг лақабидир. Хайём «хайма» – чодир сўзидан олинган бўлиб, чодир тикувчи маъносини беради.

Умар Хайём қадим Туркистоннинг Балх, Бухоро, Самарқанд сингари илму фан марказлари бўлган шаҳарларида таълим олганлиги хақида маълумотлар бор.

Умар Хайём ўз замонасида асосан фалакиёт илмининг билимдони ва риёзиётчиси сифатида танилган эди. Шу боис узоқ йиллар Исфахон расадхонасини бошқаради ва бу соҳада жиддий илмий ютуқларга эришади. Шунингдек, у 1079 йилда ҳозирги кундагидан ҳам аниқроқ тақвим (календарь) ишлаб чиқкан.

Умар Хайём ўзининг илмий кашфиётлари билан ҳам мангуликка даҳлдор эди, албатта. Лекин унинг номини Шарқу Гарбга машҳур қилган нарса унинг йўл-йўлакай, ҳордиқ учун битган рубоийлари бўлди. Хайём рубоийлари дунё тилларининг деярли ҳаммасига таржима этилди.

Сирасини айтганда, Умар Хайёмдан жуда ҳам кўп рубоий қолган эмас. Олимлар унинг рубоийлари сонини 172 тадан 252 тагача деб белгилайдилар. Аммо Хайём рубоийлари ҳамма учун ғоят қадрлидир. Маънавий эҳтиёж катталиги учун кейинги йилларда унинг рубоийлари ўзбек тилида ҳам қайта-қайта босилмоқда.

Сиз, ўқувчиларнинг эътиборингизга ўзбек тилига биринчи марта таникли шоир Жамол Камол томонидан таржима қилинган Хайём рубоийлари ҳавола этилмоқда.

РУБОИЙЛАР

Лойимни ўзинг қорган эсанг, мен на қилай?
Шаклимни ўзинг чизган эсанг, мен на қилай?
Ҳар яхши-ёмонки мен этармен, ё раб,
Манглайга ўзинг ёзган эсанг, мен на қилай?

* * *

Бир қўлда тутиб музҳафу¹ бир қўлда-чи жом,
Гах марди ҳалолмизу гаҳ марди ҳаром.
Биздирмиз ўша гумбази нилий тагида,
На кофири мутлақ, на мусулмони тамом².

* * *

Хайём, гуноҳга бўйла мотам на керак?
Чекмак бу аламлар сенга ҳар дам на керак?
Гар бўлмаса ҳеч гуноҳ, маъзур³ нимадир?
Маъзурки насиб этса, сенга ғам на керак?

* * *

Ғам беҳуда чекмагил, мудом шод яша,
Бедод йўлида айлама бедод, яша.
Кўргилки, жаҳоннинг охири йўқлиқдир,
Йўқлик ғамини ўйлама, озод яша.

* * *

Эй чарх, дилимни бўйла ғамнок этдинг,
Кўксимни алам тифи била чок этдинг.
Бағримга шамол уфурса, оташ этдинг,
Оғзимга чу сув олдим, уни хок этдинг.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. “Ақлий ҳужум”: адаб ҳаёти ва фаолиятининг ўзига хослиги нимада?

¹ Музҳаф – «Қуръони Карим».

² Тамом – комил, етук.

³ Маъзур – узр, кечирим, тавба.



2. Ҳар бир инсон баркамол бўлиши учун нималарга амал қилмоғи зарур деб ўйлайсиз?

Ж 3. Рубоийдаги тимсоллар қандай маъноларни билдиради?

4. «Инсерт» стратегияси. Рубоийни ўрганиш давомида жадвални тўлдиринг.

V – билар эдим	
“«–» – бошқача фикрда эдим	
«+» – янги ахборот	
«?» – саволлар туғдиради	

Я 5. Рубоийларни ёд олинг.

УМАР ХАЙЁМ РУБОИЙЛАРИ ҲАҚИДА

Рубоийларда шоирнинг воқеликда кўрганлари туфайли кўнглида пайдо бўлган туйғулари, олам ҳодисалари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ғоят сиқиқ ва лўнда шаклда берилади. Шунинг учун ҳам ҳикматомуз мисралар киши хотирасига михланиб қолади. Ҳар қандай тўрт мисрали шеър ҳам рубоий бўлавермайди. Шоир фикри ва туйғуларининг қаймоғи ифодаланадиган бу шеърий жанр маҳсус вазндангина ёзилади. Ўша вазнда ёза билган шоирларгина қадим Шарқ адабиётида рубоийнавис шоир ҳисобланганлар.

Умар Хайём ана шундай рубоийнавислардандир. Унинг рубоийлари ғоят пурмаъно ва ҳикматларга лиммо-лим. Лекин шоирнинг дунёқарашидан бехабар бўлган, унинг шеъриятидаги образлар тизимини тушунмайдиган одам Хайёмнинг рубоийларини ҳам тўғри англамаслиги мумкин. Шунинг учун Хайём, кўпинча, май куйчиси сифатида талқин қилинадики, бунга қўшилиб бўлмайди.

Қадимда шоирлар, асосан, тимсоллар билан фикр билдиришган. Бор нарсани борича айтиб қўявериш бизнинг Шарқ томонларда санъат ҳисобланмаган. Шеърий образлар кўпинча «Куръон» ва Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларига, тасаввуф ғояларига таянилган ҳолда яратилган. Шу маънода Хайём рубоийларидаги «май», «майхўр», «соқий» образлари ҳам мажозий маънога эга эканлигини айтиш керак.

Баъзан Умар Хайённи худосиз шоир деб ҳам талқин этишади. Бу ҳам мутлақо нотўғри. Хайём Оллоҳга қаттиқ ишонган. Унинг жамолига интилган. Лекин, унинг назарида, Оллоҳга етишиш учун фақат тоатибодат кифоя эмас. Уни дил билан, ақл билан, эзгу амаллар билан ёдлаш керак.

Хайём шеърларидаги «май» Оллоҳга, ҳаётга, инсонга бўлган муҳаббат тимсолидир. Шунингдек, «май» тоат-ибодатнинг ўрнига ҳаётни севиш, уни яхшилаш йўлига кирган киши кўнглиниңг ифодаси ҳамdir.

«Майхўр» кўпинча лирик қаҳрамонни англатади. У – Оллоҳга муҳаббат «май»идан ичгани учун ҳамиша сархуш.

Энди Умар Хайёмнинг айрим рубоийларида яратганга шак келтиришга ўшаган сўзлар учрашига келсак, бу ҳол ҳам шоирнинг Оллоҳга ўзгача меҳри, унинг чексиз қудрати олдидаги таҳсини туфайлидир. «Лойимни ўзинг қорган...», «Хайём, гуноҳга...» рубоийларида ана шу чексиз муҳаббат ўзига хос тарзда акс эттирилган.

Ислом фалсафасида тақдирга ишониш имоннинг энг муҳим талабларидан, мусулмоннинг эътиқоди дараҷасини белгилайдиган мезонлардан ҳисобланади. Баъзилар ҳар кимнинг тақдири Оллоҳдан, одамнинг яхши ёки ёмон сифатларга эга бўлиши ўзига боғлик эмас, бинобарин, одам ўз қилмишлари, хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлмаслиги керак деб ҳисоблашади. Умар Хайём ўз зиммасидаги масъулиятни тақдири азалнинг гарданига юклаб, камолот сари интилмайдиган, покланишга уринмайдиган шахсларнинг қарашларини «Лойимни ўзинг қорган эсанг...» рубоийсида истеҳзо билан акс эттиради. Шоир ҳар бир одам ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга тайёр туриши керак деб ҳисоблайди. Тақдирнинг ҳукми, Оллоҳнинг инояти ҳар бир одамнинг қилмишлари, қилган амалларига яраша бўлишини поэтик йўсинда тасвирлайди. Айни вақтда рубоийда Яратганинг марҳаматидан чексиз умидворлик ҳам сезилиб туради.

«Бир қўлда тутиб музҳаф...» рубоийсида эса инсон ҳаётининг мураккабликлари, чигалликлари, туганмас зиддиятлари ҳаққоний тасвирланган. Ҳар бир киши баркамол инсон – «мусулмони тамом» бўлиши учун тинимсиз равишида камолотга интилиши кераклиги гўзал шеърий мисраларга ифодаланган. Шоир сўзларга чуқур маъно юклашга моҳир:

Хайём, гуноҳга бўйла мотам на керак?
Чекмак бу аламлар сенга ҳар дам на керак?
Гар бўлмаса ҳеч гуноҳ, маъзур нимадир?
Маъзурки насиб етса, сенга ғам на керак?

Гуноҳдан қўрқиб бунча мотам тутишнинг ҳожати бормикан? Гуноҳдан қўрқиб ҳамиша азоб чекиб юриш нима зарур? Гуноҳинг бўлмаса, тавбага ҳожат йўқ. Мабодо, тавбанг қабул бўлса, гуноҳинг кечирилади, кечирилган гуноҳ учун ғам чекиш на ҳожат? Шоир сўзларнинг товланишларини жуда яхши билади ва улардан усталик билан фойдаланиб, рубоийларининг таъсир кучини оширади.

Умар Хайём рубоийлари ҳаёт ҳақидаги ўйлардир. Бу ўйлар билан ошно бўлган ўқувчи ҳаётнинг, борлиқнинг моҳиятини англашга



яқинлашади. Тафаккур оламининг яширин сирларидан хабардор бўлади.



Савол ва топшириқлар.

1. Рубоий қандай жанр?
2. Нима учун Умар Хайём рубоийлари юксак қадрланади?
3. Умар Хайём рубоийларидаги “май” тимсолини қандай тушунасиз?
4. Шоир рубоийларининг асосий ғояси нимада деб ўйлайсиз?
5. Интернет тармоқларидан “Буюк инсонлар ҳаёти” туркумидаги видеолавҳалардан шоир ҳақида маълумотни топинг. Намойиш қилинг.



РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

(1923–2003)

*Шеърият, мазлумга ҳомийлик қилдинг,
Қароли бўлмадинг зўравонларнинг.
Олдинг паноҳингга нотавонларни,
Золимларни эса душман деб билдинг.*

Rasul Xamzatov



XX аср жаҳон шеъриятининг йирик вакили Расул Ҳамзатов – Доғистондаги кичкинагина авар элининг фарзанди. У ўзининг ёниқ шеърияти билан кичкинагина халқини катта оламга танитди ва машҳур қилди.

Р.Ҳамзатов 1923 йилда туғилди. Ўн учён тўрт ёшларидан шеърлар ёза бошлаган. Ўн олти ёшида ўз юртининг таниқли шоири эди. Расул Ҳамзатов мустақил ҳаётга барча тоғлик йигитлар сингари эрта қадам қўйди. Ўн саккиз ёшидан ўқитувчи, артист ва мухбир сифатида турли жабҳаларда меҳнат қилди. Шу жараёнда она халқининг турмуш тарзи ва ўзига хос руҳий дунёси билан яқиндан танишиб борди. Отаси – Доғистоннинг машҳур шоири Ҳамзат Цадаса уни ижодга жиддий қарашга, ҳамиша ҳақиқатни куйлашга ўргатди. Расул Ҳамзатовга Оллоҳ томонидан берилган буюк истеъдод ажойиб устозларнинг маслаҳатлари билан қўшилган ҳолда ёш шоирнинг номини тез орада бутун дунёга машҳур қилди.

Унинг биринчи китоби 1943 йилда чоп этилди. 1945 йилда Москва-даги жаҳон адабиёти институтида таҳсил олишга киришди. Истеъодли шоирниң дастлабки ёзганлари ёқ шеърият шинавандаларининг севимли асарларига айланди. Уни қўлдан қўймайдиган бўлишди. Деярли барча асарлари ёзиши билан рус тилига ўғирила бошланди. Рус тили орқали жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинди.

Р.Хамзатовнинг «Тоғ қўшиғи», «Менинг қалбим тоғларда», «Тоғ қизи», «Дофистоним», «Юксак юлдузлар», «Туғилган куним», «Тоғликнинг ватани», «Овулдан хат» сингари ўнлаб шеърий китоблари, қатор поэмалари шоирниң номини жаҳон шеъриятининг энг илғор вакиллари қаторига олиб чиқди.

Унинг шеърлари ўз халқининг миллий одатларини жуда ёрқин акс эттириши билан, бўйсунмас, эркесвар тоғ халқига хос руҳий ҳолатларни ҳаққоний тасвирилаши билан дикқатга сазовордир.

Расул Ҳамзатов ўз миллатини мадҳэтар экан, уни бошқа миллатларга қарши қўймайди. Айни вақтда жаҳонни ҳеч нарсаси билан қойил қолдирмаган, лекин ўзига хос тарзда яшаб, ўзига хос меҳнат қилаётган авар халқига мансуб эканлиги билан ғуурланади. Ўз шаъни йўлида совуқ йилтираётган ханжар тифига қарши бора оладиган эр йигитлари, гўзал, садоқатли қизлари учун фахр туйғуларини севиб куйлади. Шоир асл туйғуларни акс эттиргани сабабли ҳам унинг ёзган асарлари шеърият ихлосмандларининг дилини жуда ром этган.



Топшириқлар.



1. Адібнинг 16 ёшида ўз юртининг таниқли шоири бўлишига сабаб нимада?
2. Адіб ижодининг ўзига хос жиҳатларини «Балиқ скелети» стратегияси асосида тасвиirlанг.
3. Авар халқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтинг.
4. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида видеолавҳаларни топинг ва тақдимот қилинг.



Матнолди топшириқлар.



1. Она тили деганда нимани тушунасиз?
2. Сиз она тили ҳақида шеърлар биласизми? Айтиб беринг.
3. Она тили ҳақида донишманларимизнинг айтган фикрларини келтиринг.

ОНА ТИЛИМ

Ажабо! Туш деган нарса қизиқ-да,
Үлиб қолганмишман тушда ногаçon.
Кўксимда қўрғошин, қуёш тифида,
Тоғлар орасида ётибман бежон.

Узоқда шарқираб сойлар оқмоқда,
Борлиқда бир ажиб дилбарлик ҳоким.
Мен эсам ўйлайман ётиб тупроқда,
Мана шу тупроққа қўшилар ҳоким.

Мен ўлиб ётибман кимсасиз, унут,
Ҳеч кимса қайғурмас ва чекмас ёху.
Фақат чўққиларда қурқуар бургут.
Фақат водийларда инграйди оху.

Навқирон ёшимда бўлдим-ку адо,
Оташ юрагимни ўйди ахир ўқ.
На онам, на ёрим бермайди садо,
Дўст тугул, ҳаттоки йигичи ҳам йўқ.

Фифон отилади жонсиз бағримдан,
(Гўё фифон бордек мурда дилида.)
Шу пайт икки киши ўтди наридан,
Қувноқ сухбат қуриб авар тилида.

Мен-ку бу дунёдан кўз юмдим мангур,
Улар кулиб-кулиб сўзлашар борин.
Қандайдир Ҳасаннинг турфа иши-ю,
Қандайдир Алининг шўх кирдикорин.

Авар сўзин тинглаб кирди менга жон,
Оҳиста тирилдим ва шунда билдим:
Мени тузатолмас ҳеч дори-дармон,
Жонимга Масихдир¹ шу она тилим.

Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

¹ Масих – пайғамбаримиз Исо алайҳиссаломнинг сифатлари, силаб тирилтирувчи маъносида.

Майли, қашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,
Лекин менинг учун азиз ва суюк.
Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам
Она тилим менга муқаддас, буюк.



Савол ва топшириқлар.

1. Нима учун асарда айнан ҳаётдан кўз юмган лирик қаҳрамон тасвири берилган деб ўйлайсиз?
2. Асадаги берилган табиат манзараси сизнинг кўз олдингизда қандай тасвирни намоён этяпти?(Расмларда тасвирланг)
3. Нима учун асар қаҳрамони аварча сўзларни эшитгач, тирилиб кетди деб ўйлайсиз?
4. Ҳозирги даврда ҳам она тили учун жонини фидо қилгувчилар борми?
5. «Она тилига муҳаббат» жиҳатларини «Кластер»стратегияси асосида тасвирланг.
6. Асарнинг авж нуқтасини топинг.
7. «Она тилим – буюк ва муқаддас» мавзусида эссе ёзинг.



АБИШ КЕКИЛБОЕВ

(1939–2015)



Абиш Кекилбоев 1939 йилнинг 8 декабрида Қозогистон Республикасининг Манғишлоқ вилояти Манғистов туманининг Ўнгли қишлоғида дунёга келди. 1962 йил Қозоқ давлат университетининг филология факультетини тамомлади. Шу иили «Қозоқ адабиёти» газетасида меҳнат фаолиятини бошлади. 1963–1965 йилларда «Ленинчи жас» газетасида адабиёт ва санъат бўлимини бошқарди. 1964 – 1968 йиллар оралиғида Қозогистон Республикаси маданият вазирлигига репертуар бўлими котиби, 1968–1970 йилларда эса Мудофаа тизимида сиёсий ишлар бўйича фаолият кўрсатди. 1970–1975 йилларда «Қозоқфильм» киностудиясида бош муҳаррир вазифасида ишлади. 1975–1984 йиллар оралиғида маданият вазирлигига бўлим мудири, 1984–1986 йилларда эса, вазир ўринbosари сифатида фаолият кўрсатди.

Адибнинг илк ҳикоялар тўплами «Олтин чувоқ» номи билан 1962 йилда чоп этилди. Худди шу иили «Бир парча булут», 1965 иили эса «Қисса ва ҳикоялар» тўплами нашр этилди. 1967 йилда «Дала полапон-



лари», 1975 йили «Чўл балладалари» қиссаси, 1979 йили «Афсонанинг тугатилиши» ҳамда «Унутилган йиллар» романлари эълон қилинди. 1981 йилда «Хулкар» ва 1984 йилда эса «Эрта тонг» романлари чоп этилди.

Бундан ташқари адиб қозоқ бадиий тафаккури тараққиётига чет эл муаллифлари асарлари таржимаси билан ҳам улкан ҳисса қўшган. Улар сирасига Ги де Мопасаннинг «Пьер ва Жан», «Ҳаёт» романлари, У.Шекспирнинг «Қирол Лир», «Ромео ва Жульетта», рус адибларидан А.Чехов ҳамда Л. Толстойнинг қатор асарлари таржимасини киритиш мумкин.

Шунингдек, Абиш Кекилбоев асарлари қозоқ, қирғиз, рус, ўзбек, украин, эстон, немис, испан, болгар, венгер, поляк, турк, инглиз ва жаҳоннинг яна бир неча тилларида нашрдан чиққан кўпгина роман, қисса, ҳикоя ва эсселарнинг муаллифи, бадиий наср ва адабий танқиднинг моҳир устаси сифатида шуҳрат қозонган адибdir.

Қуидида Сиз таниқли қозоқ адиби қаламига тегишли «Пойгатўриқ» қиссасидан парча ўқийсиз. Унда қозоқ табиатига хос хусусиятлар от шууридан ўтказиб тасвир этилган.



Матнолди топшириқлар.



1. Отлар ва уларнинг турлари ҳақида нималар биласиз?
2. Пойга, кўпкарилар ҳақида эшитганмисиз?
3. Сиз отларни яхши қўрасизми?

ПОЙГАТЎРИҚ

(*Қиссадан парча*)

I

У Сайисни бир қарашдаёқ таниди. Бироқ Сайис бу овулнинг, майли, «Отакўзи» билан «Болақўчкор» демайлик, бўталоқ-тойлоқлари, ҳаттоқи боши бузук бузоқлари-ю шўртумшуқ улоқларидан тепки ейвериб ёли билан думига қадар жамики аъзойи баданинг шарти кетиб парти қолган Пойгатўриқни, ҳойнаҳой, танимади. Сағриси бахмалдек товланган тарлонни¹ абжирлик билан бошқариб бориб, оқ ўтов олдида тўхтатди. Тушиб, тушовлагач, одатдагидек отнинг оёқлари, туёқлари, бўй-бастига тажрибали синчи сифатида қаради. Сояда думи билан чивин қўриб ётган қора теватни бир пўписада қувлаб юборди. Саналиб турган қовурғасидаги қўтилларига ёпишавериб теватнинг тинкасини қуритган

¹ Тарлон – ола-тарғил, хол-хол тусли от. Одатда бундай отлар югурик бўлади.

пашшалар энди тарлоннинг мазасини қочиришидан хавотирлангандек бир муддат қараб турди. Ошиқ талашиб жиққамушт бўлаётган икки болакайни: «Яқинлаша кўрманглар, асов, тепки еб қолманглар тафин!» – дея огоҳлантиргач, оқ ўтовга кириб кетди. Кўп ўтмай бир аёл сочига тақилган чўлпиларини шиқирлатганча ўтовдан чиқиб, қўлидаги қора қумғон билан ерўчоқ тарафга йўналди. Демак, Сайиснинг ҳали-вери ўтовдан чиқмаслиги аён бўлди.

Тумшуғини ерга тиради. Янчилган калтакесакдек қапишиб қолган қуруқ ёвшан оралари очилиб-шовшаб қолган тишларига илинмади. Ўзиям қандайдир ачимсиқ ҳид таратиб турибди. Бошини кўтарган эди, кўзлари олдида учиб-қўниб юрган сап-сарик балони кўрди. Оғирлашган қулоқлари ғўнғиллашини эшитмабди ҳам! Бошини тебратса яғринига бориб қўнади, бутун вужудини сескантириб аёвсиз чақади, падарқусур. Думини силкитган эди, чўлтоқ супургидек бир тутамгина бўлиб ҳавода муаллақ қолди.

Бўкалак деганлари бунақанги думдан ҳуркиб бўпти! Оғриқقا чи-даёлмай сапчиб кўрди. Сапчиганда учеб осмонга чиқиб кетармиди, талваса-да! Овул чеккасидаги ташима сув қўйиладиган темир ошлов-нинг қошига борай деса, апир-шапир сув ичаётган қўзи-улоқлар, ба-



рибир, йўл бўшатмайди, бунинг устига ўтовнинг жамики бўталоқтойлоқлари ҳам ўша ерда. Сув етказолмай хуноб бўлаётган хотинхалажлар қоқ пешонасидан таёқ тушириб қолсалар эҳтимол. Анави тахта тўсиннинг соясида жон сақласа бўлар эди, бироқ бу ерни ҳам ғужиллашган хира пашшаларни атрофига йиғиб, ола теват эгаллабидда. Ўртадаги оқ ўтовнинг кигиз сириб қўйилгани учун кераганинг тирқишидан оқ ёстиқда чалқанча ётган Сайиснинг устарада қирилган ялтироқ боши қўриниб турибди. Ўтов қошига боргиси келди. Дурсдурс сакрамай, кандин тушов оёгини ғажиса-да, майда қадамлаб ўтовга яқинлашди. Тарлоннинг қошига бориб тўхтади. Тезаклаб турган экан. Димогига таниш ҳид урилди. Тарикқа боғлаб, сутга суғориб боқилган йилқи тезагининг ҳиди! Бўйнига сассиқ тўрва илинадиган бўлганидан буён димоги бу ҳидни биринчи маротаба туйиб туриши.

Ўшанда аввалига Сайис бўйнига илиб кетган каноп тўрва ичидаги чанг-тўзон аралаш ачимсиқ ҳиддан нафаси қайтиб кетгудек бўлди. Томоги қичишиб, боши айланди. Лабини теккизган эди, нимадир тикандек қадалди. Сутга тўйинган тариқ эмас, албатта. Бошини нарибери тўлғади. Қалин каноп тўрва тумшуғига ёпишиб қолганми, нима бало, тушадиганга ўхшамайди. Ўзи ҳам ўчакишиб икки-уч кун ичидагини татиб кўрмади, тўрва ҳам тумшуғидан тушмади. Ҳозирга келиб ўша тикан аралаш арпани ҳам тушида кўряпти, худо ҳаққи.

Пойгатўриқ хушбўй арпани қўмсаб икки сакради-да, тарлоннинг қошига янада яқинроқ келди. Шундоққина биқинида туёқ дусурини эшитган тарлон сергак тортиб қулоғини тикрайтирганча у томонга бурилиб қаради. Ўзидек емхўрлигини кўргач, таҳдидли кишинади. От нега безовталаняпти деб Сайис ичкаридан мўралади. Пойгатўриқни бу гал ҳам танимади. Қаддини ростлаб, оқ қўйлагининг ёқасини очиб елпинган эди, тағин бир таниш ҳид димогини ёриб юборгандек бўлди. Ўзи бу ёруғ оламда туйган дастлабки ҳидлардан бири ҳам шу эди, ахир!

Ҳали-ҳануз эсида... атрофида нимадир тасир-тусир қилди. Илимилик бир нарса устига келиб тушди. Аллақандай бир чинқириқ қулоғини тешиб юборгудек бўлди. Кўзини очди. Қулоқларини диккайтирди. Устидан нимадир босиб тургандек, бироқ нима эканини билолмади. Ҳар қалай, илиққина нарса. Танига хуш ёқди. Бўшashiбгина ёта қолди. Бир пайт бутун вужуди жунжикди. Кўзини очиб, юқорига қиялаб қараган эди, устидан босиб тушган ёпинчиқ катта экан, унинг бир чеккаси кўринди, холос...

Бир-икки талпиниб, энди оёққа турмоқчи бўлаётган эди, алланияма бўйнига ёпишди. Ундан туғилганидан буён таноблари туйган ҳидларнинг ҳеч бирига ўхшамайдиган бегона ҳид анқиди. Сапчиб туриб, сирғалиб чиқди-да, нарироқда юрган туёқлилар орасига ўзини урди. Енгил чопқиллаб борар экан, ўзидек отлар уюрини кўрди. Уюр ортида унга қарай-қарай одимлаётган тўрт туёқли онаси экан, унинг

кенг яйловдек сағриси, устундек йўғон оёқлари, олдинги ўнг туёғининг тепарогидаги дам «менгзиё», дам «менгнор» деб аталувчи холи... – ҳамма-ҳаммасини бир қарашаёқ таниди.

Ўшанда шу онадан туғилганида устидан босиб тушган катта ёпинчик – осмон эканини, осмон эса доимо туёқ тегмас, оғиз етмас олисда – тос тепада туришини кейинчалик яхшигина билиб олди; унинг ҳамиша бир хилда бўздек бўзармай, кўл сувидек кўм-кўк, кўмирдек тим қора, оққушдек оппоқ бўлиб, мудом ранг-туси ўзгариб туришини ҳам талай марта кўрди. Дастроб ерга шалоп этиб тушган шалаббо танасини она-сига ялатар экан, бутун вужуди роҳат-фароғатдан эриб кетгудек бўлди, айни чоғда танобини ёриб юборгудек бегона ҳидни ҳам илк марта туйди. Кейинчалик бу ҳиднинг эгасини ҳам таниб олди. Ундан бегонсира-масликка ўрганди. Аксинча, бошқа йилқиларга ўхшаб, у ҳам, танобла-ри туймай қолгудек бўлса, атрофга аланглаб, қулоғини қайчи қилиб қарайдиган бўлди. Ҳатто шунақанги ўрганиб кетдики, онасининг ҳиди, барра ўт ҳиди, ғир-ғир шабада ҳидидек, мудом бурнини қитиқлайди; ҳам ёқади, ҳам ҳуркитади. У онасининг ортидан тўмпанглаб эрга-шишни бас қилиб, кўзлари қизил, ёли ола-була, сап-сариқ айғирнинг қитиғига тегиб, уюрдан ажралиб чиқиб бебошларча чопқиллайдиган ўйинқароқ тенгдошлари қаторига қўшилган кезда ўша ҳид тўсатдан йўқ бўлди-қўйди. Ҳид эгасини қидириб у ёққа юрди, бу ёққа юрди, бироқ тополмади.



Савол ва топшириқлар.



1. Адиб ижодини “Балиқ скелети” стратегияси асосида ўрганинг.
2. Яйловда отларнинг ўтлашини кузатганимисиз?
3. Бир умр Пойгатўриққа ёқимли бўлган ҳид ниманинг ҳиди эди деб ўйлайсиз?
4. Пойгатўриқ осмонни қандай англади?



5. Тарлон ва Сайислар ҳақида маълумот беринг.

II

Кунлардан бир куни Кўктепа устидан икки отлиқ тушиб келди. Уларни кўрган йилқилар нимагадир қаттиқ безовталандилар. Бироқ ўша таниш ҳид, барibir, анқимади. От тўрвадан кичикроқ қоп-қора бир нимани елкасига саланглатиб осиб олган бир иккиоёқли қўлини бигиз қилиб буларни кўрсатар экан, ёнидагиси бақириб-чақириб нимадир деди-да, ўз йўлига кетди. Елкаси қисиқ иккинчиси уларга яқинлашди. Ҳамма иккиоёқлиларнинг иси бир хил бўлмаслигини у ўшанда билди. Бу иккиоёқлидан кўлмак сувидек илимилик, ўлакса ҳид тарала-



ди. Ўзиям аввалги әгаларига ўхшамайдиган – жудаям бақироқ экан. Бежороқ ҳаракат қилсанг, чучук этингни ачишириб сағринингга алланарса шартиллаб тегади.

Яхшиямки, у атрофларида кўп ўралашмади. Қунлардан бир куни бир кўзини оқ қошиб билан тангиб олган иккиоёғли келди. Ўлакса иснинг қошига бориб, қўйнидан қандайдир қоғоз чиқарди. Ўлакса ислиning афти буришиб турувди, чиройи очилди. Ўзи ҳамиша уюрнинг ўртасига кирмай чеккароқда юргувчи эди, ўшанда ҳам четроқда ўтлаб юрувди, кутимагандек бир нима бўйнига игнадек қадалиб, ўралди-қолди. Нари юлқинди-бери юлқинди, бўлмади. Бўғзини қийиб юборгудек сиқиб боряпти, падарлаънати. Сакради ҳам, сапчиди ҳам – бефойда, аксинча, кекиртагини кесиб тушгудек баттар қисилди. Ўлакса ис қора илондек узунчоқ нарсани тортиб ушлаганича тобора яқинлашяпти. Шундоққина ёнига келди-да, бирдан қулогига ёпишса бўладими! Бураб юлиб олмоқчими, нима бало! Беихтиёр гижинглаб кишнади. Шу орада бошига нўхта ҳам тушди. Ўлакса ис етаклаб олиб келиб, ҳалидан бери уюр четида қия қараб турган қўшбоғли биттакўз биткўзга ушлатди. У бир қўли билан нўхтасининг ипини маҳкам тутамлаб, иккинчи қўлидаги қамчини остидаги қуйруғи кесилган от – калтадумга шип этказиб тортиб юборди. Қамчининг ўйноқлашини кўриб у сесканди, бироқ қамчи еган калтадум пинак бузмай бамайлихотир юриб кетди.

Кўктепа бағрида қолиб кетаётган уюрига қаради: ҳаммалари ҳойнаҳой унинг чинқириғидан ҳуркиб бир жойга йиғилиб олишибди. Лекин хафа эмас, хурсанддек – ҳаммалари анграйиб-қизиқсинааб қараб туришибди. Олдинроқдаги тўриқ уюрнинг нариги тарафида қаққайиб турган ўлакса ислига кўзи тушиб кишинашдан таққа тўхтади. Йўлни чангитиб бораётган калтадумга юз буриб, ноилож эргашди. Бу калтадумнинг қаерга бошлаб бораётганини кошки билса экан, начора, бошига нўхта илинганидан кейин эргашмай нима қилсин!

Улар узоқ юрдилар. Неча қир ошиб, неча ўрга тушдилар. Калтадум бир маромда йўлнинг танобини тортиб боряпти. Иккиоёғлининг остида роҳатланиб елишини қўрсангиз! Ўзиям тиним билмади, чўлтоқ супургидек қуйруғидаям тиним бўлмади, юриш маромига мослаб дам ўнгга, дам чапга чўлтанглатаверди. Етакка анча ўрганиб қолди. Фақат калтадум устидаги киши қўлидаги кичкина таёқча, таёқчага уланган ғадирбудир ипдан кўзини узмайди. Бу «қамчи» деган балони кўришга кўрди, ҳайтовур, емади. Олдинда тепадан салгина баланд қора тоғ кўринди. Тошлоқдан биринчи марта юриши эмасми, тошларнинг шиқирлаши туёқларига қўшиб, миясиниям чақиб ташлаётгандек бўлди. Ҳар ҳатлаганда алланималар пастга шовуллаб тўкилади-да, оёғига урилади. Ҳали тош қотмаган нозик туёқларини авайлаб, ниҳоят, тепага чиқиб олгач, калтадумнинг ҳар бир изини бехато босиб келяпти. Тоғ усти кундалик ўтлоғидек юмшоққина бўлмаса-да, ҳар қалай, анча текис экан. Оёқ боссанг дурсиллайди. Ингичкагина сўқмоқ тоғ-тепаларни ўраб-

чирмаб илондек эшилиб-буралиб ётибди. Ёнбошидаги тумшуксимон баҳайбат тошни айланиб ўтганларида ғужғон ўйнаган қўй-кўзилар кўринди. Илгари бу жониворларни фақат сувотда кўрар эди; апир-шапир сув ичиб, туртиниб-суртиниб, ҳадеганда сувотни бўшатмасдилар. Сурув чеккасида юрган кичкинтой иккиоёқли талпанглаб улар томонга югурди. Ортида шалпангқулоқ тўртоёқли чопқиллади. У бошини қўйи эгиб, тўрт туёғини ерга маҳкам тираб, тайсаллаб туриб олди. Нифаси ичига тушиб, суяқ-суяклари сирқираб, вужуди қалт-қалт титради. Калтадум устидаги киши нимадир деб бақирди. Югургилаб келаётганлар таққа тўхтаб қолдилар. Калтадумнинг уларга парвойи палак, дағал, қоқсуяқ ёвшан оралаб базур кўриниб турган илон изи сўқмоқ бўйлаб тағин одимлайверди. Яна бир оз юрганларидан кейин тўмпайиб бир жуфт қора уй кўринди.

Калтадум уйларга яқинлашиб тўхтади. Ёлғизқўз йўловчи отдан тушди. Уни сал нарироқقا етаклаб борди-да, калласигина ердан чўччайиб чиқиб турган темир қозикқа боғлаб, уйга кириб кетди. У қозикқа ҳам ҳуркиб, ҳам ажабланиб қаради. Бир-икки тортиниб кўрган эди, қилт этмади. Тўрт оёғига тираниб, қаттиқ чираниб тортинди – фойдаси бўлмади. Бир кўзи танғилган одам қайтиб қорасини кўрсатмади. Уйдан аёли чиқиб, мўсига¹ чойнак осди. Қулоғини диккайтириб кишинаган эди, аёл парво қилмай уйга қайтиб кириб кетди. Яна тортиниб-юлқинди – қозик тағин ўрнидан қўзғалмади. Икки ўртада бўйни баттар оғриб, сағрисига чип-чип тер чиқди. Қозик қошида ёта қолди. Тонгга яқин юравериб терлаган қўлтиқларига тоғнинг салқин шамоли ёқимсиз тегиб, танини жунжиктирган эди, шунинг учун тонг отганида ҳам борлиғини қуёш нурларига тоблаб, алланечук ҳузур қилиб ётаверди.

Майда қадамлар товушини эшитиб бошини ердан кўтариб қаради. Кечаки сурув четида кўргани – кичкинтой иккиоёқли экан. Қошида шалпангқулоқ тўртоёқли ҳам чопқиллаб келяпти. Ўрнидан сапчиб турди. Янги эгаси чой ичиб бўлди, шекилли, уйдан чиқиб келди. Бош тебратиб кишинаган эди, у ҳам овози борича бақирди. Арқонни қозикдан ечиб, қўлига ўраган кўйи тобора яқинлашаверди. Ёнига келиб оғзини зўрлаб очди-да, тишлари орасига алланимани шиқирлатиб ошатиб юборди. Муздеккина бир бало экан, танглайнини шилиб кетди-ёв! Буниси етмагандек, тумшуғи билан икки қулоқ-чеккасини кўн қайиш билан чандиб ташлади. Кейин бўйнига чиппа ёпишиб, устига сакради. Терисини юлиб олмоқчилик маҳкам чангллади. Нима бўлиб-нима қўяётганини билмай, бор кучини ишга солиб, бу ёпишқоқ балони ановдек ерга отиб юборди. Ўзиям қўш елкаси билан шилқ этиб тушди. Ёпишқоқ ўтакетган қайтмас-қайсар экан, қайта туриб, тағин устига сапчиб минди. Минди-ю маҳкам ёпишди-қолди. Қани энди на кўкка сапчиши, на тўнқиши, на

¹ Мўси – уч оёқли кўчма ўчоқ.



югуриши зифирча кор қилса экан! Роза чарчаб, оқ тер-күк терга тушиб, силласи қуриб, бир муддат тин олмоқчи эди, икки зилдек нарса икки өзиге қаттиқ ботди. Мункиб кетаёзди. Ўпкаси тушди. Беихтиёр кишнаб юборди. Қўзларига тер қуюлди. Қўш оёқлаб кўйка сапчиган кўйи бир муддат тек қотди: орқасига ёпишган бало учиб эмас, сирғалиб ҳам тушадиганга ўхшамайди. Тоғ устидаги ялангликни бошига кўтариб тағин кишинади. Қани бир тирик жон жавоб қилса-чи! Ҳалигина эгаси тушовлаб кетган жойида баҳузур ўтлаб юрган калтадум бу нега кишинаяпти экан деб бош кўтариб қарамади ҳам! Оч биқини туздек ачитган қамчи зарбидан боши оқсан томонга қуюндеқ уча кетди. Яхши отга бир қамчи... бас-да! Устидаги одам бўлиқ қовурғаларини темирдек тиззалири билан омбирдек қисган кўйи тош қотиб қолган. Ҳар қалай, бошқа қамчи урмади ҳам, оёқлари билан нуқимади ҳам. Анча чопди. Бир пайт йўртишга ўтган эди, йўғон сони тағин туз сепгандек ачишди. Қайта чопди. Бу гал қўзларига қон қуюлиб, қасдлашгандек бутун жонжажди билан чопди. Устида қўнқайиб ўтирган қайсар иккиоёқлини овулидан, калтадумидан, питраб ёйилиб ётган қўй-қўзиларидан ажратиб олиб, оёқетмас олисларга обориб ташлаш умидида қуюндеқ учиб кетяпти. Авваллари хашақдан бошқа бирон нарса яқин келмаган икки лунжини сувлиқ ғажиб, эзувларидан¹ қон аралаш кўпик оқишига тушди. Шунга қарамасдан чопаверди. Тоғ устида нима қўп – кичик-кичик тепачалар билан чуқурчалар қўп бўлар экан. Биридан ўтса, иккинчиси олдидан чиқади. Бир тепага чиқди, бир пастга тушди, бир жилгадан сакради. Икки биқинини тешиб бораётган темирдек қаттиқ икки тизза барибири зифирча бўшашмади. Йўқ, бу тақимдан қутулиш ҳам, ернинг чеки-чегарасига етиш ҳам йўқ! Туёқларини тош ғажиб, ўпкаси шишиб, юрак-бағри ўтдек куйди. Бояги шашти қайтиб, қадами сусайди. Қанча чопганини билмайди, ҳайтовур, хуфтон пайти овлуга талтанглаб базур етиб келди. Худди ботқоқ кечиб келаётгандек оёқларини амалтақал кўтариб босади. Бўйни ҳам қаттиқ толиқибди: ўз боши ўзига оғирлик қилаётгандек ер тортиб, эран-қаран қозиққа етиб олди. Шу ийқилганидан тонгга яқин ўзига келди. Чошгоҳдан буён туз тотмаган эмасми, эрталабга қадар қозиқ кемириб чиқди. Ниҳоят, тонг ҳам отди. Чошгоҳгача ёнига ҳеч бир тирик жон яқин йўламади. Қун исиб, куйган ёвашан билан қизиган тош иси анқишига тушганида янги эгаси қошига келиб, жиловини қўлга олди. Кечагидек юлқинмади ҳам! Аъзойи бадани дағ-дағ титраб, эгасининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турибди. Бугунги авзойи кечагисидан беш баттар! Жундор қўлинин тумшуғининг тагига олиб келиб, сувлигини тишлатган эди, икки лунжидағи энди-энди қота бошлаган яралари яна қон қақшаб қўяверди. Бутун вужуди сесканди. Энди майин шабададан бошқа нарса яқин йўламаган лўппи баданини қиллари бигиздек ўткир қаттиқ кигиз тўқим чақиб олаёт-

¹ Эзув – лабнинг икки чети.

гандек бўлди. Тўқимнинг устига аллақандай осинчоқлари шилдираб зил-замбил бир нима келиб тушди. Кейинчалик билса, бу «эгар» деган бир бало экан. Ўшанда янги эгасининг юзига қанчалик ялтоқланиб-жовдираб қарамасин, мулоимроқ ройиш кўрмади. Чап томонига ўтдида, эчкининг қилидан тўқилган айилни учидан ушлаб чирана тортди. Ўзиям бутун ичак-човоғини қорнига қўшиб умуртқасига обориб ёпиштириб ташлади-ёв! Тарракдек қотиб қолди. Янги эгаси осинчоқ, кейинчалик билса, «узанги»га оёғини қўйса бас, буёғи енгил экан – лип этиб устига чиқади-қолади. Фадир-будир беш ўрма қамчини маҳкам тишлигаган ўткир тишлирини ўйлаб беданадек йўргалай кетди.

Сапчиб-сапчиб, тўнқиб-тўнқиб, икки сёклининг тақимига ахийри кўнди-кўниди. Унинг ҳар бир фармойишини бехато бажаради, юганинг салгина ҳаракатини оппа-осон уқади. Фақатгина бирининг човига бири бошини тиқиб олиб, бири бирини панараб кун кўрадиган қўй-қўзиларнинг имиллашларига анчагача ўрганолмади: қадамини эҳтиёт бўлиб босмаса, оёқлари остида қолиб кетади. Барибир, эҳтиётсизлик қилиб, талай марта қамчи еди. Дастреб кўй боқишига борганида роса мияси ачиб, боши қотиб, калласи гаранг бўлиб қайтди. Чарчаб келгани шунчаликки, тунлари тушовланиб турган ҳолида икки кўзини зил босиб, мудраб кетади. Кўз юмганида. Кўктепа кенгликлари, чарчаганча чопқиллаб, истаганча ўтлаб-ёйилиб юрган қадрдон уюри кўринади. Ойдалани гумбурлатиб чопиб бораётган йилқилар орасида тўриқ бияни – ўз онасини қўриб қолади. У муштоқона термулиб турверади, лекин уюр унга қайрилиб қарамайди, орқасидан чанг-тўзон кўтарганча қуюндек елиб кетаверади. Чарчоқданми, чанқоқданми, муштоқликданми ҳансираబ-ҳаллослаган семиз-семиз биялар кўздан буткул ғойиб бўлиб, атрофни оппоқ тўзон қоплаб олади. Ўпкаси чангга тўлиб, ҳаво етишмайди. Ўзини ёвда қолгандек сезиб, тобора олислаб кетаётган уюрнинг ортидан жон ҳалпида кишинайди. Ўз овозидан чўчиб уйғонади. Кўрадики, атрофида зоф йўқ! Фақат нарироқда якка-ёлғиз қалтадум ўтлаб юрибди. У, албатта, кишинашига парво қилмайди, бошини кўтармайди ҳам, бутун ер юзига битган жамики ўт-ўланни шутопда ямламай ютиб юборгудек ютоқиб оғзини очиб-ёпаверади, очиб-ёпаверади.



Савол ва топшириқлар.



1. Табиат бағрида сайр қилганингизда йилқиларни кўрганмисиз?
2. Йилқининг одам тилини тушунишини биласизми? Сабабини топиб кўринг-чи?
3. Эгар-жабдуқларни ўқитувчингиз ёрдамида таърифланг.



4. “Ақлий ҳужум”: “Эр кишининг йўлдоши – от” дейилган фикрга нима дейсиз?

Г 5. Матн устида тадқиқот иши ўтказинг. Жадвални тўлдиринг.

Матннинг асосий гоясини топинг	
Аниқ ва ноаниқ маълумотлар	
Фикрингизни расм билан тасвирланг	
Асар бўйича ҳаётий мулоҳазалар юритинг	
Тарбиявий хулоса чиқаринг	

Ж 6. Чавандозлар ва пойга ҳақида қандай видеолавҳаларни биласиз? Интернет тармоқларидан видеолавҳаларни топиб, на майиш қилинг.

III

Қўйчи овулда юриб, қанча қор-қиров кўрганини унутди. Қўйларнинг имиллашларига ҳам ўрганди. Кенг далада ўзиdek кўзга илингулик жон ахён-ахёнда учраб қолади. Ҳеч ким шошириб биқинига тепкиламайди, сонини саваламайди. Тинч, бамайлихотир тирикли! Ёзда ўт-ўлан билан сув тайёр. Қишида бўлса, кўра қошига уйилган тоғдектоғдек қўш моядан туни-куни тумшуғингни айирмайсан. Қўйчи овулнинг имиллаб ўтказадиган боқибекам қунларига ичи пишмайдиган бўлиб қолди. Бир кўзини оқ қошибоғ билан танғиб, устидан кўзойнак тақиб, ҳамиша қовоғидан қор ёғиб, бўзариб-гезариб, ихраниб-сиҳраниб юрадиган қўйчивон, унинг куни-туни курк товуқдек куркиллаган сапсариқ қийиккўз кўмакчиси, икки уйнинг ҳам хотин, бола-чақалари – ҳаммасини беш қўлдек таниб-билиб олди. Ҳаттоки, шу отарнинг пойлоқчи итлари – қорабўйин теват билан қип-қизил қанжиқ ҳам олисданоқ кўзларига ўтдек кўринади. Эгаси қўй тунатишга¹ борганида отар атрофида тонг отгунча тушовсиз – эмин-эркин ёйилиб юришини айтмайсизми! Қалтадумга ўхшаб, энди ўзи ҳам қошидан уюр-уюр йилқи ўтса-да, пинагини бузмайди, бироқ атроф-теваракда бирон итқушнинг² товушини эшитиб қолгудек бўлса, сергак тортиб, кишинаб, ер тепкилаб, уйга суйкалиб, ўзига ишончли паноҳ сўрайди. Ёлини ел силаб, астойдил чопишни ҳам унутай деди. Ахён-ахёнда чўпонбола сугоришга оборганида сонини шапатилаб, ёлларини силайди. Қўллари бирам майин! Шунинг учун болакайни кўрганидан ўйноқлаб турадиган бўлди.

Бир ёзда қўйчи овул авваллари у юриб-туриб кўрмаган янги бир яйловга кўчди. Қўз илғамас кўл. Қўйнинг емиши асосан ёвшан. Қунлардан бир куни эгаси қудуқдан мол сугориб, чой ичгани уйига кетаётган эди, қалин бутазор томонидан эсган эпкин кўнглини оздирувчи сассик

¹ Қўй тунатиш – қишида қўйларни совуққа олдириб қўймаслик учун қўзғаб юриш.

² Итқуш – бўри.

ҳид олиб келди. Қулоқларини қайчи қилиб, пишқириниб, ўша тарафдан тезроқ узоқлашмоқчи бўлди. Лекин эгаси унинг қочқоқлашига қарамай айнан ўша қалин бутазор томонга жиловни бурди. Теккан жойини пичоқдек тилиб кетадиган ўткир баялиш¹ оралаб қулоғи динг, қўрқа-хурка базўр юриб боряпти. Баялишларнинг уч-учларига илиниб қолган ёпоғи жун парчалари кўзга ташланади.

Кутилмаганда улар ортларига бурилиб, овулга йўл тортилар. Овулга бўйнида ем тўрвадан кичикроқ қора каноп тўрва осиб олган бирор келибди. Қозикда оёқлари тарвайган бир қашқа от бойлоғлик турибди. Эгаси отдан тушиши билан ўзига пешвоз чиқаётган тўрвали сариқ киши билан сўзлаша кетди. Бутазор томонга қўлини қайта-қайта сермади. Сап-сариқ Саривойнинг оғзи очилиб қолибди. Улар уйга кириб, иккови икки сўйил олиб чиқдилар. Отларига миниб, баялишзор томонга йўл олдилар.

Ичига чуқурроқ кириб боргандарида бутазорнинг нариги тарафида буқиниб эмаклаётган кўзлари туздек бир махлукни кўриб қолди. Ербағирлаб, буталар орасига сингиб, кўздан йўқолишга уринаётган махлук теваракни гумбурлатиб келаётган қўш отлиқ дусурига чидалб ётолмади. Бутазордан чиқиб, кенглиқда чопа кетди. Ёнидаги от ҳам бутазордан отилиб чиқиб, ортидан қувлади. Ўзи бир муддат нима қилишини билмай тайсаллади. Эгаси қамчи кўтаргач, у ҳам қушдек учди. Кўк бўри ҳам бўйчан ёвшанлар оралаб оқар юлдуздек учиди боряпти.

Кўпдан буён чопиш нималигини унутиб қўйган жисми анча оғирлашиб қолибди. Қаттиқ ерга теккан туёқлар дусури туйилаётган келининг овозидек бўғиқ чиқади. Иккаласи товушдан тезроқ учяптилар. Ҳаммаларининг олдиларидан аввалгисидан ҳам қалинроқ баялишзор чакалак чиқиб қолди. Бўри, албатта, ўзини унинг ичига урди. Олдидаги от чакалакзорга киролмай, уни айланиб ўтмоқчи бўлди. Лекин унинг эгаси тепиниб, жиловни тўғри тутди. Чопиб бошлаганидан буён кўкрагидан итараётган шамол энди бутазорга қўшилиб туёқлари остида қолгандек бўлди гўё. Ҳалигина зилдек оғир туюлаётган гавдаси анча енгиллашгандек. Кўз олди ҳам равshan тортди.

Қалин баялишзорга тобора чуқурроқ шўнғир экан, ниҳоят, бўри кўринди. Жонивор, шу чакалакзордан омон-эсон чиқиб олса, нарёғига қир ошиб, адаштириб кетиши аниқ. Шу пайт чакалакзорни айланиб ўтган от нариги тарафдан келаверди. Ўртада қолаётган бўри ўлармонлик қилиб икки ўртадан чапга сирғалиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Ўша тарафдан чуқур жарлик кўринади. Тикка чиқиб, етиб бориб, таппа ташласа, отни ўзи тугул, шамолига ҳам етказмай кетади – от тушолмайдиган

¹ Баялиш – қуроқ, қамишсимон ўсимлик.



жарликнинг унгурларидан бирида паналаб кўздан йўқолади. Афсус, нариги от чакалакзорни айланиб ўтаман деб вақтни қўлдан бой берди-да.

Эгаси ҳали пойга кўрмаган отини авайлаброқ тақимини қисди. Қулоқлари чимирилиб, буталарни босиб-янчиб олға интилди. Кўк бўри бели буқрайиб чакалакзордан жаргача ялангликка ундан аввалроқ чиқиб олди. Олисдан ўйдим-чуқур кўрингани билан туёқни тўэдириб, ўпкани ўчирадиган чуқури йўқ яланглик экан, ўзи ҳам чиқиб борганида бўри ҳали қорасини ўчириб улгурмабди.

Дунёга келганидан бўён бу қадар туёғи қизиб чопмагандирор. Бир вақт кўк бўрини нақ тумшуғининг тагида кўрди. Бўри жон ҳалпида олдинга интилди, бироқ қочиб қутуломаслигини сезди шекилли, туёқларга топталгудек яқин қолганида охирги кучини ишга солиб унга ҳамла қилди, лекин чўяндек зил сўйил қулоқ-чеккасидан тушди-да, анча жойга ўмбалоқ ошиб кетди. Қайтиб бош кўтаролмай сулайиб қолди. Ўзи шаштидан тушолмай анча жойга ўтиб кетди. Ортига қайтаётганида эгаси сўйилни тағин бир сермади. Қашқир қайтиб турмас бўлиб буткул сулайди. Эгаси сакраб тушиб пичоини қинидан суғурди. Ўзи туёқлари қизиб, бир жойда тек туролмай, бўрининг устига чўнқайган эгасини айланчиқлади. Нариги отлиқнинг қораси ўчиб қолган экан, бўри сўйилиб, териси шилиб олиниб, қайтиб келаётганларида олдларидан чиқди. Сап-сариқ Саривойнинг бўри билан иши йўқ, нимагадир дам олдига, дам ортига ўтиб, уни томоша қилган кўйи оғзи ёпилмай, овулга боргунча алланималарни вайсаб борди. Қанча йил тақимида юрган бўлса-да, ҳеч бир одам боласи билан очилиб-ёзилиб гаплашганини кўрмаган эди, нимагадир эгасининг ҳам бугун жафи тинмади. Овулга етиб келганларида иккала уйнинг хотин, бола-чақалари атрофларида уймалашдилар. Қўшни қўйчи овулларнинг одамлари ҳам бирин-кетин чопиб-чопқиллаб келдилар. Эртасига қудуқ бошида жамоат жам бўлди. Мудом қўйчи овулларни оралаб юрадиган Саривой қудуққа суюниб туриб, эгаси билан узоқ гаплашди. Кетаётиб ўзининг ёлларини тараб, тумшуғини силаб-сийпади. Бирданига қаттиқ чопгани учун анча кунгача тақим пайлари тортишиб, бутун аъзойи бадани қақшаб зўрға юрди.

Бир куни кечқурун қўйчининг боласи уни қудуққа обориб суғориб келди. Келса, уй олдида бошқа от турибди. Яқинлашганида яна бир кишини ортидан эргаштирган эгаси унга пешвоз юрди. Бегона икки оёқли ўзининг қошига келиб, олди-ортига ўтиб қаради, ёли, қаншари, тақими, сонини синчиклаб кўздан кечирди. Ҳайратланиб танглай қоқди. Бошини силади. Қўлидан қарийб унутилаёзган бир таниш ис анқиди. Бегонанинг кафтини исқади-да таниди! Ўша қадрдон ҳид! Эсида, қулун кезларида оёқлари толиб, кўзлари қорайиб онасининг бағрига бош суқар әди. Ўшанда ўзини маст қилгулик ажиб бир хуш

бўй анқигувчи эди. Бегонанинг қўлида ўзи кўриб юрган одамларда мутлақо учрамаган ўша қадрдон ис бор! Демак, бегона эмас, қадрдон экан-да! Албатта, она бағридаги ҳид бунга қиёслаб бўлмас дараҷада кучли эди, лекин, барибир. У эгасига нимадир деб кулди, овози ҳам танишга ўхшайди. Андак бўғилиб-ҳирқираф чиқади. Эмизикли пайтларида у ипини юлқилаб, тек туролмасди. Ўшандада бу ҳирқироқ овозни кўп эшитган эди. Бундан чиқди, манови иккиоёқли ўзининг бу ёргу оламда илк бор кўрган Одами экан-да! У биринчи марта туйган одам иси ҳам мана шу ҳид, шу меҳрибон қўлларнинг ҳиди эди-я...

Шундай қилиб, Сайиснинг қўлига қайтиб тушди. У эртасига ўзини етакка олиб, қўйчи овулдан тонг саҳарда отланди. Яқин атрофдаги икки овулнинг бор-йўқ иккиоёқлиси ташқарига чиқди. Ҳаммалари ортларидан мўлтираб қараб қолишиди. Уйнинг ўнг биқинидаги чий тўсиннинг ортида унинг аччиқ терлари ҳидини анқитиб эгар-тўқимлари ётибди. Икки ит анча ергача орқаларидан эргашиб борди. Қунботардаги қоратепага етганларида иккаласи ҳам шундоққина йўл устига чўнқайиб ўтира кетдилар. У сўнгги бор ортига бурилиб қаради: жуфт ит-ку, тепа бошида чўнқайиб ўтирибди. Иккиоёқлиларнинг жуфт уйи эса, кўз илғамас олисларда қолиб кетибди.



Савол ва топшириқлар.

Г

1. Асар мазмунини ёритиш учун “Адабиёт тўгараги” стратегиясими қўлланг. (1-ҳикоя қилувчи; 2-тадқиқотчи; 3-савол тузувчи; 4-аниқлик киритувчи; 5-рассом; 6-ҳаётга боғловчи)
2. Ушбу парчада қандай воқеа ўз аксини топган?

Ж

3. Асарда қозоқ халқи миллий қадриятларининг қандай жабҳалари на-моён бўлган?

Я

4. Асар мазмунига таянган ҳолда «Мангу эл» ғоясига боғлаб эссе ёзинг.



ГЛОССАРИЙ

Адашган воқеалар	Асар матнидан олинган парчаларни ўз ўрнига қўйиш.
Ақлий ҳужум	Ушбу стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.
Оқилнинг олти қалпоғи	Эдвард де Бононинг 6 қалпоғи (6 гурух) асар таҳлилида 6 хил маълумотни тўплашга ёрдам беради: оқ – аниқ маълумотлар, қизил – ички ҳис-туйғу, қора – танқид, сариқ – ижобий томони, яшил – янги фикрлар, кўк – хулоса чиқарувчи.
Балиқ скелети	Ўрганилаётган масалани балиқ расми асосида ёритиш стратегияси. Бунда балиқ боши – мавзу масаласи, устки тармоқлар – асардаги тасвир воситалари, остки тармоқлар – далиллар, қуйруғи – асар ҳақида ўқувчи фикрини билдиради.
Вени диаграм- маси	Икки муаллиф ёки икки масаланинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиш стратегияси
Видео- топишмоқ	Видеотасма орқали биронта асарга оид қўшиқ ёки видеолавҳа томоша қилинади. Унинг қайси ёзувчи ёки шоир қаламига мансуб эканлиги топилади.
Дебат	Мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашishi.

**Жигсо –
инглизчадан
“жимжимадор
арра, машина
арра”
маъносини
англатади**

Ўқувчилар янги ўқув материалини биргаликда қисқача вақт давомида ўзлаштирадилар. М: янги материал бир неча тенг қисмларга бўлинади. Нечта қисмга бўлсангиз, ўқувчилар шунча гуруҳ ҳосил қиласидилар. Ҳар бир иштирокчи материал қисмини олади ва ҳар бир гуруҳдан бир аъзо эксперт ролини бажаради. Ҳар бир гуруҳ ўзларига тақсимланган парчани 10 дақиқа давомида ўрганадилар. Ҳар бир гуруҳдаги экспертлар масала бўйича мавзуга доир гуруҳга тўпланадилар ва ўзлаштирилган материални қандай қилиб бошқа гуруҳ аъзолариға тушунтириб бериш усулларини муҳокама қиласидилар. (конспект, жавоб режаси, хуносалар; 15 дақиқа давомида) Сўнгра бир масала устида ишлаган экспертлар турли гуруҳларга бориб, ахборот алмашадилар. Бу эса «экспертлар учрашуви» деб номланади. Шундан сўнг барчasi ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқа гуруҳларда мустақил ўрганган маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Сўнгра ўқитувчи текширувчи саволлар орқали янги материал қандай ўзлаштирилганлигини билиб олади, баҳолайди.

Елпигич

Ўрганилган мавзуни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш. Ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш. Бир варак қоғоздан елпигич ясаймиз. Елпигич бўлакчаларининг бир томонига савол ёзамиш ва шеригимизга берамиз. У эса иккинчи томонига жавобини топиб ёзади.



Инсерт	Ёки “Туртиб чиқиш” стратегияси. Қуйидаги шартли белгилар орқали ўқувчи ўзининг ўрганилаётган асарга бўлган муносабатини билдиради. “V” – биламан “+” – билмайман “-” – Янги ахборот “?” – тушунмадим
Кластер	Бунда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади.
Концептуал жадвал	Ўрганилаётган мавзуни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.
Моделлаштириш	Ўқувчиларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантиқий фикрлаш, уларнинг умумий моҳиятини шартли белгилар ёрдамида ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.
Муаммоли вазият	Бунда ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қиласди.
CWOT таҳлил	Ўрганилаётган масаланинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга ёрдам беради. Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади. <ul style="list-style-type: none"> • Strengths (кучли томонлари), • Weaknesses (кучсиз томонлари), • Opportunities (имкониятлари), • Threats (хавфли томонлари).

Синквейн	Беш мисрали шеър стратегияси 1 – битта от сўз туркуми 2 – иккита сифат сўз туркуми 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз 4 – тўрт сўздан иборат гап 5 – мавзуга доир бир синоним
Соябон	Ўқувчилар ўрнидан туриб қўлларини юқорига кўтариб жуфтликда бошларига соябон шаклини келтиришади. Уларнинг ясаган соябони тагидан ўтган дарсда келмаган ёки дарсни яхши тушуммаган ўқувчи ўтади. Ҳар соябондан ўтаётганда соябон эгалари ўтилган дарс ҳақида битта сўзми ёки гапми айтишлари керак. Барча соябондан ўтган ўқувчи ҳамма олдида қандай маълумотни эслаб қолганини баён этади, натижада ўтилган дарс такрорланади ва мустаҳкамланади.
Тадқиқот иши	Асарни ўрганиш давомида ўқувчилар 5 гуруҳга тўпланиб, қуйидаги топшириқларни бажарадилар: 1. Матннинг асосий ғоясини топинг. 2. Аниқ ва ноаниқ маълумотлар. 3. Фикрингизни расм билан тасвирланг. 4. Асар бўйича ҳаётий мулоҳазалар юритинг. 5. Тарбиявий хулоса чиқаринг.
Т-жадвал	Мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самарасизлигини, бугунги қун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослади.
Ягона давра	Бунда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томондан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларни асослаш, хулоса чиқаришдир.



МУНДАРИЖА

Бадиий сўз қудрати 3

Халқ оғзаки ижодидан

Равшан	6
«Равшан» достони ҳақида.....	28
Бадиий образ ҳақида.....	31

Ўзбек адабиёти тарихидан

Шеър санъати	34
Таххис	35
Муболага	35
Талмих	36
Иштиқоқ	36
Тазод	36
Ирсоли масал	37
Тажнис	37
Қофия	37
АТОЙИ	38
Фазаллар	39
АЛИШЕР НАВОИЙ	43
Сабъаи сайёр	47
Ташбех	82
ТУРДИ ФАРОГИЙ	84
Фазаллар	86
Мухаммас	88
ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ	90
Софиндим	91
Чистонлар	92
Чистон ҳақида	93
Шеърий вазн ҳақида	94

Янги ўзбек адабиётидан

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ	96
Йигла, Туркистон	97
Ўзбек хотин-қизларига	99
Маърифатчилик адабиёти	100
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ	104
Қўрқинч бир жасорат	106
Хайр энди, Раъно!.....	107
Қўрқинч бир жасорат	110
ЧЎЛПОН	115
Гўзал	117
Кўчим ҳақида	119
АБДУЛЛА ҚАҲХОР	121
Ўгри	122
Даҳшат	125

ҲАМИД ОЛИМЖОН	133
Холбуки тун	134
Фазал	135
Ҳамид Олимжон шеърлари ҳақида	136
МИРТЕМИР	138
Бу – мен туғилған тупроқ	139
Онагинам	140
УСМОН НОСИР	143
Юрак	144
Яна шеъримга	144
Усмон Носир шеърлари ҳақида	145
Бадиий адабиётнинг турлари	147
ЗУЛФИЯ	150
Сен қайдасан, юрагим	151
Боғлар қийғос гулда	152
Ойдинда	153
Тонг күйчиси	154
Лирика ҳақида	156
ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ	157
Ўзбеклар	158
РАУФ ПАРФИ	175
Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим	176
Она Туркистон	177
Чўлпон	178
Абдуллајон марсияси	180
Рауф Парфи шеърлари тўғрисида	181
ШАВКАТ РАҲМОН	183
Туркийлар	184
Тунги манзара	186
Тонг очар кўзларин	187
Ой синифи	187
Ҳамал	188
Табиат лирикаси	189
МУҲАММАД ЮСУФ	191
Мехр қолур	192
Сурат	194
Биз бахтли бўламиз	195

Жаҳон адабиётидан

УМАР ХАЙЁМ	197
Рубоийлар	198
Умар Хайём рубоийлари ҳақида	199
РАСУЛ ҲАМЗАТОВ	201
Она тилим	203
АБИШ КЕКИЛБОЕВ	204
Пойгатўриқ	205
Глоссарий	217



Учебное издание

**Наралиева Шахло Джамаловна
Турдикулов Бегмат Нарматович
Корганбаева Нюлюфар Абдиқаримовна
Алиакбарова Шахноза Бабажановна**

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Умумтаълим мактабларининг
7-синфи учун дарслик

(на узбекском языке)

Редактор *Ш. Шарафуддинова*
Художественный редактор *Н. Тазабеков*
Техн. редактор *З. Бошанова*
Дизайн и компьютерная верстка: *Д.К. Мансурова, Г. Утенова*

ИБ № 7341

Подписано к печати 10.07.2023 г. Формат 84×108¹/₁₆.
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.
Физ.печ. л. 14,0. Усл. печ. л. 23,52. Уч.кр. отт. 94,08.
Тираж 300 доп. экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-574-5



9 786012 005745

